

Маҳом АДАБИЁТИ

Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал



Жамоатчилик кенгаши:

Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуришд ДЎСТМУҲАММАД

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир:
Шуҳрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Отабек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.	3
МУҲАРРИР МИНБАРИ	
Маънавий ислохотларнинг узвийлиги.	8
НАВОИЙ САБОҚЛАРИ	
Алишер НАВОИЙ. Кўнглим ўртансун... <i>(Рус ва инглиз тилларига Л.Пеньковский ва Н.Қамбаров тарж.)</i>	11
НАСР	
И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. <i>(Рус тилидан М.Йўлдошев тарж.)</i>	16
ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ	
Ш.БЎТАЕВ. Орфей илтижоси халоскори. Эссе.	60
ЭПОС – ТАФАККУР ДУРДОНАСИ	
А.ПУМПУР. Лачплесис – лагиш халқ қаҳрамони. Эпос. <i>(Рус тилидан М.Қўшмоқов, К.Жўраев тарж.)</i>	70
НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ	
И.АНДРИЧ. Ойимтилла. Роман. <i>(Рус тилидан Л.Шоимова тарж.)</i>	84
ДРАМА	
М.БУЛГАКОВ. Иван Васильевич. Комедия. <i>(Рус тилидан Н.Аббосхон тарж.)</i>	118
ГЛОБУС	
СЕРБИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	
Сербия адабиёти ва санъати манзаралари.	150
Сербия шеърляти.	164
АДАБИЙ САЁҲАТ	
О.ОТАХОН. Ҳақиқатнинг оғир тошлари.	178
М.КАПОР. Монтенегронинг яшил мовути. Қисса. <i>(Рус тилидан О.Отахон тарж.)</i>	179
ТИЛ. ТАРИХ. ИЖТИМОЙ ҲАЁТ	
И.ҒАФУРОВ. Янги университет – истикбол уфқлари.	132
Б.ИСАБЕК. Буюк қомусий олим.	135
ЭССЕ	
С.МИРҚОСИМОВ. Ваганнинг оташин куйчиси.	140
И.ҚЎШШАЕВА. Ботиндан кўчган бўрон.	143
Ш.РИЗО. Ибтидо ва интиҳо.	198
Муковамизда.	197
Тақвим.	204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.	206



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва истилочи кучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чанғалига тушиб қолган истибдод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бактрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек адабий тили, айниқса, XIV-XV асрларда – Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашариёт маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адиб ва алломалари-

мизнинг ижодида она тилимизнинг луғат бойлиги, бадиий имкони-ятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустамлака тузумининг тазйиқларига қарамасдан, ўз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равақ топишига бағишлаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улў маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг номларини эл-юртимиз доимо ҳурмат билан эслайди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизда муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори, 1993 йилда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун, 1995 йили “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституци-явий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожиди, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва комуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало,

она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масаллага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда – Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи Университет таркибига ўтказилиб, унинг негизида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айти шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университетнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган ада-

бий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

4. Университет фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловага мувофиқ таркибда республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев)га:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топширилсин.

Ушбу қарорда Университетнинг таркибий тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни вақтинча жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;

Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дастурлар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг ҳудудидаги майдон ва хиёбонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-қидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва

уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва 1-курсга қабул кўрсаткичлари бўйича таклифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда:

Университетнинг бош биноси олдидаги майдонда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин;

ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этсин.

7. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармонни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 май

И. КАРИМОВ

7

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ 2016/5



МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЗВИЙЛИГИ

(“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги Фармон муносабати билан ўйлар)

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш учун олиб борилган курашлар ўтган аср 80-йиллар иккинчи ярмиларида том маънода умумхалқ ҳаракатига айланган эди, десам бу жараёни ичдан кўрган, кузатган ва иштирокчи бўлган бугунги ўрта ёшли ҳамюртларимиз каминани қўллаб-қувватлашлари аниқ. Талабалар шаҳарчасидан бошланиб то ҳозирги Мустақиллик майдонига намоёиш билан кела – келгунча икки-уч юз чоғли халойиқ ўн-ўн беш мингли улкан оқимга айланиб борардики, шу издиҳом орасида бўлган ҳар бир инсоннинг туйғулари жўш уриб, бор вужуди Ватан ҳисси билан ёлқинланар эди. Чунки, очиғи, халқимиз биргина она тилимиз мисолида ҳақиқий таҳқир ва ҳатто айтиш мумкинки, маънавий қатағонга маҳкум этилганини юрак-юрагидан ҳис қилаётганди. Бир томонда “ғарча мойини товаришларга бериб, ўзи чандир чайнаётган” (Авлоний), “пахта иши”, “ўзбеклар иши” дея камситиб, жисмоний маҳв этилаётган ва яна шу теграда кўхна тарихи таҳқирланиб, она тили ерга урилаётган халқнинг машъум бир паллада бошқа чораси қолмаган ҳам эди. Ахир “бақани ҳам боссанг овоз чиқаради” деганларидек, миллион-миллионлаб ўзбекнинг сабр-косаси тўлиб, фарёди юзага чиқаётган эди. Биргина ўзбек тили ва адабиёти мисолида бу аламларнинг захми не қадар аччиқ бўлганини куйидаги икки-уч мисол яққол англатади.

Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларини ҳарбий қудрати билан босиб олиб, бу ўлкаларда энди абадий ҳукмронлик қилиб қолишни хаёл қилган Чор Россияси амалдорлари 1882 йилдаёқ Туркистонда ташкил этилган маориф ноzirлик идоралари орқали, унинг М.А.Муропиев фамилияли ўқитувчилар семинарияси муаллими бўлган ашаддий шовинист-миссионер гумашталари тили билан “... ғайрирус мусулмонларимиз маорифини ташкил қилишдаги биринчи ва бош принцип уларни руслаштириш бўлмоғи керак. Иккинчи бош принцип мусулмонларни ислом динидан четга тортиш, бунинг учун ислом асосларини бузиш, ақидаларини назарписанд қилмаслик керак. Мен қатъий ишонаманки, мусулмонлар маорифини ташкил этишда асос қилиб олинishi керак бўлган бу икки асосий қонун-қоида ватанимиз келажаги учун кагта фойда келтиради” (Манба: “Туркестанский сборник” том 361, стр 142. М.А.Муропиевнинг 1882 й. 30 августда Туркистон ўқитувчилар семинариясидаги маърузаси.), деб тургандаёқ она тилимизни қатағон этишининг кенг миқёсли кампанияси бошланган эди. Чор мустамлакачилигининг узвий давоми бўлган Шўролар даврида эса гўёки маданий тадбир, тадориклар шаклида яна миллий ғуруримизни топташ ўйинлари бошланди. Уч бора ёзув (араб, лотин, кирилл) ўзгартирилиб, халқни саводсиз қилиш чоралари

кўзланди. Бу билан кифояланмай, энди машхур номлар юзсизларча суистеъмол қилина бошланди.

1937 йили бутун собиқ иттифоқ бўйлаб буюк рус шоири А.С. Пушкин вафотининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Қарангки, шу муносабат билан Ўзбекистондаги Тил ва адабиёт институтига унинг номи берилди. Бирор мардум юрак ютиб айтолмадики, эй “катта оға”лар тўғри, Пушкин улуг шоир, унинг ҳайкаллари кўрам жойларга ўрнатиб, бор асарларини таржима қилиб турибмиз, аммо, ахир, бу ўзбек тили ва адабиёти тарихи, тараққиётини ўрганувчи асосий илмий марказ бўлса, ўзимизнинг Алишер Навоий каби не-не улугларимиз қолиб, нега рус шоири номи берилди? Бу ҳам ўтди. Орадан яна қирқ йиллардан сўнг пойтахтнинг ўзбек аҳолиси зичроқ жойлашган Кўкча мавзеларида Решетов номидаги Рус тили ва адабиёти институти ташкил этилди. Яна шунда ҳам сира андиша қилинмадики, нега ахир Ўзбекистоннинг бирор ҳудудида “Ўзбек тили ва адабиёти институти йўқ-ку, рус тили ва адабиёти олий ўқув юрти ташкил этилади? Юзсизлик, бепсандлик шунчалик ҳам бўладими?! Маънавий хўрлик, таҳқир, қатағоннинг бундан ортиқ кўриниши борми?!”, деб.

Шу кичик сўзимизда келтирилган мисоллар руҳий зарбаларнинг минглардан бири. Собиқ “марказ”даги “оға”лар сопини ўзидан чиқариб, маҳаллий манкурт гунаҳгарлари орқали яна не-не хўрликларга дучор этмади шўрлик халқимизни. Ўша ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмидаги халқ намоёнчилиги ана шу аламларнинг натижаси эди, аслида.

1989 йил октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериб, қабул этилган Қонун заҳматқаш халқимиз хоҳиш-иродасининг ҳали мустақил давлат бўлмаган, бинобарин, мустақил раҳбар – Президент этиб сайланмаган Республика раҳбари Ислам Каримовнинг маънавий, инсоний жасорати туфайли рўёбга чиққанининг намоёнчилиги эди. 1991 йили 31 августда Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган, Юртбошимиз мамлакатни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилар экан, иқтисод ва сиёсат билан тенг қаторда маънавият соҳасидаги буюк ислохотлар борасида сўз юритиб, унинг қатъий ва узлуксиз давом этмоғини қайта-қайта таъкидлади. Шунинг натижаси ўлароқ маънавият борасида йигирма беш йил мобайнида йил, ой, ҳафта ва ҳатто кун сайин шу қадар кўп ишлар қилиндики, булар “Маънавий юксалиш йўлида” номи билан катта китобларга жо бўлиб, салмоқли солномаларга муносиб воқеалар ўлароқ дарж этилди.

Мана ўша чорак аср, янада аниқроғи, йигирма етти йил аввал бошланган маънавий ислохотларнинг юқори босқичдаги изчил мантиқий давоми – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳақида Республика Президентининг Фармони эълон қилинди. Бу том маънода биз – соҳа кишилариининг байрами, тантанаси, орзулар рўёби. Очиғи, Фармон кириш қисмида баён этилган фикрларнинг ўзи кишини шошириб қўяди. Абдулла Авлоний бобомизнинг ёлқинли, ҳикматли фикрларидан бошлаб, тил ва адабиётимизнинг минглаб йиллар билан ўлчангувчи бутун тарихига экскурс қилинибди. Қатор буюк номлар – миллатимиз руҳий ҳаётининг тадрижини намоён этувчи ҳодисалар. Очиғи, мен учун, бир неча муддат шундай ҳужжатлар билан юзлашиб юрган одам учун бу Фармон фавқулодда ўзгача олий бир ҳужжат ўлароқ таъсир этди. Ҳар бир сўз-тушунча ортида не-не ҳақиқатлар борлигини қалбан ҳис этдим. Яна бир очиқ иқдорим шуки, анчадан бери адабий соҳа зиёлилари Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти, Республикамызда миқёс-нуфузига кўра ягона Адабиёт музейи ва умуман соҳага кадрлар тай-

ёрлаш, илмий ўрганиш масалаларидаги аҳволнинг мураккаб ҳолатга тушиб қолганидан ташвишда, хавотирда эди. Мумтоз адабиётимиз тарихи, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси борасидаги фундаментал ишланмалар, асосан, Шўро даврида, ўша мафкура ва талаблар ғоявий негизида яратилгани ҳеч биримизга сир эмас. Бироқ ана шу илмий йўналишларни Мустақиллик даври ва энг замонавий жаҳон адабиётшунослиги талаблари асосида қайта идрок этиб, тадқиқ қилиш амалга ошмади. Бу катта миқёсли ишларга ҳаттоки киришилмади ҳам. Тилшунослигимиз борасида ҳам, афсуски, бундан ортиқроқ фикр айтиш мушқил. Миллий адабиётимизнинг асосий тирғибот маркази бўлган Адабиёт музейининг аҳолинику айтмаса ҳам бўлади. Ўн йиллар давомида бирор жиддий ўзгаришсиз, пўпанак босган каби таассурот берувчи бу маскан ҳар томонлама қайта кўриб, ўрганиб, буткул янгиланмоғи зарур эди.

Фурсати етиб, Юртбошимиз бор муаммоларни комплекс ҳолда ҳал этганлари бизларни чиндан мамнун этди. Эндиликда Фармонда илгари сурилган барча вазифаларни енг шимариб, астойдил амалга оширмак учун Республикамиздаги барча филологик йўналишдаги кучлар бирлашиб саъй-ҳаракат қилмоқлари зарур.

Камина бевосита хизмат вазифамга кўра ҳам Фармонда кўзда тутилган барча масалалар учун ўзимни маънавий масъул ва сафарбар деб билман. Айниқса университет таркибида махсус факультет орқали малакали таржимонлар тайёрлаш вазифасининг кенг миқёсда илгари сурилгани ва бунинг учун зарур барча ташкилий ва амалий тузилма ҳамда ҳаракат йўналишларининг белгиланганидан зўр қониқиш пайдо бўлди. Дарҳақиқат, мингларча йиллар адабиётимиз ва адабий тилимиз тараққиётида не-не буюк бадий ва илмий асарлар яратилди. Аммо уларнинг неча фоизи ўзимиздан ўтиб, дунёга бўйлади? Қанчадан-қанча кўлёмалар турли фонд ва кутубхоналарда ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Дунё адабиётини-ку ўзбек тилига ўгириш бўйича бир қадар тажрибалар бор, албатта. Аммо ўзимизникини дунёга танитиш бўйича не даража ғайрат кўрсата олдик? Бу соҳа ҳали деярли кўриқ бўлиб турибди. Таржима соҳасида аслият масаласи, учинчи тил муаммолари кун тартибидаги оғриқли масалалардан бўлиб қолаётган эди. Янги университетнинг янги факультети бу борада дардларга дармон бўлади, албатта. Нафақат бу, биз жаҳонга бўйламоқни кўзладикми, жаҳон ҳам бизни бор бўйимизча кўрмоғи, танимоғи шарт.

Ёдимда ҳозирги ўзбек давлат драма театрида Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони асосида “Искандар” спектаклини саҳналаштириш жараёнлари жонланаяпти. Шу спектаклга бош ролга тажриба тариқасида жалб этилган машҳур француз актёри Франсуа Шато Навоий ҳазратлари каломи, фалсафаси, бадиияти билан ошно бўлиб, тақрор-батақрор “Шекспир...Шекспир” дея ўрнидан туриб кетган манзара кўз олдидан ўтади. Ҳеч шубҳасиз, бизнинг буюк адабиётимиз ва алломаларимиз билан кизикқан ҳар бир хорижлик агар у маҳорат билан амалга оширилган таржималар, бадий ва илмий маълумотлар билан астойдил танишса худди франциялик актёр ҳолига тушиши аниқ. Чунки биз Юртбошимиз қайта-қайта айтганидек “Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам!”.

Она тилимиз ва адабиётимиз равнақиға хизмат этувчи куллуғ Фармон барчамизга муборак бўлсин!

Шухрат РИЗАЕВ



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

КЎНГЛУМ ЎРТАНСУН...

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.*

*Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.*

*Ғайр зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.*

*Рашикдин жонимга ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.*

*Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмагай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масихо айласа.*

*Офият жонимга етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

*Келтурунг дафъи жунунумга парийхон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.*

*Субҳдек бир дамда гардун қўймагай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

*Даҳр шўҳига, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

“Ғаройиб ус-сигар”, 23-ғазал

ЛУҒАТ:

Ғайр – бегона, ўзга
 Навмид – ноумид
 Таманно – истак, хоҳиш, орзу
 Нукта – сўз
 Офият – тинчлик, хотиржамлик
 Муғ – мажусий, оташпараст; мажозан бу ўринда ориф инсон
 Харобот – вайрона, мажозан бу ўринда пири комил маскани
 Парийхон – дуохон, азайимхон, сеҳр-жоду қилувчи
 Ансаб – муносиб
 Узор – юз, чехра
 Ифшо – фош қилинган, ошкор қилинган
 Сайд – ов
 Мутарро – тозаланган, паришон
 Аҳли сидқ – валийлар
 Даҳр шўҳи – дунё гўзали

Ғазалнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Агар Сендан бегонага эътибор қилсам ва бошқа кўнгил ҳам Сенинг шавқингни уйғотса, менинг кўнглим ўртансин, куйсин.

2. Агар бошқа ёрларнинг васлини орзу қилсам, ноумид қолиб кетай, агар бошқа киши ҳам Сенинг васлингни истаса, у ҳам ноумид бўлсин.

3. Ўзгаларнинг хуснини томоша қилсам, кўзим чиқсин. Агар бошқа бир кўз ҳам Сенинг хуснингни томоша қилса, у ҳам кўр бўлсин.

4. Агар бошқа бировнинг номини айтадиган бўлсам, тилим соқов бўлсин. Мабодо, бошқа бир тил ҳамки, Сенинг исмингни зикр қилса, у ҳам шундай бўлсин.

5. Боғда ногаҳон ул сарви раъно хиром қилса, унга термилган ҳар бир нарғисдан рашк қиламан, нарғис кўзи шуъла каби жонимни куйдиради.

6. Агар қуёш ўзининг ҳар бир заррасидан тирилтиргувчи бир Масих пайдо қилса ҳам, йўқ оғиздан чиройли сўзловчи маҳвашимдек бўлолмайди.

7. Агар у оташпараст руҳоний бир қадах билан мени вайрона ичра расво қилса, жоним ором топган бўлар эди.

8. Жунунимни дафъ этгали табиб эмас, азайимхон келтиринг, чунки кимни пари ўзига шайдо қилса, уни даволагани, албатта, парийхон керак.

9. Агар сидқ аҳли – авлиё инсонларнинг қалби ногаҳон Унинг меҳрини фош этса, фалак худди тонг ёғдусидек бир дам ҳам тўхтамай, ўз нуруни сочаверади.

10. Кун юзига тун ўз зулфини паришон қилиб ёйса ҳам, эй Навоий, дунё гўзалига асир бўлма!

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ушбу ғазалини устоз олим Нажмиддин Комилов “Рашкнома” деб атаган эди. Чунки ғазалда ошиқнинг қалбини куйдирган рашк алангаси яққол сезилиб турибди.

Ғазалда мажозий йўл билан Ҳаққа бўлган муҳаббат акс этган. Бир қарашда бу китобхонга сезилмайди. Бироқ қайта-қайта мутолаа қилиш давомида бу ҳолатни ҳис қилиш мумкин. Дастлабки байтлар инсоний муҳаббат изҳорлари сифатида янграйди: “Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа...” Кейинги мисра ҳам буни тўлдиради ва ошиқнинг муҳаббати мақомини, садоқатини янада аниқроқ кўрсатади: “Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавкингни пайдо айласа”.

Ғазалнинг марказида уч қахрамон ҳаракатланишига гувоҳ бўламиз. Бу қахрамонларнинг ҳолати, вазияти ва мақоми ҳақида бемалол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Биринчи қахрамон – ошиқдир. У чин маънода ошиқ. Севгилиси ҳажрида куйиб-ёнаётган мажнун. У ўз ҳолатини баён этади. У маъшуқасига қарата шарҳи ҳол қилади. Ўз-ўзидан ғазалда иккинчи қахрамон – маъшуқа кўзга ташланади. У гарчи бирор сўз айтмаса ҳам, ошкора мулоқотга киришмаса ҳам, ошиқнинг изҳорлари орқали унинг кайфияти, таманноси англашилади. Маъшуқа шубҳасиз гўзалликда тенгсиз, мисли паридир.

Шу маънода ғазални шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм (дастлабки тўрт байт)да ошиқнинг ўз маъшуқасига қарата дил изҳори баён қилинади, яъни ошиқ ва маъшуқанинг мулоқоти бўлиб ўтади. Иккинчи қисм (бешинчи байт)дан бошлаб ошиқ учинчи бир киши билан суҳбатга чоғланади. Энди унинг хитоб қилувчиси ўзгаради: ғазалнинг бешинчи – тўққизинчи байтларида шоир ўз ҳолати ҳақида кўзга кўринмаётган бир мусоҳибага мурожаат қилиб, ўз ҳолатини тушунтиради:

*Рашиқдин жонимга ҳар нарғис кўзи бир шуъладур,
Бог аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.*

Еттинчи байтда лирик қахрамон ўз муддаоси пири комил ҳузури эканлигини муғ ва харобот тимсоллари орқали баён қилади.

Саккизинчи байтда шоир бевосита ўз суҳбатдошига ҳатто илтимос ҳам қилади:

*Келтурунг дафъи жунунумга парийхон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.*

Мақтаъда шоир ўзига ўзи мурожаат қилади, дунё гўзалига алданиб, унинг қўлига асир тушмаслик зарурлигини уқтиради. Бу ўринда шеърда шоирнинг ўзи ошиқ сифатида гавдаланар экан, унинг тутуми яққол намоён бўлади.

Ғазалнинг иккинчи қисмидаги байтларга асосланиб, юқоридаги уч тимсолни рамзий маънода талқин қилиш ҳам мумкин. Маълумки, мумтоз адабиётимизда, айнан Алишер Навоий ижодида маъшуқа кўп ҳолларда Ҳақнинг жамолини, ҳуснини ифодалаб келади. Шоирнинг қатор ғазалларида, айниқса, “Хамса” дostonларида оламнинг йўқлик зулматидан борлиқ гулшанига келиши Ҳусн куёшининг порлаши са-

бабидан бўлди дейилган. Шу маънода, ғазалдаги маъшуқа айнан Ҳақ жамолининг тажаллийси деб тасаввур қилиш мумкин. Ҳақ жамоли эса уни зикр қилган қалбларда жилва қилади. Шундан келиб чиқиб, дастлабки икки байтга кўра, кўнгил Ҳақдан бегонага парво қилса, ошиқ бу кўнгилнинг куйиб кетишини истади. Ёки бу кўнгил Ҳақ зикридан чалғиб, бошқа бир кўнгилга шайдо бўлса, шубҳасиз, ўртангани маъқул.

Оламда Ҳақнинг қудрати акс этар экан, буни кўрмайдиган ва ўзга бир кўзга ўз ҳолатини кўрсатиб қўйса, ошиқ кўзининг кўрмай қолгани яхши.

Ҳақ зикри пинҳон бўлиши керак. Уни одамларга билдириш ошиққа хос эмас. Аммо агар у ёки бошқа яна кимдир шундай қилса, тил гунг бўлсин.

Ул сарви раънонинг боғ аро хиром қилиши ошиқнинг рашкини кўзгатади. Чунки боғдаги нарғис гуллари унга термилган. Уларнинг кўзлари шуъла каби ошиқ қалбини ёндиради.

Байтдан байтга кўчаркан, туйғулар ва ҳол тасвири теранлашиб боради, ошиқнинг ҳажрда қолган қалбини, пири комилга бўлган эҳтиёжини ҳис қиламиз. Мақтаъдан олдинга байтда Алишер Навоий сидқ аҳли – валийлар кўнглидаги куёшни тилга олган. Уларнинг кўнглидаги куёш Ҳақнинг зикридир. Агар бу зикр фош бўлса, куёш порлагани сайин тонг не қадар зудлик билан ғойиб бўлса, бу оламга, ўткинчи дунёга бўлган муҳаббат ҳам шу қадар йўқ бўлади, ундан асар ҳам қолмайди.

Ғазал мақтаъсида таъкидланган даҳр шўхи – дунё гўзаллигидир. Унга алданиб қолмаслик керак. Гарчи у ўз чиройини намоиш қилса ҳам.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ушбу ғазалда мажозий муҳаббат тасвири воситасида Ҳаққа бўлган муҳаббат сувратлантирилган, солиқнинг қалбидаги жазба сўзга кўчиб ўтган.

Адибнинг туйғулари нозик ва теран бўлса, кўнгли нафис ва покиза ҳисларни ўзида акс эттирса, ана шундай гўзал ғазаллар ёзилади. Шубҳасиз, бу ғазал ҳам улуғ Алишер Навоий мушоҳадасининг яна бир бетакрор намоишидир.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Лев ПЕНЬКОВСКИЙ

*Да сгорит мое сердце, другой поклонясь, о царица, хоть раз!
Но и сердце, что страстью к тебе загорится хоть раз!*

*Да не знать мне надежды на встречу с какой-то другой не с тобой!
Но свиданьем с тобой да не смеет никто возгордиться хоть раз!*

*Восхитясь не твоей, а другой красотой, да лишусь я очей,
На ослепни и тот, кто твоей красотой восхитится хоть раз!*

*Онемей мой язык, на тебя, а другую хвалой помянув,
Но и каждый язык, восхвалявший тебя, чаровница, хоть раз!*

*И к цветам я ревную тебя. Если б так же обласкан я был
Шаловливой улыбкой твоей, как нарцисс бледнолицый, хоть раз!*

*Речь моей луноликой сверкает столь тонкой алмазной пыльцой,
Что мечтает и солнечный луч ей подобно искриться хоть раз!*

*Поспеши, нечестивец, отнять мою душу, налей мне вина –
Не оно ль наконец мне поможет с возлюбленной слиться хоть раз!*

Ғазалнинг англизча таглама таржимаси

Таржимон – Носиржон ҚАМБАРОВ

*If I pay attention to a stranger but not to you and the other soul makes you
attract, let my heart burn.*

*If I dream of other beloved, let me stay hopeless and if somebody else
wants to meet you, let him perish as well.*

*If I watch other's beauty, let my eyes go out. If some other eye watch your
beauty, let him go blind as well.*

*If I call somebody else's name, let my tongue go dumb. In case some other
tongue mentions your name let him be so as well.*

*If by chance that beauty dances I will be jealous of each narcissus as
narcissus's eyes burn my soul like light.*

*Even if the sun appears to create a reanimating thing from each ray it
will not be anyone who can speak with her beautiful mouth like my beloved.*

*If a fire monger religious person destroys me with a cup of wine, my soul
will be relaxed.*

*I don't need a physician to recover from madness, send for azaimkhan,
since whoever loves a peri to recover him perikhan is needed for sure.*

*If a saint's kindness is revealed by people by chance, the heaven will not
stop for a moment and will continue radiating its rays.*

*Oh, Navoi, even if the night covers its veil on the sun, don't be a captive
of the world beauty!*



Исай КАЛАШНИКОВ

(1931–1980)

ҚАТТОЛ АСР¹

Тарихий роман

*Рус тилидан
Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси*

Атоқли ёзувчи Исай Калистратович Калашников Бурятия Автоном Республикаси Мухоршибир туманининг Шаралдай қишлоғида, деҳқон оиласида туғилган. Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил олган. Ёзувчининг биринчи йирик иши – “Сўнги чекиниш” романи 1959 йили “Байкал узра нур” журналида чоп этилади. Шундан кейин ёзувчи одамзоднинг табиатга таъсири, унинг асил ҳолини ўзгартираётгани-ю уни қандай асраш ҳақидаги “Бутазор”, “Ботқоқлик оралаб” қиссаларини эълон қилади. 1969 йили унинг янги романи – “Калит – ўт” асари босмадан чиқади. Асосий мавзуси ўтган аср бошларидаги жамоалаштириш жараёни билан боғлиқ мазкур роман учун И.Калашников Бурятия Автоном Республикаси мукофотиغا сазовор бўлади.

“Қаттол аср” романи адибга катта шуҳрат келтирди. Ўн йилдан ортиқ умрини сарфлаган бу тарихий романининг ёзилиши учун муаллиф қанчадан-қанча манбаларни ўрганиб чиқиши, ундан аввал ёзилган шу мавзудаги бадиий адабиётларни ўқиши ва ўрганишига тўғри келди. Салкам минг йил аввалги мураккаб тарихий шароитнинг бадиий талқини ёзувчининг улкан маҳоратидан далолатдир.

Биринчи китоб

ҚУВҒИНДИЛАР

*Юлдузли тунги осмон
Агдариларди.
Мана, қандай жаҳонро
Қиргин борарди.
Бунда иссиқ ўрин йўқ,*

¹ Манба: Калашников И. Жестокий век. –Алматы: Мектеп, 1985.

Ўлжалардан тириклик.
 Худудсиз она-Ерни
 Тўлғоқ тутарди –
 Мана, қандай кўптиллик
 Қирғин борарди.

Мўғул солномаси
 “Ноёб битиклар”дан, 1240 йил

Биринчи қисм

1-боб

Икки хўкиз қўшилган усти ёпиқ арава сахрода секингина ўрмалаб борарди. Унинг ортидан эса эгарлоғлик от эргашиб келарди.

Саратон жазирамасида ёнаётган сахро узра қайноқ куёш осилиб қолгандай. Ҳароратнинг баландлигидан хўкизлар бошини ерга эгиб олган, уларнинг тер кўпчитган елкаларида чивинлар ғужғон ўйнар, арава ғилдираклари остида эса қуриб-қақшаган дерисун – чаловнинг шитирлаши эшитиларди.

Ўйлун араванинг орқа томонида ўтирарди. Унинг болаларча кулча юзидан тер томчилари оқиб тушиб, тўйга атаб тикилган шоҳи чопонининг этакларига томарди. Ўйлунининг катта-катта кўзларида на осмондаги якка булут, на чалов рўваклари акс этар, баданни куйдираётган ҳароратни ҳам сезмаётганди. Унинг хаёллари бу жойлардан жуда узокда – онаси, ака-укалари ва улар билан бирга болалик шўхликлари-ю ўйинқароқликлари қолиб кетган томонларда эди.

Уни кузатиш маросимига қабиладошлари – ўлхонутлар уруғ-аймоғи билан келди. Ашулалар айтилди, ҳазил-мутойиба авжида, сўз ўйинида беллашувлар қизигандан-қизиди. Ҳамма хурсанд эди. Ўйлун ҳам; унга азалдан ёқарди байрамлар. Аммо бу чинакамига унинг байрами – Ўйлун ва куёв шарафига кўшиқлар тўқилди, эсон-омонлик тилаб, дуолар ўқилди. Унинг авлоди кувноқлиги, кўшиқсеварлиги ва гўзал қизлари билан донғи кетганди. Бу ерларга кўшни давлат, баъзан Байқал томонлардан ва ҳатто Буюк девор орти – Хитой хони Олтинхон саройидан ҳам келин қидириб келишарди...

Сафарнинг биринчи кунини тез ўтди. У хайрлашув базмини эслаб, ўзича унинг шарафига тўқилган ашулаларни хиргойи қилиб, ора-чора куёвга зимдан кўз кирини ташлаб кўярди. У эри – Чиледуга кўнглида илиқлик тўйди. Баланд бўйли, чайир, очик юзли, истараси иссиқ бу йигитдан дилозорлик чиқмаслигини Ўйлун кўнглидан ўтказди.

Бугун ҳам Ўйлунига байрамнинг давоми. Аммо кечкурунга борибгина – улар тунаш учун тўхтаганларида ва Чиледу егулик тайёрлашни буюрганида у қадрдон овулини бир ё икки кунга эмас, умрбод тарк этганини тушуниб етди. Ўйлун кутилмаганда ич-ичидан соғинч хиссига ўхшаш оғриқ сезди, егулик тайёрлаш ҳам эсидан чиқди-ю, ерга ўтириб олиб, юзини қўллари билан беркитганча хўнграб йиғлаб юборди. Чиледу кўзларини хайрат билан бир-икки юмиб очди-да, унинг тепасига келиб энгашди. Кафти билан унинг бошини силаб кўйди-ю, ҳеч нарса демади. Келинчак кўз ёшларига ортиқча эрк бермай, мурсаги этаги билан юзларини артди-да, гулханга ўтин қалай кетди. Лекин юрагидаги дард аримади. Унинг беташвиш ҳаёти ортда қолганди. Энди унинг бошига



пишир-куйдир, бичиш-тикиш, эрининг отини эгарлаш, кўчиш чоғида аравани бошқариш юмушлари тушганди.

Чиледу қаллиғи кўнглига қарар, қисик кўзларида хайрихоҳ табассум ўйнаб турарди. Ўйлун унинг илиқ табассумидан, сўзсиз ҳамдардлигидан миннатдор эди. Араванинг орқасида, эрига орқа ўгириб ўтириб ҳам Чиледунинг нигоҳи ўзига қаратилганини юракдан сезиб турарди. У Ўйлуннинг тушқун кайфиятидан дилидагини тилига чиқаролмай, миқ этмай келарди.

– Ўйлун, – деб чақирди Чиледу.

У бошини салгина ўгирди.

– Қимиз ичасанми, Ўйлун?

Жазирама иссиқдан томоғи қақраб қолганини у шу тобдагина англади. ва бошини ирғади. Қизнинг онаси аравага жойлаб қўйган мешдан ёғоч косага қимиз куйиб берди. Илиқ, нордон қимиздан унинг бурунлари кичишиб кетди.

– Ўнўнга яқинлашиб қолдик, – деди Чиледу мешнинг оғзини қайта боғларкан. – Дарё бўйида хўкизларни ҳам, отни ҳам тўйғазамиз, кеч-гача ўзимиз ҳам дам оламиз. У ёғига кечаси юрамиз. Ҳам салқин, ҳам бежавотир.

Шу куни Чиледу садоғу камонини тиззасидан қўймади. Шундоққина ўнг қўли ёнида эса сопи буғунинг شوҳ суягидан ясалган қиличи ҳам шай турарди.

– Қандай хавфдан хайиқяпсан? – дея гап қотди Ўйлун.

– Бу ерларда нобоп қабила кўчманчилик қилади. Биз, меркитлар шу қабила билан доим ғижиллашиб келамиз. Яқинда улар бизнинг ҳокимимиз Тудур-билгини ўлдиришди, ўғли Тўхта-бекини оғир ярадор қилишди.

Чиледу хавотирли кўзларини чўлдан узмай гапирарди. Аммо атрофда ҳеч зоғ йўк, қовжираган ўт-ўланлар орасидаги юмронқозикларнинг калта-калта чийиллашигина эшитилиб қоларди.

Кўп ўтмай юмшоқ тупроқли пасттекисликка чиқишди. Олдинда иссиқ ҳаводан чайқалиб қатор бута толлар туради. Сув эпкинини сезган хўкизларнинг қадами тезлашди. Чиледу минган от бошини тик кўтариб, қулоқлари диккайди.

Чиледу кенг майсазордаги бутанинг соясида хўкизларни ечиб юбориб, отни тушовлади. Ўйлун қирғоққа чўкди. Дарё узра киши кўзини

Суратни Дилдора Ҳамидова чизган.

қамаштириб куёш жилваланар, ўт босган қирғоққа урилайтган сув ёқимли товушлар чиқарарди. Чиледу унинг ёнига келиб ўтирди-да, аста елкасига кўлини кўйди.

– Хафа бўлма, Ўйлун. Ҳаммаси изига тушиб кетади. Менинг ота-боболарим бадавлат ҳам, донгдор ҳам эмас, аммо мен ишнинг кўзини биламан, камондан нишонга бехато ураман. Селенга атрофида ҳар турли жонивор кўп. Сенинг нўёндек яшашингга кафил бўламан.

Ўйлун Ўнўн сувига тикилганча қулоқ соларди. Дарё тубида қум шундоққина кўриниб турибди. Чиледунинг далдаси уни тинчлантирди. У Селенга бўйидаги меркитлар овулида кечажак ҳаётини, ҳарчанд уринмасин, тасаввур этолмади. Унинг кўз ўнгида нуқул битта манзара – кўл бўйидаги ўтовлар, қуриб-қовжираган қамишзорлари шўрхоқ ернинг у ер-бу ерида бўзариб турган ёвшанлардан иборат олхонутлар уруғининг жонажон овули пайдо бўлаверди.

– Селенга ҳам худди шу Ўнўнга ўхшайдимми? – сўради у.

– Бундан анча катта. Камондан пайкон узиб, нариги қирғоққа етказиш анов-манов баҳодирнинг кўлидан келмайди.

Чиледу бута ва шох-шаббалардан териб келди-да, чакмоқтош билан олов ёқди. Ёқди-ю, дарҳол яна ўчириб, атрофга олазарак қараб кўйди.

– Қўрқаяпсанми? – сўради Ўйлун.

– Тутун чўлда узокдан ҳам кўринади, – қовоғини уйиб, хохламайгина жавоб қилди Чиледу.

Ўйлун куёвининг ориятини сезиб:

– Оловсиз ҳам бўлаверади, – деди.

Чиледу ўжарлик билан бош чайқади:

– Йўқ, олов ёкамиз, – деди-да, яна чакмоқтошини ишга солди.

Гулхан устига тоғон ўрнатиб, унга сув билан тўла сафар қозонини осди. У эпчиллик билан бир зумда ишни қойиллатиб бажарди. Ўйлун унинг ҳаракатини кузата туриб, яхши қайлиқ учраганидан севиниб кетди.

Чиледу чопонини эгнидан ечиб, майса устида яримянланғоч ўтирганча, Ўйлунни роҳатланиб кузатарди.

Ўтларни чимдиб-чимдиб еб юрган оти бирдан бошини кўтариб кишнаб юборди. Буталар орқасидан бошқа отнинг ҳам кишнаши эшитилди. Чиледу ўрнидан сапчиб туриб, аравага қараб чопди. Ўқ-ёйи ва қиличини чангаллаб, гулхан ёнига қайтди. Ўйлунни ўрнидан турғазиб аравага чиқариб, пардасини тортиб кўйди.

Ўйлун заррача қўрққани йўқ. У пардани хиёл суриб, ташқарига мўралади. Ўтлоққа оёқлари оппоқ, саман от минган чавандоз кириб келди. Унинг эгнидаги чопон дағал юнг матодан тикилган, яроғлари – эгри шамшири, кумуш садоклари, эгари ва юганлари эса ўйма мис парчалари билан ясатилган эди. Отликнинг яккам-дуккам сочи отининг ёлидай малла эканидан Ўйлуннинг кулгиси келди. Қулоқлари ортига тортилган кокиллари мисдай ялтирарди. У шу чоққача малласоч одамни кўрмаганди. Кўзлари ҳам бошқаларникига ўхшаб қора ё жигарранг эмас – кўкимтир-кулранг эди. Балки у умуман одам эмасдир? Унда ким бўлдийкан? Яхшилик руҳими ё ёмонлик?

Отлик хушёр назарини Чиледудан узмаган кўйи кескин овозда у билан саломлашди. Ҳар дақиқада камонини тортишга шай турган кўлларини қаттиқ қисиб олган Чиледу тушунарсиз жавоб қилди.

Чавандоз атрофни бир қур кузатиб чиқиб, булардан бошқа ҳеч зоғ йўқлигига амин бўлибми, масхараомуз сўради:

– Нега хурпайиб турибсан? Қаёқдан келиб қолдинг?
 – Узоқдан, – деб минғирлади Чиледу ва гулхан олдига чўкди.
 – Меркитмисан? – сўради чавандоз.
 – Ҳа.
 – Туришингдан маълум. Бошқа биров бўлганида меҳмонни дастурхонга таклиф қилиб, қимиз билан сийлаган бўларди. Саҳройиларнинг одати шунақа. Сиз такаббур меркитлар бу қадим одатларни менсимайсизларда, а?

– Қадимги одатимизча, меҳмон дегани бўлмағур саволлар билан шилқимлик қилганмиди, нима дейсан? Ўтир, қимиз куйиб берай.

Отлиқ кулиб юборди.

– Шундан бошламайсанми? Лекин сенинг қимизингни ичмайман, меркит. Бу ерларда, нутуғингдан¹ узоқларда нима қилиб юрибсан? Сени ким юборди бу ерга? Нима учун? – У энгашиб, арава пардасини шахд кўтариб, ичкарига қаради. – Ўҳ-ҳў!

Ўйлуниги нигоҳи унинг ҳайратли кўзларига тушди-ю нари ўтирди.

– Сенинг исминг нима, гўзал қиз?

– Ўйлу², – ётсираб жавоб қилди у.

– Сен қанақасига оқ булут экансан! – Ёйилиб куларкан, чавандознинг бир текис оппоқ тишлари ярақлаб кетди. – Сен оқ булут эмас, момақалди роқ чақирувчи қора булутсан-ку! Мени эса Есугей дейдилар. – У Чиледуга ўгирилди: – Агар бу қиз сенинг синглинг бўлса, меркит, осмон гувоҳ, сизларга куёв бўлишга тайёрман, – деди-да, қўлларини мардларча белига қўйди.

– У менинг қайлиғим.

– Қайлиғим?! – Чавандознинг юзидан табассуми секин ғойиб бўлиб, тош қотди. – Қай-ли-ғим... дегин. Хўп, майли, уйингга олиб кетавер. – Яна Ўйлунига қаради. – Агар эринг қачондир бизга қарши қурол кўтарса, сен тул қоласан, билиб қўй. Сен ҳам, куёв, менинг гапларимни эслаб қол!

У жиловни бир силтаб отини елдай учириб кетди. Орқасига ўгирилмади.

Пешонасидаги терларини артаркан, Чиледу унинг кетидан қараб қолди.

Наридан-бери тамадди қилиб олишди-да, ҳўкизларни аравага қўшишди. Чиледу ҳаловат билмай тинимсиз атрофга аланглар, “Лаънат бўлсин сенга, қизилбош шоқол!” деб тўнғиллаб қўярди. Ўнўннинг шарқироқ сувлари, тол-буталари ортда қолиб, кўздан йўқолгачгина унинг кўнгли бироз тинчиди.

– Сен бу одамни танийсанми? – сўради Ўйлу.

– Мен уларнинг қабиласини биламан. Бутун саҳродан бу тўйчиютларга ўхшаш урушқоқ ва жангари қабилани тополмайсан.

– Нега унинг соч-кўзлари қорамас? Уларнинг ҳаммаси шунақами?

– Ҳаммаси эмас. Шундайлари ҳам бор. Улар ўзларининг қизғиш сочлари-ю кулранг кўзларини илоҳийлик белгиси деб билишади. Сен унинг муомаласини кўрдингми? Тўйчиютлар фақат бизнинг қабилани қон-қақшатгани йўқ. Бу қизилбошлар дунёдаги бошқа ҳамма одамларни ўзларидан паст кўришади. Ахир, уларни Осмоннинг ўзи яратган-да! – киноя билан деди Чиледу.

¹ Нутуғ – кўчманчи мўғулларнинг ерлари.

² Уйлу – оқ булут дегани.

Чиледу бутун аламини хўкизлардан олди. Гаврони билан ҳар икковини савалаб ташлади. Буқаларнинг сағрисида узун-узун гаврон излари бўртиб чиқди.

– Қанақасига Осмоннинг ўзи яратади? – Ўйлуи мулойимлик билан сўради.

– Кексалардан эшитгандим. Анча йиллар аввал Баргужин-Токума деган ҳукмдорнинг Баргужин-Гоа исмли гўзал қизи бўлган экан. Хори-тумат уруғидан бўлган Хорилтой-мерган унга уйланибди. Улар қиз кўрибди, Алан-Гоа деб қўйишибди исмини. Хорилтой хотини ва қизи билан бу ерларга кўчиб келибди. Алан-Гоа бўйи етиб, Дўбунмерганга турмушга чиқади. Тез орада Дўбунмерган икки ўғли билан хотинини ташлаб, ёруғ дунёни тарк этади. Мана шундан кейин турли мўъжизалар бошланади. Эри йўқ Алан-Гоа битта, иккита, учта ўғил кўради. “Бу қанақаси?” деб сўрашади ундан. “Ҳар кеч кош қорайиб, осмонда юлдузлар кўриниши билан ўтовимнинг мўрисидаи ёғду нури кириб келади-да, кўз ўнгимда малласоч йигитга айланади. Булар ўшанинг болалари”, деб тушунтиради Алан-Гоа. Эскилар бошқача шохидлик беришади. Мўридан ёғду тушмаган, тунлари ўтов эшигидан ўз оёғи билан кириб келадиган, насл-насабининг тайини бўлмаган қора ишчи Маалих экан.

Чиледу бепоён саҳронинг бўзариб ётган кенгликларини диққат билан жим кузатарди.

2-боб

Есугей узоқда кўкариб турган тепалик томон парранда овлаш учун кетди. Лекин унинг хаёлини ов эмас, тасодифий учрашув банд этганди. Ўша меркит ғирт тентакнинг ўзи экан-ку! Худди ўз нутуғида юргандай талтайиб ётиб олганини-чи! Отини ҳам, хўкизлари-ю қайлиғини ҳам тортиб олиб, ўзини молбоқар қилиб эзиб ишлатиш керак эди. Мана шунда одилона иш бўларди. Душман ҳамиша душманлигича қолади. Нега уни беэён-бешикаст қўйиб юборди? Балки бу меркит айнан шунақа содда ва бўшанг бўлгани учундир? Йўқ, шунинг учунгина бўлмаса керак. Бунақанги қорачалар ҳеч қачон унинг раҳмини келтирмаган. На калласи бор, на юраги. Ўша меркитнинг ўрнида бўлганида, Есугей, ким бўлишидан қатъи назар, аравага мўралашга йўл қўйиб қўярмиди? Бу гўлга насиб қилган қайлиқни қара! Хотирасига ўқдай қадалиб қолди: арава ичидаги гўзалнинг қоронғиликда ғазабдан чакнаб турган кўзлари, қалин қошлари узра худди майса устидаги шабнамдай товланиб турган реза-реза тер томчилари... Ҳарқалай, худди мана шу қизни деб ҳам меркитга тегмадим. Лекин тўғри қилдимми? Унинг донишманд устози кекса Ўмбахайхон буни билса, нима дерди? Олдиндан ҳеч нарсани билиб бўлмас экан-да. Яқин орада меркитлар билан бўлиб ўтган тўқнашувда душманлар бошлиғининг ўғли Тўхта-бекига рўпара келиб қолди. Найза ва қиличини усталик билан ишга солиб, унга жароҳат етказди. У эса қонига беланиб қочиб қолди. Есугей орқасидан етай-етай деганда, отининг оёғи юмронқозиқ инига кириб, қоқилиб кетди. Алам ва ғазабдан тулпорини чопиб ташлашига оз қолди. Жангдан сўнг у хоннинг кўзига кўринмасдан юрди. Лекин Ўмбахайнинг ўзи уни чақиртирди.

– Қарасам, жуда хафа кўринасан. Аммо бунга асос йўқ. Тўхта-беки отасининг ўрнини эгаллаши керак. Душманнинг калтакланган қабила бошлиғи калтак емаганидан яхшироқ. Биз билан ўйлаб иш тутади, – деди.

Есугейнинг бобоси – машхур Хубилайхоннинг дўсти ва унинг ишларини давом эттирувчиси бўлган Ўмбахайхон ҳаёт ишларига уруғнинг бошқа нўёнларидан ўзгача назар билан қарарди. Меркитлар урушидан сўнг бир кун ўтказмай, уни ўзларининг азалий душманлари – татарлар устига бостириб боришга даъват қилдилар. Есугей ҳам бу таклифни ёқлади. Меркитларнинг қадди бошлиқларининг ўлими ва мағлубиятнинг оғир юкидан эгилиб қолган, куч тўплагунларича татарлар устига бостириб кириб, ғалабага эришиш мумкин.

Ўмбахайхон сийрак ва оппоқ мўйловини силаб, ҳеч кимнинг гапини бўлмади, жимгина эшитарди. Овоз тингач, хон хўрсиниб қўйди.

– Душманни кучли енгади, ақлли эса ғалаба нашидасини ҳам тарозида тортиб кўради. Ҳозир татарлар устига бостириб бориш ақлданмикан? Улар меркитларнинг енгилганини биладилар. Улар ҳам худди сиздай фикр қилиб, бизнинг юришимизга тайёр бўлиб турибдилар. Бу уруш охири нима билан тугаши фақат Осмонгагина маълум. Борди-ю биз яна ғалаба қозонганимизда ҳам бу бизга нима беради? Бизнинг қудратимиз ортиши Олтинхонни ташвишга солади. Буни хоҳламаган хон бизнинг устимизга юради. Ёлғиз ўзимиз унга қарши тура олмаймиз. Демак, татарлар билан уришиш эмас, аксинча, улар билан сулҳ тузиш керак. Мен ўзим, қўшинсиз татарлар ҳузурига бориб, эски душманлик оловини ўчириб келишга ҳаракат қиламан.

– Улар сени ўлдиришади! – деди Есугей.

– Балки ўлдиришар, – деди хон синиқ овозда. – Лекин тинчлик учун бизда бошқа қулай имконият бўлармикан?

Шу маслаҳат билан Ўмбахайхон бир нечта навқари билан татарлар макон қилган Бўйирнур кўли тарафларга жўнаб кетганди. Лекин аллақачон қайтиши керак бўлган хоннинг ўзидан ҳам, навқарларидан ҳам дарак йўқ.

Есугейнинг оти йўл-йўлакай учраган ўтларни чимдиб, секин қадам ташларди. Чошгоҳ бўлганига қарамай, ҳарорат пасайгани йўқ, сахро кимсасиз. Есугей овга отланганини ҳам унутаёзди. Ўй занжирига бир-бир кўшилаётган турли фикрлар янги-янги ҳалқалар ҳосил қилар, лекин унинг хаёли охир бориб, тушуниб бўлмас хавотир билан “оқ булут қиз”га туташиб кетаверарди. Ўнўн қирғоқлари бўйлаб ўсган буталардан қанча узоқлашмасин, бу хавотир фақат кучайиб борарди. У энди ўша қорача меркитга ҳасади келаётганини сезмоқда эди.

Есугейнинг хотин олиш пайти аллақачон келган. Акаларининг ҳам, укаларининг ҳам хотинлари бор. Унинг бу борада омади келмади. Отаси уни Хитой деворига яқин ерлардаги бир қабила қизи билан унаштириб қўйганди. Келинни уйга олиб келамиз деб туришганида эса, ўша қабила устига татарлар бостириб келиб, кўпларни қириб ташлади, кўпларини эса асир қилиб олиб кетди, уларнинг орасида Есугейнинг қайлиғи ҳам бор эди. Бу воқеадан кўп ўтмай, қўрқмас Бўртўн баходир ҳам оламдан ўтди. Бу орада янги урушлар бошланди. Унинг ўтовни хануз бўм-бўшлигининг, ов билан овунишининг боиси мана шунда. Есугейнинг ўтовини ҳам анави меркитнинг қайлиғидай бир гўзал гуриллатиб ўтирса эди...

У шу хаёллар билан жиловни бир силтаб, кескин ортга бурилди-да, уйи томон от қўйди.

Уларнинг ўтовлари Ўнўн дарёси бўйидаги яйдоқ тепаликларда сочилиб ётибди. От уюрлари иссиқдан жон сақлаш учун дарёга тушиб

олган, қирғоқда эса қўй-қўзилар кавшанади. Қарағайларнинг олачипор соясида чўпонлар хуррак отар, уларнинг ёнида эса тилини осилтириб, оғир-оғир нафас олганча ит ётарди.

Есугей акаси Некун-тўйжи ўтов и олдида отдан тушди. Эшик пардасини шахд билан очиб, ичкари кирди. Ўтов ичи қоронғи ва салқин эди. Ўчоқ яқинида акаси Некун-тўйжи ва укаси Дўритой-ўтчигин чордана куриб ўтирарди. Есугейнинг юзидаги хавотир ифодасини кўриб, иккови ҳам жим қолишди. Есугей ўзини қўлга олиб, уларнинг ёнига чўкди-да, қимиздан симирди. Одатга кўра, хурматини билган одам шошқалок ҳаққа қилиғини қилмаслиги керак. У ўтов эгаси ва акасидадан ҳол сўради:

– Ишларинг яхшими?

– Абадий Осмон менга мадакор бўлиб турибди, – деди Некун-тўйжи ҳам дона-дона қилиб. Бирдан унинг дум-думалоқ, қизғиш башараси бахтиёр табассумдан очилиб кетди. – Есугей, мен ўғил кўрдим. Унинг отини Хучар қўяман. Яхши исм-а?

Некун-тўйжи шодликдан терисига сиғмасди. Оға-иниларнинг энг кичиги, аёллардай нозик қўлли, калтабақай Дўритой-ўтчигин эса, кўзларини худди кулганга ўхшаб қисиб турарди. Бир қарашда у ростданам хурсанд, кулаётганга ўхшарди. Аммо Есугей унинг кулгиси ясама эканлигини сезарди. Пакана ва нимжонлиги Дўритой-ўтчигиннинг феълига ям таъсир ўтказгандай. У ҳеч қачон жигарларининг шодлигидан самимий қувонмас, айёр кўзларини ҳаминиша мана шунақа сохта қисиб турарди.

– Мен билан овга бормайсизларми? – сўради Есугей.

– Шу тобдами? – Некун-тўйжи ўтов мўрисидадан ёп-ёруғ осмонга қараб қўйди. – Жуда иссиқ-ку.

– Нима овлаймиз? – Дўритой-ўтчигин Есугейнинг юзига тикилиб туриб, акаси охиригача айтмаётган гапини тушуниб олишга ҳаракат қиларди.

– Ёввойи така.

– Ўзимиз бораверамизми? – Есугейнинг режасини ҳамон тушуна олмаётган Дўритой-ўтчигин қайта савол берди.

– Учаламиз кетаверамиз. Бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ. Лекин шарти – така меники бўлади.

– Бизга-чи? – яна суқилди Ўтчигин.

– Биттадан ҳўкиз.

– Э-ҳа, – чўзиб деди Ўтчигин, акаси қанақа ов ҳақида гапираётганини эндигина тушуниб етгандай. – Хавфлимасми? Балки катта акамиз Мунғету-қиён билан гаплашиб кўрармиз?

– Ҳўкиз уч кишига етмайди, – кулди Есугей ўрнидан туриб. – Тез отланинглар. Агар бормасанглар, бир ўзим кетаман.

3-боб

Кун қайтди. Ҳаво бироз салқинлаган бўлса ҳам, қизиб ётган ердан ҳовур кўтарилиб турарди. Кундузи бошни айлантирган ўтларнинг ачимсиқ хиди сал бўшашди. Туёқлари тош қотган ерга овозсиз урилаётган, холдан тойган ҳўкизлар аравани аранг тортиб борарди. Ўйлуннинг томоғи қақраб кетди. Шу чоғнинг ўзида бир култумгина бўлса ҳам муздеккина булоқ сувидан ичишни илоҳий бир неъматдай хаёл қилди. Сувга етишларига бир баҳя қолгандай туюлаверар, аммо олдинда хали

тап-тақир сахро ястаниб ётарди. Ўйлун осмон билан ер туташган олис уфкка зўр бериб тикилар экан, кўзлари бута толлар, қамишлар ё бўлмаса кўлу дарёлардан хабарчи қиёқларни қидираверарди. Аста-секин қош қорайиб, ер билан осмон тобора бир хил – бўз рангга айланиб бормоқда эди. Ўйлуннинг ўткир кўзлари олдинда қорайиб турган бир нарсани кўриб қолди. Эҳтимол, бута толдир.

– Чиледу, қара!

Чиледу аравани тўхтатди. Гилдираклар остида шитирлаётган ўтлар овози тиниб, чивинларнинг ғувиллаши эшитилар даражада жимлик чўкканда, от туёқларининг дупур-дупури аниқ эшитилди. Кимдир уларнинг йўлини тўсиб от қўйиб ўтди. Ўйлун ён тараф ва орқа томондан ҳам от туёқлари товушини эшитди.

– Бу нима?! – У Чиледуга ёпишиб олди.

Йигит шошиб Ўйлунни четга сурди-да, аравадан сакраб тушди. Камоннинг чийиллаши-ю ўқнинг хуштак чалиб зулматга қараб учгани эшитилди.

– Ўв, меркит, бас қил!

Бу огоҳлантириш овози эгасини Ўйлун дарҳол таниди. Есугей машак қайтган эди. Шу ондаёқ унинг хавотири ғойиб бўлди. Нимагадир Есугей уларга ёмонлик қилмайдигандай кўринди унга. Аммо шу ондаёқ бу умиди пучга чиқди.

– Яхшилаб эшит, меркит! Бизга қарши чиқишининг фойдаси йўқ. Биз кўпчиликмиз. Қочишининг ҳам иложи йўқ, чунки бизнинг тулпорларимиз учкурроқ. Борди-ю яна камонингдан ўқ отгудек бўлсанг, эртагаёқ жасадинг кашқирларга ем бўлади.

Қоронғилик шу қадар қуюқлашдики, Ўйлун атрофда гир айланаётган уч отлик шарпасини аранг илғарди.

– Ҳали кўрамиз, кашқирлар кимни биринчи бўлиб ейишини! – ғазаб билан бақирди Чиледу.

Есугей кулди.

– Сенинг калланг, меркит, худди ағдарилиб ётган қозонга ўхшаб бўм-бўш экан.

Шундоққина Чиледунинг оёқлари ёнига учиб келган ўқ қизғиш учқун чиқариб ерга санчилди-да, яна бир муддат ари ғувиллашига ўхшаш овозда титраб турди.

– Хўш? – кулди Есугей. – Кўз очиб-юмгунингча шунақа ўқларнинг учтаси томоғингни тешиб чиқади. Энди бу ёғини эшит. Бизга сенинг арзимас хаётинг керак эмас. Отингни мину, жўнаб қол. Арава билан қиз қолади.

Ўйлун тушундики, ҳаммаси мана шу маллавоё Есугей айтганидай бўлади. Бу одамлар уларни тинч қуймайди. Чиледунни ўлдиришади. Одамнинг ишонгиси келмайдиган бу воқеалар худди боши-кети йўқ тушга ўхшарди. Хўкизлар хорғин хўрсиниш аралаш қуришқоқ ўтларни чимдир, от эса тумшуғини арава четига ишқарди. Ўйлуннинг қичқиргиси, шундай қичқиргиси келдики, токи унинг овози бутун сахро бўйлаб учиб бориб, барча жангчилару чўпонларни оёққа турғазсин. Лекин у қичқирмади. Аравадан тушди-да қайлиғини қучди.

– Кета қол. Кета қол, азизим Чиледу!

– Қаёққа кетаман? – деди у хўмрайиб. – Елкадан ўқ егандан кўра, кўкрагингдан ўқ еб ўлган афзал.

– Сен яшашинг керак, – деди Ўйлун вазминлик билан. – Сени ўлдиришларига йўл қўймайман.

Уни қандайдир бир паришонлик чулғаб олганди. У тезгина аравага

боғланган от жиловини ечиб, Чиледуга тутқазди. Қайлиғининг белбоғида осилиб турган пичокни суғуриб олди-да, Есугей тарафга қараб кетди. Бу ҳаракатларини у ўйламаган ҳолда, жуда тез бажарди. Лекин гўё бу ҳаракатлари олдиндан пишитиб, режалаштириб қўйилгандай эди.

– Ҳой, сен, малла шоқол! Чиледу кетади. У ўлишдан кўрқмайди. Фақат мен унинг ўлишини истамайман. Эшитаяпсанми, маллабош қароқчи? Агар сен Чиледунни ўлдирсанг, мен сенинг кўз олдингда ўзимни ўзим чавақлаб ташлайман!.. Алвидо! – У орқасига қаради. – Алвидо, Чиледу!

Есугей уни узун найзасига суянганича кутиб турарди. Бошидаги темир дубулғаси хира ялтирарди.

– Мен сени гўзал қиз десам, юраги ботир жангчи экансан-ку, а?

Ўйлун унинг зулмат қоронғилигидаги юзини кўрмас, лекин истехзоли овозидан мазах қилаётганини сезиб турарди. Ўйлун бу жирканч овоз эгасидан икки қадам берида тўхтаб, орқа томондан эшитилаётган овозларга кулоқ тутди. Чиледу тезроқ кета қолсайди. Акс ҳолда у ўзидаги бу кучли зўриқишни ортиқ кўтара олмаслигидан хавотирда эди.

Есугей найзасини кўтарганини Ўйлун сезмай қолди. Туйкус унинг тигсиз тарафи билан қизнинг қўлига туртиб, пичоғини уриб туширди. Кучли қўллари билан бўйнидан маҳкам сиқиб, қаттиқ қафтлари билан оғзини ёпди. Унинг чаққон ҳаракатларидан Ўйлун қаршилик қилишга улгурмади ҳам.

Шахд кўтариб қизни эгарига ўнгарди-да, отини сахрога қараб учириб кетди. Шундагина қиз ўзига келди. У Есугейнинг қўлларида типирчилар, тирноқлари билан тимдалар, тишлар эди. Есугей сўкинганча қизнинг қўлларини орқасига қилиб қайиш билан боғлаб ташлади. Ўйлуннинг боши отнинг терчиган қорнигача осилиб тушган, сочлари эса чўл ўтларига илашиб борарди. Ожизлик ва чорасизликдан хушини йўқотар экан, Ўйлун бир олий иноят сифатида осмон ва мадаккор руҳлардан ўзига ўлим тиларди.

У ўринда ётган ҳолида хушига келди. Ўтовнинг очиқ эшигидан нур ёғилиб, енгил тонг хавоси кириб турарди. Остонаданок ям-яшил майсалар устида шудринглар турли рангларда товланарди. Одамларнинг ғала-ғовури, улоқчанинг мунгли маъраши, арава ғилдиракларининг ғичирлаган овозлари кулоққа чалинарди. Қочишни хаёлига ҳам келтирмасди: эшик олдида кўриқчилар саф тизиб тургандир.

Ўйлун туриб ўтирди, ўтов ичига кўз югуртирди. Кираверишда энсизгина хонтахта бўлиб, унинг устида чармдан ясалган ёғ босган ўнгўнлар – маъбудлар териб қўйилган эди. Бу доғлар улар шарафига қилинган қурбонликлардан белги. Иккинчи хонтахта ўчоқ ёнида бўлиб, унинг устида катта сопол товоқ ва бошқа идишлар. Оёқлари нақшиндор, ялтироқ қора қопқокли, жуда ҳам кичик учинчи хонтахта чизикли безаклар билан ишланган қордек оппоқ намаг устида турар эди. Ўйлуннинг ўрни ўтовнинг шарқий тарафига тўшалган, рўпарада, ўчоқнинг у тарафида ҳам бир ўрин солинганди. Чиқаверишга яқинроқда эса кийимлар, дағал мол терисидан ишланган совут ва уринган эски садоқ осиеғлик эди. Ҳаммаси оддий, унга болалигидан таниш манзара. Аммо силлиқ қопқоғига худди кўзгуга қарагандай тикилиш мумкин бўлган мана бу тим қора хонтахтани у биринчи бор кўриши эди. Қаердалигини тусмолларди. Бу ёғи нима бўларкан? Эсига Чиледуси тушиб қолиб, унсиз йиғлаб юборди. Балки аллақачон ўлдириб юборишгандир. Уни қутқариб қолай деди-ю, лекин уйда қилолмади. Энди ўзи ҳам ўлиши керак.

Эгнига эски чопон ташлаган ёш хизматкор қиз товуш чиқармай кириб келди-да, кичик хонтахта устига ёғоч косада куритилган пишлок қўйди. Бошқа бир косага сут қуйди. Ўйлун ҳиқ-ҳиқлаб ҳеч нарса керакмаслигига ишора қилди.

– Фужин¹ кам йиғлаши ва кўп ейиши керак, – деди чала-чулпа тилда гапириб хизматкор. Кейин ғамгин хўрсиниб, Ўйлуннинг ёнига чўкди. – Кўз ёшларинг юзингни хунук қилиб қўяди.

– Менга энди барибир.

– Э... ундай гапирма! – Бошини сараклатди хизматкор қиз. – Фужин ёш, чиройли... яхши яшаши керак.

У Ўйлуннинг бошини меҳрибонлик билан силади, тунда сочларига илашган қуруқ тиканларни секин-аста териб ташлай бошлади.

– Сен қаердансан? Исминг нима? – Ўйлун йиғидан тўхтади. Балки менга ёрдами тегар, деган умид пайдо бўлганди унинг кўнглида.

– Мен Хитойданман. Исминг сизнинг тилингизда Хоахчин. Хитой-часига Хуа Чен. Яқинда мен ҳам сенга ўхшаб ўзимни ўзим ўртаб, дод солиб ўтирган эдим. Энди йиғламайман. Кўникиб кетдим. Менга ким қўйибди, сизлар айтгандай, оддийгина қорача бўлсам. Юртимда ҳам хизматкор эдим, бу ерда ҳам шу. Бу ер ҳатто авло. У ёқда хўжайиним кутурган итнинг ўзгинаси эди. Ғаров таёқ билан елкамга урарди. Суяк-суягим қақшаб кетарди, – у қўли билан елкаларини силаркан, юзини буриштириб қўйди. Сўнг яна мийиғида кулиб қўйди.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг?

– Хўжайинимнинг ҳам хўжайини бор эди. Жуда катта одам. Уни буюк ва нурафшон хуандининг² ўзи бу ерларга элчи қилиб жўнатди. У ўзи билан менинг хўжайинимни олиб келди. Хўжайиним эса мени ва укам Хони ҳам ташлаб кетмади. Катта хўжайинни ҳам, менинг хўжайинимни ҳам бу ердагилар сўйиб ташлашди. – Хоахчин бир сесканиб, бошини елкалари ичига тортди.

Ўтов ташқарисидан илдам юриб келаётган енгил қадам овози эшитилди. Хоахчин шошиб ўрnidан турди-да, таъзим қилиб, эшик ортида ғойиб бўлди. Айни шу он ўтовга Есугей кириб келди. Камарига осиб олган жезли ингичка пичоғини демаса, Есугей қуролсиз эди. У рўпарадаги хонтахта ёнига келиб ўтирди, Ўйлунга хотиржам, паришон тикилди-да:

– Кечаги иш учун хафа бўлма, Ўйлун, – деб узр сўраган бўлди.

Ўйлуннинг томоғи қақраб, базўр овоз чиқариб сўради:

– Чиледу қани?

Есугейнинг кулранг кўзлари совуқ чарақлади-да, ковоғини солиб олди.

– Уни ўлдирдингларми? – пичирлади Ўйлун. Унинг нигоҳи Есугейнинг белида осилиб турган пичокка тушди. Эпчиллик қилса, пичокни олса бўларди.

– Ўлдирганимиз йўқ, – алам билан жавоб берди Есугей. – Сен унинг ўлишини истамовдинг – у тирик. Лекин сен ҳадеб уни эсимга солаверсанг, мен сенга унинг калласини олиб келиб бераман.

У гапиришдан тўхтади. Ўйлун ҳам жим эди. Мўридан ўтовга сўна учиб кирди-да, ғашга тегувчи ғинғиллаган овоз чиқариб айлана бошлади. Ўйлун бу ғинғиллашга қулоқ солганча кўзини сут тўла косага тикиб ўтирар, юраги бўм-бўш эди.

– Ўйлун, – Есугейнинг овози узокдан келаётгандай эди. Қиз

¹ Фужин – “хоним” маъносидаги хурмат сўзи.

² Хуанди – император.

қимирламади, бошини кўтармади. – Мен сенга ёмонлик қилмайман. Мен сенинг хотиним бўлишингни хоҳлайман. Фақат ажал мени сендан ажратиши мумкин. Шунинг эсингдан чиқарма, Ўйлу. – Есугей бир зум гапидан тўхтади. – Биз урушга кетяпмиз. Агар мен ўлсам, демак, болаларингнинг отаси бўлишимни Осмон хоҳламаган бўлади. Мабодо мен қайтмасам, сени уйингга элтиб қўйишади. Лекин қайтиб келсам... Ўйлу, сен менинг тирик қайтишимни хоҳлайсанми? Нимага жимсан?

Есугей ўрнидан туриб, ўтов ичида кезина бошлади. Унинг юзи тобора тундлашиб борарди. Кечаги Есугейга мутлақо ўхшамасди. Заҳарханда кулишлари ҳам, беўхшов ҳазиллари ҳам йўқ. У ўтов ичида у ёқдан-бу ёққа юраркан, гўё Ўйлуни бутунлай унутган эди. Бирдан юришдан тўхтаб, зорлангандай бўлиб секин гапирди:

– Барибир улар уни ўлдиришибди, шундай ўлдиришибдики!..

– Кимни... ўлдиришибди? – Чиледу ҳақида гапиряпти деб ўйлаб, Ўйлуни миясига шу чоққача Есугей уни хиёнаткорона алдаётган экан, деган фикр келди.

– Ўмбахайхонни ўлдиришган... Э, сен билмайсан...

Ўйлу енгил хўрсиниб қўйди. Хонни ўлдиришган бўлса, унга нима!

– Ўмбахайхон мен учун ким эканини сен билмайсан. Мен уни ўз отамдан ҳам яхши кўрадим. Унинг донолиги қабиламизнинг куч-қудрати эди. Лаънати татарлар! Улар Ўмбахайхонни тутиб олиб, Хитой хони Олтинхонга топширишибди. У бўлса хонимизни ёғоч эшакка михлатибди. Бекорчи ва нодон оломон бу донишманд ва баҳодир одамнинг қандай ўлишини томоша қилгани келибди. Шавкатли Хабулахоннинг ўғли Хутула баҳодир энди бизни татарларнинг устига бошлаб боради. Биз қасосимизни оламиз!

Есугейнинг дарди Ўйлуни бегона ва нотаниш бўлса ҳам, у беихтиёр Есугейнинг жарангдор овозига кулоқ тутди. Бу овозда нафрат шунчалик кучли эдики, қизнинг юраги увишиб кетди.

4-боб

Селенганинг этак қисмидан шамол эсар, лойқа тўлқинлар қумли қирғоқдан тошиб чиққудай бўларди. Чиледу отидан сирғаниб тушди, чарчоқдан чайқалиб бориб, сувга яқинроқ қум устига ағанади. Дарё тўлқини келиб унинг боши ва елкаларига урилди. У дағаллашиб кетган юзидаги сувларни кафти билан сидириб ташлади. Унинг ортидан жилловини судраб эргашган оти дарёга эгилиб, узоқ сув ичар экан, ичига ботиб кетган биқинлари дам-бадам кўтарилиб тушар эди.

Чиледу нариги қирғоққа қараб турарди. У ерда атрофи ярим доира шаклида оқ-қора ўтовлар билан қуршалган йўл-йўл чодир кўзга ташланади. Чодир узра туғ хилпирайди. Мана, у ўз уйида. Шу аллозда ўтовига қайтишини туш кўрибдими?!

Тўлқинлар қирғоққа шитоб билан отилиб чиқар ва яна тезда орқага қайтар экан, қум устида илонизи кўпиклар чизигини қолдирарди. Шу ерда узунёк балиқчи куш кўпиклар орасида нималарнидир излар, Чиледуга ёндан қараб-қараб кўярди. От оғзидан сув томчиларини томизиб сувдан чиқиб келди. Чиледу кечувга ошиқмаётганди. У йўл давомида фақат қабиладошлари билан учрашувнигина ўйлаб келди. Уни ёш хотини билан кутишяпти, у бўлса... Отасининг кўзига, хўкиз-аравасини бериб турган Тайр-Усун нўённинг кўзига қандай қарайди? Бу тахлит

шармандаларча талаб кетишганидан кўра ўлдириб қўя қолишса ҳам майли эди. Ўйлун, қаердасан, Ўйлун?.. Нимага ҳам менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг? Ўйлун ёнимда бўлмаса, ҳаётнинг нима кераги бор? Балки у овулига қайтмагани, Селенга бўйлаб пастга, кондошлари юрти бўлган Баргужин-Тўқума ерларига, хори-туматлар қабиласига кетгани маъқулдир?

Осмонни шамол қувлаб келаётган улкан қора булутлар қоплаб, у ербу ерда ёмғир ҳам томчилаб қолди. Яхшигина ёғингарчилик бўладиган, чамаси. Ўйқ, хори-туматлар тарафга бормайди. Болалигида меркитлар асир олиб кетган бобосини у ерда ҳеч ким танимагани учун ёки узоқ йўлдан кўрққани учун ҳам эмас. Ўйқ, у шу ерда қолади. Қабиладошларининг масхаралари, таъна-маломатларига чидайди. Тўхта бекидан навқар олиб, тўйчиютлар юртига боради ва Ўйлунни тортиб олади.

Чиледу шундай қарорга келди-да, тезгина кийимларини ечди. Уларни бир тугун қилиб ўраб, эгарга боғлади. Жилонни ушлаб, от билан бирга сувга тушди.

Нариги қирғоққа чиқиб, кийиниб олгач, отасининг ўтови олдида туриб қолди. Тезлашиб кетган ёмғир энди унинг юзига уриларди. Ўрамда ҳеч зоғ кўзга чалинмас, ҳамма ўтов-ўтовига кириб кетганди. Яхшиям ҳеч ким уни пайқамасди...

Ўтови ёнига бориб, отни бўшатгунича ивиб кетди. Ўтов пардасини бўшашибгина очиб, остона ҳатлади. Мўридан ёмғир томчилари билан бирга заифгина ёруғлик тушиб турарди. Бундай қоронғиликка ўрганмаган Чиледунинг кўзлари аввалига ҳеч нарсани пайқамасди.

– Сенмисан, ўғлим? – қоронғиликдан отасининг хаста, деяшли англаб бўлмас овози эшитилди.

Чиледу овоз келган томонга юрди. Отаси ётган ўринга энгашди. Бошидан томчилар думалаб, бўйнига тушди. Чиледу бир сесканиб қўйди.

– Келганинг қандай яхши бўлди!

У отасининг юзини аниқ кўрди. Ичига ботиб кетган кўзлари, серажин юзига ёйилган сийрак ва оппоқ соч-соқоли отасининг қартайиб қолганини эслатиб қўйди.

– Менинг кетар куним яқинлашиб қолди, ўғлим. Аждодларимиз чорляпти. Энди сени ҳам, хотинингни ҳам кўролмайманми, деб ўйлаб турувдим. Илтижоларимни осмон эшитибди.

– Ота...

– Сабр қил, ўғлим. Олов ёқиб юбор. Анави ерда озгина архи¹ билан қотган гўшт бор. Келишинга асраб қўювдим... Менга тезроқ хотинингни кўрсата қол.

Шу тобда Чиледу тирик қолгани учун ўзидан чинакамига нафратланиб кетди.

– Ота, мен бир ўзим қайтдим...

Отаси сергак тортди. Чопонининг барлари орасидан қават-қават осилиб турган бадани кўриниб турар, тирноқлари қорамтир тус олган, озгин кўллари кўрпа узра бесаранжом ғимирлаб, ниманидир қидирарди.

– Ўзим айбдорман... – базўр гапирди отаси. – Ҳозир бориш керак эмасди. Мен ўлиб қолишимдан кўрқиб сени шоширдим.

– Ота, мен Ўйлунни қайтариб оламан!

Қария бошини секингина чайқади. Чиледу тиззасига муштлади.

– Қайтариб оламан! – Ўйлун энди тўйчиютлар қўлида абадий қолиб кетганлигини у хаёлига ҳам келтирмасди.

¹ Архи – суддан тайёрланадиган ароқ.

– Эҳ-х, Чиледу... – отаси яна ётиб олди. – Сен кимсан? Машхур нўёнмидинг? Ёки қудратли хоннинг ўғлимидинг? Жасур навкарларнинг бормиди? Эҳ, Чиледу, Чиледу... Сен бор-йўғи Тайр-Усуннинг чўпонисан, холос. Қорача...

– Қайтариб оламан дедимми, қайтариб оламан! – қасам ичган каби таъкидлади Чиледу. Унинг шалаббо кийимлари танасига ёпишиб кетган, вужуди титрарди.

– Олов ёқиб, архи ичиб ол. Ўзингга кел, – деди отаси хўрсиниб.

– Йўқ, мен Тўхта-бекининг олдига бораман!

У овулни чопиб кесиб ўтди. Нўён чодир олдида калта найза ушлаган навкар турарди.

– Сени ким чақирди?

– Менга Тўхта-беки керак...

– Сенга Тўхта-беки керакми? Сен-чи, сен унга керакмисан-а?... – Ёгингарчиликда бир ўзи зерикиб турган навкарга эрмак топилганди.

– Ўтказиб юбор! Зарур иш билан келдим.

– Сенинг зарур ишинг борми? – хайрон бўлди навкар. – Буни қара-я... Э-э, тўхта-тўхта, сен хотин олиб келгани кетган эдинг-ку, а? Тўхта-бекини тўйга таклиф қилмоқчимасмисан тагин? Мени-чи? Мени нимага таклиф қилмаяпсан?

Чиледу найзани четга итариб, чодир ичига қадам ташлади. Навкар унинг кўлидан тутиб, орқага тортаркан:

– Мен сенга ҳозир кўрсатиб кўяман! – деб хириллади.

Шовқин ичкарига эшитилган, шекилли, чодирдан Тайр-Усун чиқиб келди. Баланд бўйли, чайир, ирғиб чиққан думалоқ кўзли бу нўён Тўхта-бекининг дўсти эди. У қошларини тепага кўтариб Чиледуга тикилди.

– Сен-а?! – таҳдидли бақирди Чиледу.

– Ўзбошимчалик қилиб чодирга кирмоқчи! – навкар Чиледунинг елкаси оша бидирлай кетди. Тайр-Усун кўлини енгилгина силкиган эди, навкар жим бўлди. Чиледу тиз чўкиб, бошини хам қилди. Кўз олдида Тайр-Усуннинг учи қайрилма этиклари турарди.

– Нима бўлди?

– Тўйчиютлар талаб кетишди. Келинни олиб келолмадим.

– Арава-чи?

– Хўкизларни хам, аравани хам...

Этикларнинг бири кўтарилди-ю, йиртқич кушнинг тумшугига ўхшаб кетадиган учи Чиледунинг юзини нишонга олди. У тепки тушишини кутиб, бошини елкалари ичига олди. Лекин этик секингина унинг юзига яқинлашди-да, даҳанидан кўтариб, Чиледуни ўзига қаратди.

– Мен билан юр.

Чодирда одам кўп эди. Нўёнлар, қабиланинг хурматли оксоқоллари, Тўхта-бекининг учала хотини, хаммалари чордана қуриб ўтиришарди. Ўртада эса, наमतлар билан қопланган супачада Тўхта-беки ёнбошлаб ётарди. Унинг пичоқ дами сингари ингичка ва ўткир кўзлари Чиледуга тушиб, Тайр-Усунга савол назари билан қаради.

– Бизнинг жасур аскаримиз қайтибдилар, – деди Тайр-Усун. – Жун олиб келгани кетиб, ўзлари кал бўлиб қайтибдилар.

– Гапир! – деб буюрди Тўхта-беки Чиледуга ва обдон эшитгач сўради: – Нима учун ёқалашмадинг? Нимага ҳеч кимни ўлдирмадинг?

Чиледу бошини хам қилди. Талончиларни нега ер тишлатмаганини қандай айтсин? Улар билан уришадиган бўлса, ур-тўполонда ўйлу

халок бўлиши мумкин эди, шунинг учун ҳам курулни ишлатолмадим, десинми? Аммо ўзини оқлаб айтган гаплари Чиледу учун ҳам милтираган шамнинг тафтичалик фойдасиз эди.

– Жанг қилиш қаёқда, – деди Тайр-Усун. – Силловсинга дуч келган такадай қочиб қолган. Мана, ҳозир ҳам кўркувдан оғиз очолмаяпти.

– Мен кўрқоқ эмасман! – сапчиди Чиледу. – Менга ўн нафар навкар беринг, қайлиғимни қайтариб олиб келаман.

– Буни қаранглар, ботирлигини! Бори-йўғи ўнта навкар билан қайлиғини ҳам, менинг аравамни-ю буқаларимни ҳам қайтариб олиб келар эмиш. Балки сен, Чиледу, ўша йўлтўсарларни ҳам бошлаб келарсан? Уларни эслаб қолдингми? Бошқалари билан адаштириб юбормайсанми? – Тайр-Усуннинг думалоқ кўзларига ғазаб тўлди.

Алам Чиледунинг юрагига ўтмас игнадек қадалди. Ғазабланаётган бу нўённи фақатгина буқалари-ю аравадан айрилгани куйдирмоқда эди. Ахир, бу Чиледу йўқотган нарсасининг олдида ҳеч нарса эмас-ку. Озгина хайрихоҳлик умидида ҳаммага бир-бир қараб чиқаркан, Чиледу уларнинг кўзидан, боқишларидан ўзига нисбатан ҳеч қандай ачиниш аломатларини кўрмади. Тайр-Усун гапларидаги масхараомуз оҳангларни илғамай, жавоб берди:

– Ҳеч кимни адаштириб юбормайман. Есугей машакни бир умр эсимдан чиқармайман.

У Есугейнинг отини аташи билан, Тўхта-беки ўрнидан туриб ўтирди ва оғриқнинг зўридан афти бужмайиб кетди. Унинг ёнига учиб келган хотинларини бир ишора билан орқага қайтарди.

– Демак, сенинг қайлиғингни Есугей тортиб олибди-да?

– Ҳа. У ўзини шундай деб атади.

– Сен уни нимага ўлдирмадинг? Бу хизматинг учун мен сенга бир уюр от бериб, бешта гўзал хотинга уйлантириб қўярдим. Унинг жигарини юлиб олмасам, бу дунёда менга ҳаёт йўқ! Нўёнлар ва оқсоқоллар, менинг жароҳатларим битиб қолди. Тез орада мен от устида бемалол ўтира оладиган бўламан. Отларингиз ва куруларингизни тайёрлайверинг.

Ҳеч ким чурқ этмади. Тўхта-бекининг гапларидан тетикланган Чиледу уруғ оқсоқоллари нима деркан, деб кутиб турарди. Вақт ўтиб борар, жимлик узок чўзилди. Чиледу оғир сукут ортидан Тўхта-бекига яширин қаршилиқ борлигини сезди.

– Нимага индамайсизлар?! – Тўхта-бекининг таҳдидли овози сукунатни бузиб юборди. – Қачон мен шу ҳақда гап очсам, сизлар тилингизни кекирдагингизгача ютиб оласиз. Менинг отам, сизларнинг хўжайинингиз Тудур-билгининг қони сизларни қасосга чорламайдими? Менинг жароҳатларимнинг оғриғи сизларнинг ҳам оғриғингизга айланмайдими? Ёки сизлар ҳам туллак ташлаган каламуш Ўмбахайхонга ўхшаб, жароҳатларим мени эркаклигимдан маҳрум қилди, деб ўйлаб юрибсизми? Бўлмасам, билиб олинглар, яраларимда ловуллаётган алам ўти менинг юрагимга кўчиб ўтган. У мени ёқмоқда, куйдирмоқда. Бу оловни фақат душманларимнинг қони ўчириши мумкин!

Кўмирдай қора юзли Турчи шомон қизарган кўзларини Тўхта-бекига тикди.

– Сенинг ботирлигинг ва душманни енга олишингга ҳеч ким шубҳа қилмайди! Аммо бизнинг устимизда боқий самонинг иродаси ҳукмрон. Мен етти кун овқат емадим, кун юзини кўрмадим. Рухлардан келажак сирларини очишларини сўрадим. Рухлар, ниҳоят, менинг овозимни эшит-

ди. Боқий осмоннинг иродаси билан сен машҳур ва шавкатли, уруғимиз эса бой ва серқариндош бўлади. Ўрмон ва чўлларнинг барча халқлари сенинг амрингга бўйсундилар. Аммо... руҳлар сенинг сабр-бардошли ва эҳтиёткор бўлишингни хоҳлайдилар. Кутиш – энг яхши қуролинг.

– Менга айт-чи, доно Турчи, мен нимани кутишим керак? – мулозимлик билан сўради Тўхта-беки.

– Буни мен билмайман. – Турчи пешонасини тириштирди, кўзларини юмиб олиб тушунарсиз ғўлдиради: – Зулмат ўрнини ёруғ кун олди, қариган дарахт ўрнини эса – навнихол. Тун қоронғисида игнага ип ўтказа олмайсан, ичи пўк қарағай шохидан аравага ўқ ясаб бўлмайди. – Шомон кўзини очди. – Ёруғликни кут. Ниҳол сарвқомат дарахт бўлгунича пойлаб тур.

Ҳамма Турчи шомоннинг гаплари Тўхта-бекига ёқмаганини, лекин у билан ортиқча баҳслашмоқчи эмаслигини пайқади. Ўтов соҳибининг қўллари қалин наमतнинг бурчакларини сиқиб турар, лабини тишлаб, ғазабини жиловлар эди. Бундай зўриқишдан унинг боши яна ҳам оғиб кетиб, деярли елкасига тушди. Хотинлари алланималарни пичирлашиб, ғамгин хўрсиниб кўйишди. Тайр-Усуннинг олайган кўзлари Тўхта-беки, унинг хотинларига хотиржам боқар ва мана шу боқишидан гўё бу ерда Тўхта-беки эмас, Тайр-Усун ҳокимдай эди.

– Мен гапирсам майлими? – деди Тайр-Усун.

– Гапир.

– Менинг ўйлашимча, доно Турчи руҳлар ўзига ошкор қилган сирларнинг ҳаммасини тушунарли қилиб гапириб берди. Агар ўзимизга само кучларининг нафрати ёғилмаслигини истасак, вақти келмагунча қиличларимизни қиндан чиқармаслигимиз лозим. Аммо бекорга кутиб ўтиришдан ҳам наф йўқ. Биз ўзимизга кучли дўстлар топишимиз керак.

– Найманлар ҳукмдорига одам жўнатсакмикан? – қўрқа-писа таклиф киритди Қудун-Ўрчон исми нўён. Ҳеч ким фикрига қарши чиқмаганидан сўнг дадилланиб гапида давом этди: – У билан ҳаттоки тангутлар ҳам, уйғурлар ҳам ҳисоблашишади. Қарайитлар ҳам чўчиб туришади. У ён босса, ким ҳам биз билан тенглаша оларди?

– Найман хони бизга ёрдам бермайди! – Тўхта-беки Қудун-Ўрчоннинг гапини менсимай кўлини силтади. – Унинг ўзи мудраб ётибди-ю, лекин бизни ўз кўли остида кўряпти. Агар мадад қидирар эканмиз, уни бу ердан эмас, қарайитлар элидан излаш керак. Хон Қуржакўз-Буюрук ўлимидан сўнг, элни унинг тўрт ўғли бўлиб олишган. Энди бўлса, уларнинг ҳар бири оға-иниларидан мулкларни тортиб олиб, ўзи якка ҳоким бўлмоқчи. Уларнинг бирига ёрдам кўлини чўзиб, иккинчисига панд бериб борамизда, натижада ким бизга дўст бўлса, ўша хонлик ўрнига ўтиради.

– Сен ақлли ва узоқни кўзловчисан! – Тўхта-бекини мактади Турчи шомон.

Оқсоқоллар ва нўёнлар ҳам уни қувватлаб, бош ирғаб кўйишди.

Чиледу билдики, буларнинг ҳаммаси охириги урушдан кейин кўрқиб қолишган, тўйчиютлар билан уришиш истаги йўқ. Ҳали овулма-овул юриб, кўшни элатлардан мадад сўрашади. Бунга ҳатто йиллаб вақт кетиши мумкин. У вақтгача алвидо, Уйлун!

Гапга қўшилишга юраги бетламай, Чиледу хўжайини Тайр-Усуннинг кўзларини қидирди. Лекин унинг бу ердалигини чамаси ҳамма унутган: Тайр-Усун ҳам ўз ташвишлари билан банд эди.

– Биз Баргужин-Тўкумага боришимиз керак, – деди у.

– У ерда ҳаммаси майда уруғлар. Бизга бундан ҳеч қанақа наф бўлмайди, – деди Қудун-Ўрчон унинг гапини кесиб.

– Тўрғай кичкина бўлса ҳам сайрашни билади. Аммо қарға катта бўлгани билан қағиллашдан нарига ўтолмайди! – чертиб гапирди Тайр-Усун. – Ўрмонда яшайдиган жангчилар ҳам кўркмас ва чапдаст бўлишади. Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, Баргужин-Тўқумадаги каби ҳеч ерда ҳайвонларни усталик билан овлайдиган маҳоратли овчиларни тополмаймиз. Энг чиройли мўйналар ҳам айнан ўша ерда. Бизга эса мана шунақанги чиройли ва майин сувсар мўйналари кўп керак бўлади. Ипакдай майин мўйналар ва мулойим сўзимиз билан қарайитларни куролсиз ҳам қўлга олиш мумкин.

Чодир тепасида таранг тортилган мато устига ёмғир шатирлаб урар, шамол увилларди. Эгнидаги шалаббо кийимидан титроқ тута бошлаган, бу ердагиларнинг эсидан чиқиб кетган Чиледу, ўзини худди биров суяк ташлашига маҳтал дайди итдай ҳис қила кетди. У қаттиқ томоқ қирди.

– Сен ҳалиям шу ердамисан? – ҳайрон бўлди Тўхта-беки.

– Менга ўнта навкар беринг! – Қўлини кўксига қўйиб деди Чиледу.

– Мен худди илондай майса ичидан судралиб бораман. Ўйлун билан қайтаман. Есугейнинг ўзини, унинг бошини олиб келаман.

Тайр-Усун Тўхта-бекидан илгарилаб деди:

– Сен Есугейнинг тиригини ҳам, ўлигини ҳам олиб келолмайсан.

Фақат арининг инини кўзгатишинг қолади, холос.

Тўхта-беки қатъий қўшиб қўйди:

– Сен душманлардан қирғайдан қочган юмронқозикдан ҳам тезроқ қочиб қолгансан. Шу туришингда сенга ўнта ўлай деб турган ахта отни ҳам ишонмайман. Бор!

– Мен... ундай қилолмайман... Ёрдам беринг!..

– Йўқол! – ириллаб берди Тўхта-беки.

Барча умидлари сўнганига ҳамон ишонгиси келмай турган Чиледу ўрнидан қимирламади. Қудун-Ўрчон шахд ўрнидан турди-да, уни эшиккача судраб келиб, бир тепиб чодирдан чиқариб юборди. Чиледу ҳўл майса устида сирпаниб кетиб, юзи билан кўлмакка ботиб йиқилди.

Бояги навкар тишларини ярақлатиб кулди.

– Тўёнангни олдингми, нўён?

5-боб

Куз келди. Энди эрталаблари майсалар устига ярақлаган шудринг эмас, балки тикан каби қиров тушар эди. Тўйчиютлар Хэнтэй тоғи ёнбағирларига кўчиб ўтишди. Бу ерда Ўйлуннинг юртидаги сингари чексиз чўл йўқ эди. Қия тепаликлар, ўрмонли тоғлар, улар оралиғида эса қирғоғи қалин ўт билан қопланган дарё. Тоғу ўрмонлар Ўйлунни эзар, дунё унга худди ичида яширин бир хатарни сақлаб тургандай, тор ва қоронғи кўринарди. У кун бўйи ўз ўтовидан чиқмасди. Кечкурун эса елкасига пўстинини солиб ташқарилар, қари қарағай остига бориб, ярақлаган юлдузларга, ўтов мўриларида олов билан отилиб чиқаётган учқунларга тикилиб ўтирар эди. Мана ҳозир, ўрам марказида катта гулхан аланга олади. Унинг атрофига одамлар тўпланди. Кекса улигарчи¹ шошмасдан баҳодирлару махлуқлар, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги кизиқарли ҳикоясини бошлайди.

¹ Улигарчи – эртақчи, бахши.

О, бунақанги оқшомларни у қанчалар яхши кўрар, улигарларнинг кўркинчили, рангин оламини вужудига сингдириб юборарди. Болалигида шунақанги оқшомлардан кейин анчагача ухлай олмасди. Кўй жунидан қилинган кўрпа ичига боши билан кириб кетар, онасининг иссиқ биқинига ёпишиб олиб, туннинг сирли шовқинларига кулоқ тутганча ширин бир кўркувдан сесканиб тушарди. Улғайгач, эртақлардаги махлуқлардан кўркмайдиган бўлиб қолди. Энди уни бу улигарларда тараннум этилган кўркмас баҳодирларнинг қахрамонликлари кўпроқ қизиқтирарди. Баъзида унинг тушида олтин аслаҳали баҳодир пайдо бўлар, уни кўтариб олиб, мўъжизавий отига мингаштирар ва поёнсиз сахро устида ярақлаган юлдузлар сари парвоз қилдирадди.

Энди унинг тушига фақат Чиледу киради. Ҳар сафар у кир, жулдур кийимда, афти-башараси қонга беланган ахволда кўринади. Есугей бирон марта тушига кирмади. Ўйлуни унинг қайтиб келишидан кўрқарди. Баъзида ўзи ҳам тушунмай қоларди: Есугей билан Чиледунинг қиёфалари бир-бирига қоришиб кетарди. Шунда у туши билан ўнгини, эртақ билан ҳаётни аралаштириб юборганини сезиб қолар ва яқинда ақлдан озадигандай туюларди.

Қари қарағайнинг остида юлдузларга тикилиб ўтиришни у яна шунинг учун ҳам яхши кўрардики, шу ерда ўтирса, қачондир тун қоронғисидан чавандозлар унсиз чиқиб келиб, уни отга миндирганча бу ерлардан мангуга олиб кетишини умид қиларди. Ҳозир деярли барча эркақлар татарлар билан урушга кетган. Бу ерда қолган санокли эркақлар фақат бир ўй билан яшарди: кўшин мўл-кўл ўлжалар билан қайтадими ёки кўлини бурнига тикибми? Нимага тайёргарлик кўрсалар маъқул – тўю базмгами ёки мотамга? Шу туфайли ҳам айнан мана шундай пайтда бу ердан кутулиш унга қийин эмасдек туюларди. У Чиледунни кутарди. Бир кун эмас, икки кун эмас, кутаверди... Ниҳоят Чиледунинг келиши имконсизлигини тушуниб етди ва бу ҳақда ортиқ ўйламасликка қарор қилди-ю, иродасига қарши яна кутишда давом этаверди.

Ўйлуни ҳеч ким хафа қилмасди. Хоахчин ва унинг мўғулча сўзларни кулгили айтадиган камгап укаси Хо барча хоҳишини бажо қиларди. Кўпчиликнинг орасида улар ўзларини гўё кулдай тутар, лекин учовлон ёлғиз қолди дегунча, бутунлай ўзга манзара бўларди. Хоахчин бетўхтов бидирлар, кулар ва афтини буриштириб, турли қилиқлар қиларди. Опасининг гапларига кулоқ солиб ўтирган Хо ҳам куларди. У ҳар хил нарсалар ясашни жуда яхши кўрарди. Бир қарасанг, худди ўзидай қилиб арава ясаб кўярди. Фақат бу арава кафтга сиғар даражада кичкина бўларди. Ёки бўлмасам мажнунтол чивикларидан ўтовчами, қутичами тўқиб қоларди. Нимаики ясамасин, ҳаммасини Ўйлунига ҳадя қиларди.

Агар мана шу опа-ука бўлмаганида, Ўйлуни аллақачон сўлиб қолган бўларди. Унинг олдига деярли бошқа ҳеч ким кирмасди. Ҳамма у билан яхши муомала қилар, хурматларди-ю, аммо ўтовини иложи борича четлаб ўтишарди. Фақатгина Есугейнинг укаси Дўритой-ўтчигин (уйнинг энг кичиги сифатида у ўтовлар ва подаларни кўриқлаш учун қолган эди) гоҳ-гоҳ кириб қолар, нима кераклигини суриштирар ва уруғнинг катта-катта ишларидан гапириб қоларди. Унинг сўзларидан Ўйлуни тўйчиютлар ўз атрофига бир қанча уруғларни бирлаштирганини билиб олди. Ҳар бир уруғнинг ўз нўёни бўлиб, уларнинг устидан хон ҳукмронлик қиларкан. Умбахайхоннинг ўрнини ҳозир Хутула эгаллаб турган экан.

– Сен Хутула кимлигини биласанми? – қизиқсинди Ўйлуни.

– Бахтинг бор экан. Бизнинг уруғимиз қиёт-бўржигинлардан. Олан-Гоа момодан таркаган уруғларнинг энг шавкатлиси. Қурултойда биринчи хон қилиб ким сайланган? Бизнинг бобомиз Хабула. Ҳозирги ҳукмдоримиз ким? Отамизнинг укаси Хутула. Ундан сўнг ким уруғни бошқаради? Балки Хутуланинг ўғилларидан биридир, балки Бартаннинг ўғиллари бўлган биз, ака-укалардан биттамыздир. – Дўритой-ўтчигин нимжон елкаларини мағрурона кериб қўйди.

У Ўйлунинг ўтовига худди хўжайиндай кириб келар, Хоахчин ва укасига зуғум билан чийиллаб қичқирарди. Арзимаган нарса учун болакайни камчиси билан савалаб қоларди. Ўзининг шавкатли уруғлари ҳақидаги оғиз қўпиртиришлардан чарчаб жимиб қолар, Ўйлунга шу қадар қаттиқ тикилардики, қизнинг ёноқлари ловуллаб, чопонига маҳкамроқ ўраниб оларди. Қалтабақай, озгин, ёноқлари ялтираб турган ва айёр кўзли бу одамни Ўйлунининг кўрарга кўзи йўқ эди. Лекин чидаб юрарди. Охири, бир куни сабр косаси тўлди.

Ўшанда Дўритой-ўтчигин ҳар сафаргидай қабила ишларидан гапириб ўтирарди.

– Ҳамма юмушлар менинг зиммамда. Акаларим урушда, ўз номларини шону шуҳратга кўмиб юришибди. Мен бўлсам, тун-кун тинмайман. Дангаса қорачаларни ишга соламан. Шундан бирон маза борми? Агар акаларим ўлиб кетса, унда ҳамма иш менга қолади...

Ўйлун Есугейнинг “мабодо мен ўлсам, сени ўз юртингга олиб бориб қўйишади,” деган ваъдасини унутмаган бўлса ҳам, аммо нимагадир бирон марта бўлсин, унинг жангда ўлиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган экан. Ҳозир бўлса, у Ўтчигиннинг сўзларини эшитиб ўтириб, бирдан Есугейнинг ўлганини тасаввур қилиб кўрди... Шу заҳотиёқ бу ўтовни, бу одамларни тарк этади. Фақат Хоахчин ва Хони ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Балки хизматкорлар ҳам бирга кетишар?

– Есугей кетаётганида сенга мен ҳақимда бир нима деганмиди? – сўради Ўйлун Дўритойдан.

– Нима дейиши керак эди? – кўзини қисиб қаради Дўритой-ўтчигин.

– Агар... у... Агар уни ўлдиришса... унда...

– Бу тўғрида нима ҳам дердим! – унинг гапини бўлди Ўтчигин. – Одатларимизни билмайсанми? Уни ўлдиришса, мен қоламан. Сен менинг хотиним бўласан.

– Аммо мен Есугейнинг хотини эмасман-ку! Нима учун сенга тегишим керак экан?

– Хотини бўлмасанг, қайлиғисан.

– Қайлиғи ҳам эмасман!

– Унинг ити бўлмайсанми, бунинг фарқи йўқ.

Бундай бўлишини кутмаган Ўйлун ловуллаб кетди.

– Ҳеч нима демаган деб алдаяпсан! Алдаяпсан, аламзада сассиққўзан!

– Нима дединг?! А, нима дединг?! – Дўритой-ўтчигиннинг юзи оқариб кетди, қисик кўзлари катталашди. Шу тобда Ўйлун унинг кўзлари Есугейникига ўхшаш яшил аралаш кулранглигини пайқаб қолди.

– Мен сенга ҳали бундан ҳам баттарини айтаман!

– Мана буни кўряпсанми? – Ўтчигин камчисини юқори кўтарди. – Ҳозир мен сенга улуғларни қандай ҳурмат қилиш кераклигини ўргатиб қўяман! Бир умр эсингдан чиқмайдиган қиламан!..

Ўйлун ўчоқдан ёниб турган ўтинни тортиб олиб, Ўтчигинга қараб юрди.

– Бўзрайган кўзларингни ёқиб юбормасимдан жўна бу ердан!

Дўритой-ўтчигин каловланиб қолди. Орқаси билан ўтовдан чиқаётиб, оёғи чалишиб йиқилди. Ўйлун унинг орқасидан қўлидаги ўтинни ҳам отиб юборди.

Бироз ўтиб, Дўритойнинг шармандаларча жуфтакни ростлаганини кўриб турган Хоахчин келди. У ўзини кулгидан базўр ушлаб турар, оғзини қўллари билан маҳкам ёпиб олган, елкалари силкиниб-силкиниб кетишидан ичида кулаётгани билиниб турарди.

Ўйлун унга бир муддат жахли чиққан кўйи қараб турди-да, кейин ўзи ҳам кулиб юборди. Бу ерга келиб қолганидан бери унинг илк бора яйраб кулиши эди.

Хоахчин бирдан кулгидан тўхтади-да, шивирлаб сўради:

– Энди нима бўлади-а? Вой-й, бошингга бало бўлади бу!

– Менга ҳеч бало урмайди! Мен улардан кўркмайман.

Хоахчин унга ҳаваси келиб қарар экан, бошини чайқаб:

– Гўзал фужин, ў, қанақанги гўзал! Мен сени қанақа яхши кўраман-а!

– деди-да, шу заҳоти яна кулиб юборди. – У-чи... орқаси... орқаси билан...

– Яна кулгидан қотиб қолди.

Ўтов тирқишидан бу ерда нималар бўлаётганини тушунолмаётган Хонинг юзи кўринди.

– Кет бу ердан! – Хоахчин уни ҳайдаб солди.

Ўйлун ўчоқдаги ўтинлар қаловини тўғрилади, олов яқинига ўтирди. Унинг юртида ўтин йўқ. У ерда аргал – таппи ёқишади. У бир текис, тўғри аланга ҳосил қилиб ёнади. Ўчоқдаги олов бу ердаги сингари ловуллаб ёнмайди. Бу ернинг ҳамма нарсаси ўзгача. Ҳатто олови ҳам.

– Хоахчин, мен бу ердан бир амаллаб чиқиб кетсам, мен билан кетасанми?

– Йўқ, фужин, бу ердан чиқиб кетолмайсан, – хўрсинди Хоахчин. – Мен-ку кетардим-а...

– Сен уйингга кетишни хоҳламайсанми, Хоахчин?

– Уйимгами? – У кўзларини юмиб олди. – Билмайман, фужин. Мен у ерда ёмон яшардим. Жуда ҳам ёмон. Аммо у ерда отам бор. У қариб қолган. Отам мен ва укам Хога қаттиқ ишонарди. Энди отамнинг ҳеч кими йўқ.

– Мен Осмонга илтижо қиламан, сенга...

Ўйлун гапини тугатолмади. Ўрамда шовқин кўтарилиб қолди. Оёқлар дупури ва кимларнингдир қичқириғи эшитилди. Ўйлун ўтовдан ташқарига мўралади. Одамлар қия тепаликка чошиб чиқарқан, шодланиб қўлларини силкири эди.

– Келишяпти! Бизникилар келишяпти!

– Ана, шунақа, – деди Ўйлун, – шунақа...

– Кетдик, кўрамиз! – деди югуриб келган Хо.

– Кетдик, – деди Хоахчин.

Улар тепаликка кўтарилишди. Чўл шувоғи билан қопланган тепаликдан суви қуриган дарё ўзани қоқ иккига бўлиб турган водий кўринарди. Унда узун, ингичка чизик ҳосил қилиб кўшин келарди. Олдинда отликлар, уларнинг ортидан усти берк ва очиқ аравалар, чала йиғилган ўтовларни ортмоқлаган шатаклар, уларнинг кетидан яна отликлар шу томонга қараб келмоқдайди. Туёқлар ва ғилдираклардан қалин чанг кўтарилиб, водийнинг қарама-қарши тарафига сузиб борарди. Тепаликлар устида, ботаётган қуёшнинг қип-қизил шафағида у тўқ пушти рангга кирар,

Ўйлуниги назарида гўёки бутун водий аланга ичида қолгандай эди. Унинг юраги аллақандай хавотирдан ғаш тортди.

Отлиқлар анча яқин келиб қолган ва энди уларни юзидан ҳам таниб олса бўларди. Тепалик устида турган одамлар кутиш тараддудида бирдан жимиб қолишди. Сукунатни кўнғироқдай бола овози бузди:

– Эцеге! Эцеге!¹ – Болакай шодон қичкириб пастга, отлиқлар томонга чоғиб кета бошлаган эди, онаси уни қувиб етди-да, қўлчаларидан тутиб, яна аввалги жойларига қайтиб келишди.

Хорғин отлар тепаликка имиллаб кўтарилар, тошлоқ ер уларнинг туёқлари остида ғичирларди. Ўйлуни чангдан юзлари қорайиб кетган ва ўзига мутлақо нотаниш отлиқларга тикиларди. Есугей уларнинг орасида йўқ эди. Отлиқлар тепаликка чиқиб келди, кутиб турганлар уларни ҳар тарафдан қуршаб олди ва тўда ўрам ичкарасига сурилиб кетди. Қаердадир Хоахчинни йўқотиб қўйган Ўйлуни тўдадан ажралиб чиқиб, ўтовига қараб чопди.

Ўрамда шовқин-сурон кўтарилди: кулги, йиғи, ҳайқириклар, узангилар ва аслаҳаларнинг жаранги, араваларнинг ғичирлаши ва туёқлар товуши – буларнинг ҳаммаси олағовур қулоққа урилди. Ўйлуни бир ўчоқ яқинига бориб ўтирар, бир эшикка яқин келиб, тирқишдан ташқарига тикиларди. Наҳотки Есугей ўлдирилган бўлса? Ҳозир у хурсанд бўлишини ҳам, кунюнишини ҳам билмасди. Агар у ўлган бўлса, ўзининг ҳоли нима кечади? “Наҳотки уни Ўтчиғинга бериб юборишса? О, мангу Само, о буюк Она Ер, сизларга нима ёмонлик қилдимки, менга бу кўрғиликларни раво кўрдингиз?”

Хоахчин ўтовга ўқдай учиб кирди.

– Олиб келишяпти! Олиб келишяпти! – У шоша-пиша ўрин сола бошлади.

Ўтов олдида арава тўхтади. Навкарлар Есугейни астагина кўтариб олишди. Уларга сийрак соқолли, баланд бўйли қария буйруқ беряпти. Хоахчин ўринни солиб улгурган эди. Қариянинг ўзи келиб ўринни кўздан кечирди. Наматларни ушлаб кўрди, бош тарафини баландроқ кўтариб қўйди. Навкарлар Есугейни ўринга ётқазди, устига кўрпа ёпишди. Ўйлуни оёқ учида туриб навкарларнинг елкаси оша Есугейнинг юзига қаради. Оқариб, ёноқ суяклари туртиб чиққан Есугей кўзларини қаттиқ юмиб ётарди. Малларанг кокиллари ўрилган, чаккасидаги кўкимтир томири гупиллаб уряпти. Тирик.

Навкарлар кетишди. Қария Хоахчинга сув қайнатишни буюриб, бармоғи билан имлаб Ўйлуни чақирди.

– Менга қарашиб юбор.

У Ўйлунига Есугейнинг бошини кўтариб туришни буюриб, ўзи эски, қотган қонга беланган латталарни жангчининг қўкрагидан ечиб ола бошлади. Ўмров суягидан сал пастроқда каттагина жароҳат қорайиб кўринди. Ўйлунининг юзи бужмайиб кетди, дарров тесқари қараб олди.

– Қўрқаяпсанми? – сўради чол. – Қўрқма, ҳеч нима бўлмайди.

Жароҳатни илиқ сув билан ювиб, белидан бир чарм халтачани ечиб олди-да, ичидан бир даста қуруқ яшил барг олди. Уни қайнаб турган сув устида ушлаб тураркан, лаблари алланималарни пичирларди, сўнг Есугейнинг кўксига япроқларни ёпиштириб чиқди. Йигит ҳали ўзига келмаган, гириҳ қилиб олган тишлари орасидан инграган товуш чиқарди. Чол ярани тоза мато билан ўради, илдизларни қайнатиб, сувини Есугейга ичирди.

¹ Эцеге – дада.

– Сал ўтиб ўзига келади. – Чол биринчи бор Ўйлуниг астойдил тиккиди. – Кўзларинг ғамга тўла. Куюнма, қизим, ўзингга азоб берма. Ҳар биттамининг умримиз Осмонда ўлчаб қўйилган. Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. – Бир зум жимиб қолди. – Бироздан сўнг сен мана бу қайнатмадан унга яна ичиргин. Мен эрта тонгда келаман.

Тунда Есугей алаҳсирай бошлади. Жазава аралаш аллақандай тушуниб бўлмас сўзларни айтиб бақирар, ўрнидан турмоқчи бўларди. Ўйлуни Хоахчинни чақириб, икковлашиб уни ўрнига босиб турдилар, у эса ҳамон туришга ҳаракат қиларди.

– Жим, жим бўла қолгин, – дея босиқ овозда Ўйлуни тинчлантирарди.

Есугей жим бўлди. Ўйлунининг қўлини чаккасига босди-да, аниқтиник қилиб:

– Эҳэ! Эҳэ-э!¹ – дея худди ёш боладай ингранди.

Хоахчин беморнинг бошида чироқ кўтариб тураркан, йиғи аралаш:

– Бечора хўжайин! Оғриқ сени қаттиқ қийнаётгандир-а? – деди.

Ўйлуни бу пайтда ўзи ҳақида ўйламасди. Тақдири ҳақидаги хаёллари аллақачон тарқаб кетган эди. Унинг кўз ўнгида ожиз ва жон бераётган одам ётар, Ўйлуни эса унинг азобланишини, ўлишини истамасди. У Есугейнинг малла сочларини, ўт бўлиб ёнаётган чаккаларини силар, бемор эса гўёки бу қўллар ўзини алангаи оташ ичидан олиб чиқиб кетадигандай, маҳкам ёпишиб олганди.

Мана шу хушсиз аҳволда жангчи неча кун, неча ой ётгани номаълум. Энди унинг соғайиб, ўрнидан туриб кетишига жуда кам одам ишонарди. Фақат Чарха-Эбуген исмли чолгина хотиржам эди.

– Есугей ўлмайди. Есугей яшайди.

У ўтов олдида учига қора жун мато илинган найзани санчиб қўйди. Бу мана шу ўтовда оғир касал борлиги ва уйга кириш мумкин эмаслигини билдирарди. Касалнинг парвариши Ўйлуни ва Хоахчин зиммасига тушди. Уйқусиз тунлар уларнинг ҳар икковини ҳам ҳолдан тойдирди. Ўйлуни вақтни унутган эди. Есугей тузалиб, сал ўзига келганида, аллақачон қиш кирганди.

Ер узра оппоқ қор тўшалган, изғирин увилларди. Қариб қолган қарағай шохларида шамол хуштак чалар, танаси эса бу шамолдан зўриқиб ғичиллар эди. Қор учкунлари ўтов мўрисидан ичкари отилиб қирар, аммо ўчоқда алангаланаётган олов тафтидан эриб, ярим йўлда йўқ бўлиб кетарди.

Есугей ҳаёт ва мамот ўртасида олишиб ётганида Ўйлунининг қалби ачинишга тўлган бўлса, энди у ўзига келиб, салгина соғайиши билан кўнглида яна аввалгидай ётсираш ҳисси уйғонди. Лекин бу ётсираш илгаригидай, Есугей уни ўтовига олиб келган дастлабки кунлардагидай кучли эмасди. Баъзида Ўйлуни ўзини Чиледу эмас, мана шу Есугей никоҳлаб олиб келганида ҳаммаси бошқача бўларди, деб ўйларди. Лекин у Ўйлунини отига ўнгариб, худди қўй ўғирлаган мисоли олиб келди-да...

Есугей эрталаблари уйғониши билан кўзлари билан уни қидирар ва имлаб ёнига чақирарди. Ўйлуни унинг тўшаги ёнига бориб ўтирарди-ю кўзларини ерга қадаганича миқ этмасди.

– Сен оғзингга толқон солиб олганмисан?

Ўйлуни елкасини қисиб қўйди.

– Назаримда, менинг ёнимда ҳамма вақт онам тургандай туюлади, – деди Есугей.

¹ Эҳэ – ойи.

- Биламан. Сен кўпинча уни чақирасан.
- Ўша сен экансан. Сен жуда ҳам онамга ўхшайсан.
- Ҳа, ҳамма аёллар бир-бирига ўхшайди.
- Сен мендан хафамисан?

Ўйлун саволни жавобсиз қолдирди. У эса қайталаб сўрайверди. Бир гал Есугейнинг тоқати тоқ бўлиб, жеркиб берди:

– Сен энди бир умр шунақа гунг бўлиб юраверасанми? Агар мени кўришга кўзинг йўқ бўлса, боболарим хузурига жўнатиб юборишинг мумкин эди-ку? Буни осонгина уддаласанг бўларди.

– Нега? Дўритой-ўтчигинга хотин бўлиш учунми?

– Ким сенга шунақа деди?

– Дўритой-ўтчигиннинг ўзи.

– Утириб олишимга ёрдамлашиб юбор. – У қизнинг елкасига суяниб кўтарила бошлади, оғриқдан тишини тишига босиб ўтириб олди-да, буюрди: – Хони Дўритой-ўтчигинга юбор. Бу ёққа чақириб келсин.

Дўритой-ўтчигин Есугейни ўтирган ҳолда кўриб хурсанд бўлиб кириб келди.

– Ўрнингдан тура бошлабсан-да, менинг суюкли акагинам!

– Тура бошляпман. Яқинда қамчини ҳам кўлларимда маҳкам тутадиган бўламан... Кетаётганимда сенга нима деган эдим?

– Кўп нарса айтувдинг. Лекин мен ҳаммасини бажардим.

– Ўйлун тўғрисида сенга нима деган эдим?

– Ҳеч кимга хафа қилдирмаслигимни, уни авайлашимни айтувдинг. Сенинг олтиндай сўзларингнинг барчаси эсимда.

– Яна нима девдим?

– Янами? Ҳамма нарсаси бўлсин: овқати ҳам, ичимлиги ҳам, кийим-бош ҳам. Шунақами, кадрли келин?

– Агар мени ўлдиришса, сен Ўйлунни нима қилишинг керак эди?

– Мен уни уйига жўнатиб юборишим керак эди.

– Сен унга шундай деб айтдингми?

– Албатта! – Дўритой-ўтчигин ўпкаланиб гапирди. – У фақат сенинг ўлишингни ўйлаб ўтирарди-ку.

– Балиқни думидан тутиб бўлмаганидай, сенинг қинғирлигингни ҳам исботлаш қийин... – деди Есугей ҳорғин ҳолда. – Лекин бир куни мана шу айёрлигинг бошингга етади.

Укаси чиқиб кетиши билан Есугей Ўйлунга деди:

– Бунинг бўлган-тургани шунақа, энди уни ўзгартириб бўлмайди... – Есугей ўйланиб қолди, бир муддат жим турди-да, бошқа нарса ҳақида гапира кетди: – Бизнинг ҳаётимиз жуда оғир, таҳликага тўла. Чўл одамларининг бир-бирларига душманликлари илдиз отиб кетди. Сал эснаб қолсанг, подангни ҳайдаб кетишади, ўтовингни талашади, ўзингни ё ўлдиришади, ё кул қилиб олишади. Ҳозир биз бир-биримизга яқинроқ бўлишимиз керак, одам-одамга, қавм-қавмга, уруғ-уруққа. Фақат шундай қилсақина, яшаб кетамиз. Лекин буни кўпчилик тушунмаяпти. Ҳар ким фақат ўзини ўйлайди. Биз кучсизланиб боряпмиз, душманларимиз эса кучаймоқда. Нияти бузуқ татарлар бизнинг бошимиз, конимиз учун Хитой Олтинхонидан ипак матолар ва темир қозонларни мукофотга олмақда. Биз бўлсақ, улар билан тузукроқ ҳисоблашолмаймиз ҳам. Қийин пайтлар келяпти, Ўйлун. Менинг ёнимда бўл. Аламларингни унут. Ўйлун, сен менга жуда кераксан. Сенсиз мен сопсиз қиличга, узангисиз эгарга ўхшайман. Сен мени ҳаётга қайтардинг, хоҳласанг, мени қудратли қиласан.

Ўйлуни унинг ҳамма сўзлари чин юракдан айтилганини сезиб турарди. Ҳа, Ўйлуни унга керак, у Ўйлунига суянмоқчи... Афтидан, ўзининг ҳаёт йўли осмонларда белгиланган кўринади. Шундай экан, унга қарши бориш керакмидан?

Есугей тез оёққа туриб кетди. Сал кучга кириши билан от сўради. Ўйлуни ҳам у билан бирга кетди. Отлар йўрғалаб борарди. Оппоқ қорга бурканган тепаликлар кўзни қамаштириб ярқиради, қаҳратон сукунатида сувлуқларнинг жаранг-журунги яққол эшитилиб турарди. Отларнинг бурунларидан қайноқ буғ уфуриб чиқарди ва ёлларига ёпишиб қировга айланарди. Ўйлуни жилови бир тортиб қўювди, от аввалига йўртиб, кейин эса елдек учиб кетди. Совуқ шамол ёноқларини куйдириб, кўзларини ёшлантирди. Лекин Ўйлуни отини ҳамон ниқтар ва теп-текис адирда елиб борарди. Отнинг елиб бориши эркинлик ҳиссини уйғотарди ва кизнинг юрагини шодликка тўлдирарди.

От секинлашди. Ўйлуни орқасига бурилиб қаради. Есугей жуда узоқда қолиб кетибди – оппоқ қорда қоп-қора нуқта. Агар тақдирдан ҳам мана шундай осонгина қочиб бўлсайди!

6-боб

Чиледу тумоғини¹ орқага суриб тушириб, узоқ кулоқ солиб турди. Тоғтеракларнинг қаттиқ барглари шитирлар, қарағайларнинг учлари шивирлар, бошқа товуш эшитилмасди. Лекин унга адл қарағайлар ортида биров бордек, кимнингдир нигоҳи ўзига қадалгандек туюларди. Чиледу Тайр-Усун навкарлари билан етиб келишини кутмоқчи ва унга шубҳасини айтмоқчи бўлди. Аммо... нима дейди? Айғоқчилар ҳаёлига келган нарсалар ҳақида эмас, балки кўрган ва эшитганинигина етказишлари керак.

Неча кундирки, улар Селенга дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб пастлаб боришарди. Бу ерда тоғлар қирғоққа тик тушиб турарди, баъзи жойларда эса ўткир қоялар тўғри сувга кириб кетар эди. Ўрмон ҳам сув лабига бостириб келган эди. Дарё қўлтиқларига кип-кизил сўлғин барглари билан шумурт буталари энгашиб турарди, кумлоқ жарлик устида кудратли қарағайлар, тор уватларда қайинларнинг танаси оқариб кўринарди. Бу ерлар ажодларининг ватани. Боболар ерида нимадан кўрқадилар? Ҳеч кимга кераги бўлмаган ҳаётининг нимаси учун кўрқисин?

Чиледу энди отини тўхтатиб, атрофга кулоқ солиб ўтирмасди. У тик кумлоқ жарлик ёқалаб борарди. Чап тарафда, анча чуқурликда Селенга тўлғаниб оқарди. Унинг ирмоқлари уюрма ясарди, буталар ўсган оролчаларни чулғаб оларди. От қарағайнинг сарғайган игнабарглари сочилиб ётган сўқмоққа чиқиб олди ва ўнгга, дарёдан нарироқдаги қуюқ ўрмон тарафга юрди. Чиледунинг тўсатдан олдинда, дарахтлар ортидаги сувга кўзи тушди. Бу Селенга эмас, унинг ирмоғи, хори-туматларнинг Уда дарёси эди. Шу атрофда, мана шу қирғоқ яқинида улар ов қилишарди ва чорваларини боқишарди. Мана шу дарёнинг қуйилиш жойини Тайр-Усун тунаш учун қароргоҳ қилиб белгилаганди. Чиледу яна биров тепароққа кўтарилиб борди. Кенгина ялангликка чиқиб, атрофни кўздан кечиришга шошилди. Ўрмон ялангликни уч тарафдан ўраб турарди, дарёнинг у бетида баланд тепалик, пастдан кулранг қоялар бўртиб чиқиб турарди.

Чиледу атрофни кузатарди экан, яна кимдир ўзини таъкиб қилаётгандай туюлди. У яна кулоқлари шанғиллагунча атрофга зўр бериб кулоқ тутди,

¹ Тумоқ – қайтарма қалпоқ.

лекин бу сафар ҳам шубҳали товуш эшитмади. Тез орада олти нафар навқари билан Тайр-Усун етиб келди-ю, Чиледу тинчиди. Эгарларни олиб, отларни ўтлашга қўйиб юборишди. Нўён учун сафар чодир тикилди. Бирдан ўрмон ичидан камонлар билан қуролланган уч нафар жангчи чиқиб келди. Биттаси уларга қараб келар, қолган иккитаси эса камонлари билан отларни тўсиб турарди. Навқарлар қуролларига ёпишгани ҳамон аскар қўлини кўтарди. Шу заҳотиёқ ўрмондан иккита ўқ визиллаб учиб келди-да, чодир арқонларини шарт кесиб юборди. Чодир шалвираб ерга ёпишди. Тайр-Усун белбоғидан қиличини олиб, оёғи остига ташлади. Навқарлар ҳам худди шундай қилди. Аскар ҳамма қуролларни йиғиштириб, бир жойга тўплади-да, қўлини боши узра кўтарди. Ўрмон ичидан тўриқ от минган чавандоз, унинг ортидан яна олти нафар пиёда жангчи чиқиб келди. Чавандоз жуда ёш, деярли ўспирин эди. У ўзини жуда жаҳлдор қилиб кўрсатишга уринса ҳам, ҳаяжондан ёниб турган кўзларида жаҳлдан кўра қизиқсиниш кўпроқ эди.

– Биз меркитларнинг шавкатли ҳукмдори Тўхта-бекининг одамларимиз, – деди Тайр-Усун ўпкалаган оҳангда. – Биз хори-туматлар дохийси Бэрхе-сечен ҳузурига йўл олганмиз. Нима учун бизга сўқмоқда пистирма кўясизлар?

– Бэрхе-сечен – менинг отам, – деди йигитча ғурурланиб. – Менинг исмим Дайдихул-Сохор.

– Бизни отангнинг олдига бошла, Дайдихул-Сохор, қуролларимизни эса қайтариб бер.

– Мен сизларни отамнинг олдига бошлаб бораман, қуролларингни қайтариб беришни эса унинг ўзи ҳал қилади.

Шу ернинг ўзида, хори-туматларнинг назорати остида тунашди. Эрталаб йўлга отланишди. Уларни овчиларнинг тор сўқмоқларидан бошлаб боришди. Эртаси кечга яқин Бэрхе-сечен овулига етиб келишди. Ўтовлар унчалик кўп эмас, аксарияти ёввойи ҳайвонларнинг терисидан ясалган эди. Бу ернинг одамлари узун чопон киймас, эгниларидаги жун матодан ёки майин теридан тикилган кийимлари тиззадан келарди. Бу жуда кулгили туюлар, гўёки ҳазиллашиб этакларини кесиб ташлаганга ўхшарди. Лекин кейинроқ, Чиледу бундай кийим ўрмонда шох-шаббаларга илакишиб юрмаслик учун жуда ҳам ўнғай эканини тушунди.

Бэрхе-сечен уларни айиқ териси тўшалган кенгина ўтовда қабул қилди. Тайр-Усун совғаларини унинг олдига ёзиб қўйди: олача ипак мато, қумуш қинли пичоқлар, жез идишлар ва ўйма нақшлар билан безалган темир дубулға.

Бэрхе-сечен бошини сал эгиб, Тайр-Усунга миннатдорчилик билдирди. Сочлари оппоқ, касалманд, озгин юзли бу одам дунёдаги ҳамма нарсага бефарқдай кўринарди.

– Нима сўраб келдинглар, меркитлар? – сўради у Тайр-Усундан.

– Биз фақат нарса сўраб келамизми?

– Йўқ, иложини қилганингизда, сўрамай ҳам олиб кетаверасизлар.

– Нима, биз ёмон қўшнилармизми? – Тайр-Усун ҳайрон бўлиб, ковоғини уйиб олди. – Биз кўп йиллардан бери сизлар билан адоватсиз яшаб келамиз. Наҳотки бурунги гапларни эслаб юрсаларинг? Лекин ўша пайтларда ҳам сизнинг уруғингизга биз бошқача қарар эдик. Асирларга биз раҳм қилар, ҳаётларини сақлаб қоладик. Улар бизнинг қавмимиз болалари билан тенг яшашарди. Мана, Чиледунинг бобоси шу ерда туғилган. Ўзи менинг навқарим. Шунақами, Чиледу?

Тайр-Усуннинг бесаранжом, шишинқираган кўзлари Чиледуга қадалди, Чиледу ўрнидан турди.

– Тўғри.

– Сен бобонгни эслайсанми? – сўради Бэрхе-сечен.

– Йўқ.

– Унинг исми нимаиди?

Чиледу бобосининг исмини айтди. Бэрхе-сечен унинг кўзларига тикилиб қаради-да, ўрнидан турди.

– Сизлар йўлдан чарчаб келгансиз. Вақт кеч бўлди. Сухбатни эртага давом эттирамыз.

Тайр-Усунни алоҳида ўтовга, навкарларини бир ўтовга жойлаштиришди. Тайр-Усун ўз ўтовига кириб кетиш олдидан Чиледуга бу ёққа юр, дегандай ишора қилди. Ичкарига кириши билан у шоша-пиша пичирлади:

– Улар билан шундай гаплашгинки, сенга ишонишин. Мағлубиятимиз ҳақида гапирма. Нима қилиб бўлса ҳам, биз уларнинг ёрдамига ишониб кетишимиз керак. Тушунаяпсанми? Ақл билан иш қилсанг, мен аравани ҳам, хўкизларни ҳам эсламайман. Сенга кўп нарса боғлиқ. Мен сени атай олиб келганман.

Чиледу ўтовига кирмади. Эгар устига ўтириб, юзини қўллари билан беркитиб олди. Ўйлуни қўлдан чиқарганидан бери қай ишга қўл урмасин, ҳаммаси унга маънисиз, бефойдадек кўринарди. Тайр-Усун эса ундан манови одамларни нималаргадир ишонтиришни талаб қиляпти. Шамол учириб кетаётган қум зарраси нима ҳам қила оларди?.. Унинг ҳаётини ишонч – Есугейдан қасос олиш ишончигина ушлаб турарди. Маллавой қароқчи ҳам у сингари бир эзилса эди, юраги ором оларди.

Ўрамдагилар уйқуда. Ўтов олдида ит ҳурар, узоқ тоғларда буғу ўкирарди. Кимдир Чиледунинг елкасидан туртди. У бошини кўтариб қаради. Олдида Дайдихул-Сохор турарди.

Чиледу унга эргашиб, боя Бэрхе-сечен қабул қилган ўтовга кириб борди. Бу сафар хори-туматлар сардори гуриллаб ёнаётган ўчоқ олдида ўтирар, чўпга тортилган жигар бўлагини пишириб, шошмасдан кавшанарди. Чиледу жигар ейишдан тийилиб, фақатгина сутдан қилинган ичимлик – нордонгина дугдан ичиб қўя қолди. Дайдихул-Сохор ҳам отаси ёнига ўтириб, жигар пиширишга киришди. Ўтовда бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Нўёнинг сени айғоқчиликка буюрдими? – сўради Бэрхе-сечен.

Чиледу унинг ўткир қарашларидан шошиб қолди.

– Жавоб бермасанг ҳам майли, бу шундоғам тушунарли. Нўёнинг жуда ёш... Меркитлар орасида яшаш сенга оғир. Жим тур. Хурсанд эмассан, кўзларинг бўм-бўш. Биласанми, сенинг бобонг ким бўлган? У отамнинг катта акаси эди. Лекин биз уни ёш, ўзидан тирноқ қолдирмай ўлиб кетган деб юрардик.

– Ҳа, у жуда эрта ўлиб кетган. Лекин ундан менинг отам қолган. Яқинда эса отам ҳам оламдан ўтди. – Чиледу хўрсинди. – Онам анча аввал ўлган.

– Акаларинг, опаларинг борми?

– Йўқ, мен бир ўзимман. Акаларим ҳам, опаларим ҳам, хотиним ҳам йўқ. – Чиледу оловдан кўз узмади.

– Биз билан қол. Сенга хотин ҳам топилади, ўтов ҳам ясаб берамыз. Биз сенинг меркит хўжайинларингга ўхшаб бадавлат эмасмиз. Отла-

римиз ҳам, кўйларимиз ҳам камроқ. Аммо овдан топган ўлжаларимиз бизга егулик ҳам, кийим-бош ҳам беради...

– Йўқ, – Чиледу бошини чайқаб кўйди. – Балки мен қачондир бу ерларга қайтиб келарман, бироқ ҳозир... У ерда менинг зарур ишларим бор.

– Яна ўзинг биласан, – Бэрхе-сечен зўрлаб ўтирмади. – Бизнинг қариндош эканимизни нўёнинг билишини истайсанми?

– Менга барибир...

– Нега энди барибир бўларкан? Одам дегани ўз тақдирига ҳам шунчалик бефарқ бўладими! – Бэрхе-сечен қовоғини уйиб олди. – Қанака ишларинг қолиб кетган экан, деб сендан сўрамайман. Лекин шу туришинг бўлса, ҳеч нарсани тугатолмай сўлиб қоласан.

– Мен ўз ишимни тугатиб қўяман, – деди Чиледу бўғилиб, сўнг яна такрорлади: – Тугатаман!

Дайдихул-Сохор кўзларини чакчайтириб олганча пишган жигарни бўлақлар, устига туз сепиб, оғзига ташларди. Шу чокқача у бир оғиз ҳам сўз кўшмаганди.

– Энди бўлса мен сендан меркитларнинг режалари ҳақида сўрамоқчиман. Тушунаман, улар бекорга келишмаган, аммо бунинг тагида нима бор? Сен менинг саволларимга, истасанг, жавоб бер, йўқса, ихтиёринг, – деди Бэрхе-сечен. – Дилингни ёрсанг, бу сенга фақат наф келтиради. Боя айтганимдай, биз сенинг хўжайинларингга ўхшаб бадавлат эмасмиз, лекин озод одамлармиз. Бу ерларга эгалик қилиш ва ўзимиз хоҳлагандай яшашимиз учун биз кўп қон тўкканмиз. Меркитлардан биз ҳеч нима кўзламаймиз. Лекин биздан уларга нима керак?

– Тайр-Усун буни ўзи айтади.

– Тўғри. Лекин кўшним мендан олов сўраса, бу билан у ўзига овқат пиширмоқчими ё менинг ўтовимга ўт қўймоқчими – билишим керак. Агар меркитлардай қудратли уруғ катталари бизнинг ёрдамимизга суянмоқчи экан, бунинг ортида қандайдир сир яширин.

– Улар тўйчиютлар билан тесқари бўлиб қолишган. Менимча, Бэрхе гуай¹, бу душманлик, илгарилари бўлиб турганидай, оддий жанглр билан тугамаса керак.

– Бўлиши мумкин, – Бэрхе-сечен ўйланиб қолди. – Биз сизларнинг чўлларингиздан анча узоқда яшаймиз. Лекин бизга ҳам узоқ-юлуқ хабарлар келиб туради. Сиз тарафларда ақлга сиғмайдиган ишлар бўляпти. Бир қабила иккинчиси устига оч итдай ташланади. Гўё Осмон бу одамларни ақлдан оздириб қўйгандай. Аммо бу ҳолат абадий шундай давом этиши мумкин эмас.

– Мен сизнинг меркитларга ёрдам беришингизни хоҳлардим. Мен меркитлар тўйчиютларнинг адабини бериб қўйишини истайман.

– Сен тўйчиютларни ёмон кўрасанми?

– Уларни кўрарга кўзим йўқ! – Чиледу бу гапни секин айтди, лекин ўзига бақиргандай туюлди. Ичини бирдан ўт олгандай бўлди.

– Нафрат кишига ишончли ҳамроҳ эмас. Тўйчиютларнинг ҳаммасини ёмон кўришингга сабаб нима? Ўрмонда баланд ва паст дарахтлар бўлганидай, халқда яхши ҳам, ёмон ҳам учрайди. Тайр-Усун мендан одам сўрайдими?

Чиледу бу саволга жавоб бермасаммикан, деб ўйланиб қолди. Лекин Тайр-Усун унга фақат ютқазганлари тўғрисида гапирмасликни буюрган-

¹ Гуай – катталарга ҳурмат белгиси сифатида исмга қўшиб айтиладиган сўз.

ку. Бунинг устига, очиққўнгил Бэрхе-сечендан бирон нарсани яшириш ҳам нокулай эди.

– Одамлар ҳам, қимматбаҳо мўйналар ҳам сўраса керак, – деди Чиледу.

– Сен ҳам шуни хоҳлайсанми?

– Мен меркитлар тўйчиютларни енгишини хоҳлайман. Менинг истагим шу, Бэрхе гуай. – Чиледу бутун дилидагини тўкиб солди, ўз ғами, аламини бир дам унутиш учун ёш хотинини душманлари тортиб олишганини гапириб берди.

Бэрхе-сечен унинг пойма-пой ҳикоясини хотиржам эшитди. Ўйчанлик билан:

– Қабилаларнинг душманлашиши одамларга фақат бахтсизлик ва алам келтиради, – деб қўйди. – Сен ҳозир қасос ҳақида ўйляпсан, лекин бу қасос сени бахтли қилмайди.

– Қасос қалбимни тинчитади.

– Янглишасан!

– Ота, унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам... – шу пайтгача жим ўтирган Дайдихул-Сохор гап бошлаган эди, Бэрхе-сечен уни юмшоқлик ва айни дамда кескинлик билан тўхтатиб қўйди.

– Ўч олиш билан ҳеч нарсани тузатиб бўлмайди. Ўтмиш хаёли билан яшаш эса, қозик атрофида айланиб чопаётган отнинг ишига ўхшайди – қанча югурма, бир жойда тураверасан.

Чиледу у билан баҳслашишни истамади. Агар шу чоққача Есугей ва унинг уруғидан қасос олиш истаги тумандай хира туюлган бўлса, энди у худди қарағай танасидаги болта изидай яққол кўриниб қолди. Бэрхе-сечен Чиледунинг кўнглини сезди-ю, аммо у мум тишлаганидан сўрамай қўя қолди.

– Майли... аммо одам бермаймиз. Уруш бизга ҳам керак эмас.. Мўйнани ҳам газламага алмашишимиз мумкин. Лекин сен, нўёнинг сўраса, мўйналарни найманларга ваъда қилиб қўйишган экан, деб айтгин.

– Нимага энди? – хайрон бўлди Чиледу.

– Шундай қилсак, бизга ҳам, сенга ҳам яхши бўлади.

Чиледу унинг сўзларига барибир тушунолмади. У Тайр-Усунга Бэрхе-сечен қандай буюрган бўлса, шундай етказди. Нўённинг жон-пони чиқиб кетди.

– Қандай ҳаддилари сиғди?! Мўйналарни найманларга беришармиш, бу қанақаси? Биз калтакланган меркитлар эмас, бадавлат ва кучли найманлар билан иш қилишни афзал биламиз, демокчиларми! – Тайр-Усун тўсатдан Чиледуга ўдағайлаб кетди. – Сен уларга ҳаммасини айтиб бергансан! Уруғингни топганингга суюниб, бизни сотгансан!

– Бэрхе-сечен менинг нафақат уруғдошим, балки яқин қариндошим ҳам! – чўрт кесди Чиледу. – Сизларни эса сотганим йўқ...

– Қариндошим?! Шунақа дегин! – Тайр-Усун каловланиб қолди, унинг кўзларида шубҳа милтиради. – Алдамаяпсанми? Нима ҳам дердим, бўлиши мумкин. Сен, албатта, шу ерда қолсанг керак?

– Йўқ, мен қолмайман. Мен сенинг навқарингман.

Тайр-Усун унга яқинлашди-да, даханидан кўтариб юзига тикилди.

– Нимагадир мен сени тушунмаяпман. Бироқ буни билиб оламиз. Лекин ҳеч нарсасиз, курук қайтаверамизми? Одам беришмаса, майли, уларсиз ҳам эплаймиз. Лекин мўйналар... Кейин, бу одамларнинг най-

манлар билан яқинлашишларига ҳам йўл қўймаслик керак. Яна бир гаплашиб кўр. Бэрхе-сечен менга рад жавоб бериши мумкин, аммо ўзининг қариндошига йўқ демаслиги керак.

– Мен уриниб кўраман... – ғўлдиради Чиледу, Бэрхе-сечен ўйлаб топган бу тушунарсиз ўйинда беихтиёр иштирокчи бўлиб қолганидан ўнғайсизланиб.

Хори-туматлар сардори билан учрашгач, билдики, Бэрхе-сечен ўз мақсадига етишибди. Унинг айтишича, Тайр-Усун бу одамлар нима беришни истасалар, ўшани олиши ёки умуман ҳеч нарса ололмаслигини тушуниб етган.

– Энди бориб, найманлар билан шартномани узганимни айт.

Чиледу ҳаммасини тушунди. Бэрхэ-сеченнинг аклига қойил қолди. Ахир, у бошидаёқ Тайр-Усунга одам бермасдан, мўйнага рози бўлганида, меркит нўёни барибир хафа бўлиб қайтарди. Ҳозир эса у шунга ҳам хурсанд бўлиб кетади.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Бу гапни эшитиб, Тайр-Усун яшнаб кетди, Чиледунинг елкасига меҳрибонларча уриб қўйди.

– Баракалла! Сенинг бу хизматингни Тўхта-бекининг ўзига айтаман.

У ваъдасининг устидан чиқди. Қанор-қанор мўйналар билан уйга қайтишганида, Тайр-Усун Чиледунни Тўхта-беки ўтовига бошлаб борди.

Тўхта-беки мўйналарга эътибор бермади. Ялтираб турган сувсар мўйнасини бир қоқиб, ипакдай майин тукларига пуфлаб кўрди-да, қопга ташлади.

Тайр-Усуннинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу бойликни қийинчилик билан қўлга киритганини сўзлай кетди. Тўхта-беки унинг гапларини табассум билан, қўлларини орқасида туташтирганча, у ёқдан-бу ёққа юриб эшитарди. У бутунлай соғайиб кетмаган, бўйни қийшайиб, боши аввалгидай бир ёнга осилиб қолганди.

– Мен энди улардан ҳеч нарса ололмаймиз, деб турган эдим, – деди Тайр-Усун, – лекин навқарим Чиледу Бэрхе-сеченнинг яқин қариндоши чиқиб қолди. У менга ёрдам берди. Чиледу ўша ерда қолиши ҳам мумкин эди, лекин қолмади – сенинг байроғинг остида жангга кириш унинг олий истаги экан.

Тўхта-беки Чиледуга яқинлашди.

– Э-э, куёв... Садоқатинг мақтовга арзийди! Мен ахтачига буюраман, сенга уюримдан битта учқур от беради. – Тайр-Усунга ўтирилди.

– Албатта, хори-туматлар билан ишни ўнглаб келганларинг яхши. Лекин биз мўйналарни қарайитлар хонининг меросхўрларига ҳадя қилмаймиз. Сен сафардалиқ чоғингда бу ерда анча ишлар бўлди. Ака-укалар бир-бирлари билан уришиб қолишди. Биз тўрталовига ҳам ёрдам берамиз, деб ваъда қилдик. Тўғорил ютиб чиқди. Икки укаси Той-Тумор билан Буха-Тумор бу ёққа қочиб келишди. Эрхэ-Хара эса, афсуски, найманлар тарафга ўтиб кетди. Ака-укаларни мен яхши кутиб олдим, ишонтирдим...

– Бу яхши хабар, – деди Тайр-Усун. Бироз ўйланиб, қўшиб қўйди: – Бу жуда яхши хабар. Лекин Тўғорил нима қилмоқчи?

– У бизга чопар юборибди. Той-Тумор билан Буха-Туморни ўзига топширишимни сўрабди. Мана шунақа гаплар! – Тўхта-беки Тайр-Усунга хурсанд назар ташлади. – Яхшиямки, сизлар мени шошиб тўйчиютлар устига юриш қилишдан тўхташиб қолдингиз. Қарайитлар энди бизга қўшилади ва биз икки карра кучли бўламиз. Ўшанда

тўйчиёт бизнинг тазйикимизга дош беролмайди. Биз уларнинг овуларини супуриб ташлаймиз. Ерларини ўз қонлари билан ювамиз!

– Тўғорилнинг чопарига нима жавоб қилдинг?

– Мен унга анча гап айтдим-у, лекин жўяли ҳеч нима демадим.

– Сен агар Той-Тумор ва Буха-Туморга ёрдам берсанг, Тўғорил билан жанг қилишимизга тўғри келади. Балки қочоқларни унга топширганимиз маъқулдир? Тўғорил бизга дўст бўлармиди?

– Дўст бўларини билмадим, – иккиланди Тўхта-беки. – Лекин найман хонидан кўмак сўраган укаси Эрхэ-Харадан чўчиб, у бизга қарши чиқмайди. Вақт борида ака-укаларни бир-бирларига қайраб қўйиш керак. Ўртасидаги адоват қанча кучли бўлса, улар бизга шунча суянишади. Биз эса кимга ёрдам беришни ўйлаб кўрамиз...

7-боб

Ичи сариқ ипак билан ишланган катта ўтовда, олов олдида пахмайган сочига қўлларини тираганича бир одам ёлғиз ўтирарди. Намат билан ўралган ўтов ортида бўрон қутураб, шамол худди бўри каби увиллаб, ўтовни тебратаб ва бундан ипак мато тўлқинланарди. Очиқ мўридан қор учкунлари учиб кириб, оппоқ капалак мисоли одамнинг боши узра парвоз қиларди. Ташқарида навбатчиликда турган навкарларнинг шамоллаган, бўғиқ овозлари эшитилди. Кимдир ўтовга кирмоқчи-ю, қўриқчилар уни ичкарига қўймасдилар. Ниҳоят эшик очилди ва остонада навкар пайдо бўлди.

– Сенга нима керак?

– Яратганнинг хизматкори...

– Ўтказиб юборинглар.

Қора рангли узун кийими оёқларига ўралиб, Худонинг хизматкори кирди. Ўз танаси атрофида чўқиниб, таъзим қилди¹.

– Нима дейсан? – ўтов эгаси кўзларини очиб, қўлларини туширди.

Унинг япалоқ юзида сувчечакнинг бужур излари бир умрга мухрланиб қолганди. Туя жунидан тикилган олтин тугмали пўстинининг елкалари осилиб турарди. Унинг ҳузурида ўзини ожиз сезган руҳоний, нима қиларини билмай, сийрак соқолига ёпишган муз парчаларини қоқиб туширди.

– Олампадох, сен ҳам видолашасанми?..

Қарайитларнинг навқирон хони Тўғорил пўстинининг олтин тугмаларини тақиб эшик томонга юрди. Руҳоний ундан илгарилаб, ўтовдан биринчи бўлиб чиқди. Қутурган шамол пўстинининг узун этакларини икки тарафга кўтариб юборди. Шу кўринишда у парвозга шайланган қузғунга ўхшаб кетди. Навкарлар икки тарафдан уни қўлтиқлашга шошилдилар, аммо у ёрдамчиларини нари суриб, елкаларини кескин силтаганча, ялангбоши эгик руҳоний кетидан қадам босди.

Руҳоний уни черков-ўтовга бошлаб келди. Буруқсиб ёнаётган чироқлардан ўтов димиқиб кетганди. Ўртада, энсизгина нақшинкор кўрпада ёш аёлнинг жасади ётарди. Бу ўзининг хотини эди. Эмизикли ўғлининг онаси.

Тўғорил ҳеч кимга эътибор қилмай, унинг ёнига келиб тиз чўқди. Аёлнинг бош тарафида, қизил ипак ёпилган супача устида йирик ёкутлар билан безатилган хоч турибди. Бу ўйноқи тошлар чироқлар нуридан

¹ Қарайитлар насроний динининг несториан мазҳабига амал қилганлар.

қизғиш жилоланиб, таҳликали шуъла таратарди. Тўғорил қўлини хочга теккизиб бармоқларини ўпди ва кўрпани кўтарди. Ўлим аёлнинг юзини деярли ўзгартирмаган эди. Фақат кўзлари остида кўкиш чизиқ пайдо бўлибди. Кенг пешонасидаги бир шода марварид билан у шундай дилбар эдики, Тўғорилнинг назарида тирикдай туюларди. Руҳоний ҳам хотинининг жанозаси учун эмас, бошқа сабаб билан ибодат кўшиғини хиргойи қилаётгандай, ўтов атрофида тиз чўкиб йиғлаб ўтирган одамлар ҳам бу ишни зўраки бажаришаётгандай эди. У аёлнинг ёнокларига қўл теккизди-ю, бармоқларини муз тешиб ўтгандай тез тортиб олди. Ўрнидан туриб, сўнгги бор хотинининг юзига қаради. Қошлари тутшиб, пешонасининг қоқ ўртасида чуқурча ҳосил қилди. Нафаси қисилди. У черковдан чиқиб, катта-катта қадамлар билан ўтови томон юрди.

У фақат хотингина эмас, онаси, ака-укалари, дўстларининг ҳам ўрнини босгудай эди. Катта қуршов овлари пайтида ҳам, душманлар билан жанглари пайтида ҳам хотини унинг ёнида от суриб борарди. У эрининг энг содиқ навқари эди...

Ўтган куни улар мана шу сариқ ипак тортилган ўтовда нўёнлар ва обрўли оқсоқолларнинг ваъзларини бирга тинглаган эди. Зиёфат уюштирилган, хотини эрининг шаробидан ичишга ижозат сўраган эди. Кун ўтмай хотинининг аҳволи ёмонлашиб қолди. “Бу шаробни хитойлар гуручдан тайёрлашади, – деди у хотинига. – Мен ҳар сафар уни ичганимда ичим ўт бўлиб ёнади. Бориб дам ола қол”. У кетди. Базм тугаб, Тўғорил хотинининг ёнига кирганида эса у ўлим билан олиша-олиша хушини йўқотганди. “Мени заҳарлашди”, деди-ю, жони чикди.

Уни чиндан ҳам заҳарлашганди. Аниқроғи, заҳарланган шароб тўла қадах, аслида хотинига эмас, унинг ўзига тайёрланганди. Димиқиб ётган черковдаги тўшакда бугун унинг ўзи ётиши керак эди.

Шамол аста тина бошлади. Ўтов ҳилпирамай қолди. Ташқаридан қорнинг ғирчиллаши эшитилди. У эшикни очди.

– Баковулни чақиринглар. Оловни ҳам гуриллатинглар, совуқ.

Ўтовда олов аланга олиб ёна бошлади. Тўғорил пўстини барларини очиб, қўлларини олтинранг аланга тилларига тутди. Уни безгак тутар, назарида хотинининг танасидаги совуқлик унинг ичига кириб олгану бутун вужудини музлатиб қўйгандай эди.

Уч нафар навқар сийрак мўйловлари осилиб тушган жиккаккина баковулни олиб киришди. Отасига ҳам баковуллик қилган бу одамни Тўғорил болалигидан танирди. Эпчил ва чакқон баковул зиёфатларни маромига етказиб қўяр, ҳеч кимни назардан қочирмасди. Тўғорил уни таниганидан буён оппоқ мўйловли, юзида биронта ажини йўқ эди. Ҳозир совуқдан юзи кўкариб кетган, мўйловларининг учи енгил титраб турарди.

– Исиниб ол. – Тўғорил ўчоқ олдидан унга жой бериб, четроққа суррилди. Баковул кўркув тўла кўзларини Тўғорилдан узмай ҳадиксираб оловга яқинлашарди. Илжайишга уринди-ю, аммо лаблари беихтиёр қалтираб кетди.

Баковул Тўғорил билан укаларини ёшлигида кўп меҳмон қиларди.

Тўғорил хўрсиниб қўйди. Дафъатан хаёлини қуршаган бу хотираларни четга сурди ва буюрди:

– Гапир!

– Нимани? – овози бўғиқ чиққан баковул йўталиб қўйди. – Мен отангининг содиқ хизматқориман...

– Сен, эҳтимол, отамнинг содиқ кули бўлгансан... Мени заҳарлашни ким буюрди?

Баковул чўкиниб олди.

– Худо ҳаққи, қасам ичаман! Қандай ҳаддим сиғарди?!

Тўғорил навкарларга имо қилди. Иккитаси баковулнинг кийимларини ечиб олиб ерга ағанатишди, учинчиси қўлида камчи ўйнатди. Чолнинг қорача, чайир елкасида камчи изи пайдо бўлди-ю, қария чинқириб юборди. Қамчи иккинчи бор тушганда териси ёрилиб кетди ва қовурғалари орасидан қон сизиб туша бошлади. Тўғорил юзини буриб олди. Бора-бора баковулнинг овози чикмай қолди. Тўғорил навкарларни тўхтатди. Баковулни ўтқазиб қўйишди. Унинг кўзлари узоқ олишувдан сўнг енгилган ҳайвонниқига ўхшарди.

– Хўш? – Тўғорил афтини буриштириб, энгашди.

– Мен айбдор эмасман! Мен...

– Қўлларини қайиринг.

Навкарлар яна унга ёпишди. Бармоқларнинг қарсиллаши эшитилди.

– Аҳҳ! Керакмас!

– Гапир!

– Айтаман. – Баковулнинг бўғриқиб, шалпайиб қолган юзидан тер куйиларди. – Айтаман. Ўзингнинг укаларинг...

– Ёлғон айтасан!

– Йўк, алдамаяпман. Ҳамонки ўлар эканман, ёлғон гапиришдан фойда йўк. Фақат мени қийнама.

– Нега бундай қилдинг?

– Мен ўлишдан кўрқдим. Уларнинг одами айтдики, сен бу ўтовда барибир узоқ ўтиролмас экансан. Той-Тумор ва Буха-Туморни меркитлар, Эрхэ-Харани эса найманлар қўллаб-қувватлаётган эмиш. Агар уларнинг айтганини қилмасам, сен ўлишинг керак бўлган куни мен ўлардим.

– Шунақа де! – алам билан чўзиб деди Тўғорил. – Йўкотинг буни!

Ўша куниёқ у укаларини дарҳол қайтариб беришни талаб қилиб, Тўхта-беки ҳузурига яна элчи жўнатди. Бермаса, уруш бўлади. Меркитлар ҳукмдори Той-Тумор ва Буха-Туморга Тайр-Усун нўёнини кўриқчи қилиб жўнатар экан, у орқали Тўғорилга дўстлик ва хайрихоҳлик билдирди...

Тўғорил барча нўёнларни чақиртиришни буюрди. Улар келгунича олов ёнидан жилмади. Ичидаги титроқ ҳеч кетмасди. Олов иситмасди. У тантанали кунларда отаси ўтирадиган супачага чиқиб ўтирди. Отаси ўлгандан кейин бу жой учун қанча қон тўкилди. Худо шоҳид, у бу ўринга интилгани йўк. Унга отаси ажратиб берган улус ҳам етиб турган эди. Аммо укалари ҳоли-жонига қўйишмади. Укалари у ҳокимиятни барибир ўз қўлига олади, деб кўрқдилар. У ҳокимиятни эгаллади-ю, энг қимматли кишисидан – хотинидан айрилди.

Тўғорил нўёнларнинг саломига алиқ олмади. Ҳозир унинг ичида нафрат тошарди. Бугун унга тилёғламалик билан таъзим қилаётганлар эртага бошқа бировнинг олдида ҳам бошларини худди шундай эгаверадилар. Ким хон бўлишининг уларга фарқи йўк, фақат уларнинг подаларига тегмаса бўлгани.

Одам тўла ўтовдан садо чикмасди. Ҳар бир нўён ўз ўрнида, ёш хонга хавотирли нигоҳ ташлаб, индамай ўтиришибди. Тайр-Усунни меҳмон билиб, тўрдан жой кўрсатишди. У ҳам чордана қуриб, таранг боғлаган белбоғини қўллари билан ғижимлаб ушлаб, кўзларини чакчайтириб, ўтовнинг сариқ мато бурмаларини томоша қиларди.

Той-Тумор билан Буха-Туморни олиб келишди. Улар эшик олдида пичирлаб туришибди. Бу эгизакларни яқинлари ҳам кўпинча адаштириб кўярди. Оқ-сарикдан келган, қошлари ҳам, энди сабза урган мўйловлари ҳам бир хил. Уларнинг орқасида хонга садоқатли нўёнлар кад ростлашган.

Нигоҳи укаларининг қарашлари билан тўкнашган хон бир сесканиб тушди, нўёнларига яна бир-бир қараб чиқди.

– Шижоатлари ҳаммага маълум, оқиллиги билан қавмлар фахрланадиган, аччиқ ҳақиқат аламига чидайдиган, ширин ёлғонни фарқлай биладиган сиз, нўёнларни мен бугун муҳим бир қарор қабул қилиш мақсадида чақиртирдим. Қодир Худо отамнинг ўтовини ва ундаги мана шу ўринни кўлга киритишимга мадад берди. Сизлар менга итоат қилишингизни аён этдингиз ва мен бу ваъдангизни қабул қилдим. Аммо, айттайинки, отамнинг ўрни учун укаларимнинг ҳаммаси ҳам бирдай ҳақли. Той-Тумор ҳам, Буха-Тумор ҳам. Мана, сиз уларни кўз ўнгингизда кўриб турибсиз. Ақлсизлиги туфайли найманлар юртида юрган Эрхэ-Хара ҳам, тангутлар бир неча йил аввал асир олган Жағамбу ҳам шундай. Бугун, мен сизлардан шавкатли одамлар сингари гапнинг тўғриси айтишингизни сўрайман, сиз мана шу беш ака-уканинг қайси бири хон бўлишини истайсиз? – Тўғорил ўрнидан турди-да, укаларининг ёнига келиб турди.

Нўёнлар пичирлаша бошлашди. Кейин бу англаб бўлмас шовқин орасидан бир сўз отилиб чиқди:

– Сени!

– Сен бизнинг хонимизсан!

Тўғорил ҳаммани тинчитиб огоҳлантирди:

– Шошилманглар. Ўйлаб кўринглар. Барча муқаддас нарсалар ҳаққи, қасам ичаман, сизлар нима қарорга келсангиз, мен ўшанга бўйин эгаман!

Нўёнлар баттар шовқин солишди. Кимдир баланд овозда қичқириб деди:

– Бизнинг хонимиз – Тўғорил!

Ҳамма бу ҳайқирикни илиб кетди:

– Тўғорил – бизнинг хонимиз! Бизнинг хонимиз – Тўғорил!

Тўғорил қўлини кўтарди.

– Бошқа одамни хон ўрнида кўришни истаганлар ҳам борми?

Сукунат. Тўғорил супача ёнига келди-ю, ўтирмади. Нўёнларга таъзим қилди.

– Мен сизнинг иродангизга бўйин эгаман. Шу тобдан бошлаб ва то тиррик эканман, мен сизнинг ҳукмдорингизман. Мен сизнинг хоҳишингизни қандай ҳурмат қилсам, сизлар ҳам менинг истакларимга шундай итоат этишингиз керак. Хон ҳукми олдида ҳамма баробар – энг паст қорача ҳам, зоти улуғ оқсоқол ҳам. Ҳаммаларингга адолат ва ақл билан қарайман. Содик ва кўркмас одамларга марҳамат кўрсатилади, жиноятчилар – ким бўлишларидан қатъий назар! – жазоланади. – Тўғорил кўзларини укаларига қаратиб, жимиб қолди.

Нўёнлар ҳам хоннинг укаларига кўз тикишди. Эгизаклар хавотирда, оғирликларини бир оёқдан иккинчи оёқларига оларди. Тўғорил навкарларга им қокди. Улар ўтовга дабдаласи чиқиб кетган баковулни олиб киришди.

– Гапир! – буюрди унга Тўғорил.

Баковул кўрқувдан тутила-тутила бояги икрорини қайтарди.

Тўғорил укаларидан кўз узмай турса-да, Тайр-Усунни ҳам назаридан

қочирмасди. Баковул меркитлар ҳақида гапирганида, меркит нўенининг қўллари таранг белбоғлари устида ғимирлаб қолди, аммо қотма юзида ўзгариш сезилмади. Той-Тумор билан Буха-Тумор баковулнинг биринчи сўзларидаёқ тиз чўкиб олишган, пешоналарини наматга қўйиб, кечирим сўрашарди. Хон энгашиб турган укаларининг очик бўйинларидан болаларча баданларини кўриб, кўнгли бузилиб кетди. Улар томон бир қадам қўйди-ю, тўхтади. Яна унинг эсига хотинининг муздек ёноғи тушиб кетди. Чўтир юзи тундлашиб, қорайиб кетди.

– Мана бунинг калласини узиб ташланг! – деди у баковулни кўрсатиб.
– Буларнинг эса умуртқаларини синдиринг.

Навкарлар шу ондаёқ учала айбдорни ўтовдан олиб чиқиб кетишди. Ўртага қулоқни шанғиллатиб юборувчи сукунат чўкди. Ташқарида ўтовни тортиб турган чилвирнинг учини ўйнатаётган шамолнинг кучсиз шивири эшитилди. Нўёнлар кўзларидаги кўркувни яширишга уринардилар. Улар кўпни кўришган эди-ю, аммо туғишган укаларини бундай шафқатсиз жазолаган одамни эшитмаган эдилар. Укаларигаки шафқат қилмас экан, бошқалар хондан нимани кутиши мумкин?

8-боб

Кавакдан суғур бош чиқарди. Қаттиқ мўйловларини қимирлатиб ис олди, калта қулоқларини динг қилиб таниш овозларга қулоқ тутди. Боши узра тўрғай сайрар, майса устида юмронқозик чийилларди. Суғур астагина инидан чиқиб, силкиниб устидаги чангни қоқди. Қуёш қиздирар, ер ҳам ёқимли – илиқ эди. Янги чиққан майса сабза урган, қийғос очилган бойчечакларнинг бошчалари шамолда енгил тебранарди.

Суғур ерга астойдил чўзилиб ётиб олди. Узоқ қиш уйқусидан чиққан танаси ҳали анча кучсиз бўлганидан, қуёш тафтида тезгина уйқуга кетди. У маза қилиб пишиллаб ухлар, аммо сезгир қулоқлари ҳамон товушларга жавоб қилгандай қимирлаб турар эди. Қулоқчалар бирдан ҳаракатдан тўхтади. Суғур бошини кўтарди. Сал нарида секин-аста юриб, уч нафар отлик ўтиб борарди. Суғур ҳар эҳтимолга қарши инига яқинроқ бориб олди. Аммо муз тортиб ётган инига киргиси йўқ эди. Юмронқозиклар кавлаб чиқарган тупроққа бағрини берди. Мўйнасининг сарғиш-бўз ранги тупроқ ранги билан деярли бир хил бўлганидан уни дарров илғаш қийин эди.

Отлиқлардан бири отини тўхтатиб, камонини тортди. Ўқ суғурнинг шундоқ тумшуғи ёнига қадалди, тўзгиган чанг эса кўзларига қопланди. Ҳеч нарсани кўролма, кўрқиб кетган жонивор шошиб қавагига кириб кетди.

– Эҳ, ўғлим-а, мен сенинг ёшингда шунақа отармидим? – қария Чарха-Эбуген аччиқланиб бошини чайқаб қўйди. – Есугей баходир бўлганида нишонга аниқ урган бўларди.

Есугей олдинда кетар эди. Ўз исмини эшитиб, жиловни тортди.

– Нима гап?

– Мана бу Мунликни кўрмайсанми... Мен унга сен бўлганида нишонни беҳато урардинг, деяпман.

Есугей масофани чамалаб кўрди-да, тасдиқлаб қўйди:

– Ҳа, мен янглишмасдим.

– Бўлмаса, нимага отмадинг? – деб сўради Мунлик нишонга теккиза олмагани алам қилиб.

– Шунчаки, ўзим. Хоҳламадим.

Есугей суғурни ҳам, тўп бўлиб турган тупроқни ҳам пайқамаганини билдиргиси келмади. Кўнгли жуда ғаш эди. Ёвузлик руҳлари тўйчиютлар улусини таъкиб қиляпти, шекилли. Ўмбахайхондай доно одамнинг вафотидан ҳали ўзига келмаган юрак янги ғамдан озурда бўлди: жароҳатлари битмаган Хутула баҳодир ҳам оламдан ўтди. Бугун нўёнлар қурултойга тўпланишяпти. Кимни янги хон қилиб кўтаришаркан? Хутуланинг ўғли Олтон ҳали жуда ҳам ёш. Бошқа асилзода нўёнлар орасида эса ақли ва жасоратлари билан бошқалардан устун келадигани йўқ. Жуда катта тортишув бўлса керак.

Чарха-Эбуген хирилдоқ овози билан ашула айтиб қолди. У ўғлини изза қилгандай чексиз осмон бағридаги бургутни, югуриб кетаётган жайрон кўзини пойлай оладиган афсонавий мерган ҳақида куйларди. Ини олдида мудраб ётган суғур эса бу мерган учун арзимас нишон...

Ота-боланинг хушчақчақлиги Есугейнинг жаҳлини чиқарди. Ашулага топган вақтларини қара-ю. Базмга кетаётганлари йўқ-ку. Қурултойдаги бахслар уруғларнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлар... Бундан кучсизланиб қолган улус душман кўшнилари – татарлар, меркитлар, қарайитларга емиш бўлиши аниқ. Есугей Мунликнинг овозини ўчирмоқчи бўлди-ю, кейин индамай қўя қолди. Улар ўзи азалдан ҳар вақт кўшиқ айтиш, ҳазил-мутуйиба ва сўзамолликка уста. Чарха-Эбуген ажодлари чўлга машҳур шомон бўлган. Чарха-Эбугеннинг ўзи ҳам шифобахш гиёҳларни танир ва улар ёрдамида касалликларни даф қила оларди. Мунлик бу соҳада сал нўноқ. Лекин тўнғич ўғлини шомонга шогирдликка берди. Одамларнинг айтишича, болакай осмон сир-синоатларини ўқишда ажойиб иқтидори борлигини намоиш қилган эмиш. Энг асосийси, қария Чарха-Эбуген ҳам, Мунлик ҳам жуда ишончли, Есугейга ҳар тарафлама содиқ кишилар эди. Ҳақиқий дўстлар унчалик ҳам кўп эмас. Шундай дўстлари сафига у яқин қариндошлари – Сача-беки, Тўрғутой-Қирилдук, Ўлтонларни кўшиши мумкин. Аммо бугунги қурултойга улар алоҳида жўнабдими, бир фитналари бор кўринади. Туғишган ака-укалари ҳам ҳар ким ўзича кетибди. Вазият анча чаток.

От туёқлари остида майин майсалар ястаниб ётар, ора-орада мовий, сарик, оқ, кўк гуллар яшнаб кўринар, даштда гўё гуллар сайли бўлаётгандай эди. Кўлда ўрдаклар сузар, бир оёғини йиғиб олган қарқара ўйчан турар, узокроқда эса худди кўйлар подасини эслатиб тувалоқлар виқор билан кезинарди. Баҳор!.. Кўчманчилар учун бундан яхши мавсум йўқ. Қиши билан ориқлаб кетган чорва баҳор яйловларида тезда ўзига келиб олади, кўзилаш мавсуми бошланади. Болакайлар ҳам тўйиб сут ичадилар, ялангоёк, тойчоқлардай тиниб-тинчимай ўрамни бошларига кўтариб югурадилар. Чол-кампира ҳам кун ботгунича офтобда, эмаклаб кетган набираларига қараб ўтирадилар. Одамлар ҳам кўнглини кенг қилиб, душманлар ва урушлар ҳақида эмас, балки той-тулпорлар, пойга ва полвонлар беллашуви ҳақида суҳбат қурадилар.

Анъанага кўра, қурултой Ўнўн бўйида ўтказилади. Деярли барча нўёнлар йиғилиб бўлган. Аммо улар илгаридай бир жойда тўп бўлиб эмас, балки катта майдоннинг ҳар-ҳар ерида, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, бошларини бир-бирларига эганча, нималарнидир мулоҳаза қилиб ўтирар ва гоҳ-гоҳида атрофга олазарак нигоҳ ташлаб қўйишарди. Ифори маст қилувчи, кийғос очилган шумурт ёнида Есугей ҳам отдан

тушиб, жиловни Мунликка тутқазди. Чарха-Эбуген отдан тушмай, одамларнинг айри-айри ўтирганларини кўриб, норози ҳолда ғудранди:

– Шу ҳам иш бўлдим...

Дўритой-ўтчигин кўлларини дўстона кўтарганича, табассумдан афтини бужмайтириб уларга яқинлашди.

– Ака, мен сени ҳаммадан олдин кетиб қолгансан, деб ўйловдим.

– Жим бўл, муғамбир! – Есугей унга қатъий жавоб қилди.

Буталар оралаб, уларнинг ёнига ўрта бўйли, бесўнақай Тўрғутой-Қирилдуқ яқинлашди. Елкасига илиб олган чопонини тортиб туширар экан, хайрон сўради:

– Э-э, сен шу ердამисан?... Биз эса сени...

– ...буталар остидан қидириб юрибсизлар, – деб унинг гапини яқунлаб қўйди Есугей.

– Ҳа, – ўйламай маъқуллади Тўрғутой-Қирилдуқ, лекин шу ондаёқ гапини тўғрилаб қўйди: – Йўқ, қидирганимиз йўқ...

Дўритой-ўтчигин пиқиллаб кулиб юборди. Тўрғутой-Қирилдуқнинг шишинқираган башараси жиддийлашиб, ёвқараш қилиб унга ўгирилди.

– Ҳа, нима?

– Укам билан бирдай ёлғон гапирдинг-да, шунинг учун кулгиси қистади, – деди хўмрайиб Есугей. – Эҳ-ҳ... Нимага бунақа қиласизлар-а?

– Ҳар хил миш-мишлар юрибди, – тўнғиллади Тўрғутой-Қирилдуқ ҳам қовоғини уйганча, этикларининг учига тикилар экан. – Нўёнларни ўзингга оғдириб юрган эмишсан.

– Сени оғдирдимми? Сача-бекини-чи? Ўлтонни-чи? Ўзимнинг ака-укаларимниямми? – дея Есугей унга таҳдидли яқинлашди.

– Бу гапни бас қилайлик, – деди Тўрғутой-Қирилдуқ мурасасозлик билан, сўнг Есугейга орқасини ўгириб деди: – Юр, биз билан.

Ёш нўёнлар шумурт бутаси ортига тўпланишди. Есугей уларнинг ораларига суқулиб кириб ўтирди. Ҳамма ниманидир кутгандай унга, Тўрғутой-Қирилдуққа қараб турарди. Жаҳли чиққан Есугей жим ўтирарди. Тўрғутой-Қирилдуқ ҳам. Дўритой-ўтчигин бекорчи бир мавзунни бошлаган эди, қолганлар ҳам уни илиб кетишди. Хон сайлаш ҳақида ҳеч ким оғиз очмасди. Қурултой бошланганда эса, Есугей ёш нўёнлардан орқада қолиб, Чарха-Эбугенни қидириб топди. Кези келганда у билан маслаҳатлашиб олишни ният қилганди.

Оломон ичидан Тумор-билги чиқиб келди. Боши кал, соқоли оппоқ, оёқлари тарвақайлаб кетган бўлса-да, ҳали бақувват бўлган чол чийилдоқ овозда гап бошлади:

– Қадимда бизнинг уруғдан ҳукмдорлар чикмаган. Кейин одамлар, етакчисиз ғозлар галаси ҳам, отлар уюри ҳам тезда бўри тўдасига емиш бўлади, дея ораларидан энг муносибини сардор қилиб сайлаб, уни хонликка кўтариш ва улусни бошқаришни унга топширишни режа қилдилар. Биринчи хон шавкатли Хабул бўлди. Ҳозир биз ичимиздан энг муносибини сардор қилмоқ учун ўтирибмиз. Кимнинг номини айтасиз?

Оломон жим. Есугей, хон номини айтиш пайти келганида, камида ўнта одамнинг исмини айтишади, деб ўйлаб ўтирарди. Нега ҳамма жим?

– Нега ҳеч кимнинг отини айтишмаяпти? – шивирлаб сўради Есугей Чарха-Эбугендан. Чол кулимсиради.

– Айтайлик, мен сенинг номингни кўрсатаман, лекин Тўрғутой-Қирилдуқни сайлашади. Хўш, кейин мен Тўрғутой-Қирилдуқдан нима яхшилик кутишим мумкин?

– Хўш, ким айтади? – Тумор-билги қисик кўзлари билан нўёнларга қараб чикди. Есугейга кўзи тушиб деди: – Сен айт, шавкатли Хабулхоннинг набираси, кўркмас Есугей.

– Бошқалар гапира қолсин, – Есугей гапни қисқа қилди.

Тумор-билги бирма-бир ҳаммадан сўраб чикди. Аммо ҳеч ким миқ этмади. Есугей ҳаммасини тушунди: ич-ичида деярли ҳар ким хонликка ўзининг кўтарилишини кутиб ўтирарди. Есугей баҳодирнинг ўзи ҳам шуни ўйларди: ахир, у Хабулхоннинг невараси – энг лойиғи эмасми? Ўмбахайхон ҳам барча тенгдошлари орасида унга бошқача назар билан қарарди. Сўнгги юришда ҳам Есугей Хутула баҳодирнинг ўнг кўли бўлмаганмиди? Аммо Тўрғутой-Қирилдуқ ҳам, Ўлтон ҳам уни хон ўрнида кўришмаганда, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин! Майли, кўнглингизга ким яқин бўлса, ўшани сайлайверинглар.

Есугей нарироққа, Ўнўннинг тик қирғоғи бўйига бориб ўтирди. Дарё тўлиб-тошиб оқар, пўртаналар тўлкинида кўпиклар рақс тушарди. Нарироқ бориб ўрамалар атрофида айланар ва қумли қирғоққа келиб йўқоларди. У сувга тикилиб ўтираркан, бир қулоғи нўёнларнинг гапларида эди. Кимдир жон куйдириб ниманидир уқтирарди:

– Биз қурултойга сал шошилиб келдик. Буюк ишларни амалга ошириш учун яхшилаб ўйлаш керак. Қаёққа шошамиз? Ака укаси билан, дўст дўсти билан кенгашиб кўрсин.

Есугей хуштак чалиб имлади. Вақт ғанимат: кимнидир кўндириш, кимларнидир совға-саломлар бериб сотиб олиш, бошқаларига пўписа қилиш керак... Нўёнлар жонланиб қолишди. Ҳар ким ўзича бу вақтдан унумли фойдаланиб қолишга чиранди. Ҳозирча хоннинг сайланмаслигини ҳамма сезиб турарди. Шу топда бунга қаршилик кўрсатиш – сувни қилич билан кесишдек гап. Масалага бошқа тарафдан ёндашиб кўрилса, қалай бўларкан?

Ҳамма нарсани ўйлаб, пишитиб олишга вақт йўқ эди. Есугей сапчиб ўрнидан турди-да, Тумор-билги ёнига келди.

– Доно оқсоқоллар ва жасур жангчилар! Сиз қайта-қайта ўйлаб кўрмоқчисиз. Шундай ҳам бўла қолсин. Лекин бир ўйга келгунингизгача бизни ким ҳимоя қилади? Шарқда татарлар, ғарбда меркитлар, шундоқ биқинимизда қарайитлар, шимолда эса бесаранжом тоғликлар турган бўлса, улар билан ким жанг қилади? Ким кўшин тўплайди? Ким уларни юришга бошлайди? Оқил оқсоқоллар ва кўркмас баҳодирлар, бир кенгашиб кўринг! – Есугей жим қолди. Оломондан Чарха-Эбугенни топиб, нигоҳлари билан сўзлашди. Қария уни қувватлагандай бош силкиб кўйди.

Ҳеч ким Есугейга жавоб беришга шошилмасди. Кучли ҳарбий қудратсиз ўзларининг бу осуда, тўкин-сочин турмушлари бир ҳамла билан йўққа чиқишига нўёнларнинг ақли етарди. Аммо бировлар хонлик тожини ўзи кийишини, бошқалар эса хонликка ўз одамларини кўтаришни хоҳларди ва бу истак душманлар олдидаги кўрқувдан кучлироқ бўлиб чикмоқдайди.

– Биз меркитларни уриб ташладик, – деди кимдир.

– Татарларни ҳам! – бошқа бир овоз унга қўшилди.

– Қарайитлар бўлса, ака-укаларнинг мулк талашишлари билан банд, уларнинг биз билан ишлари йўқ!

Нўёнлар шу тахлит ўзларига таскин берардилар. Аммо Есугей чекинишни истамади.

– Тўғри, шундай! – рози бўлди у. – Аммо татарлар бизнинг ерларимизга бостириб келишга тайёрланишяпти, деган гаплар юрибди.

– Урушга кузда юрилади. Ҳозир эса баҳор, – деди қатъий қилиб Туморбилги. Есугейнинг уни четга суриб, нўёнлар эътиборини ўзига тортиб олганидан оқсоқол норози эди.

– Буни биламан... Кузда отлар ҳам етилган, ем ҳам етарли бўлади. Шунинг учун ҳам урушлар кузда бошланади. Мен эса татарлар устига айнан шу пайтда бостириб бориш керак, деб айтаяпман. Улар ҳеч қандай ҳужумни кутмаган пайтда, биз уларни осон енгамиз. Ўрамлардан одам тўплашга рухсат беринг, мен татарлар устига юриш қиламан. Ҳар бир овул мунчадан одам берсин, демайман, кўнгиллиларнигина оламан.

Нўёнлар унинг гапига тез рози бўлишди. Есугейга шу керак эди. У узокни кўра биларди: Ўмбахайхоннинг сабоқлари бекор кетмаган эди, агар Осмон унга татарларни енгилда куч берса, ҳамма ботир жангчилар унга эргашади. Унинг кўркмас, содиқ навқарлари кўпаяди ва ўшанда ҳеч ким унинг хоҳишига қарши боролмайди. Бобоси бирлаштирган, Ўмбахайхон мустаҳкамлаган улусни у ўз қўлига олади. Нўёнлар буни ҳозирча тушунмай турганлари ҳам яхши. Ҳатто Чарха-Эбуген ҳам унинг мақсадини англаб етолмайди.

– Нимага ўз бошингга бу юкни олдинг? – сўради чол уйга қайтиш чоғида.

– Жароҳатларим учун татарлардан ўч олмоқчиман.

– Ҳарбу зарб шамоллари ўзгарувчан бўлади, кара, оёғингдан олмасин.

Есугей кулди. У ўз омадига ишонарди.

Қадрдон овули яқинлашиб қолганда Есугей отни учуриб кетди. Ўзи ўйлаб қўйган режалари ҳақида у фақат битта одамга – Ўйлунга гапириб беради. Хотини... Сал узокроқ кетадиган бўлса, дарров соғиниб қоладиган хотини. Мана, ҳозир ҳам унинг бетоқат кўзлари ўтовлар олдида тўпланиб турган одамлар орасидан Ўйлунни кидирарди. Ана – у. Эрини кўриши билан у ўтовга қараб юрди. Юрганида бошидаги боғтўғаси¹ чайқалар ва унга суқиб қўйилган кегайи ялт-юлт қиларди. Эрли аёллар киядиган ва баданини яшириб турадиган кенг номрокда² бўлса ҳам, Ўйлун унинг кўзига тўлишиб қолгандай кўринди. Миясига келган ўйдан севиниб кетди. Наҳотки?

Отидан сакраб тушиб келди-да, Есугей Ўйлунни кучоғига босди, қўллари билан секингина қорнини силади. У эса ўзини четга олиб, қизаринди.

– Демак, тўғри экан-да?

Хотини бош ирғаб тасдиқлади. Есугей уни кўксига босди, озгингина елкаларини авайлаб сийпалади.

9-боб

Тўғорил биродарларини қатл этиш билан атрофидаги нўёнларни ўзидан бездириб қўйди. Уларнинг хушомадларидан у энди аллақандай хушёрликни ҳам сезаётган эди. Вазиятни юмшатиш ва ўз эҳтиётини кўзлаб, у тангут уруғи қўлидаги укаси Жағамбуни сотиб олди. Найманлар юртида юрган укаси Эрхэ-Харани ҳам ўзига оғдиришга уриниб кўрди-ю, аммо у Той-Тумор ва Буха-Туморнинг тақдиридан хабардорлиги боис ҳеч қанақа ваъдага учмади.

Ҳеч кечиктирмай нимадир қилиш керак эди. Лекин нима? Нима? У

¹ Боғтўға – ўша даврлардаги аёллар бош кийими.

² Номрок – аёллар кўйлаги.

деярли ўз ўтовидан чиқмасди. Бошқа бировларни ҳам камдан-кам кири-тарди. Камгап ва ўйчан ўспирин укаси Жағамбугина доим у билан бирга эди. У кун бўйи кичкинтой жияни Нилха-Сангун билан овора бўларди. Хотинининг вафотидан кейин Тўғорил ўз ўғлини ҳеч кимга, энагасига ва хизматкорларга ҳам ишонмай қўйган.

Нилха-Сангун атак-чечак қилиб юра бошлаган эди. Бакалоқлигидан вазни оғир бўлган болакай ўрдак жўжаси каби у ён-бу ёнга лапанглаб, Жағамбунинг бармоғини ушлаганча юмшоқ намат устида оёқ босарди.

– Хўппа, мана шунақа, шунақа, – деб Жағамбу уни қўллаб қўйди. – Энди ўзинг, менсиз юр-чи, қани.

Жағамбу болакайдан бир неча қадам узоклашиб, қўлларини ёнига чўзди. Бола қадам босиб-босмай йиқилиб тушди. Пастки лабини чўччайтириб, йиғлаб юборди.

– Ана холос, дарров йиғлаш экан-да! – деди Жағамбу гина қилгандай, унинг кўз ёшларини артаркан.

Ўтовга шошилганча куролланган аскар кириб келди. Таъзим қилишни ҳам унутиб:

– Найманлар! – деб бақирди.

– Қаерда?!

– Бу ердан бир манзил нарида. Уларни Эрхэ-Хара бошлаб келаяпти.

– Ҳаммани йиғ! Отлар эгарлансин! – деб буюрди Тўғорил ва шошиб совутини кия бошлади. – Жағамбу, болага қараб тур. Отингни шайлаб қўй. Бирон нарса бўлса, уни олиб, менинг ёнимга уч.

У ўтовдан чиққанида бутун ўрам хавотирдан жунбушга келган эди. Жангчилар от устида ўтовма-ўтов бош сукиб югурар, отларнинг кишнаши, куролларнинг жаранги эшитилиб турарди. Каттиқ шамол эсиб ўтларни ерга эгар, қора булут сузиб юрган осмоннинг қайсидир бурчида момақалдироқ гумбурларди. “Эгам, Ўзинг менга ёрдам қил!” – шивирлади Тўғорил. Агар найманлар ростдан ҳам бир манзил нарида бўлса, демак, кечга яқин бу ерга етиб келади. Уларни қандай тўхтатса экан?

Ўтов олдида ҳарбийлар тобора кўпайиб борарди. Нўёнлар унинг ёнига келиб, жангчилар сонини маълум қиларди. Улардан биронтаси ҳам қолишга журъат қилмагани Тўғорилни тинчлантирди. Балки беҳуда шубҳага бораётгандир?

У отига миниб кўшинни шамол увиллаган даштга эргаштириб кетди. Яна момақалдироқ гумбурлади. Бу галгиси худди боши устида гумбурлагандай бўлди. Бўрон яқинлашиб келарди. Бирдан шамол тўхтади, қоп-қора булутлар шундоққина тепада осилиб қолгандай, пастлади. Чўл сукунатга чўкди. Бир онда ёмғир шаррос ёға бошлади. Унинг йирик томчилари дубулғаларга урилиб тараклар, отларнинг тўқимларига шимилиб кетарди. Жаланинг тинишини кутиш лозим эди. Акс ҳолда ёмғир одамларни ҳам, отларни ҳам ҳолдан тойдириб қўйиши мумкин. Унда душман тазйиқини қайтаришнинг имкони бўлмай қоларди. Найманлар ҳам, шубҳасиз, шуни пойлашади. Энг тўғриси – қўшинга дам бериш керак.

Жангчилар тўрваларидан чодир олиб, ўзларига пана қилдилар. Отлар эгаларининг яқинида, пишқириб, ёлларида оқиб тушаётган томчиларни силкимоқда. Навкарлар Тўғорилга сафар чодирини тиклаб беришди. У ичкари кириб, курук кийимларни кийиб олди-да, бўсағадаги эгар устига ўтирди. Момақалдироқ усти-устига гумбурлар, чакмоқнинг кўкимтироқ рангдаги шуъласи яшин сингари ерга санчиларди. Тез қоронғи туша

бошлади. Тўғорил ёнбошлади, устига намиққан тўқим ташлади-ю, бироқ ухлай олмади. Уни тушунарсииз бир хавотир қамраб олган эди. Нўёнлари эпчиллик билан жуда тез тўпланди. Бир ёмонликни режа қилишган бўлса-чи?

Тун ярмига яқин ёмғир шаштидан қайтди. Тўғорил навкарларини уйғотиб, қўшинни айланиб чиқишни буюрди. Улар бир зумда изларига қайтишди.

– Ҳеч ким йўқ! Улар кетиб қолишибди!

– Бўлиши мумкин эмас!

Унинг ўзи қоронғида қоқиниб-суқиниб, яқингинада чодирларида ўтирган аскарларни қидириб кетди. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бақирган эди, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Навкарлардан бири мойга ботирилган латгани найзаси учига қадаб, машъала ёқди. Уни баланд кўтарганида эса ёмғир сувлари билан тўлиб қолган от туёқларининг излари, топталган майса ва кимдир эсидан чиқариб қолдирган бош кийимидан бошқа ҳеч вақо кўринмади. Тўғорил ўтовига қайтди. Унинг ёнида юзга яқин ивиб кетган навкар биқиниб турарди.

– Отларга мининглар! – деди у чарчоқ овозда.

Кетиш керак эди. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

Анча юришгандан сўнггина кун ёриша бошлади. Осмонда ҳамон қора булутлар сузиб юрар, лекин ёмғир тинган эди. Булутлар орасидан қуёш мўралай бошлади. Тўғорил ёнига айғоқчи от қўйиб келди.

– У ерда бир ўрам бор.

– Кимларники?

– Ўзимизники, қарайитларники.

У егулик ва қимиз топиб келиш учун ўрамга ўн нафар навкар жўнатди. Энди у манави навкарлар ҳақида ўйлаши, уларни тўйдириши керак. Бўлмаса, улар ҳам тарқаб кетади. Кейин нима бўлади? Меркитлар тарафга борсинми? Унинг эсига чақчайган Тайр-Усун, унинг дўстлик, доимий иттифоқ тузиш ҳақидаги гаплари келди. У Тўхта-бекининг элчиларига ишонмаган эди. Той-Тумор билан Буха-Тумор уларнинг мададига кўз тикканди. Оқибатда ўлимга юз тутишди. Агар Эрхэ-Хара мустаҳкам ўрнашиб олса, меркитлар Тўғорилни ҳам укалари сингари тутиб бериши аниқ. Шунинг учун ҳам бу ерлардан узокроқ юрган маъқул. Тўйчиютлардан паноҳ сўрасамикан? Улар ҳам Эрхэ-Хара билан яқинлашиб олиш учун унинг бошини тикиб юборишса-чи?

Орқадан ёлғиз отлик келаётганини хабар қилишди. Тўғорил тўхтади. Чўлда бағрига аллақандай тугунни босиб олган отлик бор кучи билан елиб келарди. Бу Жағамбу-ку! Кичкинтойига нима бўлдийкан?

Тўғорилнинг сабри чидамай, укаси томон от чоптириб кетди. Ҳеч нарса демай, у укасининг қўлидаги тугунни олди-да, уни шоша-пиша очиб қаради. Болақай бармоғини оғзига солганча ухлаб ётарди. У боласининг ипақдай майин сочларини силаб, яна меҳр билан ўраб қўйди-да, навқарига узатди. Жағамбунинг юзи чароғон эди. Тўғорил белидаги кумуш дастали пичоғини олиб укасига узатди.

– Бу сенга. Сен менинг энг содиқ навқаримсан.

У укасини бағрига босгиси, садоқатли ва ишончли кишиси у бўлиб чиққанини айтгиси келди. Лекин оғиз очмади. Атрофда чарчаган ва очикқан, мавҳумликдан соб бўлган навқарлар турарди. У Жағамбудан сўради:

– У ерда нима гап, гапириб бер.

– Мен билмайман, – айбсинганча жавоб берди Жағамбу. – Сен кетганингдан кейин ёлғиз ўзим қолишдан чўчиб, Нилха-Сангунни олиб, ўртоғимникига, Дутуз нўённикига кетдим. Ўша ерда тунаб қолдим. Кечаси Дутузнинг қайтганини, навкарларинг сени ташлаб қочганини билдим. Сўнг отимни эгарлаб, сен тарафга қараб кетдим. Тонг отганда сизлар тўхтаган жойга етиб бордим. Отлар изидан мўлжал олдим.

Ўрамга юборилган навкарлар қайтиб келди. Уларнинг кўриниши ғамгин эди.

– Бизга ҳеч нарса беришмади. Кеча бу ўрамга Эрхэ-Харанинг жангчилари келиб, сени ҳукмдор деб ҳисобламасликларини тайинлаб кетишибди. Агар биз ўрамга борсак, улар ҳимояланишар экан.

Куёш энди анча кўтарилиб қолган, навкарларнинг нам энгил-бошларидан буғ кўтариларди. Улар тушқун ахволда сукут сақлашарди. Тўғорил ўрамга қараб турарди. Ўтовлардан кўкимтир тутун осмонга ўрларди. От уюрлари, қўйлар подаси даштга қараб кетар, қуролланган жангчилар от суриб юришарди.

– Ҳа, майли, – деди у ковоғини уйиб, – улар бу ишларидан афсус чекиб қоладилар.

Улар ўрам ёнидан отларини йўрттириб ўтишди. Орқароқдаги навкарлар бир отар қўйни яримой шаклида ўраб олиб, индамай ҳайдаб кетишди. Ўрамдагилар буни кутишмаган, шекилли, Тўғорил ва унинг навкарлари анча узоклашиб кетгандагина тартибсиз жангчилар уларнинг кетидан от солишди-ю, узокдан туриб бир-икки ўқ узиб, кейин орқага қайтиб кетишди.

Юмшоқ қўй гўштига тўйиб олган навкарларнинг чехраси очилди. Лекин сардор тобора тундлашиб борарди. Ўзига тобе одамларни талагани азоб берар ва эртадан ҳеч бир яхшилиқни кутиш мумкин эмасди. Биргина чора бор – кутиш. Найманлар кетгач, Эрхэ-Харани бир ёқлик қилиш мумкин бўлар, балки. Лекин бу ерда кутиб бўлмайди. Уни ҳамма тарафдан қуршаб олишлари, ўлдиришлари ёки бўйсунушига мажбур қилишлари мумкин. Қарайитлар улусидан тезроқ чиқиб кетиш керак. Иложи борича узокроққа кетиб, вақтинча ғойиб бўлиш керак.

Тўйчиютлар ва татарларга қарашли ерлар орасида жуда катта ҳудуд бўш ётганини у биларди. Ўша ёққа кетиш керак. Шу қарорга келган Тўғорил яқин атрофдаги ўрамдан бир тўда соғин бияни олиб қочиб, изларини яширди ва қарайитлар ерларидан йироқлаб кетди.

Энди йўлда кўчманчилар қароргоҳлари кам учрарди, яна бир муддатдан кейин эса, умуман бийдай даштга чиқиб олдилар. У узок муддат яшаб туриш учун жой танлади. Узок сафардан ҳориган навкарлар дам олиш имкони туғилганидан шодланиб, бақир-чақир билан шоша-пиша чодирларни тика бошлашди. Олов ёқилди, димоғни қитиқловчи пишган гўшт хиди димокқа урилди.

Бирдан ҳаммаёққа сукунат чўқди. Кўзларини бир томонга қадаганча ҳамма қотиб қолди. Минга яқин қуролланган отлиқлар бир саф бўлиб, отларини йўрттириб улар томон келарди. Тўғорилнинг юраги увушиб кетди. Тамом! Лекин у харқалай навкарларига жангга тайёр бўлиб туришни буюрди. Найзаларини тикка қилганича отлиқлар тез яқинлашиб келарди. Тўғорил қиличи дастасини маҳкам сиқиб олган, елкасидан ғашга тегадиган муздек тер куйиларди. Урушнинг ҳамма даҳшати – мана шу кутиш онлари. Кўркув темир қўллари билан юрагингни сикади, аъзои баданинг жонсиздек, сенга бегонадай. Кейин буларнинг ҳаммаси йўқолади. Жанг

пайтидаги аламли қичқириклар, қуролларнинг жаранг-журунги, отларнинг пишқириши остида одам ўзини унутиб қўяди, гўё.

Бир камон ўқи етарлик масофа нарида қўшин тўхтади. Бўз от минган бир чавандоз улардан ажраб чиқди-да, Тўғорил навкарлари сафлари олди-га келиб тўхтади. Унинг остидаги от типирчилар, оғзидан кўпик оқизиб, сувлиқларини шиқирлатиб чайнади.

– Ҳов, татар кўппаклари! Қуролларингизни ташланг, акс ҳолда битта кўймай сўйиб ташлаймиз!

– Биз татар кўппаклари эмасмиз! Биз қарайитлармиз! – қичқирди Тўғорил.

Хайронликдан отлиқ оғзини юмишни ҳам эсдан чиқарди.

– Ростдан ҳам татар эмасмисизлар?

Биқинларини ликиллатганича от уни ўз қўшини томонга олиб кетди. Қўшин сафлари ораси очилиб, олдинга саман минган чавандоз чиқиб келди. Чопарининг гапларини эшитгач, у секин қарайитларга яқинлашди. Тўғорил ҳам унга қараб юрди. Чавандоз совук, кулранг кўзларини тик қадаб, унга бошдан-оёқ разм солди.

– Сен кимсан?

– Мен қарайитлар хони Тўғорилман. Ўзинг-чи?

– Биз тўйчиютлармиз. Ўз улусингдан бунчалик узок жойларда нима истаб юрибсан, хон?

– Улусимни мендан тортиб олишди. Қолгани шу... – Тўғорил ўз навкарларига ишора қилди.

– Қанақасига?

– Ҳа... Нўёнлар хиёнат қилишди, – алам билан хўрсинди Тўғорил.

– Нўёнлар? – Тўйчиютнинг кулранг кўзларида истехзоли кулги пайдо бўлди. – Хонлиги йўқ хон, энди нима қилмоқчисан?

– Ўзимга тегишлисини қайтариб оламан.

– Йўқотишдан кўра, қайтариб олиш қийин... Мен билан борасанми? Мен Есугейман. Татарлар устига кетяпман.

Татарларнинг унга зарари бўлмаса, нега борсин?! Лекин йўқ деса, Есугей тинчгина кетармикан? Йўқ. Бу ёш жангчи бунақа хатога йўл қўядиган аҳмоқлардан эмаслиги шундоқ кўриниб турибди.

– Мен сизлар билан бораман. Лекин кейин, сизлар ҳам менга ёрдам берасизлар.

– Майда-чуйда сотаётган савдогарга ўхшаб савдолашмагин, хон, – масхараомуз кулди Есугей. – Ҳаммасининг вақти келади.

Кўринишдан Есугей унинг гапларига ишонмагандай. Тўғорилнинг навкарларини қўшинининг ичига шундай жойлаштирдик, улар билинтирмай бир қадам ҳам қўёлмасдилар. Ҳар доим юзлаб кўзларнинг назари остида бўлиб турардилар. Аммо Тўғорилга Есугейнинг бу хил эҳтиёткорлиги маъқул келди.

Улар татар овулларига сичқон пойлаётган мушук мисоли секин яқинлашардилар. Айғоқчилар йўлларни синчиклаб кузатиш учун қўшиндан анча илгарилаб кетган эдилар. Йўлда учраган тасодифий одамлар ҳам тутиб келтирилди. Кейинроқ эса, пойлоқчиликни кучайтирган ҳолда кундузлари дам олиб, фақат тунда йўл юришга ўтдилар.

Тонготар пайтда бир татар ўрами олдиан чиқиб қолишди. Айлана ясаб турган аравалар ортида юзлаб ўтовлар ва чодирлар бор эди. Итлар ҳуриб, одамлар бесаранжом югургилаб қолишди. Довулар овози янграй бошлади.

Есугей жанг бошланганини эълон қилувчи:

– Жангга! – чақириғини ҳайқириб айтди.

– Жангга! – илиб кетди бошқалар ва жангчилар ўрамга бостириб кирди. Уларга қарата онда-сонда, тартибсиз ўқлар отилиб қолди.

Даҳшатга солувчи бақириқ-қичқириқлар билан отлиқлар тўлқини ўрамга таҳдид қилар, аммо зич қилиб териб қўйилган аравалар олдига етиб келгач, отлар орқа оёқларида тик бўлиб олар ва орқага қараб кетар эди. Бу вақт ичида татарлар қўшин тўплаб улгуришди. Энди ўқлар ёмғири рақибларга етиб кела бошлади. Тўғорил одан сирпаниб тушиб аравалар томонга чопди. Унинг навкарлари ҳам тезлик билан араваларни торткилаб йўл очишди. Пайдо бўлган кичкина йўлакчадан тўйчиютлар ёпирилиб кириб, кадамларида учраган ўтовларни йиқитиб кета бошладилар.

Эгарга ўтириб олган Тўғорил атрофга бир назар ташлаб олди. Есугей жангчилари аравалар ва ўтовлар орасида қилич сермаб, ўрамни иккига бўлиб борарди. Бу юриш анча ичкарилаб, ўрамнинг маркази бўлмиш ҳаворанг чодирга яқинлашиб қолган эди. Ўша ерда Есугейнинг бошидаги дубулганинг учи гоҳ кўриниб, гоҳ яна кўздан йўқоларди. Тўсатдан, ён-бошдан янги кучлар хужумга ўтиб қолди. Юз элликка яқин учи қайрилма найзалар билан қуролланган татарлар Есугей жангчиларига ёпирилиб, уларни отлардан қулатиб, думалаганларни ерда қиличдан ўтказа бошлади. Уларга енгларини шимариб олган бир баҳодир бошчилик қиларди. Унинг қоп-қора юзида тишлари аламли ярақлаб кўринарди. Энди татарлар Есугей ва у билан қолган санокли жангчиларни қуршаб олган эдилар. Тўғорил ўз йигитларини ана шу янги кучларнинг орқасидан солди. Оқибатда “илгич” аскарларнинг ўзлари қуршовда қолишди. Мана шу ҳолат жанг тақдирини тўла-тўқис ҳал қилди. Қаршилиқ кўрсатаётганлар биттама-битта тўйчиютлар ва қарайитлар қиличи зарбаларидан нобуд бўла бошлади. Энг охири бояги қора баҳодир қолди. У елкаси билан аравага тисарилиб, қон тўлган кўзларини аланг-жалаңг қилиб, ҳар тарафдан устига бостириб келаётган отлиқларнинг ҳамлаларини мардонавор қайтарарди.

– Уни тириклай қўлга олинглар! – қичқирди Есугей.

Арқоннинг шувиллаган овози эшитилди. Ҳалқа баҳодирнинг бўйнига илинди-да, у хириллаганича ерга қулади. Бирваракайига бир нечта навкар ёпирилиб келиб, уни арқон билан маҳкам чандиб ташлади. Есугей от устида туриб энгашди.

– Хўш, қалай, Темучин-Уга, мени кутмаганмидинг? – Есугей шодон кулди ва Тўғорилга қараб: – Менинг эски танишим. Сен бўлса, хон, мард экансан! Менинг андам¹ бўлишни хохламайсанми? – деди.

– Бунақанги азамат йигитнинг андаси бўлиш ҳар қандай одам учун ҳам шараф. – Тўғорил бу манзират гапни айтиб, Есугейга самимий ва мулоийм кулиб қўйди. Бу қатъиятли одам ўзининг укаси бўлишига у асло қарши эмасди.

Жанг охирлаб қолган эди. Ҳали қиличлар жаранги, ўлим талвасасида қичқиришлар эшитилиб турган бўлса-да, буни жанг деб бўлмасди. Есугейнинг одамлари кўлида қурол тутадиган барча эркакларни қиличдан ўтказаётган эди. Ағанаган ўтовлар, вайрон қилинган соябонли аравалар орасида жасадлар чўзилиб ётар, ярадорлар эмаклаб юрар эди. Қорни ёрилган от жон талвасасида бошини сараклатар, туёқлари билан қонга тўлган тупроқни тирнарди.

Эртасига унча катта бўлмаган яна бир ўрамни қўлга киритиб, тезги-

¹ Анда – тутинган ака-ука.

на ортга қайтишди. Татарлар ҳамма кучни бир жойга йиғишини кутиб ўтирмай чекиниш керак эди. Улар кучаниб, чийиллаётган араваларда минглаб бош чорва, ҳарбий ўлжаларни олиб кетишарди. Ўзлари билан олиб кетишнинг иложи бўлмаган нарсаларни бир жойга тўплаб, ёкиб юборишди. Ортда анчагача қоп-қора тутун нақ осмонгача ўрлаб турди.

Есугей бу тутунга қараб туриб, Тўғорилга деди:

– Бу ҳали ҳаммасимас. – Сўнг нималарнидир ўйлаб, жимиб қолди. – Агар биз сен билан, менинг андам, тутинган акам билан, араванинг қўш шотисидек доимо бирга бўлсак, душманларимиз кўрқувдан титрайдилар.

– Мен ичган қасамимга содиқ қоламан, – деди Тўғорил шошмай. – Сен ожиз бир қувғиндига акаликни таклиф қилдинг. Мен буни унутмайман. Хонлигимни қайтариб оламанми ёки сўққабош дайди бўлиб қоламанми, бир умрга сенинг андангман.

– Сен хон бўласан. Агар найманлар кетган бўлса, биз Эрхэ-Хара устига юрамиз. Худди якка ўтовни яшин ургандай. Вақти келиб эса, найманларнинг ҳам адабини бериб кўямиз.

Ўлжалар билан тўлиб-тошган қўшин тўйчиютлар улусига кириб келди. Есугей ва Тўғорил ўзлари билан ўн нафар навкар ва асир олинган Темучин-Угани олиб, илгарилаб кетишди. Арқонлар билан йўргаклаб ташланган татар сув ҳам ичмас, овқат ҳам емас, ҳаммага мағрурона нафрат билан қарарди.

– Зўр баҳодир-а? – Есугейнинг унга қараб завқи келарди.

Нима учун Есугей бу асирни ортмоқлаб олиб келаяпти, қадрдон овулига нимага бунча шошади, Тўғорил шуни тушуна олмаётганди. Андасини менсимаганнамо хаёл қилди: “Андам ғолиблик шон-шарафини тезроқ кўргиси келаяпти”.

Есугей эса ўзининг ғалабасини оқсоқоллар ва нўёнларга етказишга шошилмасди. У тўғри ўз ўтовига қараб юрди. Бироқ эшиги олдида англаб бўлмас шубҳа юрагини камраб олди. Отдан тушиб, шошилмайгина тушовлади. Ўтовдан чиққан жувон нимтабассум билан унинг ёнига келди. Есугей ўзининг оғир қўлларини унинг елкасига ташлаб, юзига ҳадиқсирагандай қаради.

– Ўғил, – деди аёл.

– Ўғил? Менинг ўғлимми? – у шитоб билан ўтовга кириб кетди.

Ҳар тарафдан одамлар тўплана бошлади. Улар Тўғорил ва Темучин-Угага қизиксиниб қарар, жангчилардан нималарнидир сўраб олишарди.

Есугей ўтовдан чиқди. У қўлида қайин ёғочидан ясалган беланчакни бесўнақай кўтариб олган эди. Гўдак оёқларини кимираганча чинқираб йиғларди.

– Бақироклигини қара! – Есугейнинг юзи шодликдан ёришиб кетган эди. – Менинг ўғлим! Тўғорил анда, бу менинг хотиним – Ўйлун.

Тўғорилнинг эсига хотини тушиб, тишини тишига босди. Яқингинада у ҳам Есугейга ўхшаб бахтиёр эди...

– Дам олинлар, кечкурун эса ҳаммангизни зиёфатга таклиф қиламан, – деди Есугей навкарларига. Темучин-Уганинг ёнига келиб: – Сен бизнинг душманимизсан ва шу бугун ўласан. Аммо жасур одам бўлганинг учун ўғлимга сенинг исмингни кўяман, – деди.

(Давоми келгуси сонда)



Шойим БЎТАЕВ

ОРФЕЙ ИЛТИЖОСИ ХАЛОСКОРИ

Эссе¹

Санъат илоҳасини излаб дашт сари йўл олганига хайрон қолган яқинлари дунё таниган европалик рассомлар ижоди, уларнинг услублари, ишлатган ранглари ҳақида мулоҳаза юритиб, гўёки бу юксак чўққилар билан таққосланадиган гўзаллик бўлиши мумкинлигини тасаввурларига сиғдиrolмай, уни ортга қайтаришга уринишарди. Уларнинг наздида эътибордан четда қолиб кетган, турмуш даражаси ҳам ўзига яраша қандайдир элат орасида фавқулodда нарсаларга эришишдан умидворлик нар шердан сут талаб қилгандай бўлмағур бир гап эди. Оқибати албатта самарасиз ва афсусланарли бўлиши ҳозирданоқ кўриниб турган бу ишга бел боғлагандан кўра, пойтахтнинг ҳар жиҳатдан қулай муҳитида бошқалар қатори ижод қилиб, тезгина муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ўзларини унга яқин олиб юрганлар қуйиб пишганча тушунтиришлари ҳам ҳеч қандай наф бермади. Ўшанда у сувга улоқтирилган мўъжизалар калити “кибрити аҳмар”²ни топиб олган каби гўзаллик хазинаси тилсимининг бир бўлаги қўлида эканлигини айтгани ҳақида турли туман миш-мишлар юради. Баъзилар бу миш-мишларга ҳақиқат тусини беришиб, унга ҳозиргина йўл-йўриқ кўрсатиб туришган яқинлари Элдорадо³ оролига бориб қоладигандек, тилсимнинг иккинчи бўлаги ҳақида кўзларида пинҳоний васваса ёниб сўраб суриштира бошлашганини айтишади. Аммо қанчалик сўраб суриштиришмасин, бу хазиналар тилсими уларга насиб этмаслиги аниқ экан. Негаки, халқ руҳияти билан чамбарчас боғланиб кетган ҳодисалар фақат ниятларга қараб ўзини намоён этиши қадим-қадимдан исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқат бўлган экан. Бошқача айтганда, ҳар қандай миллатнинг аждодлари ҳаёти билан боғлиқ ноёб ашёларни наинки қўлга киритиш, балки уларга бирров назар ташлаш ёинки тегиниб кўришда ҳам аввал таҳорат олиб кейин саждага бош қўймоқ каби илоҳий синоат мавжуд экан. Аксинча, тамагирлик ва шахсий манфаатлар аралашиб қолгудек бўлса, жонсиз буюм ўч олишни бошларкан. Шу сабабли, тарихий ноёб ашёларни ўзлаштирганлардан аксариятининг қисмати фожиа билан тугаганига ер юзининг турли жойларидаги бу билан боғлиқ турфа воқеа

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

² “Кибрити аҳмар” – Сулаймон узугининг қимматбаҳо тошдан ясалган кўзи.

³ Элдорадо – хазиналар ороли.

ҳодисалар гувоҳлик бериб тураркан. Буни сўз билан тушунтириб бермоқ ғоятда душвор эса-да, англамоқ қийин эмаскан. Дарҳақиқат, барча замонларда энг тубан иллат бўлган очкўзликка нисбатан кўз тўймаслик қарғиши текканлиги чин ҳақиқатдир.

Айтишларича, Можаристоннинг овлоқ даласида омоч ҳайдаб бораётган деҳқоннинг оёғи остидан шундай бебаҳо дафина чиқиб қолади. Аммо муқаддас тушунчалар чўкиб кетган қадим шаҳарлар каби инсоният онгини тарк этган замонда бу ноёб ашёлар ўша боёқиш деҳқоннинг ҳаётига зомин бўлди. Қўлида тенгсиз бойлик борлигини билиб қолганлар дарҳол уни ўлдириб, қадимий идишларни олиб кетишди. Бу дафина уларга ҳам насиб этмади. Пул таллашиб бир-бирларига кўп заҳматлар етказишди. Шундан сўнг бу ашёлар дунёдаги энг олғир коллекциячилар қўлида бир неча ўн йиллар давомида айланиб юрди ва охир-оқибат буюк британиялик миллионерга ўн бир миллион фунт стерлингга сотиб юборилди. Миллионернинг ўзига ишончи зўр, ҳифзу ҳимояси бақувват бўлганидан энди бу буюмлар ўз жойини топди, дейиш мумкин эди. Аммо кўп ўтмай миллионер қандайдир номаълум васвасага йўлиқиб, шунча пули борлигига қарамай, ҳаловатини йўқотди. Энди у тунлари аллақандай ваҳимали тушлар таъсирида ухломмай чиқар, кундуз кунлари бошини йўқотиб кўйгандек тентираб юрарди. Унинг нега бу ҳолга тушганини тушунтириб беришга на шифокорлар, на руҳшунослар, на оила аъзолари, на бошқа биров қодир эди. Ахийри ҳамма бало ўн бир миллион фунт стерлингга сотиб олинган қадимий буюмларда эканини фаҳмлаб қолишди. Шундан сўнг миллионер бу буюмлар эвазига тўлаган пулидан ҳам дарҳол воз кечди. Ўз ҳаловатини қайтиб олиш учун бу пуллар унинг наздида писта пўчоғичалик қадрга эга эмас эди. Дунё бўйлаб ўн йиллар давомида ўз жойи ва эгасини тополмай юрган қадимий ноёб ашёлар дарҳол топилган мамлакатига юборилди ва Будапештдаги давлат музейи ихтиёрига топширилди. Миллионер беҳуда васвасалардан қутулди. Энди у бунақа нарсаларни кўрганда етти тош наридан юрадиган бўлди. У қайтариб берган ноёб ашёлар эса келиб чиқиши туркийлардан бўлган хунгар(венгер)ларнинг миллий бойлиги сифатида ўз ўрнини топди.

Ҳа, унга хазина-ю дафиналарнинг тилсим калити ато этилишида илоҳий сир-синоат мавжудлигига ишонмоқ керак. Кунни-кун, тунни-тун демай, иссиқ совуқларга дош бериб бир умр заҳмат чеккан бу ажойиб инсон бирор буюмни ўзлаштиришни ҳаёлига ҳам келтирмади, аксинча бор будини шу умрбоқий ҳодиса учун сарфлади. “Инсоннинг ўзи ҳеч нарса эмас, ҳамма гап унинг меҳнатида”¹ эканлигини исботлаган бу кўримсизгина зот қалбига шунчалик саховат ва меҳр муҳаббат жо бўлганига тасаннолар айтгинг келади.

У ўз қўлидаги тилсим калитнинг иккинчи бўлагини чўл табиати, аралаш ярим кўчманчи ҳаёт бадиий хунармандчилигининг ашёси, ранги ва нақшларидаги рамзий маънолар, буюмларнинг бало-қазолар, инс-жинслардан асраш, ҳимоя қилиш, яхшилик келтириш хусусиятларини қабарик ҳолда намоён бўлишида топган эди. Унинг учун келинлик либосларидаги ранглар, тошлардаги рамзлар, кашталардаги зооморф ва хандасавий шаклларнинг рамзларида ер ва осмон, руҳий қувват ва комил теранлик маънолари хазинага олиб борадиган

¹ Гюстав Флобер ибораси.

йўлакнинг дастлабки пиллапоялари эди. У кўзлаган хазина йўлаги кўз илғамас даражада узундан-узун, икки томонида қатор-қатор оғир-енгил эшиклар жойлашгандики, уларнинг ҳар бирига қўл теккизиш учун асрий ҳунармандчилиги давр тақозосига кўра таназзулга юз тутиб бораётган, соҳилларидан йироқлашиб бутун минтақа экотабиатига таҳдид солиб турган Орол денгизи фожиасидан азият чекаётган халқ руҳига яқинлашмоқ ва уни ҳис этмоқ зарурлигини жуда яхши англади. У шунақа, бу заминга чексиз саховатли қалбининг бутун меҳр-муҳаббатини ҳайқириқсиз, таъма-тамкинсиз, иддаосиз бағишлай олган буюк зот эди. Шу тариқа чин фарзандлик, чин ўғлонлик бурчини адо этиб, эвазига кейинчалик хоки туробини шу юрт тупроғига эврилтира олган жаннатий зот эди. У бу ерга қадам қўйган чоғида дунё эътироф этган санъаткорлар “хрушевка” деб аталган каталакдек хоналарда уй маҳбуслигида сақланишар, улардан айримлари ўзлари сазовор бўлган юксак мукофотларнинг бир умрга ошиб тошиб авлодларини ҳам таъминлашга етадиган маблағини ололмай¹ кўкат экиб, амал-тақал кун кўриб юришган, коммунистлар қатағонининг исфаҳоний қиличи иккинчи дафъа қинидан суғуриляётган мудҳиш давр эди. Шўровий ғоянинг якранг-ялакат манзаралари тоғу тошлардан тортиб дашту саҳроларгача камраб олган, шу сабабли ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусиятлари чўкиб бораётган манзиллару тарк этаётган қадимий туйғулар каби йўқолиш арафасида эди. Шунга қарамай, халқ миллий онгининг таркибий қисмига айланиб кетган қадимий ҳунарларнинг изларини миллат турмуш тарзидан илғаш қийин эмасди. Қорақалпоқ халқининг уруғчилик асосида овулларга бирлашган уруғ-қаёшларига хизмат қилган ҳунармандларнинг маҳсулотларини камдан-кам ҳоллардагина бозорларда учратиш мумкин бўлар эди. Бу ерда қадимдан аёллар кигиз босиш; бўйра, гилам, поёндоз тўқиш; кашта, куроқ тикиш билан шуғулланганлар. Тилла, кумуш, бронза, ҳақик, феруза сингари буржли тошлар қаторида ёввойи қуш ва ҳайвонларнинг тирноқ ва тишларидан фойдаланган ҳолда буюмлар тайёрлаган қорақалпоқ заргарларининг бармоқларида ота-боболари ҳунарларининг хотираси ҳамон яшар эди. Улар ясаётган заргарлик буюмларида ажодлари сингари ҳар қандай тўғри чизикдан воз кечиб, кескин бурчакларсиз айланма, тугунли, бўртик шаклларга зўр беришарди. Кейинчалик у қорақалпоқларнинг халқ амалий санъати турлари бўйича алоҳида тадқиқотлар яратди, халқ урф-удумлари ва одатларини жуда яхши биладиган энг истеъдодли ҳунарманд усталар билан кадрдонлашиб, дўстлашиб кетди.

Эҳтимол инсониятнинг долғали ҳамда қарама-қаршилиқларга мўл тарихида худбинлик ва сурбетлик, очкўзлик ва ебтўймаслик каби тубан иллатлар туфайли иффат пардасини мангуга йўқотган, ваҳима-ю кўркув ва саросималиқлардан қалбларни вайрон қилган ҳолда шафқатсизликка кўниктирган, инсонпарварликни тарғиб этган ҳолда инсондан юз ўгирган йигирманчи асрда бу кўзга илғанмас арзимас

¹ Совет иттифоқи коммунистик партияси биринчи котиби Никита Хрушевнинг тўсқинлиги оқибатида адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган рус ёзувчиси Борис Пастернак Стокгольмга бориб Швеция қироллиги номидан мукофотни ҳамда унинг маблағини ололмайди. Унинг асарларини чанқоқлик билан мутолаа қилиш ирқи-ю миллатидан қатъи назар ер юзининг турли халқларида авлоддан-авлодга ўтиб бораётган табаррук анъанага айланди. Хрушевнинг ўзи эса фаолиятининг сўнгида хибсага олинган, “Доктор Живаго” романини ўқиб чиққанини, бу асарда ихтилофга сабаб бўладиган бирон-бир жиддий асос кўрмаганини, ўшанда теварак-атрофини қуршаб олишган ялтоқи идеологлар ўзини йўлдан оздиришганини очиқчасига эътироф этган эди.

ходиса бўлиб туюлса-да, бир-бирларига қалбан ёвуқлашган айни инсонлар учун ноёблиги боисидан башарият қисматида ҳам муҳим саналишга лойиқ эди. Бу асрда икки кутбга бўлинган иззатгалаблар истаги деб азал-азалдан онага қиёсан улуғланмиш сайёранинг оёқ остида топталиши ўтмишда ойболта тутган жаллоднинг кундада бош кесаётганини кенг майдондаги оломон орасидан бемалол кузатган бағритош мижжаларидан ҳам шашқатор ёшлар оқишига арзир эди. Барчасини йиғиштиринг, тушунмоқ ва ишонмоқ керак, дея фарёд чекарди унинг тош қотган дийдалари. Фан-техника тараққиёти деб аталмиш ношоён ходисадан узаймиш дасти етган жойдан истаган нарсасини илиб кетадиган талон-тарожлик асри васвасаси буюк британиялик миллионерни не куйга солганини, у вақти-соатида ўз аҳвол руҳиясидан хабардор бўлиб қолмаганида бошига тушажак кўргиликлар ҳақида Можаристондан топилган қадимий ноёб идишлар мажмуиси мисолида эшитган бўлсак, буюк халоскор шифохона палатасининг ёмғир томчилари урилаётган деразасига боқиб ётган чоғида шу шаҳардан бир гуруҳ десантчилар махсус самолёт билан биз ўсган маъволар сари йўлга чиқишган эди. Улар етиб келишлари биланоқ пахта иши баҳонасида бош суқмаган жойлари қолмагани, беписандликлари, шафқатсизликлари, сурбетликлари, безбетликлари, кўзларига яхши кўринган нарсани қаерда бўлмасин, сўраб-негиб ўтирмай, қўлга киритиш пайида бўлганликлари ҳақида талай гувоҳлар рамақ лаҳзаларида лаблари устидаги сўнгги томчини тамшанолмай гувоҳлик берган эдилар. Ўлкамизнинг энг қадимий шаҳарларидан бирини бир ёзувчи бошқара бошлаганида, доимий дўқ пўписалару таҳдидлар остида меҳр кўрмай зулм тазийқларидан юраги зада бўлиб кетган маҳаллий аҳоли унинг одамохунлиги, каттани катта, кичикни кичик демай ўзига тенг кўриши, ун сўраб борганга ун бериши, ёғ сўраб борганга ёғ бериши, бошқаларга ўхшамаслиги, пешоналарига шунақаси ҳам битиши мумкинлигига, ишқилиб кўз тегмасин-да, ўзлари ҳам ҳамон ишона олмаётганликлари ҳақида оғизларидан бол томгудай бўлиб бир-бирларига лофқоф уришган эди. Аввалги шаҳар бошлиғи яхши сўзни билмагани, кўрс-кўполлиги, оғзидан боди кириб шоди чиқиши, отасидан қолган мулкка эгалик қилаётгандек ҳеч кимни назар-писанд қилмагани, мана энди панжара ортида пушаймон чекиши ҳам эслатиб ўтилган эди. Боз устига янги шаҳар бошлиғи шарқшунос бўлиб, адабий тил нари турсин, ҳаттоки шевалардан ҳам хабардор экан. Урф-удумлардан тортиб тарихий ходисаларгача шўринг курғур маҳаллий аҳоли яхши билмайдиган, севиб-ардоқламайдиган ва шу сабабли ҳимоя қила олмайдиган нарсаларни ҳам сув қилиб ичиб юборган экан. У шаҳарнинг энг катта амалдори бўлса ҳам ёз кунлари бошидан похол шляпа тушмай одмигина кийиниб юрар, қаердаки хунармандчилик, халқ амалий санъати, қадимий кийим-кечаклар, идиш-оёқларнинг дараги чиқса шунақа нарсалар ортидан ўз одами-ни юбориб, бир қоп ун ва арзимас пахта ёғи ёхуд танқислиги сезилиб қолган совун, калиш эвазига қўлга киритар эди. Ўша маҳалларда асосан Ўрта осиеликлар киядиган калиш ҳам Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург)даги заводда ишлаб чиқарилар эди. Ўша заводдан олиб келган бир вагон калишига у қанча нарсаларни қўлга киритгани ёлғиз ўзига-ю Худога аён. Уни қорин ғамидан юксак аъмоли

бўлмаган оmidан тортиб “илмига мағрур”¹ манмансираган зиёлилар-гача кўкка кўтариб мақташар, шоирлар шаънига мадхиялар битишар, ёзувчилар унга бағишлаб ёстикдек-ёстикдек китоблар ёзишар, у эса ўша похол шляпаси-ю одмигина кийимида илохий дуолар билан зирхланган каби ўз юмушидан тўхтамасди. Бир маҳал унинг кўм-кўк осмондек беғубор тиниқ кўзлари шаҳар четидаги қадимий тепаликка тушиб қолди. Аслида шаҳарнинг қадимий ўрни исирикзору ковулзор ана шу тепаликда бўлган, у раҳбарлик қилаётган ҳозирги жой шўро тузумининг шарофати билан қад кўтарган экан. Мана шу тепалик тарихига ўз шажарасини суриштираётгандек қаттиқ қизиқиб қолган раҳбар тезда унинг атрофини ихота қилиб, археологларнинг шахсан ўзи танлаган ихчамгина гуруҳини қазииш ишларига жалб этди. Энди ёз бўйи унинг похол шляпаси узокданоқ ана шу тепалик атрофида кўзга ташланар, зарур юмуши бўлганлар идорада кидириб юрмай шу ерга келаверишар, керакли қоғозларга шу ерда имзо қўйдириб, шу ерда муҳр бостириб кетишарди. Тепаликни илма -тешиқ қилиб чиқишган археологлар унинг остидан жуда кўп нарсалар топгани ҳақида ҳозирга қадар турли туман шов-шувлар юрса-да, шаҳар музейида сақланадиган иккита сопол бўлагии-ю титилиб кетган қандайдир номаълум буюм бундан гувоҳлик бера олмайди. Тепаликда иш битиши биланоқ ҳар куни эрталаб ғалати кўринишдаги от араваларнинг олис-олис кишлоқлар томон чиқиб кетаётганини кузатиш мумкин эди. Арава устида худди шаҳарнинг олижаноб раҳбарига ўхшаган одмигина кийимдаги камтарин одамларнинг бошларига похол шляпа кўндирганча қаққайиб ўтиришларидан ташқари кутиларда олис шимолдан келтирилган ноёб калишлару тансиқ пахта ёғи бутилкаларини ҳамда кинғир-қийшиқ совун бўлакларини кўриш мумкин бўлар эди. Бу араваларга узокданоқ кўзлари тушиши биланоқ кишлоқ болалари мой тупроқли кўчалар чангини осмонга тўзитиб, “жандачи амаки, жандачи амаки” дебон қийқирганча югуриб қолишларидан ғалати от аравадаги ғалати кишиларнинг жандачи эканлигини билиб олиш кийин эмасди. Бу жандачилар ҳақиқатдан ҳам ғалати одамлар бўлиб, келтирган нарсаларини пулга сотмас, оҳори кетмаган янги нарсаларга алмашмас, даққиюнус замонидан қолган бўлса-да, мис тоғора-ю тосқўмғон, сўзана-ю албахмал, келинлик сепларию маржонлар, паранжи-ю қўхна матолар сингари эски-тускиларни кўрганда кўзларидан олов чакнаб дарҳол олиб келган нарсаларини тутқазиишга шай туришарди. Бу жандачилар шаҳар атрофи ва вилоят худудларининг ўзи билан кифояланмай, отлари бошига емхалта осиб олганча қўшни вилоятлар сари ҳам йўл олишди. Уларнинг отлари озукаси бўлмиш арпа ё буғдойни исталган хўжаликнинг чошланаётган хирмони ё омборидан текинга олиш ҳуқуқи берилгани ҳақида жандачилар қўлида қандайдир имтиёзли патта бўлиб, айтишларича, унда бир жойдан қанчагача от озукаси олиш мумкинлиги ҳақида ҳам аниқ рақам сабт этилган экан – тартиб интизом ва қоида-қонун деб шунга айтадилар. Калиш, пахта ёғ ва совун эвазига ҳам унинг қандай ноёб ашёларни кўлга киритгани кейинчалик қанчалик тахмину тусмол қилинмасин, аммо ҳеч ким аниқ-тиниқ бир нарса дея олмас, аммо у ҳаммаёкни шип-шийдам қилиб йикқан нарсаларини икки вагонга жойлаб жўнатганидан сўнг, ўзи ҳам шаҳар раҳбарлиги омонат курсисини тез-

¹ Бобораҳим Машраб сатридан.

гина тарк этиб хайр-маъзурни ҳам насия қилганча жўнаб қолганидан ҳеч ким хабар топмагани ғоятда ажабланарли эди. Уни кўкка кўтариб мақташдан толикмайдигандек кўринган оми-ю зиёлигача, шайнига мадҳиялар тўкишган шоирлару унга бағишлаб ёстикдек-ёстикдек китоблар ёзишган ёзувчиларгача афсусу надомат-ла ўкинишиб, кўр бўлганликлари, сўқир кўзлари ҳеч қачон очилмаслиги, похол шляпа-ю одмигина кийимга ишониб алданиб адашганликларини кундуз кунлари бир-бирларига ўкиниб ҳасрат қилишар; тунлари ўзлари билан ўзлари танҳо қолишганда эса ҳеч қачон одам бўлмасликларини эйтироф этишиб, энди бундан бу ёғига қандай яшаш ўнғайлиги ҳақида режа тузишарди. Орадан роппа-роса ўн йил ўтгач, Москвадаги вилласида собиқ шаҳар бошлиғига ўзи боқиб катта қилган эшакдек келадиган ити ташланиб, уни ғажиб ташлагани ҳақидаги хабар баъзи бировларнинг қулоғига етиб келган бўлса-да, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Айтишларича, вилланинг биз ўсган маъволарнинг қадимий заминидан йиғиштириб кетилган ноёб ашёлар сақланадиган биносида собиқ шаҳар бошлиғи итни боғлоқсиз ҳолда қолдириб, ўз иши билан қаергадир кетган, кейин итга етарли овқат қолдирмагани ёдидан кўтарилганча уч-тўрт кун виллага қайтиб бормаган, қайтиб бориб энди эшикни очганида... очликдан кўз ўнги қоронғилашгудек бўлиб ириллаб турган ит эгасига ташланиб, уни тилка-пора қилиб ташлаган. Бу хабар қанчалик даҳшатли ва ғайритабиий туюлмасин, айна ҳақиқат эди. Аммо чуқурроқ мулоҳаза юритилса, асл ҳақиқат бу эмас; шарқ донишида қайд этилганидек, бу – баҳонаи сабаб холос, ҳақиқат эса бошқа ёқда. Бу вилланинг бир четида Можаристондан жувонмарг деҳқон топиб олган буюмни қўлтиқлаб буюк британиялик миллионер ҳам васвасага тушганча ваҳимали жавдираб турар эди...

Уни чолғу асбоблари яшаш, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, чармга гул босиш билан банд бўлишган қорақалпоқ эркаклари билан аёлларнинг елкама-елка туриб ишлашлари, айниқса, жиҳозларида бўртма ва ясси гулдор тўқимачиликка катта эйтибор беришгани қанчалик мафтун этганини сахро бағрида бўри боласини асрагандай асраб қолган хазиначининг бебаҳо дурдонаси бўлган ўтовда ҳам яққол кўриш мумкин. У юзлаб чақирим йўл босиб машаққатли заҳматлар билан қорақалпоқ ўтовининг барча майда-чуйдаларини йиғиб худди ўтмишда бўлгани каби мукамал шаклга келтира олганининг ўзи тенгсиз фидойилиқдир. Турк-мўғул халқларининг кўчманчиликка асосланган турмуш тарзидан келиб чиққан асосий тураржой бўлган ўтов кўчманчилик маданиятининг энг гўзал кўриниши эканлигига шубҳа йўқ. Ўтов табиат инжиқликлари, шамоллару довулларга мос ҳолда ўйлаб топилгани учун тоғ олмаси пасқамликка экилганида кўкармагани каби даштдан ўзга жойни хушламайди. Шу сабабли, экзотикага ҳавасманд бойваччалар замонавий виллаларининг бир четида уни бир кўрк сифатида кўнқайтириб қўйганларида шамоллару довулларни соғинган сингари куя еб кукунга айланганча тўзиб кетади. Ўтов-дашт маданиятининг кўрки. Дашт ва маданият тушунчаларининг бир-бирига мутаносиб эмаслигини пеш қиладиганларга ўтовнинг нечоғли санъат-корона юксак дид билан тикланиши, рамзларга бойлиги тушунтириб берилса, унинг оғзини ёпиш учун шунинг ўзи кифоя. Зеро, “тарихчи бошқа халқлар маданияти тарихида ўзига муҳим ҳисоблаган хусусиятларни излаб, уни тополмагач, буни ўша халқнинг ибтидоийлигига

йўйиши методологик жиҳатдан хавфли саналади ва бундан қочиш керак. Жумладан, Европа ва Олд Осиё халқлари тамаддун босқичига ўтар эканлар, меъморчилиги фахрланиш ва ҳайратга тушишга лойиқ шаҳарлар қурдилар. Туркийлар уй қурмадилар, боғ яратмадилар, чунки шаҳар қуриш учун қуруқ ўрмонлар ёқилгач, совуқ иқлим уларни бу ерларни ташлаб кетишга мажбур қилган бўларди. Шунга қарамай, тош кулба ёки гувала қапа иссиқ, кенг ва бир ердан бошқа ерга осон кўчириладиган кигиз чодирдан кўра тураржойнинг энг олий шакли эканлигини ҳали ҳеч ким исботлаб берган эмас”¹. Ўтов ҳақида ўйлар экансан, кўз ўнгингдан яйловларда ўтлаб юрган сурув сурув қўйлар, пода-пода қорамоллар, уюр-уюр йилқилар ўтади. Дашт ҳудудларида кўчиб юрувчи чорвадорларни ундан айро тасаввур этиш қийин. Улар қаерда қур ташлашса, чин шоири айтганидек, “Кунчиқарнинг мовий осмони остида, йигит ўтов тикди қирчин майса устида. Чўлу қирдан олислашиб, ўтов оҳиста силжир мен билан”². Шоир минглаб қўйдан жун олиниши, юзлаб урчуқларда ип йигирилишини тасвирлаш баробарида ўртада ловуллаган олов ва бир четда ўтирган бахшини ҳам эслатиб ўтишни унутмайди. Ўтов тепасидан эса дунё намоён, дейди. Уни аёён беклар қасридан ҳам буюк эканлигини шу қадар самимий сатрларда изҳор этадики, ҳолис тарихчи асрлар оша уни миннатдорлик билан эслайди, туркийлар ҳаётининг нозик қирраларини шеърый сатрларга сиғдира олганидан ҳайрат туйғусини яширмайди, ўтовни "мовий" деб атаганини эса рамзий маънода эканлигини таъкидлайди. Бир жойдан иккинчи жойга осонгина кўчириладиган ўзига хос бу тураржойнинг оқ ўтов, қора уй, мовий, кегара, хон ўтови каби номланишлари ҳам бежиз бўлмай, уларнинг ҳар бири ҳақида талай тадқиқотлар яратиш мумкин. Хон ўтовининг ипак қопламаларга бурканган олтин тахтли чодир шунчалик енгил бўлган эканки, уни бемалол битта отга юклаб кетавериш мумкин экан, бошқа бир чодирда эса хон ётоғини суяб турган олтин товуслар ва зар югуртирилган устунлар бўлган экан. Қийиниш ва ахлоқда, мусиқада туркларга таклид кучайган еттинчи Хан империяси даврида хитойларга ўз уйларидан кўра қишда анча иссиқ, қулай ва мукамал бўлган ўтов ёки қолган эди. Хитой зодагонлари ўз қасрлари ҳовлисига ўрнатишган ўтовларда яшай бошлашган. У асос солган саҳро қўйнидаги мўъжизанинг тўқсон мингга яқин экспонатлари орасида қорақалпоқ ўтови алоҳида кўр тўкиб туради. Ўтов безакларини бекаму кўст тўплаб, унда халқ санъатининг мўъжизалари мужассамлашганига гувоҳ бўлиш унга чексиз куч-қудрат бахшида этаётгандек бўларди. Эндиликда унинг номидаги музейни кўриш учун дунёнинг турли чеккаларидан Нукуснинг мўъжазгина аэропортига махсус рейслар билан самолётлар келиб қўнади. Ташриф буюрадиганларнинг аксарияти “чопаётган жойида тўхтатилган авангард” изидан келиб, бу ерда қиммати картиналардан асло кам бўлмаган яна бир мўъжизага – қорақалпоқ халқ бадийи ҳунармандчилиги, амалий санъат намуналарини ҳам кўриб завқланишади. Айниқса, ўтов қаршисида узоқ-узоқ туриб қолишади. Қорақалпоқ халқ ҳунармандчилиги шу биргина ўтов теварагида мукамал шаклланиганидан ҳайратга тушишади. Ташқи кўринишида қорақалпоқ ўтови ҳам бошқа туркий халқларникидан унчалик фарқи

¹ Лев Гумилев.

² Бо Цзюй сатрлари.

қилмаса-да, безаклари, халқ урф-удумларига хос ички тартиби кабиларда ўзига хосдир. Уни тиклашда шамолнинг эсиш йўли, кунчиқар ва кунботиш томонларга жиддий эътибор қаратилади. Ўтов эшиги қуёш чиқадиган томонда бўлади. Унинг қорақалпоқ тилида шинарак деб юритиладиган гумбаз гулчамбари бу ўзига хос тураржойнинг синч қобирғасини тутиб туради. Ўтов гумбаз гулчамбари кундуз кунлари ёруғлик тушадиган туйнук, кечқурун эса мўри вазифасини бажаради. У осмондаги қуёш ва унинг ердаги тимсоли оловни мужассамлаштиради.

Куни билан тинмаган ёмғир кечга бориб қорга айланди. Ташқаридаги оғир-босиқ сокинлик ичкарида ҳам ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Келган кунида унга одатдаги беморлардан бири сифатида қарашган ҳамшираларнинг энди муносабатлари ўзгариб қолганини сезиш қийин эмасди. Палата эшигидан киришданоқ унга нигоҳи тушган шифокорлардан тортиб ҳамшираларгача беихтиёр кулимсираб, ҳолаҳвол сўрашар, тез кунларда унинг оёққа туриб кетишини, ҳеч кимни-кига ўхшамаган фидокорона ишини давом эттиришига ишонтирмоқчи бўлишарди. Уни бевақт ўлим чангалидан асраб қолишга, ҳаётини узайтиришга интилган дўст ёронлари-ю гўзаллик шайдолари шифохона эшиги остонасидан қадам узишмасди. Аммо у ҳозирда ўлим шарбатини ичмоққа вужуди шай, аммо руҳи ором топмасди. Ҳашаматли стол атрофида ҳар бири ўзи бир дунё каби жамулжам оила аъзолари, илк муҳаббати ёдига тушарди. У севиб ардоқлаган куз фасли палата деразаси ортида намоён бўлиб, тўкилаётган япроқларни оёқ остига тўшамоқда эди. Унинг хаста ўпкасига деразанинг қия очиқ дарчасидан, тирқишларидан кирган ҳаво сурилиб, қув-қув йўталтиради, оғир ва намчил қўрғошин булутлар қоплаган осмон юки вужуди ва руҳини эзади. Ҳали олдинда битмаган, битиришга улгурмаган қанчадан-қанча чала ишлари турибди, уларни адоғига етказиш истаги кўнглини безовта қилгани қилган. Ўттиз йилдирки, унинг учун туну кун ўз аҳамиятини йўқотгандек эди. Икки контейнерда музей кутубхонаси учун юборган суратлар, графика, ноёб китоблар ва журналлар қай аҳволда эканлиги ҳам уни ташвишга соларди. Улуғ зотларнинг бекиёс руҳий қуввати барчани бирдек мафтун этишини ҳамшираларнинг бир-бирларининг қулоқлари остига у ҳақдаги шивир-шивирлари, унга бошқача – чексиз меҳр ва хайрихоҳлик нигоҳи билан боқишлари аён этаётгандек бўларди. Унинг тиниқ нигоҳи тубида инсониятнинг қачонлардир маҳв бўлиб кетган бепоён руҳонияти мўралаб тургандек, ишқ мавзусидаги ўлмас асарларнинг яна бир дурдона намунаси пешонасидаги ёзувларда сабт этилгандек туюларди. Унинг ўзи сир-синаотларга тўла мухташам обида, гўзалликнинг бекиёс тимсоли, умрзоқ кадрият каби тилсимланиб бормоқда эди. Мана шу оддий содда ҳамширалар миш-мишларининг шарпаси ҳам ҳар қандай кишида унга нисбатан муносабатларни дарҳол ўзгартиришга, хайрихоҳликни оширишга ва ўзлари англамаган қандайдир ҳавасни қўзғашга кифоя эди.

Санъат аталмиш гўзаллик қудратидан оёғи қалтираганларни, бус бутун мамлакат ғоявий гильотиносини саҳро бўронлари туғён урган манзилни танлаб, унинг бир ўзи чув тушириб кетди: танқидчилар, санъатшунослар, билимдонлар, муҳокамачилар, сиёсатчилар, партоқрат бюрократлар, мухлислар, уюшмалар, маҳкамалар барчаси доғда

қолаверди. У сахро қўйнида ўзига “қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал”¹ қўяётган маҳалда чаласавод сохта алломай замон профессорлар бу бизнинг ахлокимизга, коммунистик мафкурамизга, коммунизм сари олиб борадиган пуч сафсаталари билан ўзларини ўзлари махв этиб, йўқлик қаърига ўзларини ўзлари улоқтиришмоқда эди.

Дунёда ҳаёт пайдо бўлганидан буён қанчадан-қанча истеъдод соҳиблари томонидан битилган беқиёс муҳаббат қиссалари, достонлари, маъшуқасига ҳамнафас бўлмоқ учун кўксига тиг санчган ошиқлар, қартайганда кўнгли қолган маъшуқлар, ишқни ўткинчи жомолу зулфи сумансойлардан эмас, самодан излаган дарвешлар – барча барчаси кўз ўнгингиздан ўтаркан, унинг сўнги нафаси каби гўзаллик ноёблиги, беқиёслигини туйқусдан фаҳмлаб қоласиз. Унинг ишқи барча халқларда битилган муҳаббат қиссаларига асло ўхшамасди, фақат ўзига хос эди, унинг рамақи, энди гўзаллик дунёни кутқаролмайди, деб инсониятнинг ўткинчи хас-хашаклари бонг уриб турган лаҳзалар учун зарур эди. Унинг ҳатто ўлими ҳам ҳаракатда эди. Беқиёс санъат намуналари кунфаякун қилиниб, оёқ остида топ-талаётган чоғларда унинг руҳи ҳам ўзи сингари гўзаллик сари интиларди. Васиятига кўра, уни ўзи севган чўли биёбон бағрига, Нукус шаҳри четидаги христианлар қабристонига дафн этишди. Қабр устидаги қора мрамарга ёзилган “Гўзалликнинг буюк халоскорига” деган ёзув қабристоннинг умумий руҳига ётдек туюлса-да, аммо зиндонга ҳам нинанинг учидек тирқишдан мўралаган нур каби бу сўзлар мангуликка дахлдор эди.

Ўшанда, аллақачон барча қадриятлардан жудо бўлиб гўзаллик туйғусига ҳам истеҳзо ва масхара билан қараш қорин ғамидан бўлак дарди бўлмаган омма онгида жаҳолатга элтувчи саросималикнинг куртаклари шакллана бошлаган кезлар эди. Энди улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқдек эди. Бир буюк зот қабрига қўйилган мрамартошни ўғирлаб тегирмонтош қилишгани сингари миш-мишлар ҳаттоки ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган кезлар эди. Ўғрилашгани- ку ўз йўлига, даҳшатлиси бундан ҳеч кимнинг ажабланмаслиги эди. Унинг қабри тепасига, мрамар тахта устига ўрнатилган Орфей ҳайкалчасини ҳам кимлардир ўғирлаб кетишганини эшитишганда ҳам ҳеч ким ажабланмади. Уни қидириб топиб жойига қўйиш ҳақида эмас, зах босган тимларда, оғзи қийшиқ сотувчиларнинг тўдаси орасида кўнжидан бу ҳайкалчани чиқариб яримта ароққа алмаштирмоқчи бўлган қандайдир бадбўй кимса ҳақида гапиришарди. Бир одамнинг сой бўйида бўғизлаб кетилгани, унинг ёнида қандайдир ҳайкалча ётгани ҳақида лоф-қоф уришарди. Аммо ҳеч ким аниқ-таниқ бир нарса дея олмасди. Аниқ нарса шу эдики, бир замонлар Стикснинг қутирган кўпикларига улоқтирилган Орфей ҳалокати вакханкаларнинг абадий қўтиришлари исканжасида ҳамон давом этаётгандек туюларди. “Ўсимлик, узумчилик ва май худоси Дионис шарафига ўтказилаётган вакх байрамида унинг мухлислари ширакайф вакханкалар қийқиришиб шовқин солишар, тампан чилдирмаларни гумбирлатиб авж пардаларда кўшиқлар куйлашиб Орфейга худди йиртқич кушлар сингари ҳамла қилишарди. Улардан бири қўлидаги тўқмоғини силтаб, кўшиқчига қарата ирғитди. Лекин тўқмоққа ўралган чирмовик уни қаттиқ зарбадан сақлаб қолди. Бошқа бир вакханка унга тош отди,

¹ Пушкин сатридан.

сеҳрловчи кўшиқ ҳурмати тош кечирим сўраётгандек унинг оёқлари томон думалаб кетди. Шовқин остида унинг овозини бўғилиб, устига тўкмоқ ва тошлар дўлдай ёғилди, ялиниб-ёлворишлари беҳуда кетди, уни аяшмади, дилрабо куй-кўшиқларини берилиб тинглаган дов дарахтлар, тоғу тошлардан фаркли ўлароқ ғазаб отига минган маст-аласт шаробхўр мухлисалар уни назар писанд қилишмасди. У кипқизил қонга беланиб ерга кулади, шу тариқа жонидан жудо бўлди, вакҳанкалар эса ҳамон жазавадан тушмай, унинг жасадини қонга ботган қўллари билан бурда-бурда қилиб ташлаб, жасади ва кифарасини тез оқар дарё Ҳебрага итқитдилар. Тўлқинлар оқизиб кетаётган кифара торларидан нолаю афғонлар тараларди, уларга жўр бўлган дарё суви қирғоқларидан ошиб кетганди”.

“Уни ер юзига, ҳаётга қайтар”. Ҳар қанча оғриқ изтироблар, қисматида битилган кўргиликлар унинг илтижоси қаршисида арзимасдек туюларди. Дарҳақиқат, кўргилигу оғриқ изтироблар ўткинчилиги буюк кўшиқчигагина эмас, оддий инсонга ҳам таскин-тасалли бера олади, аммо ўтинч илтижо қиёматга қадар ўз ечимини кутиб, яратганга маломат янглиғ пешвоз туради. Ўткинчи оғриқлар мангуликка асло дахл этолмайди.

“Уни ер юзига, ҳаётга қайтар”. Теварак атрофини қуршаган Диониснинг бадмаст мухлисалари тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашаётган, унга тошлар отишаётган, қора калтакларини аёвсиз ўқталишаётган лаҳзаларда ҳам Орфейнинг ягона илтижоси шу эди. Унинг безовта руҳи негадир ором топмас, чексиз ғусса ва алам қоплаган нигоҳини ортга ўгиришни истаса-да, бунга журъат этолмас, шафқатсиз маъбуднинг бемаъни шарти туфайли бир марта панд егани кифоя эканлигини яхши англари. Шу чоқда олтин кифара симторларидан тирикликнинг беҳисоб устунларини тутиб тургувчи орзу-умидларни юксалтирадиган санъат ва гўзаллик инсон қалбида бетимсол муқаддас туйғуларни уйғотиб, уни мангу ҳаракатга чорлаши, шу боис макон ва замон сарҳадларини тан олмаслиги каби маъноларни англагучи дилтортар куйлар таралиб, қачонлардир ўзи кўнгил узган башарият ҳаёти яна мухташам ва жозибали туюла бошлади. Бошидан калтаклар аримаган, муттасил ҳақоратларга дош бериб келаётган гўзаллик куйчиси бетимсол Эвридикасининг шарпалар оламидан яна ҳаётга қайтганига гувоҳ бўлган эди. Орфейнинг илтижосини мардона буюк халоскор мустажоб айлаб, илоҳий истеъдод соҳибига илҳом бағишлаб юксакларга олиб чиққан беқиёс тенгсиз гўзалликни ер юзига, ҳаётга қайтарган эди. Энди унинг малоҳатли соҳибжамоли, ардоқлаган орзу умидлари ҳеч қачон шарпалар оламига сингиб йўқолмайди. У бундан хавотир олмаса ҳам бўлади. Энди у бемалол ортига қараши мумкин.

2015 йил, мезон





Андрей ПУМПУР

(1841–1902)

ЛАЧПЛЕСИС – ЛАТИШ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Халқ ривоятлари асосида яратилган латиш эпоси¹

*Рус тилидан
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,
Комилжон ЖЎРАЕВ
таржимаси*

Кўрган одамлар бу мўъжизадан тонг қолди тонгда,
Кеча шомда ҳам асов тўлқинлар пишиқирган кўлда,
Бир оролчада қад керар мағрур қадимий қаср.
Бузрукворига айтди Лаймдота барисин, бу тун –
Алп қолганин ҳам чўккан қасрда. Узида йўқ шод
Буртниеке билди: озод бўлибди отамерос қаср.
Қайиққа қизи билан чиқди-ю шошди у ёққа.
Боришиганида, нурафшон кўшкда ухларди ботир.
Мулойим чорлаб уйготди уни Лаймдота. Шу он
Кўз очиб боқди: гулдор ойнада ярақлар қуёш.
Ўрнидан турди Лачплесис хурсанд ва Лаймдотани
Қучоқлаб, ўпиб, деди: “Энди сен менинг ёримсан!
Тақдиримизни бирлаштиришига йўқдир энди гов!”
Шунда дуогўй Буртниеке деди: “Минбаъд Лаймдота
Қўшогинг бўлур. Сенга буюрсин: оқ фотиҳам ол!
Латиш халқимиз ардоқлаб-асраш, маънан бойитиш
Жонбози, шонли шу икки уруз қўшилсин мангу!”
Ўшандан бошлаб, Лачплесис билан Лаймдота ҳар кун
Кўхна қасрда матлуб битиклар ўқир шавқланиб.
Ҳайратга тушиди қаҳрамонимиз: эски битиклар
Қатида пинҳон оламча ҳикмат мағзини чаққан –
Лаймдота ҳар гал боқий маъбудлар юксак тақдири,
Одамзод феъли, қадимги шонни шарҳ этар бийрон.
Бир кун кечқурун, қасрда бирга ўтиришганда,
Лаймдота битик ўрамин ёзиб, деди: “Мен бугун
Ўқиб берайин қачондир чўккан ва яқинда сен
Туби йўқ қаърдан чиқариб олган қасримиз ҳақда.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Қулоқ сол: Шарқда¹, етти қиролнинг етти мулкидан,
 Қунчиқар ёқдан, дунё нариги четидан чиқиб
 Қуюлиб, елди момиқ бир булут оқ отдай кўкда.
 Перконс от миниб олгандек булут узра ўтирар,
 Узун қамчисин урса, ёғилар яшин: титрайди
 Водийлар, тоғлар; қоялар реза-реза сочилгай.
 Жар солар Перконс кўкдан, ер юзин ларзага солиб:
 “Кимда-ким менга эргаиша, амал қилса сўзимга,
 Уларни олиб кетаман Ғарбга, янги ерларга!”
 Қаҳрли маъбуддан қўрқиб, одамлар пастда чурқ этмас.
 Бу чақириққа сидқидил билан айлади жавоб
 Фақат, кучли ва жаъсур жангчилар, донолар зоти –
 Буртниеқслар деб: “Эй, буюк Перконс, сенинг сўзинг – сўз,
 Биз – камарбаста. Янги ерларга бизларни бошла!”
 Перконс булутда, олдда, изидан Буртниеқслар
 Боришар ерда. Йўлда, этди даф кўп ёв: одамхўр,
 Илон, жодугар; уларни Перконс яшин-ла урди,
 Буртниеқслар сермади қилич, Ғарбий денгизда
 То тўхтагунча Перконс; кишилар бунда олди дам.
 Ҳеч нима халал бермади. Ғарбий денгизни улар
 Оқ деб аташди. Бу мамлакатда ҳосилдор ерлар
 Очдилар, сўнгра бу ерда яшаб қолдилар муқим.
 Водийда қуриб зўр қаср, ўрмонни этиб кундаков,
 Экишиди арпа, зигир. Ёмғир-ла сийлади Перконс,
 Бугдойларини етилтирди кун, баҳиш этди Узинь²
 Болга барака. Ўргатиб қўйди маъбудзодалар
 Хушхўр бўза-ю кўпирган пиво пиширмоқ сириш.
 Буртниеқслар ичди, қувнади. Гўзал қизлари
 Чиқди турмушга, томир ёйди халқ. Кўрсатди иззат
 Зиедонс³, Лиго – баланд парвозли, тилла куокли⁴.
 Водий, ўрмонда янграр шод қўшиқ ҳавойиланиб.
 Буртниеқслар нурафшон, олтин даври эди бу.
 Перконсга ёв йод ичин куйдирди булар ҳаммаси.

Йод Оқ денгизга Довул юборди, амри қатъий: у
 Шиддатли кўлни сув-гирдибодга айлантирсин-да,
 Кўкка кўтариб, Буртниеқслар водийси узра
 Улоқтирсин ва уни этсин гарқ. Кўрди одамлар:
 Денгиз тарафдан, гувлаб, буралиб, катта сув-гирдоб
 Этиб келди-ю гир-гир айланиб, тўхтади илкис.
 Қандайдир бир чол жидду жаҳд этди қуюнга қарши.
 Паншаха олиб, гирдин айланиб, дуолар ўқиб,
 Зарб-ла санчмоқчи бўлди қуюннинг нақ юрагига.
 Шериги деди у чолга: “Тўхта! Сув дуосини
 Ўқийман ҳозир. Чамамда, қуюн кўтариб келган

¹ Пумпурс бадий талқинига кўра, буртниеқслар қабиласи Болтиқбўйи соҳилларига қайдандир узоқдан, Шарқдан келган. Латишларнинг дастлабки ватани “олис Шарқда” деган қараш ўша вақтда илмий, адабий муҳитда амал қилган муайян назариялар, шунингдек, бошқа омиллар, жумладан, фольклор мотивлари билан ҳам боғланган.

² Узинь – асаларичилик маъбудди. (Бу номнинг Усинь шакли кўпроқ тарқалган).

³ Зиедонс – баҳорнинг поэтик аталиши.

⁴ Куокл – чертиб (нохунсиз) чалинадиган торли қадимий халқ чолғу асбоби, русларнинг гусли-сига ўхшайди.

Кутурган бир кўл қуйилмоқ учун ахтармоқда жой”.
 Қулоқ солмади қургур. Панишаха урди! Ўша он
 Тинчиди қуюн. Кўл даҳшат солиб қулади ерга,
 Води-ю Буртниеқслар қасрин ҳам гарқ этди тамом.
 Лиго яқинда экан, яхишям, йўқса, қурирди
 Буртниеқслар зоти. Кўлнинг тубида Лиго соз чертиб,
 Қўйлади майин: юмшади тошлар, сурилиб қоя
 Йўл берди – улар зор, лаҳм орқали ўтиб бешикаст
 Чўккан қасрдан чиқди ёруғлик ва эркинликка”.
 Лаймдота ўқиб берди эртаси ҳам Лачплесисга:

“Ҳеч нима бўлган эмас азалда. Фақат бепоеън
 Бўшлиқлар аро учган азалий бир нур: неки бор
 Тарқалган ундан. Интиҳоси-ю Ибтидоси йўқ,
 Коинот жони, руҳларнинг жадди, мангулик боши,
 Кўҳна Маъбуд у – нур. Ва давлати соясида кун
 Кўрарди Шайтон. Маъбуддан қайтган йўқ эди ҳали,
 Гарчи ичини кемирар эди гаразли ўйлар.
 Хуллас, оламни яратмоқ бўлиб, Маъбуд Шайтонга
 Деди: “Туш, ботқоқ қуюқ лойидан сидириб, тез қайт!”
 Ботқоққа шўнгиб, қора лой олди Шайтон бир ҳовуч,
 Сўнг гумон қилди: “Не кераги бор Маъбудга бунинг?
 Анқайиб қуруқ қолмайин яна, иш кўзин билай!”
 Лунжсин тўлдириб лойга, қайтадан сиқимлаб лойқа,
 Элтди Маъбудга. “Тупроқ бўл!” – дея, сочди У буни.
 Бўлди ўша он теп-текис замин бўшлиқда пайдо.
 Лунждаги лойи кўпчиб, танг этди Шайтон ҳолини.
 Лойни тупурар, оғзида ортиқ сақлаёлмай у,
 Текис ер узра ўсар тупукдан тик, баланд тоғлар.
 Маъбуд, нуридан бир чимдим сепди: “Офтоб бўл!”, “Ой бўл!”
 Самода балқди олтин офтоб, кейин кумуш ой.
 У вақт кўркка бой қизлар эдилар ер ҳам, офтоб ҳам,
 Шундай гўзалки, уларни севиб, уйланди Маъбуд.
 Дунёга келди Маъбуд насли ва Офтоб қизлари.
 Офтоб тўнғич қизини хотин қилиб олди Ой.
 Улар никоҳи богида унди равшан юлдузлар.
 Қудратда Маъбуд ўғилларига тенг йўқ: улар ҳам
 Маъбуд бўлдилар, оламни айлаб ўзаро тақсим.
 Шунда, пешқадам Перконс тиклади Ер узра гумбаз –
 Боқий руҳларга макон, ўзининг беш ўғли билан.
 Беришди олтин отлар Офтобга: кўкни ҳар қуни
 Айланиб чиқиб, чангларга ботган, терлари қотган
 Бу бедовларни чўмилтиролсин, дея, денгизда.
 Денгизни Антримпс олди. Қаришлаб оқиом, денгиздан
 Ўтказиб қўяр заррин қайиқда у Офтобни
 Ва отларини шарқий қирғоққа, чиқиш жойига.
 Ерни танлади Патримпс. Зиедонс билан у Ерни
 Ясантиришди кўк шойи, олтин, кумуш кимхоб-ла.
 Паколс-чи, Ердан баланд кўккача қуради йўлар.
 Шайтон зам қилиб, ўйланганидан чиқди бошқача –
 Бузилди кўп иш. Тош юмшоққина эди илгари.

Ажралиб дона-дона, бўлгунча сўлқиллаган ер
 Босма уни, деб, тайинлаганди Шайтонга Маъбуд.
 Лекин қизиқди Шайтон: не бўлар тошларни босса?
 Тўплаб тошларни, этиб бир уюм, юрди устидан.
 Уша он қаттиқ бўлди-ю қотди тошлар ҳаммаси.
 Даугаванинг юқорисида бир тош бор. Унда
 Товоннинг изи аниқ-тиниқдир; дерлар: Шайтонтош.
 Дарахтларда шох, айри йўқ эди у замонларда.
 Шайтон чалгида пичан ўрарди. Маъбудда эса
 Бор эди Перконс ўғилларининг иши – искана.
 Бир куни Шайтон мизгиб қолганда, унинг чалгисин
 Ишлатиб Маъбуд, кўп пичан ўрди. Уйғониб, Шайтон
 Лол қолди: шунча ўтни ўрдими искана билан?
 Исканада ўт ўришига жазм айлади у ҳам.
 Пичанни кўзлаб урса, искана дарахт танига
 Санчилди. Шундан бошлаб шох, айри битди дарахтга.
 У вақтда Шайтон мол сақларди – тоқ туёқли, тўқол,
 Юнглари кўкиш. Ўшанда Маъбуд қурди бир оғил.
 Шайтон сўради: “Молинг йўқ, ахир. Нима боқасан?”
 Маъбуд дедики: “Молхона бўлса, топилади мол”.
 Тун чўкканида эса Шайтоннинг кўк молларини
 Ўз оғилига ҳайдаб келди-ю чиқарди Маъбуд
 Кўкдан чипору тўқолдан шохдор, тоқдан жуфт туёқ.
 Шайтон уйғониб тонгда, яйловга ҳайдайин деса,
 Оғили – бўм-бўш, Маъбуд оғили молларга тўла,
 Лекин бу қадар зотдор молларни аввал кўрмаган,
 Ҳаммаси ҳар хил – пешонасида қингир шохи бор,
 Кўкиш ва кўнгир, олачипору қора ва малла,
 Жуфт туёқлидир. Таниёлмади молларин Шайтон.
 Сўнг Маъбуд бир ит боқмоқчи бўлди. Шайтонга деди:
 “Ҳассани ол-да, далага чиқиб, сен лойдан яса
 Тўрт оёқ, икки кўзи, қулоғи бор, жунли, думли
 Бир махлуқ; ҳасса билан уч марта ургин-да, кейин:
 “Сени Маъбуд яратди!” – десанг, жон кирар унга”.
 Лойдан бир итни ясаб, деб: “Сени Маъбуд яратди!” –
 Уч марта урди ҳассаси билан. Ит ирғиб турди,
 Маъбуд изидан эргашиди думин ўйнатиб. Шайтон
 Ўзи ҳам итли бўлгиси келди. Яна бир ҳайвон
 Ясади энди: гавдаси катта, жунлари пахмоқ.
 Ўз қошларидан юлиб олди-ю қош қўйди унга.
 Ҳасса-ла урди уч бор, деб: “Сени Шайтон яратди!”
 Қўзгалмади у. Уч марта: “Сени Маъбуд яратди!” –
 Деди ноилоҳ. Бирдан жонланиб, иржайтиб тишин
 Ташланиб қолди Шайтонга. “Сени қара-ю, бўри!” –
 Деб юборди, у, махлуқ тисланиб, чопди далага.
 Маъбуд, ниҳоят, одам яратмоқ бўлди. Соз лойдан
 Ясаркан уни, берди икки қўл ва икки оёқ.
 Фақат биттадан кўз, қулоқ ато айларкан, деди:
 “Эзгуни кўру эзгуни эшит, эзгу ишларни
 Кўша-қўша қил, жўш ур, эзгулик йўлида ҳорма!”
 Бурни ичра бир тор ковак қилиб, унга уфуриб

Дер: “Гил, руҳ – аслинг, лекин бўлурсан боқийлар монанд!”
 Одам тин ола бошлар. Бу эди илк, тинч уйқуси.
 “Тонггача ухла! – дер Маъбуд, – қуёши, ер узра балқиб,
 Бахтли ҳаётга чорлагай сени!” Маъбуд кетган дам,
 Шайтон келди-ю иккинчи қулоқ, иккинчи кўзни
 Берди одамга, деди: “Кўр, эшит ёвузликни ҳам;
 Бирдай қилакўр ёвузликни ҳам, эзгуликни ҳам!”
 Иккинчи ковак қилиб бурнига, уфурди унга.
 Тонгда, уйгонди нурдан, оламда энг ажиб хилқат.
 Эркин илоҳий руҳу жасорат ила интилар
 Гўзал мақсади – эзгуликка ва маърифатга у.
 Қайтмас, ҳаётин баҳи этар ёвқур, фидойи, фақат
 Касб этар камол! Унга табиат айлаган ато
 Улугвор ақл ва темир ирода; ёруғ оламда
 Мисли йўқ – ҳатто маъбудлар унинг раъйига қарар!..
 Аммо маккорлик, зўрлик йўлига кирса, жаҳонда
 Жами эзгулик ва гўзалликка келтиргай қирон.
 Маъбуд ишини бузганда Шайтон – тортди жазога:
 Мангу лаънатга, дўзах ўтига этди гирифторм.
 Шайтон шунда ҳам бад ишлар қилди – нариёги йўқ,
 Баъд бу дунёга чиқиб, отланди Маъбудга қариши.
 Маъбудлар, улар болалари ҳам кирдилар жангга.
 Бўрон увиллаб, зилзила кўпди. Кўкўпар тоғлар
 Қаръга қулади, денгиз ўрлади то осмон қадар
 Ва қитъаларни бостирди сувга... Сўнг, барча манфур
 Яна дўзахга қувилди, лекин қасдидан қайтмас,
 Тунда, дунёга биқиниб чиқиб, ифлос тўрига
 Лақма учраса илинтиради, Перконс уларни
 Кўрган заҳоти жаҳаннам сари қайтариб ҳайдар”.

Кейин, кунлардан бир кун кечқурун Лаймдота бошқа
 Қадимий битик-ўрамни очиб, деди: “Лачплесис,
 Доно Видуведс пандномасини ўқийин, эшит”.
 Булар, уқувчи, амал қилувчи зотга аталган:
 “Замон ўтади, замон келади, аммо тугамас;
 Замон бепоён – абадият ва шу абадият
 Чамбаридан чет абадиятни изламоқ – абас.
 Қуёшга, ерга, маъбудларга хос абадияти.
 Фақат, одамзод ялчимас унга, абадиятнинг
 Томчиси томар унга ҳаётда бир он ё томмас.
 Аммо жаҳонда инсониятнинг вақти чексиздир.
 Қани, ким айтар: киши илк марта кўз очганидан
 То шу кунгача қанча йил ўтган? Ким айтар бугун:
 Қайси кун кўз юмар ҳаётдан охирги банда?
 Одам ўлади, халқлар йўқ бўлиб кетиши мумкин,
 Лекин яшайди одамзод насли дунё тургунча.
 Улуг, барҳаёт кишилиқ насли ҳаққи-ҳурмати
 Яшаи ва ишлаи, тинмай камолот йўлидан бормоқ,
 Гар зарур эса, жон фидо қилмоқ, мана, ҳаётда
 Инсон аталмиш шарафли зотга лойиқ вазифа.
 Шахс ҳам, халқ ҳам ўз юксак ахлоқи, даҳоси ила

Эриша олур маъбудлар ноил олий мақомга.
 Ва у бундан сўнг ишонмас эски маъбудларига,
 Қолоқ кўриниб улар, яратгай янги эътиқод,
 Юксак мақомли янги маъбудлар; аввалгилари
 Путурдан кетиб, бўлади ирим-сирим, хурофот.
 Кимгадир наф, аммоки эрка зарар бергувчи
 Сохта инончдан халқларни халос этмоқ истаган
 Халқ дўстларига иш кўрсатмоққа очилур майдон.
 Халқларнинг амри – маъбудлар амри. Ўзига ёققан
 Одил ҳукмдорни сайлаб олмоққа тўла ҳақли халқ.
 Сайлаб қўйгани агар эркига этса тажовуз,
 Қайсидир гуруҳ манфаати деб қилса халққа зулм,
 Тўла ҳақли халқ бу ҳукмдорни, разил хизматкор –
 Каби, эшикдан ҳайдаб чиқариб қўймоқлик учун.
 Бунда янги бир майдон очилур эрксеварларга –
 Халққа бермоқлик учун ҳар инсон ҳуқуқи, эрки,
 Ҳаёти, мулкин бир қалқон каби сақлай олгувчи,
 Доно ва буюк, бутун оламда керакли қонун.
 Маъбудлар ноил мақомга чиқса халқлар жаҳонда,
 Қолмайди асар – нафрат, муҳтожлик, душманлик, ғамдан.
 Оламлар сирин очиб, табиат тилини топиб,
 Билимсизликнинг тушириб асрий қора пардасин,
 Кишилар англаб ўз ўтмишини, уқубат чекмай,
 Айни замонда энг тўғри йўлни топурлар шаксиз,
 Қурарлар олтин, гўзал ва бахтга тўлуғ келажак.
 Умуминсоний, юксак мақсад-ла меҳнат қилса ким,
 Ўз азиз халқи ва инсоният эзгу алқови
 Ва авлодларнинг эҳтиромига бўлса сазовор,
 Рухи яшайди маъбудлар аро, нур даргоҳида”.
 Лаймдота ўқиб бўлди, битикни боғлади ўраб, тугатиб,
 Сўнгра, қутига соларкан, деди: “Бунда ҳали кўп
 Қисса-ю пандлар сақланар сирли қутилар ичра;
 Унинг ҳаммасин ўқиб чиқмоққа кўп йиллар керак.
 Эҳтимол, бир вақт келарки, халқнинг чин ўғлонлари
 Бу сир сақланган ривоят, панд, илм магзини чақиб,
 Кун шохидлиги, халқ ҳузурида этурлар аён”.

* * *

Велей¹ мавсуми келди. Лаймдота ҳорганин билмас:
 “Интиқ қутилган меҳмонлар бўлсин зиёфатдан шод”.
 Буртниеқснинг ҳеч уйқуси келмас, қабр ажратган
 Азизларини муносиб қутиши фикри-ўйида.
 Лачплесис билан Кокнесис тинмас. Кенгиши хирмонда
 Ходаларни жипс теришиди бог-бог ғаллага; ерни –
 Тоза спуриб, сепишиди ширқум, майда игнабарг,

¹ Бу ҳақда “Биринчи қўшиқ”да берилган изоҳга қўшимча равишда айтиш мумкинки, “велей” латиш тилида ўлган одамлар руҳлари номларидан биридир. Велейларни Велейлар онаси бошқаради. Тирик одамлар жонини олувчи ҳам унинг ўзидир. Велей мавсуми кузга, одатда, октябрь ойига тўғри келган (шу муносабат билан, октябрь ойини “велей ойи” ҳам деганлар). Янчиш олди-дан ғалла боғлари қуритиладиган махсус бинолар (латиш тилида “рига”; биз “хирмонбино” дейишимиз мумкин), ҳаммомлар, тураржойларда таомлар қўйилиб, велейлар меҳмон қилинган, уларнинг эътиборини қозонишга ҳаракат этилган, у ёки бу тўғрисида фол очилган.

Эман барглари билан безашиди деворларини.
 Хирмонбинолар сеvimли жойи уй эгаларин¹.
 Печка остида, чуқурда гномлар², печка ортида
 Уй жини³ уни. Зиқна, хасислар томи остида
 Билдирмай яшар ўтпуркар нуқис. Сули янчилгач,
 Қишида, хаёлий шарпалар келар, жин ўйнар бўм-бўш
 Хирмонбинода. Велей кечаси қочади улар –
 Ўрин бўшашиб ўлганлар азиз арвоҳларига.
 Лачплесис дўсти билан ҳозирлаб бино ичини,
 Хирмонбинога олиб киришиди стол, стуллар,
 Столга зигиртола дастурхон ёзди Лаймдота,
 Унинг устига қўйди ботартиб: нонлар, сут, асал,
 Иштаҳа қўзғар гўшти, арпаси ҳил-ҳил таомлар.
 Буртниецс керди икки тарафга ойна тўсқичин,
 Уларга тираб қўйди толали тарновлар, токи
 Сирпана олсин, чанги учгандек, велейлар ўнгай.
 Хирмонбинода ҳамма жам. Қўйди столлар остига
 Жун тўқимали саватлар, обдон таралган зигир –
 Толаларини Лаймдота, қизлар. Сўнгра, куйлашиди:

“Баландсақрар, Пастсақрар⁴!
 Саватга ош ўмбалоқ,
 Дам ол, бу, жунли сават,
 Қамиш ўриндиққина!

Велей онам, қўзлаб уч
 Отам хирмонбиносин,
 Биронта из қолдирмай
 Кумуш қумдан ўтиб кел.

Ният қилдик, тотиб кўр
 Ноз-неъматларимиздан,
 Сен учун пиширилган
 Овқатимиз тузин тот!

Ўзинг асра, ҳусндор
 Бўлиб қолай ҳамиша,
 Умр бўйи мен билан
 Шод яшасин қўшоғим”.

Қоронги тушиди. Ёнди машъала, қорачироқлар.
 Ҳеч ким ҳеч ёққа жилмай ўтирди. Тун оққанида,
 Буртниецс туриб, деди: “Болалар, бориб ухланглар!
 Шу ерда қолиб, ўтганлар руҳин кутаман ўзим”.
 Муқаддас кеча тинчин бузмай деб тарқалди ҳамма.
 Тонгда Буртниецс, Лачплесис кутди Лаймдотани. У

¹ Уй эгалари – уйда яшовчи руҳлар.

² Гном – Ғарбий Европа афсоналарида: ер остидаги хазинани сақловчи бадбашара, митти одам.

³ Уй жини – рус тилида “домовой”.

⁴ Аслиятда: “Аугшлеците, Землеците” – латиш тилида “Баландсақрар (сақровчи), Пастсақрар (сақровчи) демақдир. Мутахассислар шарҳига кўра, бу ерда қурбақа назарда тутилган, зеро, у бойлик келтиради, деб ҳисобланган. Биринчи банд латиш халқ маросим кўшиғидан олинган.

Хирмонбинодан, велей нафаси теккан овқатни
 Олиб келиши келишилганди, барча тотсин, деб.
 Чуқур хаёлга чўмган Буртниекекс деди ботирга:
 “Ўғлим! Шу тунда менга ишора берди башорат
 Биз ва юртимиз бошига тушгай оғир синовлар.
 Қизимнинг, сенинг тақдирингизда чигиллик бордай,
 Ишқилиб, Перконс, маъбудлар буни эзгуга бурсин!
 Нечук ҳаяллар бизнинг Лаймдота? Хабар ол, балки
 Ухлаб қолгандир”. Ботир борсаки, эшиги беркдир
 Лаймдотанинг. У чақирди, тақиллатди: жавоб – йўқ.
 Изига қайтиб, деди: “Чиққандир бирон бир ёққа”.
 Уйдагилар ва хизматкорлардан суриштирдилар хўб,
 Бу тонгда уни биронтаси ҳам кўрмаган экан.
 Энди эшикни бузди Буртниекекс билан Лачплесис.
 Кеча эрталаб созланганича турибди ўрин.
 Демак, ухлашга ҳам кирмаган у. Босди ваҳима.
 Қаср аҳли тушди таишвишига. Бутун атрофни изгиб,
 Тинтиб чиқишди – бенаф. Кокнесис қораси ўчган.
 Лаймдота – гоийб, Кокнесис – гоийб, дараги чиқмас.
 Буртниекекс уйга келди – гамзада ва ҳоли хароб.
 “Ўғлим, – деб айтди у Лачплесисга, – демак, маъбудлар
 Бизни астойдил синагиси бор. Лекин эзилиб
 Ўтиришининг ҳам мавриди эмас. Сезмоқда кўнглим:
 Қизим тушган ёв домига. Чора кўрмоқ керак тез!
 Сен жангчиларим ёнингга олиб, пайсалга солмай,
 Бадкор изига туш. Иш ўнг келса, балки тутурсан”.
 Лачплесис деди: “Ота, йўқ! Улар ўзлари борсин,
 Халақит бериб, йўлдан қолдириб юрмасин мени.
 Мен эса ёлғиз жўнайман, аммо лафзимга ишон:
 Ёки Лаймдота билан қайтаман ушбу қасрга,
 Ё қорамни ҳам ҳеч қачон бошқа қайтиб кўрмайсиз!”
 Лачплесис ярогин тақиб, хайрлашиб Буртниекекс билан,
 Бахтли дамларни кўрган маъвосин тарк этди шитоб.

* * *

Турайде қасрида узун танобий: суҳбат қурмоқда
 Кангарс, Дитрих ва қаср эгаси шонли Каупо.
 Дозули немис Дитрих сездирмай, бу, калондимоз
 Каупони ҳам ўз тузогига илинтирди тез.
 Унга беармон сўйлади Дитрих немис ерлари,
 Шаҳарлару фан, бой-тўраларнинг шону шавкати,
 Ҳаётлигида илоҳийлигу ўлганидан сўнг
 Боқийлик, мангу қувонч бергувчи ҳақ эътиқоддан.
 Ҳикоя қилди, кейин, буюк Рим ҳукмрони ҳақда,
 У ўзин содиқ рицарлари-ла алалоқибат
 Энг тўғри динни тарқатишини бутун жаҳонга.
 Дитрихни Кангарс маъқуллаб турди, камўй Каупо
 Этди ўз кўҳна маъбудларининг кучига гумон.
 Сўйлади Дитрих денгиз ортидан, немис юртидан
 Кемада келган кишилар истар қурмоқ бир шаҳар

Бунда, Ридзия Даугавага қўшилган жойда;
 Уқтирди: агар ажнабийларнинг ушбу режасин
 Сардор қўлласа, Балтия учун фойдадир фақат.
 Кейин ўқиди Рим папасининг мактубин Дитрих:
 У Каупога йўллаб салому қуюқ дуолар,
 Муаззам Римга кел, меҳмон бўл, деб, қилибди таклиф.
 Дитрих айтдики, шунда Каупо ўз кўзи билан
 Ундаги ажиб ишларни кўрар, авлиё ота
 Дўстлиги эса дунё тургунча бағишлар шараф.
 “Немис ерларин, – ўйлар Каупо, – кўрсам, хўб бўлур”.
 Авлиё ота мактуби унга жуда келди хуш,
 Ажнабийларга шаҳар қуриш-чун айлади рухсат.
 Сайр қилай, деди, юртларига ўз кемаларида.
 Дитрих: мен ҳамроҳ бўлиб, Римда папага шахсан
 Учраштираман, деди. Ва Велей кечасидан сўнг,
 Орқага сурмай, бирга жўнашига этишиди қарор.

Велей кечаси ўтди, эрталаб айни Ридзия
 Қуйилишида тумонат одам тўпланган, қий-чув.
 Даугаванинг бандаргоҳида, кўпирар мавжлар,
 Чайқалар катта немис кемаси. Қайтаётганлар
 Алмашар тез бол, ноёб мўйнага немис молларин,
 Қолаётганлар лив, латишларни ёллар Ридзия
 Қуйилишида бошланар шаҳар қурилишига.
 Сардор Каупо келди. У Дитрих ҳамроҳлигида
 Кемага чиқди, шунда, шаънига янгради қутлов.
 Баланд қўйруқда¹ тургани ҳолда юзланди халққа:
 “Менинг жонажон биродарларим! Ажиб хабарлар
 Эшитдим: немис замини битмас хазина экан.
 Шу учун маъқул немислар билан дўст бўлиб олсак
 Ва улар қурса бизларнинг юртда янги бир шаҳар.
 Токи бу ерда бунёдга келсин савдо йўллари,
 Токи гулласин бизнинг она юрт, бўлсин бири минг!
 Ғарб тўғрисида ажиб хабарлар аслин билай деб
 Немис юртига йўл олдим, қайтгач, айтаман борин:
 Неларни кўрдим, қандай иш қилмоқ биз учун афзал.
 Мени қутингу бўлинг немиснинг қил ўтмас дўсти!”
 “Яшасин шонли Каупо! Агар ажнабийларнинг
 Нияти эзгу экан, яшасин, майли, дўстимиз бўлиб!”
 Сардор Каупо сўзига шундай жавоб қилди халқ.
 Кўтарди кема лангарин, сурди ҳамроҳ шамоллар,
 Бошланди сафар. Кузатиб қолди ҳамма қўл силкиб.
 Кангарс-риёкор қолди қиргоқда. Билар эди у
 Балтия халқи ила қандай дўст бўладир немис.
 Кангарс, Спидала, – бу кузатишида Спидала ҳам бор, –
 Иккиси мазах аралаш боқар кема изидан.
 Обдон биларди бу шум ниятни фақат бир киши...
 “Калануйсисни енгган Лачплесис келди!” – Бир-бирин
 Одамлар этар огоҳ. Халойиқ йўл берди чаққон,
 Ботирни таниб. Қора тер босган арзумогининг

¹ Кеманинг қўйруқ қисми назарда тутилмоқда.

Жиловин тортиб, сакраб туиуди у, Кангарс томонга
 Юрдию деди даргазаб: “Туллак! Тезда жавоб бер:
 Буртниекснинг қизи – Лаймдотам қани, миянг қатигин
 Чиқарайми ё? Фойиб бўлишин сабабчиси ким –
 Буни биламан!” Кангарс жавобин ўйлаб улгурмай,
 Спидала, – қўлин нуқиб кўрсатди, тобора тезлаб
 Узоқлашаётган кемани, – деди ниш урган каби:
 “Унинг кемада! Немис йигитлар пинжида унинг!”
 Ўт пуркагандек дер алп: “Ярамас! Халқ кушандаси!
 Одамлар, ёлгон бу гаплар! Менга беш қўлдек маълум!
 Беномус Кангарс ва Спидала ҳам иблиснинг қули,
 Ғаразин ўйлаб, ўз халқинию динини сотар!
 Эрку аждодлар эътиқодини азиз билсангиз,
 Бу келгиндилар – немисларга ҳам ишонманг асло!”
 Элнинг олдида айтилди шундай даҳшатли айблов –
 Барча тинглар жим, Кангарс бу қалтис он ўзин ўнглаб,
 Акс ҳолда, бир умр йиққан обрўйин бой берарди у,
 Тилга кирди: “Ёш алтим! Айбловинг гар юздан бири
 Рост бўлса, Перконс қаҳрига учрай, тил тортмай ўлай

Турган жойимда. Кўриб турибман, алдашган сени.
 Ишонгин менга: Каупо бурчи – юртдошларининг
 Фаровонлиги, боряпти шахсан ўзи шу учун,
 Чет эллик чин ё ўтрук айтганин аниқ билай, деб.
 Эшит, айбноманг беҳудалигин англаб, билиб ол:
 Йўқ, Лаймдотани ўғирлашмади! Чиқди кемага
 Гапни пишитиб, аввалдан пинҳон севиб юргани –
 Кокнесис билан. Каупо немис элига сафар
 Қилишинию турли билимни уқиб келсин, деб,
 Тийрак ёшларни танлаб олганин билган, ўзи ҳам
 Улар қатори илм эгалламоқ бўлган у йигит.
 Қулай бир фурсат келган ўтган тун: Буртниекс қасрин
 Лаймдота билан Кокнесис – икков, тарк этган пинҳон
 Каупо билан кетгани олис немис юртига.
 Ботириш, бўлма кўп жигибийрон! Ич-этинг ема!
 Ҳақиқатни бил: у севган эмас сени ҳеч қачон,
 Жасоратларинг қадрлар, холос, севгинг рад этса,
 Ғам гирдобига зарқ бўлишингни истамас асло.
 Ўз ҳақин талаб қилар юрак ҳам! Лаймдота энди
 Чин севгилиси билан қўшилиб, яшар бахтиёр!”
 Мабодо Перконс қуёшли кунда яшин-ла урса,
 Бўлмасди шунча абгор Лачплесис, доғули сўзи
 Уни тириклай ўлдирди гўё. Малъун бошида
 Шаҳд кўтарилган қиличи туиуди қўлидан. Азоб
 Беаёв эзар кўнглин; нимталар жазавали дард –
 Тиги юрагин. Не бу? Кокнесис – қалбининг ярми,
 Шундай дўст, наҳот, алдар?.. Лаймдота, бўлса юз жони
 Ҳаммасин у деб беришин билар, сўйларми ёлгон?
 Наҳот, булар рост? Бунга ич-ичдан ишонмаса ҳам,
 Лекин қаллиги билан дўстининг гойиб бўлишин
 Ўзга сабабин кўрмасди. Тагин шундай хаёллар

Босиб келганда, ҳайдаб уларни ўша заҳоти
 Ўйлар: “Йўқ, кутай, Каупо қайтсин; ё қайси биров
 Кемасидаги одамлар менга етказар хабар.
 Гар ёлгон чиқса бир сўзинг, шўринг қурир, айёрлар!”
 Уларга бошқа қулоқ ҳам солмай, назар ҳам солмай,
 Отига минди, йўл олди мағрур, мавж урган мовий
 Даугавани бўйлаб. Спидала газабнок шодлик –
 Тўла кўзларин тикди ҳаммага бир-бир – золибдай.
 Ботирнинг ҳоли ўлимдан баттар эди аслида...
 У Лиелвардга, ота қасрига қайтди гам босиб.
 Отаси кутиб олди суюниб, оламга сизмай.
 Бир қарашданоқ сизди чол: қайтган ўғлининг бахти.
 Сўрай бошлади ҳар сўзин ўлчаб. Борин тўкди алп.
 Қария деди: “Ғам чекма, болам, охири кўрмай!
 Тақдир йўллари – тилсим! Ноумид бўлма! Зоҳиран
 Лаймдотага зид барчаси, аммо мен кафил: у – беайб,
 Ёлғиз ўзингни севар ва қолур бўлиб вафодор!”
 Лачплесис ота пандин эшитиб, сал топди таскин.
 Билгани ҳақда хабар йўллади Буртниецсга.
 Шу асно ўзи ота уйида яшаб, кейинги
 Ишларин шошмай ўйлаб олмоқни этди ихтиёр.
 Бироқ тийиқсиз азоб мижгилар эди юрагин.
 Уззукун дайдирик тик қирғоқларни ёқалаб ёлғиз,
 Даугаванинг ёлдор мавжлари ила сирлашиб.
 Қумуш тўлқинлар билан денгизга кетмоқни хоҳлар,
 Шимол шамоли ила беллашиб, Шимол Қизига¹
 Шайдо бўлмоқни истар. Балки у бўрон, ёғдулар
 Ҳукмдори дардин аритиб, берар қалбига шифо.
 Неча куну тун қоврилди у. Бирдан қасрда
 Кўринмай қолди. Қачон кетганин кўрмади ҳеч ким.
 Қайга йўл олди – бундан бирор зот хабардор эмас.

Тўртинчи кўшиқ

Каупо Рим папаси – авлиё ота ҳузурида. Ригага асос солиниши. Лаймдота монастирда. Кокнесис ва Лаймдотанинг монастирдан қочиши. Лачплесис Шимолий денгизда. Шимол Қизи. Итгумшуклар. Дунё чети. Олмостоғ. Денгиздаги сеҳрли орол.

*Кўҳна Римда, у боқий Римда,
 Даргоҳига авлиё ота
 Рицарларнинг қўшинин йиғди
 Балтияга бошлай деб юриши.
 Балтияни авлиё ота*

¹ “Лачплесис”да Шимол Қизи ғайритабиий антроморф мавжудотнинг ниҳоятда ўзига хос образидир. Унинг тасвири (тўртинчи кўшиқ) қисқалик, ёрқинлик ва туйғун инжалик билан йўғрилган. У улуғвор ва гўзал. Гарчи унинг отаси Шимолий денгизда бўрон кўтаради, ўзи эса ўлган аскарлар ўртасидаги жангларни бошқаради, лекин барибир Шимол Қизи характери моҳиятан теран осойишталик билан тўладир. Лаймдота ғойиб бўлганидан сўнг, Лачплесис руҳий азоб-укубатда қолиб, Шимол Қизини эслайди, таскин топиш учун, бориб уни кўришни истаydi. Биринчи, иккинчи, ушбу ва кейинги кўшиқларга илова қилинган изоҳлар, асосан, “Лачплесис”нинг Я.Я.Рудзитис томонидан тайёрланган (М., “Наука”, 1975) илмий нашридаги шарҳлар негизда тузилганини миннатдорлик билан эслатиб ўтаимиз. – Тарж.

Багишлади Биби Марямга,
 Қонхўрларни ва қотилларни
 Сийлаб, ўтди барча гуноҳин,
 Ўтказсин деб улар ҳақ динга
 Балтиянинг мажусийликда
 Умри зое бахтсиз халқини.
 Оқ фотиҳа берди уларга,
 Берди янги қотилликка изн,
 У буюрди Балтия бўйлаб
 Тош қасрлар қурсинлар маҳкам.
 Кўп қаланги-қасангилар тез
 Лаббай деди бу чақириққа,
 Бу марҳамат изига тушиб,
 Оқиб келди қашшоқ ва ерсиз,
 Ҳаммаёқни солиб даҳшатга,
 Изгиган, йўл қароқчилари –
 Жулдур, йиртқич рицар тўдалар.

Бугун шахсан авлиё ота
 Қабул қилди рицар қўшинин,
 Тайинлади қўмондонларни,
 Епископин қўшди уларга.
 Сўнг авлиё отага лутфан
 Танитишиди икки кишини.
 Улар – Дитрих билан Каупо
 Балтиядан келган эдилар.
 Ул зот рухсат этди туфлисин
 Ўпишига зиёратчилар.

Илтифот-ла, тилмоч орқали
 Суҳбат қурди Каупо билан.
 Сўраб кўрди Балтиянинг у
 Одамлари ва одатларин,
 Улар қабул қиларми, худо
 Инояти – христианликни.
 “Бизнинг динга кирганлар борки,
 Биродардир, – деди, – ўзаро!
 Муқаррардир динимиз янги
 Қабул қилган биродарга ҳам
 Минбаъд барча билан баробар
 Римда ёки бепоён Ғарбий
 Империя бошқа ерида
 Ўз кўзинг-ла кўранинг бари:
 Заминнинг бор неъматларию

Саховати ҳузурин кўрмоқ.
 Дунёдаги бу фароғатлар
 Гард ҳам эмас, ҳечу арзимас
 Ўлимдан сўнг содиқ бандани
 Кутаётган бахтнинг олдида!..”
 Каупони ҳақиқатан ҳам
 Ҳайрон, мафтун этди батамом
 Римда кўрган-билганларининг
 Сулувлиги, улузворлиги.
 Бахтни қуйиб турган оламга
 Бу қудратли, сахий худонинг
 Қаршисида, маъбудлари жим
 Қотди, зўё, ўчиб ранг-қути.
 Ёт ҳашамат ярқирозига
 Шонли ливнинг кўнгли кетди суст.
 Бутун уругига бош бўлиб,
 Чўқинишига берди қатъий сўз.
 Бунинг учун авлиё ота
 Инъомларга этди уни зарқ;
 Эъозлади ливлар сардорин:
 Рицарликка айлади қабул;
 Олди, кўриб ўзига яқин,
 Аъёнлари хос даврасига.
 Ва, ниҳоят, авлиё ота
 Панд, дуосин қулоққа қуйиб,
 Йўлга чиқди рицарь лашкари
 Юриш бошлаб Балтия томон.
 Ўзи билан бирга Каупо
 Римга олиб келган ёшларни
 Тарқатдилар монастырларга
 Монахлардан олсин деб таълим.
 Ўшаларнинг биттаси эди
 Кейин машҳур бўлган Индрикис¹.

Яна келди Зиедонс. Тоглар,
 Водийлар ҳам кийинди мовий.
 Яшнар балқиб табиат ҳар он
 Саховатли худони алқаб.
 Табиатнинг завқу шавқини
 Назарига илмас одамлар,
 Қандай гуллаб, қандай куйлар ер –
 Улар кўрмас, қулоқ ҳам солмас.
 Тамом бошқа улар истаги,
 Улар кўнглин ўртар ўзга дард:
 Бебахт халқни ишлиб олсаю
 Гаитин сурса: тараллабедод.

¹ Индрикс – Латвия ва Эстониянинг қадимги тарихи бўйича муҳим манба бўлиб ҳисобланадиган “Ливония солномаси” (1224–1226) муаллифи Генрих Латвиялик. Унинг латиш ёки немис экани аниқ эмас. “Лачплесис” да у немис диёрида таҳсил олган латиш сифатида тасвирланади.

Хув, Ридзиня Даугавага¹
 Қуйилган ер: тумонат одам
 Қазир, қоқар қозикоёқлар,
 Қуришади янги азим кент,
 Девор билан ўраб атрофин.
 Қад ростлади энг ўртасида,
 Юмалоғу залворли гумбаз
 Ўрнатилган улкан тош жоме².

Бу, Ридзиня бўйидаги кент
 Барпо бўлиб, аталди Рига.
 Унда, черков қора зирҳлари
 Ичра қоим епископ Альберт³
 Хукм сурди. Поплар раҳнамо
 Лашкарларин йўлади шундан.
 Ўлдиришу чўқинтиришу
 Талон-ла банд юрт бўйлаб улар.
 Икшикиле⁴ ва яна Саласпилс⁵
 Қалъаларин этдилар бунёд.
 Ваҳимада, саросимада
 Қолди яқин, олис аҳоли.
 Алданганин билди одамлар,
 Билди, лекин энди эди кеч,
 Келгиндилар ва йиртқичларнинг
 Таянчига айланди Рига.
 Тўқилгандир балки ўшанда
 Ушбу аччиқ аламли қўшиқ:

“Рига, бўлдинг қанчадан-қанча
 Ёш йигитлар умрига зомин!
 Рига, бўлдинг қанчадан-қанча
 Доду фарёд, кўз ёшга эваз!
 Рига, буздинг қанчадан-қанча
 Яшинаб турган экинзоримиз!
 Рига, ёқдинг қанчадан-қанча
 Бизнинг хирмон ва уйларимиз!
 Рига, ичиб қанчадан-қанча
 Бочка бўзамизни қурибдинг!
 Рига, этдинг қанчадан-қанча
 Бойлигимиз зорату нобуд!
 Рига, қилдинг қанчадан-қанча
 Халқимизни ҳалок, жувонмарг!
 Энди айт-чи, қолдими тагин
 Юрагингда бирон армонинг?”

¹ Рига ливлар ва қадимги латишларнинг манзили сифатида немис рицарлари келишидан аввал ҳам маълум эди. У Ридзиня дарёси қуйи оқимларидаги савдо маркази эди. Шу ерда, немис савдогарлари муваққат ёки муқим яшаш учун жойлашишган. XIII аср бошида епископ Альберт топшириғига кўра, Ридзиня бўйида немислар қароргоҳи қурилиши бошланган. Рига шаҳрига 1201 йили асос солинган, деб ҳисобланади. 1201 йили Альберт епископлик аршини Икшкуле (Икскуль) дан Ригага кўчирган.

² Авлиё Мария жомеси назарда тутилмоқда.

³ Епископ Альберт – Рига католиклари епископи Альберт Буксгевден наинки черков, балки харбий ҳокимиятнинг ҳам амалдаги энг юқори даражали маҳаллий намояндаси бўлган.

⁴ Икшикиле – Даугаванинг унғ қирғоғида, Рига яқинида жойлашган.

⁵ Саласпилс – Икшикиле ва Рига оралиғидадир.

Даугава бўйида алҳол
 Янги шаҳар қурилар экан,
 Олисларда, немис юртида,
 Қай монастырь бир ҳужрасида,
 Уйдан алдаб олиб чиқилиб,
 Ўз эркисиз, бегоналарнинг
 Етовига солиб қўйилган
 Лаймдота тутқунликда зор.
 Жодугар Спидала ва Кангарс
 Маккорона қилди ишини:
 Осойишта Велей кечаси
 Буртниецлар қасрига келиб,
 Кўриндию ўлган онасин
 Рухи бўлиб Спидала, қизнинг
 Ўғирлади ҳушини тамом,
 Эргаштириб борди тузоққа.
 Лаймдотани боғлади ушлаб,
 Турайд сари кетди шошилинч,
 Ўша тунда, тўғридан-тўғри
 Етказишди уни денгизга.
 Таваллоси бермади ҳеч наф,
 Зое кетди кўз ёшлари ҳам
 Судраб чиқиб кемага уни,
 Жўнаб қолди немис юртига.

Йўлда, келди ёнига Дитрих,
 Бермоқ бўлди унга тасалли.
 Келтирмагил кўнглингга гумон,
 Сенга, деди, зиён етмагай,
 Бу кемада сен билан бирга
 Ихтиёрий кетиб бормоқда
 Кўп ҳамюртинг, уларга бошлиқ
 Шахсан ўзи Каупо сардор –
 Кўрмоқ истаб немис ерида
 Гуллаб-яшинаб ётган ҳаётни...
 Унда, деди, этилган тақдир
 Сенга шундай – мисли йўқ шараф,
 Худо ўғли – Кристус сени
 Белгилаган қаллиги этиб.
 Шундай деган Дитрихга аммо
 Нафрат билан боқди Лаймдота.
 Мағрурона жавоб қилди қиз,
 Сўзи қисқа, қиличдай кескир:


“Сенинг ўша Кристусинг гар
Зўрлик билан танласа қаллиқ
Ҳатто бошим бўи бўлганда ҳам
Этмас эдим уни ихтиёр.
Ўз элимда ёи ботир ила
Унаштириб қўйишган мени,
Бизнинг асил, пок муҳаббатимиз
Отажоним ўзи алқаган.
Мени энди ўз эркимга қўй,
Зориллатма, қийнама бошқа,
Йўқса, алтим қаҳрига учраб,
Афсус чеккунг тўзилганингга!
Менинг аслим башар авлоди,
Одам – мени туққан-боққанлар,
Гапинг – қутқу, худо ўглига
Қандай қилиб бўлайин қаллиқ!”
Танглайини ёлгон кўтарган,
Виждонини еб қўйган Дитрих
Бу жавобни эшитган заҳот
Аччигидан кетди бўзриқиб,
Насиҳатин қолдириб чала
Лаймдотани тарк этди шу зум.

Лекин бундан бахтсиз тутқун қиз
Кўргани йўқ зарра рўшнолик.
“Эл-юртимнинг сардори – шу”, деб,
Кауподан ўтинди нажот.
У дедик: “Биронта кимса
Сенга зўрлик қилолмас асло.
Келтирдими тақдир шамоли,
Майли, сабр қил, шунда мени кут
Римга бориб келгунимча то”.
Сардор қулай билиб Дитрихнинг
Айёрони маслаҳатини,
Лаймдотани қолдириб кетди
Аёлларнинг монастирида.
Римга бўлди шу қадарли ром,
Кўрмас кўзи бошқа ҳеч нени,
У кемага чиққанда, буткул
Эсида йўқ эди шўрлик қиз.
Бунини йўйди омадга Дитрих,
Чурқ этмади, Лаймдота қолса,
Бўлур эди шу тарзда Фарбга
Баҳоси йўқ марварид пешкаши –

Бу ҳадясин кўрганлари дам
Зар қўйишар, билар, бошидан.

Монастирга бошлиқ роҳиба
Муомала қилди мулойим,
Жонга тегиб кетарди фақат:
Унут латиши маъбудларин сен,
Кристусга сизингил, дея,
Унатишга уринишлари.
Гапи ўтмай, охир-оқибат
Одат қилди дўқ-пўписани:
“Ҳей, асира, мен сени берай
Қўли узун фалон графга,
Ўйнаш қилсин, юзи қаро бўл –
Ақлинг шундай киритай сенинг”.
Бу таҳдидни тинглаб, Лаймдота
Юрагига тушиди бир кўрқув.
Бўлди яна бир хавфдан воқиф:
Бош роҳиба билан қариндош
Аллақайси палид бир рицар
Монастирга келганда бир кун,
Кўзи тушиб қолибди унга,
Чиройига бўлибди шайдо,
Шу гўзални қўлга киритмоқ
Ўйи олган ихтиёрини.
Чунки, дея, қилар граф хаёл,
Чўқинтирилмаган осийни
Маърифатли дунёмиз бизнинг
Ҳеч йўл билан этмас ҳимоя,
Уни солиб истаган кўйга,
Билганингни қилишинг мумкин.
Ўйлаб, қабул қилмоқ-чун қарор
Муҳлат сўраб олди Лаймдота:
Бир мўъжиза рўй бериб ногоҳ
Қутулмоққа боғлади умид.
Охир битди берилган муддат,
Мўъжизалар кутгани – бекор.
Эрта тонгда бош роҳибага
Жавобини айтмоғи лозим,
Мункир келиб маъбудларига,
Буртниеқслар кўҳна қасрида
Уққан улуг битикларини
Унутмоғи керакдир тамом.
Абас бундай даҳшатли қарор,
Бундан кўра, афзалдир ўлим!

(Давоми бор)



Иво АНДРИЧ

(1892–1975)

ОЙИМТИЛЛА

Роман

*Рус тилидан
Лола ШОИМОВА
таржимаси*

Атоқли серб адиби, Нобель мукофоти совриндори (1961). Босниянинг Травник шаҳрида майда ҳунарманд оиласида туғилган. Сараеводаги гимназияда таҳсил олиш чоғида Иво Габсбурглар ҳукуматига қарши бошланган миллий озодлик ҳаракатида қўшилади ва уч йил озодликдан маҳрум этилади. Биринчи жаҳон урушидан сўнг И. Андрич университетда ўқийди, 1932 йили Босния маданияти мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди. Қирқ йилдан зиёд Фарбий Европа мамлакатларида дипломатик фаолият юритади. Адибнинг “Денгиздан”, “Тугён” шеърий тўпламлари, “Маранинг маъшуқаси”, “Тўй” каби қисса ва ҳикоялар тўплами эълон қилинган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Иво Андрич “Дрина кўприги”, “Травник тарихи”, “Ойимтилла” романларини ёзди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Ойимтилла” романи – ёзувчи яшаган замон руҳи синғдирилган, муаллифнинг серқирра услубидан дарак берувчи асар. Унда адиб хасис ва бахтиқаро аёл образини яратиб, мол-дунё ва пулга тобе бўйсунган инсон қиёфасини ҳаққоний тасвирлаган. Роман дунёнинг ўн тўртта тилига ўгирилиб, театрларда кўп бора сахналаштирилган.

Майли, бойлик тўплайвер, омадингни берсин!

Лек юрагингга хасислик муми ёпишган экан, демак, бу сенга теккан тавқи лаънатдир.

Янко Веселинович

Халқ манфаатларига хизмат қилмайдиган пулларга лаънатлар бўлсин.

Сима Милутинович-Сарайлия

* Журнал варианты. Манба: Андрич И. Барышня. – Москва: Художественная литература, 1984.

Омилкор, тежамкор деб аталмиш кишилар, агар ўзларининг шу ишбилармонликларига ҳаётлари мазмуни ва тирикчиликларининг манбаи деб қарамаганларида эди, қолаверса, омилкорликдан маҳрум, аммо улкан қаҳрамонликларга қодир одамларга ҳукм ўтказиб, улардан фойдаланишмаганида эди, бу тоифа кишилар мақтову ҳурматга сазовор бўлар эдилар.

Иво Андрич

I

1935 йил февраль ойининг сўнги кунларида барча Белград газеталари Стишской кўчаси 16-“А” уйда хонадон соҳибасининг мурдаси топилганлиги ҳақидаги эълонни чоп этди. Мархумани Райка Радакович деб аташар, унинг келиб чиқиши Сараеводан эди. Бу уйга ўн беш йил бурун кўчиб келганди. Ўзи қариқиз, одамовиларча ҳаёт кечирар, ўтакетган курумсоқ ва савдойи деган ном чиқарганди. Унинг ўлимини биринчи бўлиб почтальон билди. Икки кун давомида эшик кўнғироғини тинмай босаверди, учинчи кун эса уйни айланиб ўтди-да, деразадан мўраллади. Шунда дахлизда чалқанча ётган аёлга кўзи тушди ва дарҳол полицияга хабар қилди.

Ўша вақтларда жиноятлар ҳақидаги мақолалар кундалик нашрларда каттагина жой эгалларди. Таҳририятдагилар газета ададини ошириш, газетхонларни қизиқтириш мақсадида пашшадан фил ясаб, бахтсиз ходисалар, қотиллик, қонли воқеалардан унумли фойдаланишарди. Як-камохов бўлиб яшовчи кампирнинг ўлими ҳақидаги хабар газетанинг кўзга ташланадиган жойида берилиб, “Жиноят аломатлари мавжудми?”, “Мухбиримиз воқеа жойида, тергов давом этмоқда” каби эътиборни жалб этувчи сарлавҳалар қўйилганди. Аммо бу сафар мухбирларнинг омади чопмади. Стишской кўчасига етиб келган полициячилар жиноят ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, қариқиз ўз ажали билан, юраги ёрилиб ўлган деган хулосага келишди. Унинг уйида ҳамма нарса ўз жойида турар, зўрлик, талончилик, ўғрилиқ аломатлари кўзга ташланмасди.

Стишской кўчасида яшовчи қариқизнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган белградлик кекса савдогар Жорж Хажи-Васич зудлик билан хотини ҳамроҳлигида воқеа жойига етиб келди. Улар мархуманинг Белградда яшовчи ягона қариндошлари эди. Эр-хотин мерос масаласи ҳал этилгунга қадар дафн маросимига тегишли барча югур-югурларни зим-масига олишди.

Газеталар Райка Радаковични бошқа эслашмади. Унинг ҳаёти омманинг эътиборини тортмагани каби, ўлими ҳам ҳеч кимни ҳайратга солмади. Аёлнинг ҳақиқий ҳаётини, бошидан кечирганларини сиз ушбу саҳифаларни ўқиб, билиб оласиз.

Тубсиз Белград осмони кенг ва ўзгарувчан, аммо чиройли эди. Очик қиш кунларида ҳам, ёз бўронларида ҳам у шамол қувиб келган қоп-қора улкан булутларга бурканиб, бехосдан Паннон текислиги чанги аралаш ёмғир ёғиб юборарди. Баҳорда фалак тагида гуллаб ётган ер каби яшнар, кузда эса ғуж-ғуж юлдузлардан оғирлашиб, осилиб қолганга ўхшарди. Буларнинг ҳаммаси шаҳарда бўлмаган ва бўлмайдиган нарсалар учун берилган мукофотга ўхшарди. Аммо Белград осмони ўзининг кунботар шафағи билан гўзал эди.

Куз ва ёз ойларида у саҳродаги сароб каби бепоён, ёрқин, қишда эса қора булут ва арғувон туманга бурканарди. Йилнинг баъзи ойларида куёш Белград осмонида дарё оралигидан текислик узра бош қўяркан, шаҳар унинг нурларидан қонталаш тусга кирарди. Ўша кезде ҳатто Белграднинг энг олис ва аҳолиси фақирона кун кечирувчи, уйига куёш нури тушмайдиган одамларнинг деразаларида ҳам бир лаҳза пушти-қизил, оловранг нур пайдо бўларди.

Белград шафағи 1935 йилнинг февраль кунларидан бирида Стишской кўчасидаги тўкилай деб турган уй ҳовлисини ҳам шундай алвон рангга бўяди. Кўчанинг шиддат билан кенгайиши натижасида уй рақамлари чалкашиб кетган, баъзи бир уйга 16 рақами берилган бўлса, ёнидагиси 16-“А” деб белгиланганди. Айнан шу рақам баҳайбат ва замонавий усулда қурилган икки иморат оралигида ғарибгина бўлиб турган, пастаккина уйга қўйилганди. Кўримсиз кулба Болкон урушидан илгари, бу жойлар ҳақида гап кетганда гадойтопмас ерлар деб сўз юритилган, квадрат метри бир динор бўлган пайтларда қурилганди. Ўша пайтларда уйларни рақамлаш катта аҳамиятга эга бўлмаган. Чунки ҳамма бир-бирини яхши танир, қайси уй кимга тегишлилигини рақамсиз ҳам яхши билишарди. Агар нотаниш одам бўлса, рақамсиз ҳам унинг уйини топар, бировни қидириб топиш ҳозиргидан осонроқ эди.

Бу хилдаги уйлар урушдан олдинги Белграднинг чекка жойларида етарлича, тез-тез кўзга ташланиб турарди. Баландлигини ҳисобга олмганда, улар ўзининг ташқи кўриниши, қурилиш хомашёси, хоналар сони, жиҳозлари билан бир-биридан деярли фарқ қилмасди. Уйнинг икки ёки тўрт деразаси кўчага қараганидан, у икки-уч хонали эканлигини билиб олиш қийинчилик туғдирмасди. Деразалар тагидаги сувоқда сецессион¹ услубида ёки црна-травалик усталар андаси асосида ўйилган содда-жўн геометрик нақшлар кўзга ташланарди. Темир дарвозаларнинг тепа қисми сим чивиклардан ясалган бўлиб, энг юқорисига тиканли симлар ўрнатилганди. Дарвоза орқали майда, чорқирра тош терилган, чоғроққина ёввойи атиргул экилган гулзори бор кичкина ҳовлига қириларди. Уйга қираверишда тошдан ясалган соябонли пиллапоя мавжуд эди. Бадавлат одамларнинг уйига қиришда эса хира ойнали айвонлар бўларди. Ҳовли ичкарасида ўртасида қудуғи бор, ёнғоқ дарахти экилган томорқа, қўшниларнинг томорқалари бошланадиган тўсиқ ёнига эса олхўри, ўрик дарахтлари экилган бўларди. Уй хоналари ҳам асосан бир хил – катта меҳмонхона, ошхона ва яна икки ёки уч хонадан иборат эди.

Бу уйлар ҳозирги кунда бир-биридан фақатгина ташқи томонидангина фарқ қиларди. Уларнинг баъзилари таъмирланган, оқланган, темир дарвозалар мойли бўёқларга бўялган, топ-тоза ойналарига эса нафис, оппоқ дарпардалар тутилганди. Буларнинг барчаси уй эгасининг замон билан ҳамнафаслигидан, меҳнат қилиб, нимагадир эришаётганидан, яшашга чанқоқлигидан далолат берарди. Бошқа уйлар, аксинча, қаровсиз ва ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Уларнинг томлари, тарновлари қийшайган, бўёқлари, нақшлари кўчиб кетганди. Деворларига лой сачраган ва энди ёзишни ўрганаётган болалар учун “доска” вазифасини ўтаганди. Бундай уйларнинг деразасидан мўраласанг, қаровсизликка, қашшоқликка ёки оддийгина қилиб айтганда ҳаётга бефарқликка кўзинг тушади.

¹ Сецессион – XIX аср охирида Европа амалий санъатида вужудга келган ноанъанавий услуб. (Таржимон изоҳлари).

16-“А” уй таърифлаган уйларимизнинг иккинчи тоифасига мансуб эди. Унинг ҳар икки деразаси ҳам кўчага қараганди. Деразага қоқилган темир панжаралар, уни уйдан кўра кўпроқ зим-зиё қамоқхонага ўхшатиб юборганди. Бир қараганда уй сотувга кўйилиб, янги эгасини кутаётгандай таассурот уйғотарди. Уни сотиб олган одам ҳам бу ерда яшамай, бузиб, худди икки тарафдаги баҳайбат уйлардай, бошқатдан қуриши лозимдек туюларди. Агар диққат билан назар ташласангиз, гултувак кўйилмаган, пардаси йўқ дераза ортида икки букилиб, юзида бирор ифода акс этмаган, тикиш билан машғул бўлган кекса аёлга кўзингиз тушади.

Бу ойимтилла – Райка Радакович.

Стишской кўчасига кўп қаватли уйлар қурилишидан олдин келиб жойлашган одамлар аёлнинг исмини яхши билишарди, аммо янги кўчиб келганлар уни анчадан бери жўнгина қилиб, “Ойимтилла” деб аташарди.

Ойимтилла 1919 йили озодликдан сўнг, дарҳол шу уйни сотиб олди ва онаси билан бирга Сараеводан Белградга кўчиб келди. Орадан икки йил ўтгач, онаси вафот этди. Шундан бери Ойимтилла ҳеч кимсиз – хизматкорсиз, қариндош-уруғсиз, дўстларсиз, таниш-билишсиз, ёлғиз яшай бошлади. Аёл ниманинг ёки кимнинг ҳисобига яшайди? (Кўшнилари учун бу илк ва асосий савол эди. Улар саволларига жавоб ёки бирор нима ўйлаб топишмагунча уни тинимсиз такрорлашарди). Стишской кўчасида яшовчи одамлар Ойимтиллани рента ва қурумсоқлик боқадидеган хулосага келишди. Уларнинг баъзилари Ойимтилла пулнинг хидидан ухлолмайди деса, баъзилари уни қашшоқ, бир чақага зор аёл деб ҳисоблашарди. Ҳар хил гап-сўзлар урчиган бўлса-да, мана, анчадан бери қариқизнинг бор-йўқлиги ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди.

Охириги йилларда Ойимтилла деярли кўчага чиқмай қўйди. У зарур ҳоллардагина – бозорга бориш ёки қор босган йўлакчани тозалаш учунгина ташқарига чиқарди. Ойимтилла элликларга кирган, озгин ва баланд бўйли, сарғайган юзини тарам-тарам ажин қоплаган аёл эди. Пешонасидаги ажинлар жудаям чуқур бўлиб, бурни билан қошини туташтириб, ғаройиб учбурчак ҳосил қиларди. Ҳар бир ажин тубида энгил соя ётгани учун унинг юзини ғамгин ва аламдийда қилиб кўрсатар, аммо кўзларидан зулмат балқиб турарди. Кўринишидан у ёлғиз, қашшоқ, касалманд аёлга ўхшамас, юрганида қадамидан ўт чакнарди. Устидаги қора камзули, алмисоқдан қолган, этаги ер супурадиган юбкаси, кийиллавериб тўзиб кетган туфлиси, кўпол пайпоғи, оппоқ сочлари устига кўндирилган, қўлда тўқилган қалпоқчаси барча замонлар урфига зид эди. Ҳозирги ёшлар доимо шошиб юргани учун новча, қора аёлнинг ғалати қадди-қоматига кўпам эътибор бермасди.

Ушбу февраль окшомида Ойимтилла ҳар доимгидай дераза олдида ўтириб, пайпоғининг йиртиғини ямамоқда. Бугун кундузи иш билан кўчага чиқиб, қор ва ёмғирда ивиганча, февралнинг совуқ шамолидан қалтираб, уйига зўрға етиб келди. Оёғидаги эски калишини ечиб, астаригача ивиб кетган кўпол, аскарлар киядиган мовутдан тикилган пальтосини елкасидан олди. Хона бурчагида турган эски кийимилгични хона марказига судраб келиб, тезроқ қуриши учун пальтосини илди. Кийимилгич даҳлиздан ичкарига кириб, ўртада тўхтаган баланд бўйли бошсиз одамга ўхшаб қолди. Кўчадан киргани учун уй аёлга иссиқ туюлди. Ойимтилла дераза олдида келиб, тикиш бошлади.

Бошқа шаҳарлардагига қараганда узокрок давом этадиган Белграднинг арғувон шафағи унинг деразасини ҳам ёритди. Хона ичкараси коронги бўлса-да, ботаётган куёшнинг сўнгги пушти нурлари остида дераза тагида бемалол тикиш қилса бўларди. Ғира-шира коронгилик чўккан хонанинг ғарибона жиҳозлари – эски шкаф, токча, туя жунидан тўкилган аёл ёпилган ёғоч каравот ва темир печкадан иборат эди. Бу ерда кўзи кўр, ёруғ дунёга бефарқ одам яшагандай, хонадаги барча буюмлардан қаровсизлик ва бепарволик нафаси уфуриб турарди. Буюмларнинг қаерда, қандай ҳолатда туриши уни умуман қизиқтирмаслиги, фойдаланиш зарур бўлгани учунгина уларни ишлатиши яққол кўзга ташланарди. Ғарибона кулбага Белграднинг алвон шафағи баттар ғамгин тус берар, бой хонадонларни эса янаям яшнатиб юборарди.

Ойимтилла ҳаётининг асосий қисмини шу дилгир хонада ўтказар, чунки бу ягона иситиладиган хона эди. У шу хонада ишлар, шу ерда ухлар, темир печка бир пайтнинг ўзида ғарибона тушлик ва кечликни тайёрларди. Ойимтилла уй йиғиштириш ёки овқат пиширишга вақт сарфлашни ёқтирмасди. Чунки у “сарфлаш” деган сўзнинг ўзини ёмон кўрарди. Унинг севимли машғулоти ямоқ солиш эди. Ойимтилла бу машғулотни ёқимли ва фойдали, кўп вақтни олиб, кўзни ишдан чиқарса-да, бошқа нарсаларни тежайди, инсоннинг кўриш қобилияти эса чексиз-чекгарасиз деб ҳисобларди. “Тежовғли рўзғор – бежовғли рўзғор”, деган халқ мақолини айтиб, минғиллаб кўяр, ямалаверганидан оғирлашиб кетган пайпоғига яна ямоқ солиш учун дераза олдида чўкарди. Муҳаббат ҳақидаги қўшиқни хиргойи қилаётган қиз каби мақолни қайта-қайта минғиллаб такрорларди.

Ямоқ солиш! Мана буни ҳақиқий лаззат деса бўлади. Бу бир пайтнинг ўзида кўзга кўринмас, кучли ёв билан абадий олишувдир. Бу курашнинг ғалабадан кўра машаққатли, оғир, чорасиз лаҳзалари кўпроқ бўларди. Пойабзал, ички кийим кийишга ярамай қолса, ташлаб юбориш увол. Баъзи одамлар шу ерга келганда бутун дунёни эскиртирадиган, путурдан кетказадиган қудратли куч олдида таслим бўлишади, аммо Ойимтилла унга бўйин эгмайди. Балки кўзга кўринмас бу куч билан курашиб, роҳатланади. У ўзининг бор кучини йиртилган буюмга сарфлаб, ямаб-ясқаб, ундан яна узок вақт фойдаланади. “Ўрнимда бошқа одам бўлганда йиртилган буюмлардан аллақачон воз кечиб юборарди, аммо мен ҳеч нимани ташламайман. Ҳеч нимани увол қилмайман, чунки улар менга яна хизмат қилади”, дерди Ойимтилла атрофидаги ҳамма нарсани ишдан чиқарадиган, емирадиган, йиртадиган, кўзга кўринмас душман кўлидан тортиб олган туфлисига меҳр билан тикилиб. Ямалган туфли оёғини қисиб, қийшайиб, хунук турса-да, исрофгарчиликнинг олдини олганидан қалбига қувонч тўларди. Майли, оёғи оғриси, яра бўлсин, аммо бу ширин оғриқ. Ойимтилла бундан баттарига ҳам чидашга рози.

Гўзалликка келадиган бўлсак, бу нарса уни ҳеч қачон ташвишга солмасди. Гўзаллик – қиммат, жудаям қиммат, аммо аҳамиятсиз ва маккор хилқат. Дунёда ундан кўра ёлғончи ва пулни исроф қилувчи куч бўлмаса керак. Ойимтилла ҳеч қачон гўзалликни севмаган, доимо ундан ўзини олиб қочган, ҳаётий тажрибаси ҳам шуни тасдиқларди. У одамларнинг ҳамма нарсани чиройли ва хунукка ажратишларини, гўзалликка интилиб, пул совиришларини умуман тушунмасди. Ахир, пул қудратли кучга эга, гўзаллик эса пул сарфлаб ўтиришга арзимади, деб ўйларди. Аммо кексалик эшик қоққанда, тежаб-тергаб келадиганлари кўзига олтин ми-

сол кўриниб, одамларни ўзига оҳанрабодай тортиб, йўлдан оздирувчи гўзаллик деб аталмиш бидъатга борган сари кўпроқ нафрати ошаверди. Ямоқ солиш унинг учун гўё умрни узайтирувчи ибодат билан баробар эди. Шу боис ҳам кўнгилни зиқ қиладиган юмушни хотиржамлик, фаровонлик манбаи ҳисоблаб, бу ишни зўр иштиёқ билан бажарарди. Тўғри, бунинг учун тер тўкиш, нимадандир воз кечиш ва улкан сабр-тоқат зарур бўлади.

Сабр-тоқат! Бу ҳам бир роҳат. Ойимтилла учун бу кундай равшан, негаки у умр бўйи озмунча машаққатга дош бердими, бунинг ортидан озмунча бахт нашидасини сурдимми?! Модомики, бу билан анча-мунча балои офатни даф қилиб, мол-дунёнгни янада кўпайтираркансан, хўш, нега энди тишни тишга қўйиб чидамаслик керак? Одам бу иш қанчалик муҳим ва фойдали эканлигини тушунмаганда, у онгли мавжудот бўлолмасди. Тежамкорликдан келаётган наф олдида у туфайли чекиладиган майда заҳмат нима деган гап?! У ҳаёт тизгинини ушлаб туради, бор-будимизни худдики умримизнинг охиригача етадигандек кўпайтиради; у бизни ортикча сарф-харажатлардан, йўқотишлардан, бетартибликдан, ҳатто ўлимдан-да даҳшатлироқ, нақ жаҳаннамнинг ўзи бўлмиш қашшоқликдан асрайди. Теварак-атрофимиздаги олам қачон қарама, йўқолиб, путурдан кетиб, таназулга юз тутишини, имкониятларимиз чекланганлигини, қашшоқликка чидаш учун ҳар қандай азоб-укубату муҳтожликка рози бўлишингни, бой берилган ҳар бир дақиқани вақтни беҳуда ўтказиш ҳамда ҳар бир луқмани исрофгарчилик санаб уялишингни тасаввур қилишнинг ўзи кифоя. Бу ниҳоясиз кураш жафоқашдан мутаассибларча жасорат талаб қилади.

Бу ўй-хаёллардан Ойимтиллани қалтироқ босарди. Игнани пайпоғига санчиб, зўр-базўр ўрnidан турар, печкага ўтин ташларди: совуқ суяк-суягидан ўтиб кетганди. Сирасини айтганда, печкадаги олов ҳам олов эмас, хонани иситолмайдиган милт-милт чўғ эди, холос, аммо-лекин Ойимтилланинг наздида ўтин ва кўмир Везувий, Этна ёки Америкадаги вулқонлардан бири эди – ўша вулқонларнинг номи ҳам ёдидан кўтарилибди, бироқ ҳозир печкадаги олов ўша машҳур вулқонлардан ҳам баттар очофат туюларди.

Ойимтилла печкага кўмир солиш учун йўл олди, аммо хаёлига келган тежамкорлик ҳақидаги ўй уни бундай аҳмоқликдан тўхтатди. У тишини-тишига қўйди, қаҳрамонларча яна жойига қайтиб ўтирди ва ишини давом эттирди. (Шу пайт аскарлар казармасида қиш кунлари ҳарорат Цельсий бўйича ўн беш даража бўлиши лозимлиги ҳақида қайсидир газетада ўқиган мақола ёдига тушиб қолди). Энди у қаҳратон аёздан кўркмайди, чунки тежаган бир куракча кўмири унинг жонига оро кириши мумкин. Бироқ хаёл одамни иситмайди, совуқдан унинг қўллари ва лаблари кўқарган, бурни эса қип-қизил эди. Вақти-вақти билан танаси ҳам қалтираб кетарди. Аммо Ойимтилла совуққа таслим бўлгиси келмади, жойидан қимирламай, ишини давом эттирди. Кўпни кўрган жасур аскарлар хавф-хатарда қолишганда бир лаҳзалик кўркувни енгиб, олға ҳаракат қилишгани каби у ҳам бир неча дақиқада ўзини қўлга олди.

Ойимтилла ямоқ солиб, азоб чекса-да, бу ҳақда бировга ҳасрат қилмас ва ҳеч кимга бўйсунмасди. У совуқдан тарракдек қотиб қолган бўлса ҳам, игнасини у ёқдан-бу ёққа ўйнатиб, пайпоғининг йиртигини ямашда давом этди.

Ойимтилла ишини тугатиб, пайпоққа бошдан-оёқ назар солди. Мана у яна бир буюмни асраб қолди. Зиён-заҳмат билан бўлган жангда яна бир ғалабани кўлга киритди, рўзғор деган ғорнинг яна бир тешигини ёпди. У ғалабанинг тотли нашидасини суриб, жилмайиб кўйди.

Энди бошқа пайпоқнинг йиртигини ямаши лозим. У ҳар сафар бирор йиртиқ буюмни кўлга олганда, уни бутунлашнинг имкони йўқдек туюлар, аммо бу жангда барибир у ғалаба қозонарди. Ташқаридан қараганда бир хил ва зерикарли иш учун соатлаб вақти кетар, аммо у игнани ўйнатиб, хаёлларга, хотираларга бериларди. Ойимтилла ямоқ солиб, вақтини ўтказар, шу билан бирга ўтган ҳаёти кўз ўнгида бор бўйи билан намоён бўларди...

Файласуф ва шоирлар таърифлайдиган, ҳали пул нима-ю, у қандай ишлаб топилиши ҳақида тасаввурга эга бўлмаган беғубор ва бахтли болалик деган тушунча унга мутлақо бегона эди. Ойимтилла учун ҳаёт ўн беш ёшида қийинчилик ва азоблардан бошланганди.

Бу воқеага ҳам ўттиз йилча бўлди. Райканинг отаси газда¹ Обрен Радакович сараеволик кўзга кўринган савдогар серблардан бири эди. Аслида у Сараевода эмас, чегара ўлкалардан бирида туғилганди. Отаси ёшлигида юртини австрияликлар босиб олганида, Сараевога кўчиб келиб, савдо билан шуғуллана бошлаган. У меҳнатсеварлиги ва эпчиллиги туфайли тезда кўзга кўринган савдогарлардан бирига айланди. Сараеволик ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Хажиг-Васичлар оиласининг гўзал ва малласоч қизи Радойкага уйланди. Бу никоҳ билан у савдо оламида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Катта Чурчилук² кўчасининг бошланишида газда Обреннинг дўкони жойлашган эди. У улгуржи мўйна савдоси ва бошқа олди-берди ишлари билан ҳам шуғулланарди. Обрен Радакович Ковачич шаҳридаги илк пиво заводининг акционерларидан бирига ва турли бошқармалар аъзосига айланди.

Ойимтилланинг назарида у отасини гўдаклигидан бери яхши билар, отаси ҳаётидаги энг асосий ва муҳим сиймо эди. Падари ҳақида ўйларкан, у кўз ўнгида ҳаётининг сўнгги кунларидаги каби намоён бўларди. Уша пайтда улар протестант черковининг куйисиди, Миляцки қирғоғи бўйида жойлашган янги, кенг уйда яшашарди. Райка аёллар гимназиясининг тўртинчи синфига қадам қўйганди. У ҳозир ҳам отасини қабрга қўйилишидан олдин кўргани сингари баланд бўйли, келишган, соч-соқолига оқ тушган қиёфада тасаввур қиларди. Отаси доим бошига қора телпак, эгнига оч-кулранг костюм, тик ёқали, бекаму кўст оҳорланган кўйлак қияр, бўйнида эса йўл-йўл чизикли ипак бўйинбоғ бўларди. Кўкрагида тилла занжир осилиб турар, бармоқларига ҳам тилладан ясалган никоҳ ва савдогарлар узуги тақарди. У кўчадан мағрур, хушбичим қомагини кўз-кўз қилиб ўтганда, ўтириши ёки энгашиши мумкин бўлмаган тош ҳайкални эслатарди. Отаси ўта жиддий, камгап одам бўлганидан фақат буйруқ ва фармойиш бериш учунгина тилга кирарди. Ойимтилланинг наздидаги шундай буюк одам, овқатланиб бўлганидан кейин уни, олти яшар қизчасини тиззасига ўтқазиб, бошини силар ва эркалаб саволга тутарди:

– Бугун нималар билан банд бўлдинг, қизим?

Қизча бидирлаб, қилган майда-чуйда ишлари ҳақида гапираркан, отаси унинг гапларини эмас, чулдираётган овозини тинглаётгандай де-

¹ Газда – савдогар ва ҳунармандларга ҳурмат юзасидан шундай мурожаат қилинган.

² Катта (ва Кичик) Чурчилук – Сараево марказида мўйнадўз савдогарларнинг қатор дўконлари жойлашган кўчалар.

разага тикилиб турарди. Отасининг ўзига қулоқ солмай, деразадан узоқ-узоқларга хаёлчан тикилиб туришини ҳам у буюкликка йўярди.

Отаси ҳатто катталар билан бўлган муомала-мулоқотда ҳам ўзини шундай тутарди. У сира фикрини билдирмас, савол беришу суҳбатдошининг жавобини паришонхотирлик ила тинглашдан нарига ўтмасди.

Қизининг наздида буюк ва қудратли падари бузруквори ҳамиша оғир-вазмин эди. У инсонга хос бўлган ранж-алам, ғам-ташвишлар, ожизликларни, бешиқда теккан қилиқларни тушунмасди. Отасининг юзидаги чуқур ажинлари ва оқ тушган сочлари Райка учун ўзига хос обрў-эътибор ва ғайриоддий улуғворлик белгиси эди. У отасини мактабда куздан бошлаб ўрганаётган Олимп маъбудларига менгзар, отасининг олдида улар ҳам ҳеч ким бўлмай қолишига ишонарди.

Айнан шу кузда отаси кутилмаганда мартабасидан айрилди. Бу ҳолат Райканинг тақдирини батамом ўзгартириб, издан чиқарди. Отаси энди фақат уйда ўтирадиган, унинг олдида тез-тез аллақандай одамлар келадиган бўлди. Улар эшикни ичидан беркитиб, соатлаб ниманидир ҳисоблашар, ўзаро сирли оҳангда шивирлашарди.

Соддадил ва юмшоқ табиатли, ҳам жисман, ҳам руҳан заиф бўлган онаси Радойка хоним қизига бирор нарсани тушунтирадиган аҳволда эмасди. Кутилмаган воқеалар Райка учун ақл бовар қилмайдиган даҳшатнинг ўзи эди. Гимназияда тўлачадан келган, бақувват ва ҳеч балодан тап тортмайдиган бир дугонаси билан гап талашиб қолди. У бой оила фарзанди бўлганидан катталар гапиришга истиҳола қиладиган гапларни ҳам сурбетлик билан ўйлаб-нетиб ўтирмай бемалол гапираверарди. Ёшига нисбатан гавдаси катта бўлган бу қиз ўйин пайтида бесўнақай йиқилганини кўриб, Райка ўзини кулгидан тўхтатолмади. Райканинг кулгисидан ноқулай аҳволга тушган қиз ўрнидан турганча, қизариб ҳамманинг олдида унга қичқира кетди:

– Нимага куйдирган каллага ўхшаб тиржаясан?! Ундан кўра бор бўйи билан йиқилган отангнинг устидан кулсанг яхшироқ бўлармиди?

Райка муқаддас нарса ҳақида гап кетаётгандай, бирдан жиддий тортди.

– Отам йиқилмайди!

Найнов қиз заҳархандалик билан жилмайди:

– Отанг инқирозга учраган. Бу ҳақда ҳамма гапиряпти. У фақатгина ўзи қулаб қолмай, бошқаларни ҳам ортидан тортиб кетди. Ишонмасанг, истаган одамнингдан сўрашинг мумкин.

Бир лаҳзалик аҳмоқона жанжал ортидан илк маротаба дугонасининг оғзидан эшитган тушунарсиз ва ҳақоратомуз гаплар бир умр хотирасига михланди. У кейинчалик бу гапларни эслаганда ҳам эски дардлари қўзғаладиган бўлиб қолди.

“Инқироз!” Отаси бор-будидан ажрабди, бундан ҳамма хабардор, фақатгина ўзи дунёбеҳабар юрибди экан. Бу қанақа қулаш бўлди экан, унинг охири нима билан тугаркан? Отаси билан бирга қулаганларга нима қиларкан? Айниқса, шундай баландликдан қулаган отасига ҳеч нима қилмасмикан?

Шу куни у мактабдан лаб-лунжи осилиб қайтди. Ҳар доим ожиз ва ёш боладай беақл ҳисоблайдиган онасига диққат билан тикилди. Илк маротаба инқирозга учраган одам – отасининг олдида яқинлашди. Бу воқеа қандай рўй берганига унинг ҳалиям ақли етмасди. Аммо ўша кундан бошлаб, бу гапларни тасдиқлайдиган даҳшатли ва кутилмаган янги-

ликларни эшита бошлади. Отаси уйдан ташқарига чиқмай кўйди, унинг олдига тез-тез шифокор қатнайдиغان бўлди. Отаси хонасига қамалиб олиб, ҳисобчи Весо билан алланималарни ёзиб-чизар, савдодаги шериклари билан алланималарни ҳисобларди. Кейинчалик бу ҳам барҳам топди. Шифокор билан энг яқин қариндошларидан бошқа ҳеч ким уйларига қадам босмай кўйди. Онаси эрта-ю кеч кўз ёш тўкишдан бўшамай қолди. Отаси тўшак тортиб қолган кунни биринчи марта катта печкага ўт ёқишди. Райка гимназиядан қайтгач, унинг олдига ўтирди. Отаси озиб-тўзиб, соқоллари ўсиб, қорайиб кетган, аввалги ҳолидан асар ҳам қолмаганди. У шифтга термилиб ётар, қиз ҳам унга бирор нарса дейишга журъат этолмасди. У ўзини отасининг олдига ўтиришга мажбур ҳисоблаб, шуни англаб етдики, айна дамда отасининг ёнида бўлиши лозим. Райка ҳозир қуруқшоқ лабларини қимтиб, лом-мим демай, кейинчалик бир умрга тамға бўлиб қолган қошлари ўртасидаги ажинини бўрттириб, асабий ҳолатда ўтирарди.

Қиш кунларининг бирида унинг тақдирини ҳал қилувчи воқеа рўй берди. Отаси қизини ёнига чақириб, тўшакдан зўр-базўр гавдасини кўтарди. Кейин одатдагидек қизининг бошини силаб, хотиржам оҳангда сўз бошлади:

– Қизалоғим, сен билан гаплашиб олишимиз керак. Илгарилари сени бундай ночор аҳволда ташлаб кетаман деб ўйламагандим. На илож, тақдир экан-да! Сен ўзимнинг ақллигинамсан, ҳаммасини вақти келиб тушунасан. Кўз ёшини бас қил! Отангнинг гапларини икки қулоғингга қуйиб ол. Энди сен оила боҳисан, онангни кўриб турибсан, кўнгли бўш ва заифа. Ўз бурчимни бажариб, сизларни шармандалиқдан сақлаб қолдим, айтганларимни ёдингга тут! Лекин сизларга шу уй, Чурчилукдаги дўкон ҳамда “Адрия” банкидаги сенинг номингга қўйилган сармоядан бўлак ҳеч вақо қолдиролмаёпман. Уч йилдан сўнг ўн саккиз ёшга тўлганингда уни кўлга киритишинг мумкин. Буни сеп деб қабул қиласанми ёки тирикчилик учун ишлатасанми, бу ёғи ўзингга ҳавола. Қўй, йиғлама! Сен ўзинг кўзимнинг оқу қорасисан. Ҳаммасини удралайсан. Сени чўқинтирган Михайло васийинг бўлади. Унга кулоқ сол. Аммо-лекин биринчи галда ўзингнинг каллангни ишлат, ҳар жабҳада ўзинг қарор чиқар.

Ота қаддини кўтариб, қизига яқинроқ ўтиришга интилди ва тантанавор оҳангда ажойибу ғаройиб нарсалар ҳақида сўзлади. Биргина оғриқ унинг сўзини бўлиб турди. Бу ё қаттиқ азоб-уқубат чоғида, ё ўлим тўшагида туғиладиغان нутқ бўлди. Райка қимир этмай, отасига тикилганча жамиятда киши ҳаётининг чинакам сир-асрорини очиб бераётган сўзларни тингларди.

– Сен ёлғиз қоляпсан, онанг сенга ғамхўрлик қилолмайди, аксинча, сен унга қарашининг лозим. Шунинг учун айтган гапларимни қулоғингга қуйиб ол. Кимда-ким даромади билан буромади ўртасидаги муносабатни тўғри йўлга қўя олмаса, у ҳалокатга маҳкумдир. Унга мерос ҳам, йиққан-тергани ҳам, топган даромади ҳам ёрдам беролмайди. Пул топиш фақат сенга эмас, балки бошқа одамларга, вазиятга боғлиқ бўлиши мумкин, аммо топган-тутганингни сақлаб қолиш фақат ўзингга боғлиқдир.

Уни асраш учун бор кучингни сарфлашинг, на ўзингга, на бошқаларга шафқат қилмаслигинг лозим. Майда эҳтиёжларинг ва хоҳиш-истакларингдан воз кечсанг, катта нарсаларни иқтисод қилган бўласан.

Олийжаноблик, бағрикенглик, раҳмдиллик каби баландпарвоз сўзларни унут! Гўзал номлар билан аталувчи, доимо кишини ўзига оҳанрабодай тортувчи туйғулар номи билан сенга мурожаат қилувчи кишилар меҳнатинг самараси бўлмиш даромадингни жигилдонларига урадилар. Оқибатда инқирозга учраб, касод бўласан, қашшокликка юз тутасан.

Бу туйғуларнинг барини ўйлаб ўтирмай, қалбингдан улоқтир! Тежамкорлик ҳаёт каби бешафқат бўлиши керак. Мен бошқача ўйладим, бошқача яшадим, шунинг учун бор-будимдан айрилдим. Пешонам так этиб деворга урилди-ю, кўзларим мошдек очилди. Менинг ҳалокатим сенга бир умрлик сабоқ бўлсин, деб шу гапларни айтяпман. Нафсинг, атрофингдаги одамлар сени турткилаб, ўзлари истаган йўлга бошламоқчи бўлишади, аммо сен уларга бўйсунма! Нима иш қилсанг ҳам, ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳеч ким билан ҳисоблашмай, фақат тежашга, тежашга ва яна тежашга ҳаракат қил.

Дунё шундай яралганки, инсон муваффақиятлари, мол-дунёси учун меҳнатига эмас, тежамкорлигига миннатдорчилик билдириши лозим. Ёдингда тут, ҳар қандай туйғу ва ўзимизга нисбатан қўйилган мезонлар – бу бор-йўғи бизнинг заиф томонларимиздир. Эринмаган бандалар эса бундан унумли фойдаланишади. Сени мақташаётганда ҳаволаниб кетма, худбин, хасис деб аташганда эса куйинма.

Биринчи қоида – доимо хушёр бўл, иккинчиси эса – тўғри йўлдан кетаётганлигингга ишон! Сахий ва қўли очик инсоннинг ҳаётда бирор нарсага эришмоғи мушкул. Агар бу икки фазилатдан воз кечсанг, ҳеч ким сенга ёмонлик қила олмайди. Одамлар сахий, қўли очик инсонларни кўкка кўтариб мақташади, чунки улар бағрикенг инсонлар ҳисобига яшаб, уларни хонавайрон қилишади. Аммо-лекин сен курук сўзларга лаққа тушишдан ўзингни тий, бундай сўзлар ёлғонга йўғрилган бўлади. Ишнинг моҳиятига эътибор қил, қолгани эса бир чақага қиммат. Худо асранганни асрайди, дейишади. Бандасидан умид қилма.

Шунинг учун мол-дунёнгни бир лаҳза бўлса ҳам бегоналар ихтиёрига топширма.

Сендай ҳали ҳеч нима кўрмаган ғўр қизни ёлғиз ташлаб кетиш мен учун оғир. Умрим поёнида англаб етганларимга, берган панд-насихатларимга амал қиладиган бўлсанг, азобларимни енгиллаштирган бўласан. Уларни ҳеч қачон унутмасликка, умринг давомида уларни дастуриламал қилиб олишга сўз бер.

Шу ерга етганда отасининг овози титраб, тилдан қолди. Қиз ўзини тутолмай, хўнграб юборди. Отаси қалтираб, уни бағрига босди. Райка кўз ёш тўкканча, онаси билан яшайдими, турмушга чиқадими ё танҳоликда умр кечирадими, ҳар қандай шароитда ҳам нафснинг қули бўлмасликка, бир чакани зое қилмасликка, тежамкор бўлишга онт ичди.

Орадан икки кун ўтгач, отаси чошгоҳда бандаликни бажо келтирди. У деворга ўгирилганча, на тақдирдан, на одамлардан ёзғирмай, жимгина бу дунёни тарк этди. Одамлар ҳаётга эндигина қадам қўйган қиз ва дорилбақога рихлат қилаётган ота ўртасидаги суҳбатдан, ота қизига қандай касофат васият қилганидан беҳабар қолишди.

Райка учун янги ҳаёт бошланди. У эндигина ўн беш ёшга кирганди. Табиатан камгап Райка биратўла одамовига айланди. Бешинчи синфни тугатар-тугатмас гимназияни ташлади. Отасининг йилини ўтказгач, мотам либосини ечиб, эгнига эски қўйлақларини илди. Ҳали бола

бўлишига қарамай, бу ҳаётдан ўзи нима хоҳлаётганини, бошқалар нима истаётганини англайдиган эсли-хушли қизга айланди.

Қариндошлари уни бу йўлдан қайтаришга уринишди. Бири қолиб-бири меҳмонга чақиришди, турли зиёфатларга, кечаларга таклиф этишди. Аввалига у яқинларининг гапига кириб, бундай кечаларга бориб турди. У лабларини қимтиганча, сўзлари нотаниш, бегона кўшиқларни тинглади, бўлар-бўлмас суҳбатларга, хириглашларга кулоқ солди. Гоҳи бошқаларга кўшилиб жилмайишга ҳаракат қилди, аммо буни табассум деб бўлмас, бор-йўғи ғамгин, зўрма-зўраки қилинган юз мушаклари ҳаракати эди. Шундаям қовоқлари ўртасидаги чуқур ажинлар ўзгармади.

Уни ҳеч ким рақсга тушишга, дугоналарини чақириб зиёфатлар беришга, урфга монанд янги кўйлак кийишга мажбур қилолмади. Райка ёш бўлишига қарамай, тенгдошлари орасида катта ёшли аёлга ўхшаб қолганди.

Тирикчиликнинг ғалати мантиқли қонун-қоидалари ва аёллар табиатидан келиб чиқиб, унинг бундай ташқи қиёфаси дугоналарини ҳайратга солмас, аксинча, қанчалик эски-туски кийим кийгани сари танноз ва олифта дугоналари унга кўпроқ интилишарди. Райка юзига упа-элик сурмас, сочларини силлиқ қилиб турмаклар, қўлларига қўлқоп киймас, ҳар доим битта эски кўйлак ва йиртилиб кетган туфлида юрса-да, барчага бирдай ёқар, уни ҳамма яхши кўрарди. У, эҳтимол, Сараеводаги ҳеч ким кийими эскилигини таъна қилмайдиган ягона қиз эди. Бора-бора уни ҳеч ким ёш қиз деб қабул қилмай, эътибордан четда қола бошлади. Кимда-ким ўз хоҳиши билан жамиятдан ажралиб қолар экан, жамият ҳам уни шафқатсизларча ўз бағридан улоқтиради, ортига қайтмоқни истаса, йўлига тўғаноқ бўлади.

Чикмаган жондан умид қабилида яқин қариндошлари, дугоналари унга яна бир маротаба насиҳат қилиб кўришди. Райка эса елка қисиб, жилмайиб кўйишдан нарига ўтмади, ҳеч нима бўлмагандай яна бурунги ҳаётини давом эттирди. Уни ҳаёт лаззатларидан бахраманд бўлишга ундаганлардан бири онасининг туғишган укаси Владимир Хажи-Васич, яъни “Владо тоғаси” эди.

Онасининг тўртта укаси бор эди. Энг катта укаси Жорже жуда ёшлигидан Белградга кетиб, ўша ерда уйланиб қолиб кетганди. Сараеводаги Васо ва Ристо тоғалари ота-бобосидан мерос қолган савдо фирмасини юритишарди. Кенжатоё Владимир эса, савдо мактабини битирганига қарамай, акаларининг қаватига кириб, савдо билан шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Уни кўпроқ ўйин-кулги, чиройли кийим-кечаклар кизиқтирарди. У Райкадан бор-йўғи тўрт ёш катта эди. Райканинг онаси турмушга чиққанда Владимир уч ёшда бўлган. Бунақа воқеалар илгарилари одатий ҳол эди, чунки аёллар кўп бола туғишар, қизларни эса эрта турмушга узатишарди. Райка Владо тоғасини болалигидан яхши биларди. У жиянининг хотирасида ўн тўққиз ёшли келишган, доимо юзидан кулги аримайдиган йигит ҳолида қолган. Отаси ўлган пайтлар у худди шундай қиёфада эди.

Тоғаси Райка билан ўртоқ эди. У қизни оталарча суяр, оғаларча меҳр берарди. Владо жиянига қимматбаҳо совғалар ҳадя этар, бирор жойга борадиган бўлса, кузатиб кўярди. Райка бутун умри давомида одамларнинг кўнглидаги совғани топиб, қувонч улашадиган бундай одамни бошқа учратмади.

Ҳа, тоғаси бебаҳо одам, аммо Яратганнинг қарғишига учраган, ҳамма учун дўст, ўзи учун душман бўлган инсон эди. Орадан ўттиз йил ўтган бўлишига қарамай, тоғаси ҳақида ҳаёл сураркан, уни айш-ишрат, ортиқча сарф-харажат, пулни беҳудага кўкка созуриш абгор қилганини ачиниш билан хотирлайди. Топган-тутганлари бировларнинг кўлига ўтганидан кейингина тоғасининг ақли кира бошлади, лекин энди кеч эди.

Владо тоғаси Райкадан катта бўлса-да, қиз уни оналарча яхши кўрар, тоғасини бировнинг кўмагисиз кўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ақли кирмаган ёш болага қиёсларди. Бу ажойиб йигитнинг ташқи қиёфаси маъсум фариштани эслатса-да, у ахлоқсиз, суяқоёқларча ҳаёт кечирарди. Шундай қилиб, тоғаси топган-тутганини ҳавога совурди. У йигирма уч ёшга кирганда сил касалидан вафот этди, бу пайтда унинг деярли ҳеч нимаси қолмаганди. Тақдирнинг инояти билан ўлгунча бор-будини тарқатиб улгурганди. Агар илгарироқ бойлиги тугаганда, у сарф-харажат ва совға ҳады қилиш бахтидан мосуво бўлганда, бу азобни кўтаролмаган бўларди.

Оилада яқинлари тоғасини хотирлашганда, ўсиб келаётган ёш авлод учун унинг исми қўрқинчли бир мисолдек янграрди. Ойимтилла учун тоғаси шу кунга қадар жумбоқ бўлиб, қандай қилиб битта танада ҳам чиройли, ақлли, меҳрибон, ҳам беғам, ахлоқсиз, маишатга берилган руҳ яшаганига ақли етмасди. Райка бенуқсон, комил инсон деб ҳисоблаган тоғасининг энг катта гуноҳи, қиз учун ўлимдан ҳам қўрқинчли бўлган пулни беҳудага кўкка созуриш эди. Райканинг танҳоликдаги ҳаётидаги энг ёрқин хотира – Владо тоғасининг хотираси эди. Бу ғалати ва шафқатсиз аёл тоғаси ҳақида ўйлаганда қалби меҳр-муҳаббатга, соғинчга тўларди.

Ҳатто энг майда сарф-харажатларга қарши бўладиган курашда ҳам қизни бир зум бўлса-да, тоғасининг сирли ва қўрқинчли, шу билан бирга юрагига яқин бўлган сиймоси тарк этмасди. Мана ҳозир ғира-ширада қатим тортаётган пайтида ҳам кўз олдида ҳамишабаҳор, фақат бировларнинг ғам-ташвиши билан елиб-югурадиган, хушчакчақ Владо тоғаси пайдо бўлди. У киприк қоқмай, ҳеч нимани тушунмагандай, диққат билан тоғасига тикилди. Гуноҳқор, осий банда! Қандай бўлса, шундайлигича мангу қолибди.

Унинг жонсарак мовий кўзлари суҳбатдошига ўзини ҳады этиш даражасида чакнаб боқар, оқ-малла сочлари эса ялтираб, фавворадай ҳар томонга сочилиб турарди. У тоғасини худди тушида кўраётгандай, аниқ-равшан кўрди. Ойимтилла уни ҳалокатдан қутқармоқчи бўлгандай ортидан бақирди, аммо тоғаси унинг ёнидан сирғалиб ўтиб кетди.

Пайпоғини ямаб ўтирган Ойимтилла ҳақиқатан ҳам овоз чиқариб енгилгина бақиргани боис, ўз овозидан чўчиб, игнани чап қўлининг бош бармоғига санчиб олди. Оғриқ уни бир зумда воқеликка қайтарди.

Хона зулмат оғушида қолди, ҳиссиётлар ўрнини совуқ ва бўм-бўшлик эгаллади. Минглаб одамлар бор-будини кўкка созуриб, катта-катта сарф-харажатлар қилаётган бир пайтда, баъзан бирор-бир буюмни сақлаш ва эҳтиёт қилиш беҳуда ишдай туюлади. Бу жараён қанчалик қийин ва умидсиз бўлса-да, Ойимтилла курашдан тўхтаб, мағлуб бўлишни истамасди. У яна тикишда давом этди, печкадаги олов ҳам милтиллаб қолди, хонани зим-зиё қоронғилик чулғади. Ойимтилла деразанинг олдига сурилиб келаверганидан янада қаттиқроқ совқота бошлади. “Чирокни

ёқсаммикан?” деган фикрни миясидан ҳайдаб, кўз нуруни аямасдан зулмат билан курашганча, тикишда давом этди. Орадан беш дақиқа ўтди, соат олтинга тенг лаҳзаларни товуш чиқариб санамоқда. “Агар ҳозир хоҳиш-истакларимга таслим бўлиб, чирокни ёққанимда у роппа-роса беш дақиқа беҳуда ёнган бўларди, сабр қилдим, мана, ҳалиям тикиш қиялман, ҳар бир чок кўзга ташланиб турибди”, дея қониқиш билан ўйлади Ойимтилла. Бошқалар учун имконсиз бўлган нарсалар – қачон, қаерда, нимани, қандай тежашни, эҳтиёт қилишни у жуда яхши биларди.

Ойимтилла кўзларидан ёш оқиб, қоронғиликда иплар чигаллашиб кетгунга қадар, мамнуният билан чирок нури ўрнига кўз нуридан аямай фойдаланди. Энди батамом ҳеч нима кўринмай қолди. У ўридан туриб, чирокни ёқиш ўрнига қўлларини чалиштириб, тежамкорликнинг ҳам чегараси борлиги ҳақида алам билан ўйлаб, ғамга ботди. Бу нарса уни ғамга ботишга мажбур қилса-да, саросимага солмади. Узоқ ва қўл етмас тежамкорликнинг чегарасига етиш бошқа мақсадларга етишдан кўра машаққатлироқ бўлса-да, заҳмат чекишга арзирди.

Зулмат оғушидаги бу фикр унга куёш порлаган ёруғ кундагидан кўра ҳаққонийроқ туюлди. Тим қоронғида, олови сўнган печка ёнида ўтирсанг, ҳамма нарсага ҳаққоний баҳо беришни бошлайсан. Ўтмиш хотиралар кўз олдинда пайдо бўлади. У отасининг ўлимидан кейинги илк мустақил ҳаётини кўз олдида жонлантиришни ёқтиради, бу унинг ҳаётидаги энг ёқимли лаҳзалардир. Ахир, энг қўрқинчли саҳроларнинг ҳам қисқа бўлса-да, ўз баҳори бўлади.

Уни биргина орзу, албатта, муҳаббатга эришиш орзуси эмас, балки бор буюмларини тежаш ва кўпайтириш ҳақидаги ўй-фикрлар кўпроқ ўзига тортар ва хотираларга бериларди...

II

Отасининг ўлимидан кейинги ой дафн маросимидаги мусиқа сингари маҳзунликка бой бўлса-да, аммо қанчалик азобланма, барибир яшашга мажбурлигини эслатиб турарди. Ўшандаёқ Райканинг ҳаёти кутилмаганда шиддат билан бошқача тус олди.

Ёшгина қизнинг ишни ўзи юритиши, идорама-идора юриб, амалдорлар билан учрашиши ўша пайтларда кутилмаган ҳол эди. Аммо Райкани бошқалардан фарқли равишда ҳеч ким муҳокама қилмасди. Озғингина, қоп-қора кўзлари ёниб турувчи, юзлари сарғайган, хокисоргина кийинган бу қизни ҳамма яхши танирди. Унинг отаси Обрен Радакович кўнгли бўшлиги, қўли очиклиги туфайли касодга учраб, вафот этгани ҳаммага кундек равшан эди. Одамларнинг унга раҳми келарди, қиз бундан иложи борича унумли фойдаланарди. Ортиқча гап-сўзсиз, табассумсиз, илтимос билан ишини битириб кетарди. Тақдир минг бир синовни бошига солган, кўзлари ғамгин, маъюс қизга ҳамма ёрдам қўлини чўзарди. Райка қонунга қарши бориб бўлса ҳам, даромад келтирувчи мураккаб ишлар ечимини топишнинг уддасидан чиқарди. Ишнинг кўзини биладиган корчалонлар ҳам Ойимтилладан қимматли маслаҳатларини аяшмасди. Маълум муддат ўтгач, Ойимтилла отасидан қолган мулкни тартибга солиб, молиявий аҳволини яхшилаб олди. Унга бу ишда васий ва чўқинтирган отаси бўлмиш газда Михайло билан “Юнион” банки директори Драгутин Пайер катта ёрдам берди.

Газда Михайло бурунги сараеволик савдогарлар авлодидан бўлиб, касалманд, ҳориб қолган, аждодларидан мерос сил дардидан азиат чекадиган киши эди. Ҳар доим унинг оиласидан кимдир, аввал ўғли ва қизлари, энди эса неваралари Австрияда Альпда ёки денгиз бўйларида даволаниб келишарди. Унинг оилавий шароити оғир, чигал вазиятда эди. Газда Михайло ҳеч кимга тиш ёрмаса-да, тўнғич ўғли унинг оғриқли нуқтаси эди. Суратидан оғир-босиқ кўринган, мўмин-қобил, аммо қалбан исёнкор, қадди-қомати келишган ўғли йиллар давомида Сараево гимназиясининг энг аълочи ўқувчиларидан бири бўлиб келди. У шеърлар ёзар, ўта билимли йигит эди. Аммо бора-бора дарсларга бўлган қизиқиши сўниб, гимназияга бормаи қўйди. Битирув имтиҳонларидан сал илгари эса Сербияга қочиб кетди. Шундан бери у Белградда яшар, шоир ва эркин рассом сифатида ном қозонган эди. Узоқ вақт ота-бола хат ёзишиб турди, аммо бу бефойда ёзишувлар ҳам аллақачон барҳам топган эди. Беморлик, фарзанд соғинчи, ҳаёт ташвишлари отанинг соғлиғига путур етказди. Бу азоблар унинг юзига мотамсаро виқор берар, аммо ор-номус кучлилиқ қилганидан дардини бировга дoston қилмас, жигарранг кўзлари оғриқ ва аламдан порлаб турар ва испан рассомларининг тасвирий санъат гуллаб-яшнаган даврда чизган суратларини эслатарди.

Газда Михайло газда Обреннинг беваси ва кизи ҳеч нимага муҳтож бўлмасликлари, бошларига тушган мусибатдан эзилмасликлари учун кўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Бу ишда унга бечора газда Обреннинг қариндошлари, сараеволик серб савдогарлар, дўстлари ёрдам берарди. Уларнинг ичида, айниқса, Будапешт “Юнион” банки филиали директори бўлиб ишловчи Пайер исмли ажнабий ажралиб турарди. Фамилияси немисча бўлган бу инсон на бир миллатга, на бир ирққа мансуб эди. Унинг отаси Осиек шаҳрига жойлашиб қолган банатлик¹ немислардан бўлиб, онаси эса хорват зодагонлари авлодидан эди. Онаси ота томондан бўлган бувиси румин, она томондан бувиси венгер миллатига мансуб бўлишига қарамай, аслзодалар авлодидан эканлигидан жуда фахрланарди. Одатда, бундай турли миллатнинг бир-бири билан муроса қилолмайдиган қони аралашмасига эга бўлган инсон қалби доим ички курашлардан жўшиб туриши лозим эса-да, Пайерда бу жиҳат кўзга ташланмас, турли-туман миллат қони унинг томирларида муштарақлик ва хотиржамлик билан оқарди.

У баланд бўйли, келишган, мош-гуруч сочли, кулранг кўзлари катта-катта, хушсурат инсон эди. У бадавлат ва ғалати феъл-атворли венгер аёлга уйланган бўлиб, хотини ундан алоҳида, Венгрияда отасининг ер-мулкида яшарди. Уларнинг ягона фарзанди бўлган ёқимтой йигитча Венгрия ўқув муассасаларидан бирида таълим оларди. Пайер ўзининг қобилияти, нуфузли таниш-билишлари ёрдамида аллақачон Будапешт банкларидан бирига раҳбар бўлиб кетиши мумкин эса-да, у амал курсисига интилмас, ўз хоҳишига биноан кўнглига ўтириб қолган, қадрдон Сараевода яшарди. У Логавина кўчасида жойлашган, дид билан безатилган ҳашаматли уйда истиқомат қиларди. Пайер овчиликни хуш кўрар ва моҳир теннисчи эди. У қадимий қурооллар тўпламига, бир неча тилларда ёзилган китоблардан иборат бой кутубхонага эга эди. Қадимий суратларни харид қилар, ёш рассомларга ёрдам берар, улардан маслаҳатини аямасди. Сараеводаги данғиллама бинода жойлашган энг асосий банклардан бирини хотиржам ва ақл билан бошқарарди.

¹ Банат – Марказий Европадаги тарихий вилоят.

У Обрен Радакович билан нафақат хизмат юзасидан таниш эди, балки уларни узоқ йиллик дўстлик бирлаштириб турарди. Дўстининг вафотидан кейин унинг беваси ва қизига ғамхўрлик қилишни банкир ўзининг бурчи деб ҳисоблади. У бу оилага бераётган ёрдами ҳақида оламга жар солмай, ҳаётда қандай бўлса, шундай хотиржамлик билан иш кўрди.

Шундай инсонларнинг кўмаги ва Райканинг ўзига хос тиришқоқлиги билан кўп муаммолар ижобий яқун топиб, Обрен Радаковичнинг савдо ишлари муваффақиятли йўлга қўйилди.

Райка бошқа шаҳарлардаги савдо муомалаларидан воз кечиб, Сараеводаги “Обрен Радакович” фирмасининг учдан бир улушига меросхўр сифатида киритилди. Фирма ишларини уларда анчадан бери ҳисобчилик қилиб келадиган Весо Ружич юрита бошлади. Иш майдалашгандан майдалашиб борар, аммо Катта Чурчилукка кираверишдаги нимқоронғи, озода ва бўм-бўш дўкон эшиги тепасида “Обрен Радакович, комиссия ва даллоллик савдоси” деб ёзилган тахтача ҳамон осилиб турарди. Унинг ёнидаги тилларанг ясси шакл ичига “1885 йилда асос солинган”, деб, пастки қисмига эса майда ҳарфда оддийгина қилиб “Веселин Ружичнинг шахсий мулки” деб ёзилганди.

Бир умр Обрен Радаковичнинг қўлида ишлаган бу ҳисобчини савдогарлар дунёсида “Весо Обренов” деб танишар, ўзи ҳам бундан сира хафа бўлмас, хўжайинига, унинг оиласига садоқат билан хизмат қилар, қолган мол-давлатни кўриклашга қаттиқ тиришарди. Қариндошуруғининг тайини бўлмаган етимча Весонинг бўйи пастаккина, овози ингичка бўлишига қарамай, калласи хумдай, юзи эса қаримсиқ эди. У қудратли хўжайинининг олдида нафақат кичкина, балки мустақил фикрига, ўз изн-ихтиёрига эга бўлмаган одамдай кўринса-да, аслида деҳқонча қатъияти билан ажралиб турарди. Кийимлари камтарона бўлса ҳам, ҳар доим тоза ва озода юрарди.

Унинг хотини Сока ҳам жиккаккина, юзлари оппоқ, дўмбоқкина эди. Улар Варош даҳасидаги кичкина уйда истиқомат қилишар, уйлари озодалигидан ярқирар, ихчамгина ҳовли ҳам, деразалар ҳам гулларга кўмилган эди. Улар бефарзанд бўлса-да, бахтли ҳаёт кечиришарди.

Хўжайиннинг вафотидан кейин Весо ўзини яна етим ҳис қилгандай, дўкондан бери келмай қўйди. Обреннинг кўмагисиз қолган Весо ўзини ёлғиз ва ҳимоясиз билар, аммо унинг мияси ҳисоб-китоб қилишдан, кичкина кўзлари милтиллаб, қўллари қимирлашдан тўхтамасди. У нафақат содиқ хизматчи, балки ишнинг ҳадисини олган моҳир ва доно одам эди.

Отасининг вафотидан бир ҳафта ўтгач, Райка ҳар куни бориб дўкондан хабар олар, Весо билан бирга ҳисоб-китоб ишларини муҳокама қиларди. У пешонасини тириштириб, хотиржам ҳолда диққат билан ҳужжатларни ўқиб чиқар, савдо ишларининг ривожи ҳақида суриштирар эди. Райкага “бу аёлларнинг иши эмас”, деганлар ўзларининг гапидан уялиб қолдилар. У Весога ишонмаганидан эмас (бу унинг хаёлига ҳам келмасди), отаси жонини фидо қилган ишнинг қай йўсинда кетаётганлигига қизиққанидан, савдо ишларини ўрганиш истагининг кучлилигидан кунига икки-уч соат вақтини дўконда ўтказарди. Онаси ва ўзининг оч қолмаслиги учун омонатгина турган савдо ишларини юритиш мақсадида банкларга, турли идораларга елиб-югурарди. Совук, нимқоронғи дўконга келиб, отасидан тирик хотира бўлиб қолган Весонинг ёнида ўтириши ҳам унда падарининг васиятини бажараётгандай таассурот қолдираар эди.

Дўконда ишлар ҳар қанча кўп бўлмасин, қанча расмий идора ходимлари билан учрашмасин, Райка уйни унутмасди. Аста-секин уйда ўзининг сиёсатини юргиза бошлади. “Энди уй ўзимнинг кўлимда”, деб ўйлади ярим йилдан кейин отасининг мотам маросимини ўтказиб бўлгач. Бу сўзлар қанчалик аламли бўлса ҳам, қалбида ёқимли ҳис-туйғуларни уйғотиб, энтиқиб қўйди. Райка ўзининг хўжалик юритиш ҳақидаги режасининг онаси билиши лозим бўлган қисмини унга маълум қилди.

– Отам бизнинг ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслигимизни васият қилди, у шу йўл билан одамларнинг бизга қилган ёмонлигини кўрсатиб кетди. Мен унинг айтганларига оғишмай амал қилишга ваъда берганман, ваъдамни бугундан бажаришни бошлайман. Сизнинг ётоғингиздаги печкани ёқамиз, куни билан вақтингизни ўша ерда ўтказасиз. Хизматкорларсиз, ошхона ва уй билан ўзим шуғулланаман. Сиз эса дамнингизни олиб, бемалол тикишингизни қилаверинг.

Радойка хоним қизининг гапларини яхши англамаган бўлса ҳам, кўзларига ёш олди. Эри вафот этгандан кейин у йиғлоқи бўлиб қолганди. Ойимтилла келгуси ойнинг бошида рўзгордаги барча оғир юмушларни бажарувчи хизматкор – молбоқар, отбоқар, ўтин ёрувчи, сув ташувчи Симани олдига чорлади. Кўнгли очик, баҳодир Сима бу хонадонда эсини таниганидан бери чин дилдан хизмат қилар, унинг оиласи ҳам, фарзандлари ҳам, ҳеч кими йўқ эди. У хўжайинларининг ҳаёти билан яшар, бир умр шу ерда қоламан деб ўйларди. Сима Ойимтилланинг ҳузурига келиб, чап қўли билан ҳурпайган, кўнғир соқолини силаб қўйди.

– Сима, сени бу ерга чақиримнинг сабаби отам вафот этганидан кейин уйимизда кўп нарсалар ўзгариб кетди. Одамлар ҳамма нарсага, ўзимизга тегишли нарсаларга ҳам эғалик қилишди. Энди бундан бу ёғига қандай яшашимиз ҳақида қайғуришимиз лозим.

– Нима ҳам қилардик, Ойимтилла, бирор нарса ўйлаб топармиз.

– Ўйлаб топишимизга тўғри келади, – гапида давом этди қиз унинг гапларини эшитмагандай, – от билан сигирни сотамиз, шунда хизматкорга ҳожат қолмайди.

– Нима?!

– Ўзингга бошқа жой қидир, бизга энди хизматкор керак эмас! Бизникида биринчи январгача қолишинг мумкин.

Сима илинж билан атрофга аланглаб, уни бу уйда олиб қолувчи, нима деяётганини англамаётган тентак қизга ақл ўргатувчи ёши катта бирор одамни қидирди.

– Ахир, уйга эркак керак. Майли, маош тўламасангиз ҳам розиман. Марҳум хўжайин мени бу уйга бошлаб келганига Митров куни¹ роппароса ўн етти йил тўлади. Хўжайин ҳаққи-ҳурмати, овқат бермасангиз ҳам майли, қаттиқ нон билан сув ичавераман, фақат мени ҳайдаманг, илтимос!

Унинг овози қалтираб, кўз олди қоронғилашди.

Райканинг кўксида жар ёқасига бориб қолгандай ғалати ва кўрқинчли титроқ пайдо бўлди. У бироз каловланиб қолди, аммо кўз олдига бир замонлар ўлим тўшагида ётган отасининг қиёфаси келиб, унинг бу борйўғи ожизлик нишонаси, деган гаплари ёдига тушди; қиз илқис бошини кўтарди-да, ўзи истамаган ҳолда:

– Биламан, Сима, сен ҳамиша тиришқоқ бўлгансан, мана шу хислатинг учун ҳам отам сени суярди, лекин айна шундай оғир пайтда ўзингга бошқа жой изласанг, ҳаммамизга яхши бўларди, – деди.

¹ Митров куни – славянларнинг диний байрами.

Барваста хизматкор дили хуфтон бўлиб ташқарилади, Райка эса ошпаз хотин Резикани чақирди. Бироз кўрсроқ бўлса-да, итоаткор ошпаз бу хонадонда, мана, олти йилдирки, беминнат хизмат қиларди. Ойимтилла қаддини ғоз тутиб, шундай деди:

– Резика, ўзингга маълумки, отамнинг ўлимидан кейин бор-будимиздан айрилдик. Шундай экан, туриш-турмушимизни ўзгартиришимиз лозим. Бундан бу ёғига меҳмоннавозликни ҳам, тансиқ таомларни ҳам йиғиштирамиз. Югур-югуринг камаяди, қолаверса, ўзим ҳам сенга кўмаклашаман. Ортиқча оғизга кўзим учиб тургани йўқ. Шу важдан Симани ишдан бўшатдим. Сенга келадиган бўлсак, қолишинг мумкин, фақат маошинг илгаригидай йигирма тўрт крона бўлмайди, аксинча, йигирма кронага тушади. Рози бўлсанг, қол. Уйлаб кўриб, жавобингни эртага айтарсан. Сарф-харажатга ўзим бош-қош бўламан. Бозор-ўчарни ҳам аввалбошда бирга қиламиз.

Кўни-қўшни, қариндош-уруғу таниш-билишлар ҳам саросимага тушишди. Яқин қариндошлар бу ўзбошимча қизнинг уйда буйрукбозликни бас қилишига онани кўндиришга уринишар, аммо она боёқишнинг кўлидан фақат кўз ёши қилиш келарди, холос. Газда Михайло келиб, Райкага, шароит оғир бўлса ҳам хўжаликни бундаин остин-устун қилиш ярамайди, деб гап уқтириб кўрди. Райка жимгина кулоқ тутиб, кейин отаси ўлимидан олдин нималар деганини, модомики, балоғат ёшига етгунча муҳим қарорлар қабул қилолмас экан, жилла курси, ўз уйида хўжайинлик қилишга ҳаққи борлигини таъкидлади.

Янги йилгача Сима уйни тарк этди. Резика тагин икки ой хизмати-ни жойига қўйди, бироқ ортиқ бардоши етмади. Бозор-ўчарга Ойимтилла шерик бўлиб борар, Худо берган куни камроқ ва арзонроқ харид қилишга мажбурларди. Алалоқибат Резиканинг сабр-косаси тўлди. Кекса бегойим билан кўзи жикка ёшга тўлиб хайр-маъзур қилди, кейин анчагача қўшниларга бу қарғиш теккан қизга хизмат қилгандан кўра гусарлар эскадронида югуриб-елиб атаганларини бажо келтиришни афзал кўришини айтиб юрди.

Уйдаги қора ишлар учун Ойимтила дуркунгина қизни ёллади, ошхонани эса онаси билан эплади. Яқин қариндошлар ва дугоналар хафсалалари пир бўлиб, Ойимтилладан кўлларини ювиб, кўлтиқларига уришди. Ойимтилла эса ўз режаларидан бир қадам ҳам ортга чекинмай кунт билан меҳнат қиларди. Ҳар қандай қарор сўзсиз амалга оширилар, аммо ундан аввал обдан тарози палласига солиб кўриларди.

Владо тоғаси вафотига қадар уни хасисликдан тийишга, таркидунёчиликдан қайтаришга ҳаракат қилди. Опаси, Райканинг онаси қаттиққўл қизининг дастидан сиқилиб қолмаслиги учун унга турли-туман совғалар келтирарди. Тоғаси уйларига қадам ранжида қилганда, хонадонлари кулги ва хурсандчиликка тўлар, у қанчалик айб иш қилмасин, уни бирор нарсада гуноҳкор қилиб бўлмасди. Ҳатто хасислик ва маишатбозлик юзасидан Райка билан ўрталарида бўладиган тортишувлар ҳам қандайдир беғараз ва қувноқ кечарди.

Владо уларнинг уйида тўсатдан пайдо бўларди. Райка пешонасини рўмол билан танғиб, кулоғигача чанга ботиб, бирор-бир оғир юмушни бажараётганини кўриб:

– Қани, кийин. Бенбашага¹ музқаймоқ егани борамиз. Бугун у ерда тумонат одам бўлади, – дерди.

¹ Бенбаша – Миляцки дарёси соҳилидаги қишлоқ, турли кўнгилочар тадбирлар, сайиллар уюштириладиган жой.

– Худо олсин сизни, аҳволимни қаранг! Ҳали чордоқни тозалашим керак...

– Келгунингча чордоғинг қочиб кетмайди! Тезроқ кийин, отлар кутиб қолди.

– Жиннимисиз, қанақа отлар? Эй, Худойим-ей!

Райка деразадан мўраб, кўчада янги дабдабали арава устида бошига қип-қизил попукли қалпоқ кийган, камчисининг дастасига гул кўндириб олган извошчини кўрарди. Извошчининг кутган ҳар бир дақиқаси учун оладиган пулини ўйлаб, Райканинг юраги орқага тортиб кетарди. У ланати извошни ҳам, тоғасини ҳам кўришни истамай, қўллари билан юзини тўсиб, унинг қувноқ кулгисини тўхтатиш учун қичқирарди:

– Сизни ҳам, извошингизни ҳам кўришни истамайман! Жаҳлимни чиқардингиз.

– Агар мен билан бормасанг, ҳозир ўлиб қоламан!

– Албатта, сизга ўхшаб яшагандан кўра, ўлган маъқул!

Аммо тоғасидан хафа бўлиб, узоқ вақт ўпка-гина қилиб юролмасди.

Бирпасда хона уларнинг шодон кулгисига, қий-чувиға тўлиб кетар, ниҳоят бир қарорға келиб, извошга рухсат бериб юборишарди (чунки извошчининг ҳар бир дақиқа учун оладиган пулини ўйлаш Райкани даҳшатга соларди). Райка ўзини тартибга келтириб, кийимларини алмаштирар ва улар бирга – тоғаси япон шойисидан тикилган костюмшими ёқасига гул қадаганча, хурсанд бўлиб, у эса сочини наридан-бери тараганча, орқаси осилиб, ерга тегай деб турган эски юбкасида хўмрайганча, пиёда йўлга тушишарди.

Баъзан ғаройиб воқеалар рўй берар, тоғасидан ҳар балони кутиш мумкин эди.

Бир куни эрта тонгда у ҳаммаёғи чангга ботган ҳолда, қўлида кичкина кўзичоқни кўтариб олганча пайдо бўлди.

– Сизлар мени ҳар доим дангасалик ва пул топмасликда айблайсизлар, – деди у лаб-лунжини йиғиштиролмаи, – мана, савдо ва қишлоқ хўжалиги билан жиддий шуғулланишни бошладим. Қўлимдаги кўзичоқ меҳнатимнинг илк самарасидир.

У ўтириб, бўлган воқеани гапириб бергач, ҳаммаси ойдинлашди.

Владо тоғаси икки дўсти билан Врело Босне ўрмонига йўл олибди. Туни билан у ерда май ичиб, маишат қилишибди, тонггача кўшиқ айтишибди. (“Туни билан дегани нима гап? Ёз тунлари бир тутам бўлади”.) Улар тонгда извошда Сараево томон йўлга чиқишибди. Йўлда қўйлар сурувиға дуч келишибди, улар извошни ўраб олибди, қўйларнинг орасида эндигина дунёга келган кўзичоқ ҳам бор экан. Извош жун, сут ва чанг ҳиди анқиб турган қўйлар сурувидан чиқишга қийналиб қолибди. Аввалиға бу йигитларнинг кайфиятини бузибди, аммо кейин бу ҳолат уларға кизиқарли туюла бошлабди.

Тунги қадахлар жаранги, соз оҳангидан ҳали ўзларига келмаган йигитларнинг қалблари бундай хушқайфият тонгда қаҳрамонлик кўрсатишни истаб қолибди. Улардан бири қўйларни сотиб олиб, Сараевода қимматроқ сотиб, фойдани бўлашишни таклиф қилибди. Бу фикр уч ўртоққа мойдай ёқибди. Улар сурувни ҳайдаб кетаётган чўпондан қўйларнинг эгаси қаердалигини сўрашибди. Чўпон: “Хўжайин Алипашинда¹”, деб жавоб берибди. Улар Алипашиндаги карвонсаройдан қўйларнинг эгаси – бақалоқ ва айёр жаллобни топишибди. Ав-

¹ Алипашин – Сараево чеккасидаги аҳоли маскани.

валига у йигитларнинг таклифига кўнмабди, аммо уларнинг қарори катъийлигини кўргач, бозордагидан камида ўттиз фоиз юкори бўлган, мисли кўрилмаган қиммат нархни айтибди. Кайфи тароқ йигитлар чўнтакларидоги бор пулга олтмиш битта кўй, ўн битта кўзичокни сотиб олиб, сурувни Сараевога ҳайдашибди.

Улар шаҳарга етмасдан қилган ишларидан пушаймон бўлишибди ва бозор куни бўлганидан сурувни молбозор томонга ҳайдашибди. Аммо шунча кўйни бир кунда сотиб юборишнинг иложи йўқлигини кўришибди. Ниҳоят бу бошоғриқ уларнинг жонига тегибди ва кўйларни арзон нархда бўлса ҳам сотишни хизматкорга буюришибди...

Райка аллақачон мустақил ҳаётга қадам кўйиши лозим бўлган йигитларнинг мулоҳазасизлигидан, енгилтабиатлигидан, пулни беҳудага совурганларидан аччиқ кўз ёш тўкди. У тоғаси бир бош кўйга қанчадан пул бергани-ю қанча зарар кўрганини билишга қизиқди. Аммо Владо жиянининг саволига жавоб бермай, нукул хохолаб кулар, дунё ташвишларидан беҳабар оппоқ кўзичокни Райканинг тумшугига тиқиштирарди.

Тоғаси кўзичокни уларга қолдирди. Кўзичок кўлга ўрганиб, ховлида кучукча каби чопиб юрадиган бўлди. Райка ҳам, онаси ҳам унга қаттиқ ўрганиб қолишганидан сўйишга кўзлари қиймади. Аммо орадан бироз ўтгач, кўзичокни қассобга пуллашди.

Кейин Владо тоғасининг сўнгги, йигирма учинчи йили бошланди. Йил жуда оғир келди – қарзлар, жанжалли тортишувлар, мол-мулкни мусодара қилиш, хонавайрон бўлиш ва ниҳоят касаллик. Владо тоғаси Дубровникдаги меҳмонхоналардан бирида ёлғизликда, оғзидан келган конга бўғилиб вафот этди. Меҳмонхона хизматчиси тоғасининг сўнгги чақаларини ҳам олиб кўйган. Владо тоғаси ажалига элтадиган энг қиммат йўлни танлади.

Шундан кейин Райка одамлардан баттар қочадиган бўлди, энди уни бошқаларнинг нима қилиши, қандай кун кечириши қизиқтирмай кўйди. Энг яқин дугоналари ҳам уни камдан-кам ҳолларда йўқлайдиган бўлишди. Онасининг олдига келадиган танишлари қаҳва ва қанд истеъмол қилаётганларини кўргандан кейин ҳамма нарсани буфетга кулфлаб, калитини ўзи билан олиб юрадиган бўлди. Шундай қилиб, бу ташрифларга ҳам барҳам берилди. Фақатгина ота томондан ва онасининг уруғлари қариндошлик ришталарини узмаслик мақсадида онда-сонда уларнинг ҳолидан хабар олиб туришарди. Бизда ҳамма нарса тугаса ҳам қариндошлик муносабатлари давом этаверади. Бунинг устига, оилаларимиз ҳамон “Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди” деган эски нақлга амал қилиб яшашади. Ойимтилланинг уйига келадиган қариндошлари кутилмаган ёқимсиз ҳодисаларга ўзларини тайёрлаган, бу ташрифлари нима билан тугашини билган ҳолда кўрқа-писа қадам ранжида қилишарди. Бир пайтлар саранжом-саришталигидан, озодалигидан ярқираган, қалби очик, самимий инсонлар яшаган хонадон вақт ўтган сари совуқ ва бефайз маконга айланиб борарди.

Ҳолбуки, уйда бирор буюм жойидан силжитилмаган, илгари қай ҳолатда турган бўлса, ҳамон ўша тарзда турар, тўзиб, эскириб кетганлари кўл етмас жойларга, иложи борича кўзга ташланмайдиган панага беркитилганди. Ойимтиллага шкаф ва сандиқларга беркитилган буюмлар ўзи билан бирга исрофгарчиликка қарши тил бириктиргандай, истеъмолдаги буюмлар эса тез орада ҳалокатга юз тутишлари, бегона одамнинг бир назари, кўл теккизиши бу ҳалокатни янада тезлаштириши мумкиндай туюларди.

Назарида кўздан панага беркитилган буюмлар турган жойида ўзидан кўпайиб, уни бой қилаётгандай, очикдагилари эса ҳимоясиз сармоядай йўқолиб, сарфланаётгандай тасаввур уйғотарди. Аммо истемолдаги буюмлар тушунарсиз тарзда ўзгариб борарди. Улар бир-бири билан аразлашиб қолган одамларни эслатарди. Уйни ташландиқ ва ифлос деб бўлмаса-да, ҳамма жойи чиннидай ярқираган файзли уй ҳам деб бўлмасди. Чунки инсонга хос хасислик вақти-соати келганда ўзи билан жисмоний исқиртлиқни бошлаб келади.

Ўтмишда саранжом-саришталиги, покизалиги билан чақнаб турган уй йўқ бўлиб кетмаган бўлса-да, аммо илк ўзгаришлар сезила бошлади. Хонадаги ҳар бир буюм олдида дилни ғаш қиладиган муҳит пайдо бўлди. Айтиш мумкинки, уйдаги ҳар бир бурчак, ҳар бир қарич жой уникар, ҳаётий тафтини йўқотарди. Биргина нигоҳ ташлашдан маълум бўлардики, уйдаги ашқол-дашқолу лаш-лушлар йиғиштирилиши керак бўлгани учун йиғиштириларди. Бундайин хужраларда табиати сал ғалатирок бўйдоқлар истиқомат қилишади. Одатда, одамлар юракни зик қиладиган бунақанги уйларни айланиб ўтишади, ичкарига киришса ҳам фақат зарурат юзасидан остона ҳатлашади.

Ҳеш-ақраболар билан бир қаторда уйга қашшоқлар ҳам келиб туришарди. Айтиш жоизки, ўша пайтларда Сараево камбағаллари ҳар қандай шарқий шаҳардагидек алоҳида табақани ташкил этарди.

Қашшоқлар жамиятининг мавжудлиги бой-бадавлат кишиларнинг “нозик” виждонларига таскин берар, бошқалар учун эса камбағаллар ҳар бир одам ғамхўрлик қилиши фарз бўлмиш Тангрининг бандалари эди. Кўзлари аланг-жалаң бўлиб, садақа сўраб ориқ қўлларини чўзаётган етим-есирлар, туғилганидан пешонасига мажруҳ бўлиш битилганлар, кар-соковлару ақли заифлар, қолаверса, суюкоёқлар, жамият нуқтаи назарида, тер тўкиб меҳнат қилмасликлари даркор. Шарти кетиб, парти қолган, соқоли кўксига тушган, йиртиқ-ямоқ кийинган, елкасида тўрва кўтарган, қўлларида ҳасса ушлаган, лекин кўзларида ҳали умид учкунлари ўчмаган мўйсафидлар камбағалларча кийиниб, ким бахтли яшашга ҳақли-ю ким бахтиқароликка маҳкумлигини билиш учун дунё бўйлаб саёҳатга чиққан, одамлар қалбини синаб кўргувчи ривоятдаги илоҳнинг ўзгинаси эди гўё.

Бойларнинг ёхуд шунчаки бошпанаси бор кишиларнинг уйида қашшоқлар соғлиқ-саломатлик ҳамда фаровон турмушнинг тирик гувоҳи бўлишар, улар марҳаматли руҳларнинг инъикосидек эдилар. Ўзига тўқ оилалар Худонинг иродаси ила кимдир тўкис турмуш кечиршининг, яна кимдир чор-ночорликда яшашга мажбур эканлигининг шоҳиди бўлишарди.

Аввалдан амал қилиниб келинаётган таомилга кўра, улар белгиланган кун ва соатда маълум хонадонларга ташриф буюришар ва ўзларининг насибаси бўлмиш чақа-танга ёки бир тишлам нонларига эга бўлиб (ёзилмаган илоҳий ҳақ-хуқуққа кўра бу насиба уларники эди), диллари равшан тортиб, хонадон эгаларини дуо қилишиб, яна-тагин йўлларида давом этишарди.

Биздаги камбағаллик, маъно-моҳиятига кўра, Ғарбий Оврўпа мамлакатларида мавжуд тушунчадан фарқ қилади. У ерда камбағаллар ҳар жойдан ўлжа изловчи ахлоқсиз, текинтомоқ ва фирибгарлардир, бу ердагилар эса жамият ўзининг муқаррар кўргиликларини уларнинг елкаларига ортувчи қурбондирлар. Қашшоқликка бўлган бундайин муноса-

бат биз, шаҳарликлар ва корчалонларнинг инсон тақдири, ҳаёт тарзимиз ҳамда бойиш йўллари ҳақидаги тасаввурларимиз билан чатишиб кетган. Тиланчилик – бир томондан мулкдор ва кучлилар, иккинчи томондан ҳамма нарсадан бебаҳралар ўртасидаги азалий айирбошлаш услуби, бадал тўлашнинг табиий ва одатий йўлидир. Шу ваздан қашшоқлик бурунги сўзсиз битимга кўра оқланиб келинган ва садақа берувчи-ю олувчилар учун зарур бўлмиш барака келтирувчи касб ҳисобланган.

Обрен Радаковичнинг хонадонида охирги ўн саккиз йил мобайнида камбағаллар шодиёналик-ла қарши олинди ва бажонидил сийлаб келинди. Энди эса бу таомил бузилди. Тўғри, Ойимтилла камбағалларга хизматкорларга қилган қаттиққўллигини қўллай олмаслигини тушуниб турарди. Шу пайтгача қизига йўл бериб келаётган она ҳам бу сафар оёқ тираб туриб олди. Она боёқишнинг назарида камбағалларга садақа бериш савоб иш эди; шундай тасаввур билан у қизлик уйини тарк этган ва эрининг хонадонида ҳам шундай тарбияга ўрганиб қолганди. У токи уйда бир бурда нон бор экан, муқаддас удумнинг бузилишини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. Шунинг учун Райка бир силташ биланок ушбу анъанага чек қўёлмади, аммо-лекин хайр-садақага ҳам ўзи бошчилик қила бошлади.

Қашшоқлар дарров унинг зикналигини пайқашарди. Райка уларни, қани, ким хайр-эҳсонга муносибу ким номуносиб, битта-яримтасининг жулдур кийимида яширин пул-мул йўқмикан, майиб-мажруҳлар ўзларини гўлликка солмаяптмикан, деган ўйларга бориб, қовоғини уйиб совуқ қаршилади. Райкани болалигидан кўриб-билиб келган қашшоқлар у билан ўзларича саломлашишар, ҳазил-хузул қилишар, хонадон соҳибасининг ҳам юзида табассум изларини ахтариб аччиқ кулиб кўйишарди.

Ойимтилла тиланчи чиндан ҳам ҳолдан тойиб, қариб-қартайганига ишонч ҳосил қилгач ва “Йўқ”, деб рад этишга баҳона қолмагач, ўша ночорнинг бетига эшикни қарсиллатиб ёпиб, ошхонага йўл оларди. Ошхонадан бир бўлак суви қочган нон билан куруқшаган пишлоқ олиб ортига қайтарди. Бинобарин, Райка деганлари иқтисод қилиш ва хасисликдек мушкул санъатни эндигина эгаллаган экан, даҳлиздан кетаётиб, таққа тўхтаб қолар ва янада ночорроқ бирон кимса келиб қолишидан хайикиб, ошхонага қайтиб кириб, пишлоқни жойига қўярди. Кейин яна йўл-йўлакай нонга қараб, жудаям катта бўлак эмасмикан, деб иккиланар, ошхонада ўша бир бўлак нонни ҳам қоқ ўртасидан кесиб қайтарди. Қўлида ярим бўлак нон билан қайтиб чиқаркан, бир нарсадан куруқ қолаётгандай шошиб-пишиб, ноннинг яна бир бурдасини кесиб олар, ана шундан сўнг нонни қашшоққа узатар экан, бир нонга, бир бечоранинг кўзига қараб, алданиб қолмадиммикан, ортиқча бериб юбормаяпмиканман, деган шубҳаларга борарди.

Қашшоқни қувиб солиш учун ҳамиша баҳона топиларди. Биттаси дарвозани ёпишни унутган, яна биттаси яланг оёқларида лой билан келган. Бир куни Райка газетада Парижда тўкилиб тушай деб турган кулбада камбағал аёл ўлиб қолганини, похол тўшагининг остидан икки юз эллик минг франк топилганини ўкиб қолди. Бу хабар нақ бир ҳафта қашшоқларни сўкиб-койиб ҳайдашига баҳонаи сабаб бўлди.

Бориб-бориб камбағаллар бу хонадонга қадам босмай кўйишди. Ра-дойка хоним на бирон-бир фақир, на битта-яримта етимча уйларининг эшигини тақиллатмаётганидан зорланарди. Дераза олдига турволиб,

ўтган-кетган фақирларни кузатар, улар худди вабо тарқагандек бу уйни айланиб ўтишаётганига ўз кўзи билан гувоҳ бўларди. Бу унинг юрагига тавқи лаънатдек оғир ботар, бошига тушган савдолардан кўра ҳам мана шундан кўпроқ азоб чекиб, йиғи-сиғи қиларди.

Шу тарзда Ойимтилла ҳеч кимга оғиз очиб айтмаган, ўзи ҳам ҳали аниқ-тиниқ кўрмаган бош мақсади сари ўз йўлидан ҳар қандай тўсиқларни босиб-янчиб, оғишмай борарди. Бу орада отаси унинг номига банкка қўйган маблағга эгалик қиладиган пайт ҳам етиб келди. Янги йилнинг бошида Ойимтилла Триест шаҳридаги суғурта жамиятидан йиғирма минг крона олиши керак эди.

Дарҳақиқат, январнинг охирида Райканинг васийи газда Михайло ҳар доимгидек хотиржам, ортиқча расмиятчиликсиз, лекин бироз ҳаяжонга тушиб уларнинг уйига келди. У оғир-оғир нафас олар, кўксов тинка-мадорини куритаётганди. Газда Михайло Райкага суғурта жамияти унинг таъминотини тўлаганини, сармоя қизнинг номига “Юнион” банкка қўйилганини айтиш учун келибди.

Ойимтилла бу хушxabарни ҳеч бир ҳаяжонсиз қабул қилди. Фақатгина икки қоши ўртасидаги чизиқча янада чуқурлашиб кетгандек кўринди.

Васий суғурта жамияти тамга ва воситачилик учун етмиш олти кронадан ташқари қолган барча суммани қуртдай санаб берганини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатди. Бундан ташқари, гап орасида жамият унинг ишига катта эътибор билан ёндашганини, Сараево газеталарида аниқ ва тартибли хизмат учун ташаккурнома пайдо бўлишига умид қилишини ҳам қистириб ўтди.

– Марҳамат, фақат шартим шуки, суғурта жамияти воситачилик учун етмиш олти кронани ҳам ўз гарданига олсин, йўкса, рози бўлмайман.

Газда Михайло қулоқларига ишонмай, оғзи очилиб қолди. У қизга газеталарга ташаккурнома жойлаштириш одат бўлиб қолганини ва бунинг мижоз томонидан амалга оширилиши лозим бўлган воситачилик бадалига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунтиришга уриниб кўрди.

– Менга бунинг бир чақалик фойдаси йўқ, лекин ўша жамиятингиз бундан наф кўради. Шунинг учун ҳам агар газеталарда ташаккурнома пайдо бўлишини исташаркан, олдин пулини тўлаб қўйишсин.

Газда Михайло йўталиб-йўталиб, бу ғалати қизнинг қилиқларидан боши қотди.

Газеталарда ташаккурнома пайдо бўлди. Газда Михайлога эса васийлигидаги қиз унданам каттароқ совға тайёрларди. Орадан бирмунча фурсат ўтиб, Райка газда Михайлонинг дўконига кириб, унинг бир ўзи ўтирганини кўрди. Қисқа ва лўнда қилиб, вазият тақозосига кўра, ўзининг вояга етганлигини тасдиқловчи қонундан фойдаланмоқчи эканлигини билдирди. У судга отасининг қарзларини, васийининг қасаллигини ва доимо бандлигини, онасининг кексайиб қолганлигини ва жамиятнинг қўрсатмоқчилигини, ишни мустақил юритса, ҳаммаси жой-жойига тушишини, фақатгина унинг розилиги кераклигини тушунтирди.

Газда Михайло унга қараб туриб, кўзларида ҳайрат ва ранж акс этди. Аста тамаки ўраб, бармоқларига тикилганича, қисқагина қилиб шундай деди:

– Яхши, қизим, лекин сизларнинг ишингизни юритганимдан норозимисан?

– Йўқ, отагинам, Худо сақласин! Аммо аҳволни ўзингиз кўриб

турибсиз-ку. Мен ёш ва навқиронман, сизга ортиқча бошоғриқ бўлиш ниятим йўқ. Сиз билан маслаҳатлашаман, лекин ишларимни ўзим юритганим маъқулроқ. Отамнинг ҳам хоҳиши шундай эди.

Газда Михайло уни биринчи марта кўриб тургандек қаради, қачонлардир ўзи билган Райканинг хислатларини излади.

Ахийри рози бўлди. Қолганига Райканинг ўзи балоғардон бўлди. Васий билан бўлган суҳбатдан олти ҳафта ўтиб адвокат Райканинг балоғатга етганлиги ҳақидаги суд қарорини олиб келди.

Газда Михайло бу хабарни эшитиб:

– Мана, энди қонун ўз мол-мулкингга бамайлихотир хожалик қилишингга ҳуқуқ берди, аммо сен менга ҳамон ўз қизимдексан, сени ўз болаларимдан ажратмайман. Маслаҳатми, ёрдамми, нимагаки эҳтиёж сезсанг, бемалол менга мурожаат этавер. Йўқ, демайман. Шуни ёдингда тут.

Ойимтилла ташаккур билдирди, бироқ суғурта жамиятидан олган пулларни қандай сарфлаши ҳақида оғиз очиб ўтирмади. Сўнги вақтларда ўз васийи билан камроқ гаплашадиган бўлди, мабодо олдидан чиқиб қолса, ўзини олиб қочадиган одат чиқарди. Райка ўзига керакли одамлар билан гаплашарди. Ўзи илгаритдан одамлар билан салом-алик қилмасди, маблағига эга бўлгач, салом-аликни ҳам насия қиладиган бўлди.

Ойимтилла энди ўз йўлида кетарди, уни на хушомадлар, на таъна-маломатлар, ҳеч қандай бидъату хурофот йўлдан оздирилмасди. Пуллар фойда келтира бошлади.

Кунларнинг бирида Ойимтилла анчадан бери отасининг ишларига барҳам бериб, рўзғор ташвишларини бир четга суриб, ўзи ўйлаб, хаёлида пишитиб юрган режаларни амалга ошираётганлиги маълум бўлди. Шундай эса-да, уни аввалгидек, худди бечора Обрен Радаковични қаршилашгандек, алоҳида эътибор билан, навбатсиз қаршилашарди. Бироқ унинг сармойеси муттасил кўпайиб боргач, ёт-беғона остоналарни ҳатламай қўйди. Бир неча йил ичида у одамлар, идоралар билан яқиндан танишди; эндиликда Сараево молия бозоридаги янгиликларни, ўзгаришларни ўзи мустақил кузата оларди.

Сирасини айтганда, одамларнинг ўзлари унинг ҳузурига келадиган бўлишди.

Сараево. 1906 йил. Турфа хил маданиятлар, хилма-хил дунёқарашлар аралашиб, чатишиб кетган шаҳар. Инсонлар бир-бирига ўхшамаса-да, тили, миллати, дини турлича бўлса ҳам уларни бир нарса бирлаштириб туради, уларнинг ҳаммасига пул керак, пул қанча кўп бўлса, шунча яхши. Улар бойлик дардида пулнинг кетидан қувишади. Бор нарсаларига шукур қилмай, янаям кўпроқ бойликка, давлатга эга бўлишга интилишади. Сараевода илгаритдан пулсиз яшаб бўлмасди, энди-ку, турган гап. Шаҳарликлар турклардан танбалликни, славянлардан маишатбозликни мерос қилиб олишган бўлса, энди австрияликлар тасаввури бўйича инсоннинг жамият олдидаги обрў-эътиборини, нуфузини белгиловчи аҳмоқона дабдабапарастлик ва исрофгарчиликни ҳам ўрганишган эди.

Ҳеч қаерда бунақа пул кам, даромад манбаи йўқ, аммо пул топиш илинжи юқори бўлган шаҳар учрамаса керак. Шарқ анъаналарига

қоришиб кетган Оврўпа маданияти катта қисми янги эҳтиёжларни юзага келтирган, сарф-харажат қилиш учун турли-туман баҳоналар ўйлаб топадиган, ўтмиш билан муваффақиятли мусобақалашадиган ўзига хос янги жамиятга асос солган эди. Ота-боболарнинг камбағал оилаларда нафсни тийиш, бой оилаларда тежамкорлик қилиш қонун-қоидалари батамом унутилган эди. Буларнинг бари ўтмишнинг тутуриқсиз сарқитига айланганди.

Мана шундай пулга ташна жамиятда Райка ўзининг сармоясига асос солди. Райкага ўхшаб оз нарсага ҳам кўнадиганлар бармоқ билан санарли, доимо пулга эҳтиёж сезадиган, топганидан сарф-харажати кўп бўлган одамлар эса минглаб топиларди. Райка ижтимоий муаммоларни чуқур англамаган ҳолда, сабаб ва оқибат ўртасидаги ҳақиқий алоқани тиклашга ҳаракат қилмай, нафс қули бўлмиш аёлларга хос, нафақат аёллар, балки бутун инсониятга хос тарзда ҳамма нарсага юзаки қараганча хулосалар чиқарди.

У илк вақтларда отасининг дўконида шошилинич пул керак бўлиб, фоизга қарз олувчиларни қабул қила бошлади. Аввалига унинг бу иши жўн ва оддий кўринган бўлса, вақт ўтган сари сармояси ошиб, жадал суръатларда ривожланиб борди. Весо қизнинг режаларидан беҳабар, чакана бир-икки дона тулки териси савдоси билан шуғулланаётган пайтда Райка пулнинг ҳидини билиб бўлганди. Мижозлар кўпайгандан кейин Райка уларни нафақат дўконда, балки уйда ҳам қабул қиладиган бўлди. Албатта, бундай шарафга ҳамма эмас, балки ишончли ва обрўли мижозлар сазовор бўлар эди.

Бўм-бўш, ҳувиллаган, ёқимсиз, на бир кулги, на бир овоз эшитиладиган, ҳатто гадоилар ҳам бурун суқмайдиган уйга янги, ғалати ташриф буюрувчилар қадам ранжида қила бошлади. Айнан шу ерда пулга бўлган эҳтиёж етаклаб келган турли-туман одамларни учратиш мумкин эди.

Райка учун аввалига ҳар бир мижознинг ташрифи катта воқеа бўлиб туюлди, уларни қабул қилиш учун узоқ тайёрланиб, кейинчалик анча вақт ёдида сақлаб юрган бўлса, бора-бора бу келди-кетдилар кўпайган сари мижозларга шубҳа-гумон билан қараб, яхши муомала қилмайдиган бўлди. (Қиз бир кўришда мижозларнинг кўнглидагини англайдиган, ким пулга ружу кўйганидан, ким мажбурликдан, яна кимдир пул зарур бўлганидан ҳамма нарсага тайёрлигини фаҳмлайдиган бўлиб қолганди. У бу нарсаларни фаолиятининг илк кунларида, қутилмаганда кашф этди).

Ойимтилла бўм-бўш меҳмонхонадаги кичикроқ столда ўтирганча одамларни қишин-ёзин қабул қилар, столнинг устида на китоб, на дафтар кўзга ташланар, фақатгина гимназияда ўқиб юрган пайтларидан эсдалик бўлиб қолган эски сиёҳдон ва арзон-гаров ручка турарди. У оддийгина қаттиқ стулда ўтирар, мижоз эса унинг ёнидаги кичикроқ ва янаям қаттиқроқ, пастак курсидан жой оларди. Хонадаги печкага қаҳратон қишда ҳам ўтин ёқилмас эди.

– Пальтонгизни ечишингиз шарт эмас, – дерди Райка бундай ҳолларда, овозида ичиқоралик оҳанги билан. – Бу хона иситилмайди.

У ўзининг бундай оҳангда гапириши билан мижозни ноқулай аҳволга солиб қўяр, кейин мижоз манзилдан адашиб, бошқа одамнинг олдига келиб қолгандай, жиддий ва қуруқ оҳангда нима кераклигини сўрарди.

Кўп ҳолларда мижоз Ойимтиллага пул нима учун зарурлигини ту-

шунтиргач, суҳбат мижознинг қўлини бурнига тикиб, ҳеч нарса сиз чиқиб кетиши билан якун топарди. Камдан-кам ҳолларда Ойимтиллани қарз беришга кўндира олган мижозга ҳам у дарров пул бермай, бу ишни эртасига қолдирарди. Эртаси куни стол устида қарзни қисқа фурсатларда қайтариш шarti кўрсатилган бир варақ қоғоз пайдо бўларди. Тилхатда муддатидан қатъи назар, берилган миқдордан ўттиз фоиз кўп пул қайтариш ҳақида ёзилган бўларди. Қолган шартлар қонунда кўрсатилган, яъни кескин чоралар ҳақида эди. Тилхатлар бўйича тўлов Весонинг дўконидида ёки воситачилар орқали амалга оширилар эди.

Кўп ҳолларда мижозлар дардларини айтишга улгурмас, Ойимтилла ички бир сезги билан бундай одамларга пул бермаслик кераклигини ҳис қилар ва сўнгги пулини дўстларига қарзга бериб юборганини билдирарди. Пул илинжида келган киши қиш куни қалтираб, ёзда эса қора терга ботганча, унинг уйини сўник кайфиятда тарк этса-да, ич-ичидан назари одамни тешиб юборгудай, полвонлардай қўл сиқиб кўришадиган қиздан қутулганидан мамнун бўларди.

Камдан-кам вазиятларда бу кўриниш бошқача тус олар, бундай ходисаларни у анчагача унута олмасди. Февраль кунларининг бирида унинг олдига баланд бўйли, қора мовутдан узун пальто кийган, ёқасига ва енгига қимматбаҳо мўйна кўндириб олган, бошига ҳам мўйнали қалпоқ кийган хоним ташриф буюрди. Мовий кўзлари чакнаб турган, совуқдан оппоқ, лўппи юзлари қизариб қолган аёл, афтидан, Боснияда туғилиб-ўсган полякка ўхшарди. Унинг хорват эри амалдор бўлиб хизмат қилар, майхўр, маишатпараст ва қиморбоз деб ном чиқарган экан. Ойимтилла бу эр-хотинни яқиндан танимаса ҳам яхши биларди.

Аёл аввалига уялиб, торганиб турган бўлса, кейин андишани йиғиштириб, мақсадга ўтди. Эри зобитлар клубида бўлган қарта ўйинида катта миқдордаги пулни ютқизиб қўйибди ва йигирма тўрт соат ичида пулни тўлашга ваъда берибди. Аёл ота-онаси ва Польшада қорхонаси бор акасига телеграмма жўнатибди. Америкада яна бир акаси бор экан, шунақа танг вазиятларда у ёрдамини аямаган, аммо ҳозир вақт ғанимат. Керакли пул миқдори, тўғриси айтганда, унчалик ҳам катта эмас – бир минг икки юз крона – бир-икки ҳафтада қўлга тегади, лекин бу пулни тонггача кечиктирмасдан столга қўйишлари лозим. Эрининг руҳи тушиб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлибди. Аёл эрини қутқариш учун ҳар қандай шарт ва фоизга тайёрлигини билдирди.

– Сизни менга жўнатиб, хато қилишибди. Бундай мақсадларга менинг берадиган пулим йўқ. Борини ҳам дўстларимга бўлиб берганман, ўша пулларнинг қайтиб келишини кутяпман.

Аёл ўрнидан туриб ялинди:

– Ойимтилла, ўтинаман сиздан. Ахир, бу иш сизнинг қўлингиздан келади дейишганди-ку.

– Нотўғри айтишибди.

– Ойимтилла, сиз менинг сўнгги умидимсиз. Фақатгина сиз бизни бу ботқоқдан қутқара оласиз.

Райка шахд билан ўрнидан туриб, бефойда гап-сўзга чек қўймоқчи бўлди. Бироқ аёл худди шуни кутиб тургандек уввос тортиб юборди, қўлларини Райкага чўзиб ялинишга ўтди:

– Ойимтилла, ёлвораман, Худо ҳаққи, ёрдам беринг!

Ойимтилла стулга қайтиб ўтирди, жувон эса ўзини ерга ташлаб, унинг оёқларига ёпишди. Йиғи-сиғи аралаш аёлнинг:

– Ҳаммасини қайтарамиз! Худо хайрингизни берсин, бизни қутқаринг! Қутқаринг! – деган овози янгради.

Аввалига Ойимтилла бир силтаб, оёқларини аёлнинг қўлларидан бўшатди, лекин аёл ўқ теккандек қайта йиқилиб, Райканинг тўпиғидан тепасини чангаллади. Ойимтилла стулни итариб ташлаб, сакраб ўрнидан турди.

Энди Райка оёқлари остида букчайиб, Худонинг зорини қилаётган аёлга тепадан қаради. Ана шунда кўксида недир ёқимли ва илиқ, худдики иккинчи юраги жиз этганини ҳис этди. Сал қолса, аёлни ўрнидан турғизиб, тасалли беришга шайланди-ю, аммо ўйлаб кўриб, фикридан қайтди ва аёлнинг қўлларини силтаб ташлаб, нотабий ингичка овозда:

– Бас қилинг, хоним... етар! Сизни алдашибди, ишонаверинг. Ҳар бир дақиқа сиз учун ғанимат. Вақтни қўлдан бой бермай, пул ундирса бўладиган жойларга мурожаат қилсангиз соз иш бўларди, – деди.

Бахтиқаро аёл ўрнидан тургунча бирмунча фурсат ўтди.

– Ойимтилла, ёлвораман... Бир умр ҳаққингизга дуо ўқийман, бизни қутқаринг! Эрим ўзини ўлдириб қўяди!

Жувон эшик олдиғача шу сўзларни такрорлади, лекин бўсағага етиб боргач, илкис қаддини ростлаб, сочларини тартибга келтириб, Ойимтиллага хайр-маъзурни насия қилиб, чиқиб кетди.

Райка қалбининг туб-тубида виждони сал-пал қийналганини сездди. Аммо-лекин дарров ўзининг ишларига уннаб кетди, қаёқдаги бир бахтиқаро аёлнинг кейинги тақдири билан бошини оғритиб ўтирмади. Орадан бир ҳафта ўтиб ўша аёл эри билан Миляцки бўйида қўлтиқлашиб кетаётганига гувоҳ бўлди.

Жазирама ёз кунларининг бирида меҳмонхонадаги қаттиқ курсида жандарм обер-лейтенанти Карасек, чехиялик немис ўтирарди. У Сараеводан унча узоқ бўлмаган шаҳарчада хизмат қилар, тунги қовоқхоналарда санғишлари билан ном чиқарганди. Бетартиб ҳаёт тарзи, айниқса, пулларини ҳавога совуриши туфайли уни бир неча марта бир жойдан иккинчи жойга кўчиришган, ҳозир эса истеъфога чиқиш хавфи таҳдид соларди.

Карасек қўйкўз, бўйни йўғон, тўладан келган киши эди. Ундан зобитлар ишлатадиган совун ва коньяк ҳиди уфуриб турарди. У ёлғондакам ишонч билан немисча гапирди:

– Ойимтилла, менга катта миқдорда пул керак. Сизнинг талабларингиз қанақалигини билмоқчийдим. Икки минг крона, уч ойга. Ўйлайманки, менинг қафолатим сизни қониқтиради.

Бироқ Райка унинг оғзидан гапини олди:

– Маъзур тутгайсиз, жаноб, лекин менда пул йўқ.

– Йўқ, дейсизми?

– Ҳа, шундай, аввал ҳам бўлмаган. Бор бўлса ҳам меросдан қолган пуллар, уларни аллақачон қарзга берворганман. Шу холос.

Зобитнинг ўзига бўлган ишончи сўна бошлади:

– Ҳаммасиними?

– Ҳаммасини, жаноб!

– Ҳаммасини! – деб такрорлади зобит. – Нимаики шартларингиз бўлса, ҳаммасига розиман.

– Таассуфдаман, жаноб, лекин менда пул йўқ, шунинг учун ҳеч қандай талаб ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Зобит жавоб қилмади. Сочлари тўкилаётган бошида тер томчилари

пайдо бўлди. Ҳиссиз нигоҳи билан худди бировни излагандай, Ойимтилланинг ортига назар ташлади. Оғир жимликни бузиб, бу нигоҳлардан кутулиш учун қиз биринчи бўлиб ўрнидан кўзгалди. Зобит ҳам карахт ҳолда ўрнидан кўзғалиб, йўталганча стол устидан фуражкасини олди ва пошнасини эшитилар-эшитилмас тақиллатганча:

– Нима ҳам дердим, афв этгайсиз. Сиздан миннатдорман, Ойимтилла! Хуш қолинг! – деди.

Келаси ҳафтада Сараевода чиқадаган “Боснише пост” газетасида обер-лейтенант Карасекнинг хизмат юзасидан Тарчин шаҳрига борганда тўсатдан вафот этгани ҳақидаги қисқа хабар пайдо бўлди.

Ойимтилла ортиқча суриштирувсиз сараеволик икки судхўрнинг бир неча юз кроналик тилхат билан умидсиз қолганини билиб олди. У зобитга пул бермаганидан хурсанд бўлди. Ойимтиллага зобит ҳақида ўйлаш ёқимсиз туюлди, кўз олдида унинг сўник нигоҳи жонланиб, тушкун овози эшитилгандек бўлди. Қиз анча вақтгача зобитни бот-бот эслаб турди. Одатда, у бирор мижозга пули йўқлигини айтса, зобит ёдига тушар, кўркувдан қалтирай бошлар ва мижоз ўрнидан туриб, пошналари тақиллатганча: “Нима ҳам дердим, афв этгайсиз. Сиздан миннатдорман, Ойимтилла! Хуш қолинг!” дейдигандай туюлаверарди.

Ваҳоланки, мижоз ўрнидан кўзгалар экан, унга тамоман бошқа сўзларни айтар, азобли хотиралар бирпасда йўқоларди. Бундай лаҳзаларда Ойимтилла ўзидан хафа бўлиб кетар, ҳамон зобит ҳақидаги бу кўрқинчли ва азобли хотираларни унута олмаётганидан жаҳли чиқарди. Навбатдаги мижозга рад жавобини бераркан, ундан зобит каби пошнасини тақиллатиб, таниш сўзларни қайтаришини титроқ билан кутарди. Бу хотираларни батамом унутиш учун унга узоқ вақт керак бўлди.

Аввалбошда ташриф буюрувчилар оқида ғалати тақдирлилар ажралиб турарди, аммо бора-бора уларнинг барчаси юзсиз, исмсиз, пул деса ўзини томдан ташлайдиган очкўзларнинг бир тизгинига тушиб қолишди.

Инчунин, Ойимтилланинг ўзи ҳам ишонч ҳосил қилдики, бунақаси кетмайди: мижозларни уйда қабул қилолмайди. Шундоғам овоза бўлиб улгурди. (Тўғри, ҳаммага эшиттириб эмас, тор доираларда шивир-шивир кетарди). Отасининг дўстлари Райкани бу борада бир неча марта оғоҳлантиришди. Ана шунда мижозлар унинг уйига ва Весонинг дўконига келмай қўйишди; эндиликда уларни Фарҳодий кўчасидаги яхудий Рафо Конфортининг мўъжазгина дўкончасига жўнатишарди. Бу ерга “вақтинча” танг аҳволда қолиб, “бир ҳафталик” кичикроқ қарзга эҳтиёж сезганлар, яъни бир ҳафта мобайнида ҳар ўн крона эвазига йигирма беш крона тўлашга шай, башарти бу қўлларидан келмаса, ҳар бир ўтказиб юборилган ҳафта учун токи қарз ва фоиз ёпилмагунча ҳар бир кронага қўшимча ўн крона келтириб беришга рози бўлганлар ташриф буюришарди. Бу жойни баайни ажал коми дейилса ҳам муболаға бўлмайди.

Мижозларни Рафо қабул қилар, бундаин кескин шартлар билан берилаётган пуллар Ойимтиллага тегишли эканлиги ҳеч кимсанинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди.

Кўли калтароқ серфарзанд чеварнинг оиласида катта бўлган Рафо Конфорти бу вақтга келиб семириб қолганди. Атторлик моллари билан савдо қилувчининг дўконига югурдаклик қилиб юриб, Рафо аста-секин ўзини тиклаб олди. Атторликдан кетиб, Фарҳодий кўчасида дўкон очди.

Кичкинагина, ярми бўм-бўш дўкончада у тўғри келган нарсани сотиб кун кўрарди. Одатда, Рафо бир замонлар урфга кирган, бугунга келиб эса пештахталарда чанг босиб ётган буюмлар билан савдо қилар, ўша вақтда биз учун нотаниш бўлган рекламадан фойдаланарди. Девор ва ойналарга қизил, яшил пешлавҳаларни илиб ташларди: “Имкониятдан фойдаланинг! Нархларни туширамиз! Имкониятдан фойдаланинг! Фақатгина бугун!”, “Арзон-гаров сотамиз! Имкониятни қўлдан бой берманг!” Энг катта рекламани Рафонинг ўзи яратарди. У икки юзи қипқизил бўлволиб, ора-чора: “Ўлай агар! Бундайин бахт ҳали менга насиб этмаганди!” деганча, у ёқдан-бу ёққа бўзчининг моноксидек чопарди.

Шаҳарда қандай воқеа рўй бермасин, ўткинчиларнинг оғзидан қандай гап чиқмасин, буларнинг бари унинг учун ҳазил-мутойибага, даҳанаки жангга сабаб бўларди.

– Одамларни алдама, Рафо! – деб сўз қотарди ўтиб кетаётган бирор ҳазилкаш йўловчи, Рафонинг икки содда мижозга эски бўйинбоғларни пуллаётганини кўриб.

– Нима, нима?

Рафо зудлик билан мижозларни ўз ҳолига қўйиб, кўчага югурар, йўловчининг йўлини тўсар, испанларга хос тим қора кўзлари ғазабдан чакнаб, қаҳр отига минарди.

– Нима? Биз алдаяпмизми? Биз-а? Агар зиёнига ишламаётган бўлсак, Худо урсин! – деб қичқирарди Рафо бирлик эмас, кўплик кўшимчасини кўшиб.

– Майли, Рафо! Тушунарли! – дерди ундан тезроқ қутулишни ўйлаган йўловчи, аммо Рафо унинг қўлини қўйиб юборай демасди.

– Нима тушунарли? Нима тушунарли деяпман? Қани, дўконга юр, фактурани¹ кўрсатаман. Фактура ҳаммасини исботлаб беради. Зарарига ишлаётганим юзасидан баҳслашасанми? Майли, мен факирона эллик кронамни тикаман, сен, чайқовчи, беш кронангни тикасан.

Рафо дўконга югуриб, эски бўйинбоғни чангаллаб олганча, уни йўловчининг тумшугига тиқиштирарди.

– Кўрдингми? Агар зиён қилмаган бўлсам, шу бўйинбоғ чириб кетсин! Юр, дўконга кир деяпман, фактурани кўрсатаман, агар алдаётган бўлсам, ҳамма нарсани текинга тарқатаман.

Кунда-кунора такрорланадиган бундай манзарага одамлар кўникиб кетган, текин томошадан маза қилиб хохолашарди. Аммо илк маротаба бундай воқеага дуч келганлар беихтиёр чўнтак кавлашга тушишарди.

Рафо Конфортининг илк қадамлари шу тарзда кечди. Йиллар ўтган сари унинг ақли кириб, бироз босилди. Бунга унинг уч йил илгари ўзига тўқ хонадоннинг қизига уйланиши ҳам сабаб бўлди. Унинг уйланиши ҳам ғалати кечди. Травник шаҳрида уюштирилган яхудийларнинг зиёфатида шу оиланинг якка-ю ёлғиз қизига назари тушди. Қизнинг ота-онаси Рафо ҳақида ҳам, тўй ҳақида ҳам эшитишни исташмади. Ёшлар ҳеч қандай сеп-суруқсиз қочиб кетишди. Қизнинг ота-онаси уни қувиш, полицияга топшириш, отиш билан кўрқитишди. Аммо улар Сараявога етиб борганини эшитиб, бечора эр-хотин тўйга розилик беришдан бошқа илож топиша олмади. Ҳозир уларнинг икки фарзанди бор. Аммо қайнатаси уни ҳамон кечирмаган. Қизининг оиласидан ёрдами аямайди-ю, аммо бу ишларни учинчи шахс орқали бажаради. Конфорти энди дўкон очган пайтлари Райканинг илк мижозларидан бири эди.

¹ Фактура – молларнинг рўйхати ва баҳоси кўрсатилган ҳужжат.

Аввалига Райка унга ишонмай, турли кафолатлар билан кам пул берди. Аммо маълум вақт ўтгач, Рафо майнавозчилик қилгани билан унчалик миркурук одам эмаслигини, илк таассуротини чиппакка чиқарадиган даражада ўзига хос хислатлари, келажакни кўриш қобилияти борлигини исботлади.

Райка бундан икки йил муқаддам Рафо билан илк танишган кезларидаёқ у ўзини узоқни кўрадиган, фойдаси тегадиган инсон сифатида намоён қилди.

Кунлардан бир кун, 1908 йилнинг октябрида кечкурун Рафо навбатдаги тўлов муддатини узайтиришни сўраш мақсадида Райканинг уйига келди. Ҳаво мўътадил ва тоза бўлганидан деразалар очиқ турарди. Илик тундаги уларнинг зерикарли ҳисоб-китобини ғалати шовқин тўхтатиб қўйди. Кўчада католик черковининг баланд ва тантанали кўнғироқ садоси янгради. Кўнғироқларнинг ҳаводаги тўлқинлари марказий кўчаларни тўлдириб, мадҳия куйлаётган одамларнинг овозларига қоришиб кетди.

Ойимтилла жим бўлиб, кулоқ солди.

– Эшитаяпсизми? Бунинг нималигини биласизми? – деб сўради ҳаяжонланган Рафо шовқин келаятган томонга кулоғини динг қилиб.

– Ҳа, биламан... забт этиш, – деб жавоб берди Ойимтилла лоқайд оҳангда.

– Ҳа, Босния ва Герцеговинанинг забт этилганини билдиришди, дарҳол сафарбарлик эълон қилинди. Энди кўшинларни серб ва рус чегарасига юборишади, дукат¹ сотиб олишнинг айна вақти.

– Буни ҳамма билади, ҳамма шундай қилади.

– Йўқ, адашдингиз, ҳамма бир хил эмас, – унинг гапини бўлди Рафо. – Буни ҳаммаям билавермайди, билганлар эса дарров дукат сотиб олишга киришмайди. Ойимтилла, одамлар нафақат аҳмоқ, балки дангаса ва беҳафсала ҳамдир. Ҳозир ҳаммада ҳам нақд пул йўқ. Шуни билганим учун сизга дукат сотиб олиш керак деяпман, аммо уни сотиб олишга пулим йўқ. Сизнинг пулингиз бор, аммо хоҳишингиз йўқ. Сиздан ўтинаман, қанча пулингиз бўлса, ҳаммасига олтин танга сотиб олинг, мана, кўрасиз, бундан сираям афсусланмайсиз. Бир ойдан кейин, агар уруш бошланадиган бўлса, тиллаларни сотманг, мабодо уруш бўлмаса, нақд фойдасига сотасиз. Бу гапларни сизга дўст сифатида айтяпман, мени айтди дерсиз, ошиғингиз олчи бўлади. Истасангиз, ҳеч қандай гаровсиз, ўрнингизга дукат сотиб олишим мумкин.

Конфорти ҳаяжонланиб, қўлларини силкиб гапирар, қўлида нақд пули йўқлигини айтганда, кўзлари аламдан қисилиб кетарди.

Шундай қилиб, Ойимтилла аста-секин, эҳтиёткорлик билан, асосан мусулмон аёллардан олтин тангалар сотиб ола бошлади. (Кейинчалик ўзининг эҳтиёткорлигидан, имиллаганидан, кам олтин сотиб олганидан жуда афсусланди). Рафо ҳам унга олтин тангалар сотиб олиб келди. Келаси йилнинг тахминан январь ойларида босқинчилик оқибатида юзага келган инқироз ўзининг авж нуқтасига етганда, Рафо исковуч итдай унга олтинларни сотишни буюрди. Ойимтилла каловланиб, узоқ ўйлади, чунки олтиннинг нархи кун сайин ўсиб борарди. Аммо Рафо шошилинич тарзда олтинни сотиш керак, бўлмаса, бир ҳафтадан кейин уруш бўлмаслигини ҳамма билганда унинг нархи кескин тушиб кетади, деб маслаҳат берди.

Ойимтилла эса, аёллигига бориб, эҳтиёткорлик йўлини танлади, у

¹ Дукат – қадимги кумуш ва олтин танга.

олтиннинг бир қисминигина пуллади, қолганини ҳар эҳтимолга қарши беркитиб қўйди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, ҳақиқатан ҳам, олтиннинг нархи бирдан тушиб кетди, шунга қарамай, Ойимтилла яхшигина даромад кўрди ва Конфортига ишониш мумкинлигига амин бўлди. Ойимтилла уни ҳам хафа қилмай, даромадидан бир фоиз улуш берди.

Шундай қилиб, 1910 йилнинг бошида Рафо Райканинг мижозлари билан битим тузишни ўз бўйнига олди. Энди унинг дўкони атрофида илгаригидай шовкин-сурон эмас, турли битимлар тузиш ҳақидаги шивир-шивирлар эшитиладиган бўлди. Дўкондаги молларни ёш сотувчи йигит сотар, асосий иш билан эса Конфорти шуғулланарди.

У ойнаванд тўсиқ ортидаги ёзув столи ёнида ўтирарди. Бу ерга шошилиш қарз керак бўлганлар келишар, гаровга қимматбаҳо буюмлар ёки вексель қолдириб, пулларни қўлга киритиб, енгил тортиб чиқиб кетишарди. Ўзи пулни ҳавога совурувчиларнинг бари шунақа – нимагаки муҳтож бўлсалар, излаганларини дарров топадилар, кейин яна шаталок отиб юраверишади.

Ойда бир марта Рафо шаҳарнинг нариги чеккасига, Ойимтилланинг хузурига йўл олади. Бу энг узун йўл ва чинакам қаҳрамонлик, худди Ойимтилла билан бўладиган ҳисоб-китоб сингари ишининг энг мушкул қисми. Зотан, Ойимтилла билан бўладиган ҳисоб-китобда на қасам, на ваъда ёрдам бера олади, у хоним фақат аниқ ва мавжуд рақамларга ишонади.

1912 йилги Болқон уруши янги инқироз ва кимдир йўқотадиган, яна кимдир эса фойдаланадиган даврларни олиб келди. Ойимтилла бу сафар ҳам ютганлар сафида бўлди. Конфорти билан бўлган бадалда улар иккови қатта-қатта еб ўрганган турк қочоқларининг тул хотинлари ва болаларидан дуқат сотиб олиб, яна-тагин осон ва фойдали иш қилишди. Тўғри, ўлжа бу гал кичикроқ бўлди, нега деганда, айти дамдаги инқирознинг боши-кети кўринмасди, аввалбошда-ку ана-мана ўтиб кетади деб юришди, аммо инқироз борган сари ҳаётнинг барча жабҳасига кириб бораверди.

Йиллар Ойимтилла учун шувуллаб ўтаверди. Вақт деганлари майда-чуйда икир-чикирлар билан овора бўлиб қолганларни исқанжага солади, олдига қаттароқ мақсадларни қўйиб интилувчилар учун эса елдек учиб ўтади. Одам ушалмас орзулар осмонида учиб юраверса, унинг учун вақт ўз кучини йўқотади.

Ойимтилла, мана, неча йиллардирки, қолган нарсаларни иккинчи даражага тушириб, биргина қатта орзуга берилиб яшайди. Унинг азалий истаги – отаси учун ҳисоб-китоб қилиб, қасд олиш. Демакки, ўз вақтида отасини қутқаролмадимми, энди олди-орқасига қарамасдан, падари бузрукворининг панд-насихатларига ўз билганича амал қилади. Бу орзуси вақт ўтиши билан ўзгариб борди. Эндиликда орзусининг ҳам ўз номи бор: “Миллион”.

Қайсидир куни Райка бир замонлар газета сотган, эндиликда миллиардер бўлган одамнинг гапларини ўқиб қолди: “Илк миллионни қўлга киритдингми, қолгани чикора. Миллионер бўлишни истамаган одам миллионер эмас. Барчаси истакка боғлиқ. Ҳамма гап шунда”. Газетчилар, эҳтимолки, бу гапларни тўқиб-бичишгандир, лекин шугинанинг ўзи Ойимтиллани илҳомлантириб юборди. Азалдан интилиб, орзу қилиб келгани лоп этиб номга эга бўлди. Миллион! Мана, ўша кеча-ю кундуз, ҳатто тушларида ҳам ўчмас юлдуз. Тонг юлдузи мисол ўзига

чорлаётган бу олтин нишонга кўз тикиб, у тинмай тер тўкар, зикналик қилар, сағанага айланиб бораётган хувуллаган уйида орзулар алласида хузурланарди. Мақсадга етишига ҳали анча бор, бироқ унга интилиш йўлидаги тежамкорлик нақадар ёқимли ва ҳар қандай даромаднинг ўз ўрни мавжуд. Бундайин мақсадга эришиш учун унча-мунча одамга куч-қувват берилавермайди. Ойимтилла буни яхши тушунар, бу йўлдан бориш нима эканлигини билар ва яхши ҳис қиларди. Кўчада уни кўриб, ортидан ғийбат қиладиган қўшнилари бу орзулари ҳақида тасаввур ҳам килолмасди.

Ойимтилла эса бу орзу-хаёллар оғушида уларнинг олдидан, тирик одам эмас, майитнинг олдидан ўтгандай пинагини бузмай ўтиб кетарди. Атрофида, дунёда рўй бераётган воқеалардан, ўзгаришлардан фақатгина унинг орзусига тегишли бўлган қисми – чиқим ё кирим ҳақида бирор нима эшитса, кулоқ соларди.

Ойимтилла учун анчадан бери бир-бирига узвий боғлиқ бўлган икки хил олам мавжуд эди. Биринчи олам бўлмиш бизнинг олам – шовқин-суронга, турли тақдирли инсонларга, ҳар хил ўй-хаёлларга, умид-ишончларга, бузиш ва қуриш эҳтиёжларига тўла она замин бўлса, иккинчи олам эса мол-дунё, пул тўплаш, бойлик орттириш салтанати, ҳисоб-китоб ҳукмронлигидан иборат.

Кўз билан кўриб, кулоқ билан эшитилмайдиган иккинчи олам зерикарлилиги, йўқсиллиги билан биринчисидан деярли фарқ қилмасди. Унинг самосида ўзининг юлдузлари, ойи, қуёши мавжуд бўлиб, хом сут эмган бандалар буни сезмаслиги мумкин эди. Бу оламини улкан ҳаётгий куч, катта сирли қувват бошқаради. Зулмат қироллиги бўлмиш бу олам дунёнинг тескари томони ҳисобланади.

Бу ерда ҳаққоний ҳаёт ҳукм суради. Бизнинг оламда эса унинг ҳаёти таркидунёчилик қилган одам илож йўқлигидан орамизда лабда табас-сум билан юргандаги ҳолатни эслатади.

Кунлар, ойлар, йиллар келтирган воқеа-ҳодисалар Ойимтилла учун олис туманлар аро аранг эшитилаётган ноаниқ овозни эслатарди. У зарурат юзасидангина олам ва одамлар билан мулоқот қиларди. Унинг қўлини сўраган сўнгги талабгорнинг ҳам истагини рад этди. Унинг одамовилигига, ғалати кийинишига қарамай, илк йилларда совчиларнинг қадами узилмади. Тортинчоқ арифметика ўқитувчисидан тортиб, савдогару икки болали хотини ўлган эркаккача совчи кўйди. Аммо онаси ва васийининг ёзғиришларига қарамай, Ойимтилла ҳеч кимга турмушга чиқишни истамасди. Бекорчи дугоналаридан тортиб, турмушга чиққан дугоналари билан ҳам алоқани узди. Ҳаёт тарзи билан қариндошларини ўзидан узоклаштирди. Улар Ойимтиллани уйларига чақирмай кўйишди, агар онаси бўлмаса, бирортаси унинг остонасини ҳатламасди. Ойимтилла уларнинг ўзларига, гапларига, фикрларига лоқайд муносабат-далигини сира беркитмасди. Улар Ойимтилланинг хулқ-атворини, хасислигини, шармандали судхўрлигини эринмай муҳокама қилишарди. Пастаккина, тўлачадан келган, қўпол ва бақироқ, барча Ҳажи-Васичларнинг ҳақами ва жарчиси бўлган Госпава хола бир гала қариндошларнинг олдида шундай деди:

– Билмадим, бу қиз кимга тортдийкан. Одамёввойи бўлиб қолган. Сира тушунолмайман! Шундай солиҳ ота-онадан қандай қилиб бундайин хасис, зикна қиз туғилган экан-а?

Қариндош-уруғлар Райканинг кимга тортгани устида анчагача бош

қотиришди. Гап орасида она томондан мархум катта бобоси газда Ристанни эслаб ўтишди.

Бу мағрур, совуққон, қаттиққўл чолни кўрган одамлар бор эди; чоли тушмагур ҳаётда икки нарсани қадрларди: пул ва ўзининг доғ тушмаган номи. У ўтакетган хасислиги билан ном қозонганди. Ундан дўстларча бирон нима сўрашса: “Сен менинг дўстиммисан? Мендан ҳеч вақо сўрамайдиган одамгина менга дўст бўла олади”, дерди. Унинг ўзи ҳар куни бозор-ўчар қилиб келарди. Ҳеч ким ўзичалик арзон харид қилолмаслигини, уни чув туширадиган одам ҳали онасининг қорнидан тушмаганини айтиб ғурурланарди. Тухум сотиб олмоқчи бўлиб бозорга борса, ўзи билан махсус темир ҳалқача олволарди: ҳалқачадан ўтиб кетган тухумни харид қилмасди. У тухумни кўрикдан ўтказаркан, сотувчилар ўғилларига:

– Ишнинг кўзини билиш манавинақа бўлади, – деб уқтиришарди.

Шундай бўлса-да, газда Ристан ўзининг зикна, қурумсоқлигига қарамай, вақти келса, меҳмонларни шундай бағрикенглик-ла сийлардики, унинг чақа-тангаси ҳар қандай олтиндан оғир тош босарди. Райка эса оилавий урф-одатларни ҳам бир четга суриб қўйиб, зикналик қилар, хурматли савдогар кизидан кўра польяк жуҳудига ўхшаб кетарди. Сараево пайдо бўлибдики, биронта одам аёл киши тизгинни қўлга олиб, пуллар, қимматбаҳо қоғозларга хўжайинлик қилганини, бунчалик худбин бўлганини кўрмаганди. Бундайин ҳолат на православ, на католик, на мусулмонлар орасида учрарди. “Оиламиз сира бундай шармандаликка дучор бўлмаганди-я”, – дейишарди бошлари қотган қариндошлар. Айниқса, онасига қилган муомаласи унга таъна тошларини отишлари учун бош сабаб эди. Айримлар кекса бегойимга қизини ташлаб, биронта қариндошиникига кўчиб ўтишни таклиф қилди, аммо кампир хонасидан чиқмай ўтираверди. Она бечора кўз ёшларини ичига ютар, лекин бировга миқ этмасди.

Шаҳарда Райканинг номига номақбул гаплар оралади – аввалига ўтакетган ёвуз қиз, кейин эса судхўр ойимтилла, тошбағир, замонавий ялмоғиз деган ном орттириб олди.

Отасининг вафотидан кейинги йилларда Райка газда Обрен ҳаётлигида жуда ҳам катта салмоққа эга хайрия ишларига кетадиган сарф-харажатнинг барчасини кесиб ташлади. Йиллар ўтиб, хайрия ишларидан буткул воз кечди. Райканинг бу ишларидан норози бўлган Весо шундай деди:

– Бундай қилиш ярамайди, Райка, ҳеч бир банда бошқаларсиз яшолмайди, одам тафтини одам олади.

– Керак бўлса, шундай ҳам қилинади. Пул йўқ, тамом-вассалом.

– Шошма, пул ерда ётмайди, лекин тартиб шундай бўлгандан кейин бериш ҳам керак.

– Ундай бўлса, ўзинг бера қол.

– Мен-ку пулим бўлса, аямайман. Аммо-лекин сен ҳам қараб турмаслигинг керак. Ахир сенинг фойданга маслаҳат беряпман!

– Маслаҳатинг ўзингга сийлов. Нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан.

Унинг совуққон хотиржамлиги кичкина одамни ғазаблантирди.

– Менга шундай туюляптики, нима деяётганингни ўзинг билмаяпсан.

– Жуда яхши билиб турибман.

– Одамлар сен ҳақингда нима дейишаётганини билмайсан-да.

– Бу мени қизиқтирмайди.

– Ақли калталиқ қилаётганинг, мана, энди маълум бўляпти. Марҳум хўжайин ҳаёт бўлгандами...

– У нега тириклар орасида эмаслигини жуда яхши биласан.

– Шошма. Ҳаммаси ёдимда. Лекин сен меъёрни унутиб қўйяпсан. Қачон қарама, отангнинг насихатлари ортига яширинасан, кўриб турибманки, бу дуо эмас, лаънат. Қилаётган аксар ишларингни марҳум отанг маъқулламаган бўларди. Шунчаки пуллар сени жиловлаб олди; отангнинг иродаси ва номи ортига яширинасан-у, ўзингнинг тантиқликларингга эрк берасан. Гапларим ёдингда бўлсин: пули бор дегани, ҳамма нарсаси бор, дегани эмас. Мол-дунё учун виждонини сотган савдогардан яхши одам чиқмайди. Миллион топса, топсин, лекин бу унга қимматга тушади.

Ойимтилла бурнидан курт ёғилиб, миллион ҳақида гапиришга журъат этган бу паканага тикилди. Весо эса минғир-минғирида давом этаверди:

– Нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Кўнглингга келганини қил, лекин огоҳлантириб қўяй: ишларинг чатоқ, қилмишингдан бир кун келиб пуншаймон ейсан, аммо унда кеч бўлади! Бирни икки қилишни мен ўйлаб топдим, деган хаёлга боряпсанми? Бунақалар сон-мингта, бундай йўл билан топилган пул ҳеч кимга вафо қилмаган. Эртами-кечми, иблис ўз улушини олмай қўймайди.

Бундай жанжаллар тез-тез бўлиб турса-да, Ойимтиллага чивин чаққанчалиқ таъсир қилмас, уни мақсадидан воз кечишга мажбур қила олмасди. Хайрия учун Сараево дўконларидан пул йиғиб юрган одамлар унинг уйдан бўм-бўш қўл билан чиқишарди. У бекордан-бекорга бировга бир чақа ҳам бермасди. Сараевода чиқадиган газеталарда унинг бойишига шама қилувчи мақолалар ҳам чоп этилди.

“Српска рийеч” газетаси баъзи бир авлод вакилларининг халқ ва жамият олдидаги бурчларини унутиб, Сараеводаги айрим муассасаларга асос солган ота-бобосидан мерос қолган “анъана”ларни – манфаатпарастликни, худбинликни давом эттираётганликлари ҳақида мақола чоп этди. “Слобода” социал-демократик газетаси ишчиларнинг бемор болаларига ёрдам бериш мақсадида ўтказилган хайрия ишларига пул бермагани учун Ойимтиллани “Юбка кийган пиллакурт” деб атади.

Унинг собиқ васийи газда Михайло ва банк директори Пайер Ойимтиллани жамиятдан, одамлардан ажралиб қолмасликка кўндирмоқчи бўлишди. Бироқ Ойимтилла ҳеч нима бўлмагандай, одамларнинг фикрини бир чақага олмай, аввалги ҳаёт тарзини давом эттирди.

Йиллар зувиллаб ўтарди. Ойимтилла вақт ўтган сари қўпол ва телбанамо қари кизга айланиб борар, у уй ва дўкон оралиғида зир қатнаб, фақатгина пулни кўпайтириш дарди билан яшарди. Уни на бир кўнгилочар жой, на одамлар қизиқтирар, ҳатто уларга эҳтиёж ҳам сезмасди.

У отасининг қабрига боришни канда қилмас, фақатгина шу ердан манфаат изламасди. Ҳар якшанба тонгида, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, Кошеводаги қабристонга ёлғиз йўл олар, онасини ҳамроҳ қилмасди. Одамлар энди унинг хурмача қилиқларига, ғалати қиёфасига ўрганиб бўлганди. У черков сари йўл олган, нозланиб қадам босувчи, башанг кийимли хонимлардан фарқли ўлароқ, хўмрайганча, эски-туски кийимда, эркакчасига қадам ташларди.

Ойимтилла ҳар доим эркаклар бичимида тикилган тўқ кулранг костюмини эғнидан ташламас, бошидан алмисоқдан қолган қора шляпасини, оёғидан эса таги емирилиб кетган паст пошнаги туфлисини ечмасди. Одамлар унга кўчада ҳам, қабристонда ҳам синовчан назар ташлаб, қизиқиш билан тикилишар, аммо Ойимтилла қабристонда ётган бегона майитларга қанчалик эътиборсиз бўлса, уларга ҳам шунчалик эътибор бермас, назар-писанд қилмасди.

Отасининг қабри ёнидаги ўриндикқа чўккач, уни одамлар билан боғлаб турувчи сўнги эшик ҳам тақа-тақ беркилар эди. Бу ерда ҳеч ким унинг ёлғизлигига дахл қилолмасди.

Атроф жимжит. Бу ердан шаҳар кўринмайди, қабристон водийдаги ям-яшил тепаликлар ичкарасига жойлашган. Ҳар замонда сукунатга кўнғироқнинг майин жаранги жўр бўлар (ҳа, кўнғироқ жаранги сукунатни бузмай, унга жўр бўларди), осмонда эса оппоқ булутлар сузиб юрар эди. Аммо Ойимтилла буларнинг бирортасини кўрмас, унинг диққат-эътибори отасининг қабирида эди.

Қабр майсалар билан қопланган, бош томонига оппоқ мрамртош ўрнатилган эди. Мрамртошнинг тагига туваги билан атиргул экилган, мрамртошга зарҳал ҳарфлар билан: “Бу ерга 45 ёшда бандаликни бажо келтирган савдогар Обрен Радакович дафн этилган”, деб ёзилган эди.

Бу битикка тикилиб Ойимтилланинг кўзларига ёш куйилди. Дунёни унутиб, гўрида ётган марҳум билан гаплашишга тушди. Кўнгли тўлиқиб кетган Ойимтилла энтикканча:

– Отажон! Отажон! Отажон! – деб пичирлади.

Бу табаррук сўзнинг товланишида нафосат, ҳамдардлик, раҳм-шафқат мужассам эди.

Унинг мулойимтабиат отаси энди йўқ. Уни разилона ва қабихларча ўлдиришди, чунки у бошига ташвиш тушган одамга ёрдам кўлини чўзиб, қаҳрамонлик кўрсатаман деб, бор-будидан айрилди, ҳар бир одамни тушунишга ҳаракат қилди, ўзини ўйламади, вақти келиб қараса, ҳеч вақоси қолмабди. Бу отасининг тақдири, бу Райканинг ҳаёти; шундай бўлдики, унинг ҳаёти отасининг ўлими билан чамбарчас боғланди. Бу ерда Ойимтилла бошини тик тутиб, барча ҳис-туйғуларни енгиб, мрамртошга сўник кўзларини тикканча, овозини чиқармай, отасига ўтган ҳафта давомида бажарган ишлари ҳисоботини, келгуси ҳафтада бажарилажак режаларини хаёлан айтиб берди.

Пешинда Райка ўрнидан туриб, ортга, шаҳарга йўл олди. Бу пайтда кўчалар гавжум, унинг ажабтовур қадди-қомати янада кўпроқ кўзга ташланар, лекин у ҳеч кимга кўз ташламасдан, ичида: “Ҳалол ва виждонли одамларни йўлдан оздириб, сурбетларча лаганбардорлик қиладиганлар шулар”, деганча йўлида давом этарди. Тонги суҳбатдан кўнгли тўлиб, теварак-жавонибдаги одамлар унга ҳеч нима қилолмасликларини, Миллион деб аталмиш кўрғонига кириб олгач, бу баттоллар унинг оёқларига йиқилишини ўйлаб ҳузурланди. Ойимтилла шахдам қадам босар, бу фақиру нотавонлардан юқорида эканлигидан мамнун бўларди.

(Охири келгуси сонда)



Михаил БУЛГАКОВ

(1891–1940)

ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ

Уч пардали комедия

*Рус тилидан
Нурилло АББОСХОН
таржимаси*

Иштирок этадилар:

ЗИНАИДА МИХАЙЛОВНА – киноактриса.
УЛЬЯНА АНДРЕЕВНА – уйбошқарувчи Буншанинг хотини.
МАЛИКА – Иван Грознийнинг рафиқаси.
ТИМОФЕЕВ – ихтирочи.
МИЛОСЛАВСКИЙ – Жорж.
БУНША – Бунша-Корецкий, уйбошқарувчи Иван Васильевич.
ШПАК АНТОН СЕМЁНОВИЧ.
ИВАН – Иван Грозний.
ЯКИН – кинорежиссёр.
КОТИБ – шоҳ саройида хизмат қилувчи котиб (дьяк).
ЭЛЧИ – Швеция элчиси.
БОШ РУҲОНИЙ – проваслав дини патриархи.
ОПРИЧНИКЛАР – Грозний тузган “опричина” гуруҳига аъзо боярлар.
ДАСТУРХОНЧИЛАР – Грозний давридаги сарой аъёнлари.
ГУСЛИЧИЛАР – гусли чалиб қўшиқ айтувчи ҳофизлар.
МИЛИЦИОНЕРЛАР

ҚИРҚ ЙИЛДА ҚАЙТГАН ШОҲ АСАР

Муҳтарам китобхон, Сиз маълум ва машҳур рус режиссёри Леонид Гайдайнинг “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” комедиясини кўп томоша қилгансиз. Аслида бу асар таниқли рус адиби Михаил Афанасьевич Булгаков қаламига мансуб.

Серқирра истеъдод эгаси Михаил Булгаков – ёзувчи, драматург, режиссёр, актёр ҳамда шифокор эди. 1921 йилдан пойтахт

Москвада яшай бошлаган адиб фельетончи сифатида рўзнома ва журналларда кўзга кўринади.

1926 йили МХАТда адибнинг “Турбинларнинг кечмиш кунлари”, Вахтангов номидаги театрда “Зоянинг квартираси” асари муваффақиятли намойиш этила бошлади. 1928 йили Булгаковнинг “Арғувон орол” асари тақдимоти бўлиб ўтди. Адиб “Уста ва Маргарита” ва Мольер ҳаётига бағишланган “Риёкорлар асорати”ни ёзишга киришади. Бироқ 30-йилларнинг бошига келиб, унга бўлган муносабат буткул ўзгаради, наشريёт ва газеталар асарларини чоп этишни тўхтатишади, пьесалари театр сахналаридан олиб ташланади. Бунга давлат бошлиғи Сталиннинг “Булгаков бизнинг ижодкор эмас”, деган таъкиди сабаб бўлганди. Моддий жиҳатдан ночор аҳволда қолган адиб охири Сталинга “мени иш билан таъминланг ёки хорижга чиқиб кетишимга рухсат беринг” мазмунида хат ёзишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Булгаковнинг ишлари бироз юришади, МХАТда режиссёр вазифасида иш бошлайди. Жумладан, 1932 йили Гоголнинг “Ўлик жонлар”ни сахналаштиради, актёр сифатида Диккенснинг асарида судья ролини ўйнайди.

Худди шу даврда режиссёрлар ундан “Фароғат” номли қувноқ пьеса ёзиб беришини сўрашади. Режа шундай тузилади: асар фантастик руҳдаги комедия бўлади; Герберт Уэллс қаҳрамони ясаган вақт машинаси иштирок этади; бош қаҳрамонлар вақт машинаси воситасида ўтмиш ва келажакка саёҳат қилишади; Шўро давлатининг келажакдаги роҳат-фароғатли ҳаётига гувоҳ бўлишади...

Булгаков бажонидил рози бўлади ва тез орада – 1933 йилдаёқ “Фароғат ёки муҳандис Рейннинг туши” номли тўрт пардали пьесани ёзиб битиради. Пьеса сюжети қуйидагича: XX аср бошида яшаган ихтирочи-муҳандис Евгений Николаевич Рейн уйда вақт машинасини ясайди. Ёнқўшни Михельсоннинг уйига “Якка-хон” лақабли жиноятчи Юрий Милославский ўғриликка киради. Уйбошқармаси котиби князь Бунша-Корецкий ихтирочининг уйига ижара ҳақини қистаб келади. Ўртада гап-сўз кўпайиб, Рейн вақт машинасини ишга туширади. Девор кўтарилиб, XVI асрдаги Иван Грозний саройи намоён бўлади. Саройда шоҳ ва котиб авлиё отага нома ёзиб ўтирган эдилар. Ваҳимага тушган аён орқага, Грозний эса олдинга – XX аср майдонига қочиб ўтади. Шоҳ васасада югуриб, уйнинг чордоғига чиқиб олади. Михельсон уйда ўтирган ўғри Милославский ихтирочи квартирасига ўтиб, вақт машинаси билан қизиқади. Унинг калити олтин эканлигини билиб қолиб, калитни шартта суғуриб чўнтағига солади. Натижада машина ишга тушиб кетади. Бунша, Рейн ва Милославский келажакка – 2222 йилга тушаб қолади. Бу даврдаги шўролар давлати “Фароғат” деб аталарди. Фароғат мамлакатада милиционерлар, ўғрилар, тўрачилар (бюрократ) умуман йўқ. Фан-техника ўта такомиллашган. Эшик-деразалари люкка ўхшаш уйлар, ойнаванд устунларга ўхшайди. Одамлар фрак ва бошқа ажабтовур кийимлар кийиб, елкаларига реактив моторли қанот тақиб, хоҳлаган жойларига учиб кетаверарди. Жўмрақлардан тоза спирт оқади... (Дарвоқе, муаллифга қойил қолса бўлади. Ҳозир айнан шундай реактив қанотларда уча бошланди. Спирт эса ёқилғи, техник жиҳозларни тозалаш воситаси

сифатида ишлатиляпти). Фароғатда – Ихтиролар бўйича халқ комиссари Радаманов, қизи Аврора, котибаси Анна, Гармония институти директори Саввич, тиббиёт профессори Граббе ва меҳмонлар ўртасида кулгили хангомалар юзага келади. Милославский бемалол ўғрилик қилади. Жўмракдаги спиртдан ичиб, котиба Аннага ҳам ичиради ва унинг номусини топтайди. Ахлоқи бузуқ Бунша Аннани йўлдан урмоқчи бўлади. Милославский “олғирлик” қилганини билгач, аламига чидолмай, чақимчилик қилади ва котиба Анна ҳақида ёзма маълумот тўплайди. Лекин бу “анонимка”ни на қабул қиладиган идора бор, на жазолайдиган милиция! Рейн эса Радамоновнинг қизи Аврорани севиб қолади. Фароғат мамлақати олимлари тентак Бунша ва ўғри Милославскийни даволашга жўнатмоқчи бўлишади. Шундан сўнг Милославский вақт машинасининг калитини Рейнга беради. Улар XX асрга қайтадилар. Авроранинг отаси Рейнни огоҳлантирганига қарамай, у Аврорани олиб қочади. (Инқилоб даврида “Аврора” ҳарбий кемаси подшоҳ саройини тўпга тутиб, хонавайрон қилгани ёдингизда бўлса керак!) Милославский эса елкага тақиб училадиган битта реактив қанотни ўғирлаб қочади. Бахтга қарши, XX асрда уларни милиция кутиб турганди. Милославский реактив қанотни тақиб, осмонга учиб кетади. Рейн чордоққа чиқиб қараса, ҳаммани зириллатган Грозний атрофда бўлаётган воқеаларни кўриб, ақлдан озган. Рейн вақт машинасини ишга тушириб, Иван Грознийни ўз замонасига жўнатиб юборади. Милиция ходимлари тентак Бунша, ихтирочи Рейн ва бу замонга дахли йўқ беайб Аврорани ушлаб, милиция бўлимига олиб кетадилар. Парда ёпилади.

Пьесани ўқиган театр арбоблари бош қашлаб қолишади. Ҳали у, ҳали бу ерини ўзгартириб кўришади, лекин бир тўхтамга келиб бўлмайди. Ниҳоят, театр арбоблари шўроларнинг XXIII асрдаги “фароғатли” ҳаётига ўт кўйиб, ундаги қаҳрамонларни адам водийсига равона қилишади. Тўрт пардали “Фароғат”да биринчи парда ва ундаги чиркин қаҳрамонлар қолади, холос. Муаллифдан вақт машинаси “курс”ини ўзгартириб, ўтмишга саёҳат қилишни, шох Иван Васильевичга кўпроқ урғу беришни сўрашади. Шундан сўнг Булгаков янги пьесани “Иван Васильевич” дея номлайди.

Бунда ҳам замонанинг ўтқир муаммолари, кўпчилик биладиган, лекин тилга олинмайдиган қалтис ҳақиқатлар киноя йўсинида акс этганди. Жумладан, уйбошқарувчи Бунша князнинг ўғли, яъни дворян эканлигини яширишга уринади, “Мен аравакаш Пантелейдан туғилганман”, деб даъво қилади. Зеро, асар ёзилаётган кезларда кўплаб шўро арбоблари ўз насабидан тонган эди. Муҳандис Тимофеев – хотинини биров олиб кетишига бепарво даъюс. Хотини Зинаида – тўртта эрга тегиб, бу эрини ҳам алдаб, бешинчиси – Якин билан қочиб кетаётган енгилтак. Шпак – пасткаш жабрдийда. Ўғирланган нарсаларини икки баробарга кўпайтириб, ҳозир ичган онтига шу дамда хиёнат қилади. Якин – ўз ҳамкасбларини кўролмайдиган, маъшуқалари қўлида ўйинчоқ бўлиб юрган режиссёр. Милославский – бугунги кунда ҳам, ўтмишда ҳам қаллоб...

Бююртма асар битиб, театр жамоасига топширилади. Уни ўқиган театр арбобларининг тепа сочи тикка бўлади. Зеро, шўроча сиёсат икки оғиз сўз билан мақталиб, қолган барча диалогларда пачағи чиқарилганди. Ҳар бир саҳна, ҳар бир диалог

шўроларнинг нозик сиёсатига болта урмоқда. “Вой баттол! Бу Булгаков қандоқ одам, ўзи?!”

Асарни беш киши қайта ўқиб чиқиб, яна ўзгартиришни талаб қилишади. “Иван Грозний шўро мамлакатининг келажагига борсин, ўшандаги ободликларни кўриб, “Ана гўзаллик! Ана ободлик! Менинг даврим ёмон экан, шўро даври яхши эка-а-ан!” деб оғзини очиб қолсин”, дея таклиф қилади бир арбоб. “Яна битта пионер қизни қўшайлик, – маслаҳат беради режиссёр Горчаков. – Ўша қиз ҳаммани танқид қилиб, сизлар бунақа яшанг, унақа яшанг, деб ақл ўргатсин!” Лекин муаллиф бу таклифларни қабул қилмайди.

Ниҳоят, 1936 йили Горчаков Сатира театрида “Иван Васильевич”ни сахналаштиради. Оқибатидан кўрқиб, кўплаб диалогларни юмшатади, Милославскийни чўчкага ўхшаш шалпанкулоқли грим қилдиради. Тақдимот кунни фирқа раҳбарлари ва бошқа арбоблар театр залига кириб хўмрайиб ўтиришади. Асар тамом бўлгач, индамай туриб чиқиб кетишади. Қўмитадан келган раҳбар намойишни тўхтатишни талаб қилади. Уч йиллик меҳнат бир сўз билан йўққа чиқади.

Шундан кейин Булгаковнинг бошқа театрлардаги асарларига ҳам ҳужум бошланади, натижада, адибнинг соғлиғи издан чиқади. Унинг сўнги кўлёмаларига томган морфий излари ҳалигача сақланиб турибди. Кўзлари хиралашиб, буйрак касали тобора кучайган адиб “Уста ва Маргарита” романини якунига етказишга улгуради, холос. У 1940 йили 49 ёшида Москвада оламдан ўтади. Булгаковдан роман, қисса, ҳикоя, пьеса, сценарий ва либреттолардан иборат адабий мерос қолди.

Орадан йиллар ўтиб, “Уста”нинг барча асарлари вақт машинасида келажакка парвоз қила бошлади. 1973 йили кинорежиссёр Леонид Гайдай “Иван Васильевич” пьесаси асосида “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” комедиясини суратга олди. Асарнинг ёзилганига роппа-роса қирқ йил тўлганда, кино халққа тақдим этилди. Гайдай баъзи бир эпизодларни ўзгартирган бўлса-да, пьесани тўлиқ сақлаб қола олди. Шу йилнинг ўзида фильмни олтмиш миллиондан ошиқ томошабин кўрди, кинокартина жуда катта маблағ йўғди.

Таржимон

БИРИНЧИ ҲАРАКАТ

Москва шаҳрида жойлашган квартира. Тимофеевнинг хонадони, ёнида Шпакнинг эшигига қулф осилган уйи. Бундан ташқари, радиокарнай ўрнатилган даҳлиз. Тимофеевнинг уйи бетартиб. Парда. Парда олдида аллақандай гайритабиий ускуна. Бу Тимофеев ихтиро қилаётган радиоприёмник. Ускунада кўплаб лампалар ёниб-ўчиб турибди. Тимофеевнинг сочлари парижон, кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган. У бесаранжом. Тимофеев ускунадаги тугмачани босади. Ёқимли оҳангдаги товушлар янграйди.

ТИМОФЕЕВ. Товуш яна ўша юқори тебранишда...

Ёруғлик ўзгаради. Бешинчи лампадаги нур гойиб бўлади.

Нимага ёруғлик йўқ? Ҳеч нарсани тушунмаяпман. Ҳозир текшириб кўрамиз. (Ҳисоблаб чиқади.) “А” бир... “А” уч... мусбат ўқлар орасидаги йўналишлар бурчаги... Ҳеч нарсани тушунолмапман. Косинус, косинус...

Тўппа-тўғри!

Кутилмаганда даҳлиздаги радиокарнайдан шодиёна нидо янграйди:

“Мархамат, “Псковлик аёллар”нинг давомини тингланг!”

Ортидан радиокарнайда қўнғироқлар бонг уриб, хириллаган мусиқа эшитилади.

ТИМОФЕЕВ. Бу, Иван қўнғироқлари билан жонга тегди-да! Бунақа радиоприёмник ўрнатган одамнинг бўйнини узиш керак. “Олиб қўйинг шуни, ўзим тузатиб бераман”, дегандим-а! Лекин мениям вақтим йўқ. *(Даҳлизга югуриб чиқиб, радиони ўчиради. Карнай гийқиллаб тинчиб қолади. У яна ўз хонасига қайтади.)* Қаерга келиб тўхтагандим?.. Косинус... Э, йўқ, шу уйбошқарувчини!.. *(Деразани очиб, ташқарига қичқиради)* Ульяна Андреевна! Анави бебаҳо завжингиз қани?! Эшитмаяпман! Ульяна Андреевна, эрингиз шу карнайини йўқотсин, дегандим-ку! Эшитмаяпман!.. Карнайини йўқотсин, дегандим! Озгина чидаб турсин, айтиб қўйинг, мен унга янги приёмник ўрнатиб бераман! У хатто Австралияни қабул қила олади! Айтинг унга, ўзининг Иван Грознийси билан мени эзворди! Кейин, бу карнай хирилляпти! Ҳа, карнай хирилляпти, карнай! Менинг вақтим йўқ! Калламда қўнғироқлар жиранглапти! Эшитмаяпман! Ҳа, майли. *(Деразани ёнади.)* Нимага келиб тўхтаган эдим?.. Косинус... Миямда оғриқ турди-ку... Зина қайларда қолди? Ҳозир озгина чой ичиб олганимдами... *(Дераза олдига келиб ташқарига қарайди.)* Бу қанақа одам бўлди? Қора қўлқоп кийиб олганми? Бунга нима керак экан? *(Келиб ўрнига ўтиради.)* Яна бир уриниб кўраман. *(Ускунада тугмачасини босади. Яна узоқлардан оҳангдор товуш эшитилиб, лампалардаги ёруғлик ўзгаради.)* Косинус ва қўнғироқлар... *(Варақча ёзиб қўяди.)* Косинус ва қўнғироқлар... яъни косинус... *(Ҳомуза тортади.)* Жиринглайди, хириллайди... ана сенга мусиқабоз уйбошқарувчи.

У ўтирган жойида, бошини ускунага қўйганча ухлаб қолади. Ускуна лампаларидаги ёруғлик ўзгаради. Кейин чироқ ўчиб, Тимофеевнинг хонасига зулмат чўқади. Олислардан келаётган оҳангдор товушлар эшитилиб туради. Олдиндаги даҳлиз ёришади. Даҳлизда Зинаида Михайловна пайдо бўлади.

ЗИНАИДА *(оҳангдор товушни тинглаб)*. Уйда экан. Шу ускуна касрига ақлдан озмасайди, деб кўрқаман. Вой, бечора!.. Устига-устак, бу томонда уни яна бир зарба кутяпти... Мен уч марта эрдан ажралдим. Ҳа, нима, уч марта-да. Зюзинни ҳисобга олмаганда... Олдинги ажралишларимда бунчалик хаяжон босмаганди. Сезиб турибман, ҳозир бир бало бўлади! Катта можаро бўлмасайди! Бунақа жанжаллар одамни эзворади-да... *(Юзига уна суртиб олгач)* Қани, олға! Шартта узил-кесил ҳал қилақолай! *(Эшикни тақиллатиб)* Кока, эшикни оч!

ТИМОФЕЕВ *(қоронғилик ичидан)*. Э, жин урсин!.. Ким у яна?!

ЗИНАИДА. Бу менман, Кока.

Тимофеевнинг хонаси ёришади. Тимофеев эшикни очади. Зинаида киради. Бояги катта радиоприёмник ўрнида энди гаройиб ва улкан ускуна – вақт машинаси туради.

ЗИНАИДА. Кока, ухлаб олмадингми? Кока, бу ускунанг бошингга етди. Бу ишинг ярамайди. Кечир, Кока, танишларим таъкидлашдики, ўтмиш билан келажакни кўриш мумкин эмас эмиш. Қисқаси, бу бе-маъни ғоя, Кокажон. Утопия!..

ТИМОФЕЕВ. Танишларингнинг, Зиночка, бундай масалаларга фаҳми етмайди. Бунинг учун мутахассис бўлиш керак.

ЗИНАИДА. Кечирасан-у, Кока, улар орасида валломат мутахассислар ҳам бор.

ТИМОФЕЕВ. Мени тушун, шу, қаеридадир кичкина хато бор, кичкинагина! Мен уни сезяпман, ҳис қилиб турибман, у мана шу ерда, қаердадир... изғиб юрибди! Мен уни албатта тутаман.

ЗИНАИДА (*кинояли, ўзича*). Э, йўк, бу авлиё.

Тимофеев унга парво қилмай, яна ускунаси ёнида ҳисоб-китобга киришади.

ЗИНАИДА. Халал берганим учун узр, сенга бир дахшатли хабарни айтишим керак... (*Қийналиб*) Аммо айтишга ботина олмаяпман... Бугун қахвахонада қўлқопимни ўмариб кетишди. Ажойиб ҳангома! Мен қўлқопимни столга қўйгандим, кейин... мен бошқа бировни севиб қолдим, Кока... Йўк, айтолмайман... Гумоним, қўшни столдагилардан... Сен мени тушуняпсанми?

ТИМОФЕЕВ. Йўк... қанақа стол?

ЗИНАИДА. Ох, худойим, бу ускунага ўралашиб, бутунлай бефаҳм бўлиб қолдингми?!

ТИМОФЕЕВ. Хўп, қўлқоплар... нима бўлди қўлқопга?

ЗИНАИДА. Э, гап қўлқопдамас, мен бошқасини севиб қолдим! Уф, ана айтиб юбордим!..

Тимофеев қайғуга ботиб, Зинаидага хира кўзларини тикади.

ЗИНАИДА. Фақат рад қилма... томоша ҳам кўрсатма. Нимага энди одамлар албатта жанжал-сурон билан ажралишлари керак? Фикримга қўшил, Кока, шу нарса шарт эмас. Буниси ҳақиқий муҳаббат туйғуси, аввалги туйғуларим хато экан... У ким деб сўрамоқчимисан? Ва албатта, сен уни Молчановский деб ўйлаяпсан-а? Йўк, тайёр тур, бўлмаса, йиқиласан. У кинорежиссёр, жуда истеъдодли зот... Кел, топишмоқ айтишни қўяйлик. У – Якин!

ТИМОФЕЕВ. Хўш...

Сукунат.

ЗИНАИДА. Бу ёғи ғалати бўлди-ю! Бунақаси ҳаётимда биринчи бор рўй бериши! Унга “хотининг сенга хиёнат қилди”, деб айтишяпти, балки шунинг учун сенга хиёнат қилгандирман, бу бўлса “хўш”, деб турибди. Бу қандай беҳурматлик!

ТИМОФЕЕВ. У... ҳалиги... ким эди... малласоч, новчамиди?

ЗИНАИДА (*асабий*). Йўк, бу умуман юзсизлик! Хотинигаям шунчалик бепарво бўладими одам! Малласоч, бу – Молчановский, шуни эслаб қол! Якин эса, у жуда истеъдодли шахс! (*Сукунат*) Қаерда яшайсизлар дейсанми? Тасвирга олишга жой танлаш учун, соат бешда у билан Гаграга жўнаб кетаман. Қайтиб келганимиздан кейин бизга янги уйдан квартира беришлари керак, агар у алдамаётган бўлса...

ТИМОФЕЕВ (*сўник*). Алдаётган бўлса керак.

ЗИНАИДА. Рашк туфайли бировни ҳақоратлаш нодонлик. У ҳар бир дақиқада алдамаса керак. (*Сукунат.*) Мен уйқусиз тунларимда ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келдим. Иккаламиз бир-биримизга тўғри келмас эканмиз. Мен борлигим билан кинода, санъат ичидаман. Сен бўлсанг мана бу ускунага боғланиб қолгансан. Дарвоқе, бу хотиржамлигинг мени хайрон қолдирапти. Ҳаттоки, жанжал кўтариб томоша кўрсатгим келяпти! Ҳим, нимаям дердим... (*Парда ортига ўтиб, жомадонини*

олиб чиқади.) Дилиннга озор бермаслик учун нарсаларимни тайёрлаб қўйгандим. Илтимос, менга йўлкира бериб тур, сенга Кавказдан жўнатиб юбораман.

ТИМОФЕЕВ (*пул олиб санаб*). Мана, бир юз қирк... бир юз эллик уч рубль... менда бошқа пул йўқ.

ЗИНАИДА. Пиджагинг чўнтагини қараб кўр-чи.

Тимофеев пиджагини олиб, чўнтагини кавлаб кўради.

ТИМОФЕЕВ. Пиджагимда пул йўқ экан.

ЗИНАИДА. Майли, кел, мени ўпиб қўй. Алвидо, Кока. Ҳар ҳолда қандайдир алам қияпти... Ахир икковимиз бус-бутун ўн бир ой бирга яшадик! Хайрон қоляпман, мутлақо хайрон қоляпман!

Тимофеев Зинаидани ўпиб қўяди.

Сен ҳозирча мени уй рўйхатидан ўчиртирмай тур, ким билади яна нима бўлади. Қолаверса, сен бундай аблаҳлик қилмайсан.

Зинаида даҳлизга чиқиб, эшикни сиртдан ёнади. Тимофеев унинг ортидан сўник нигоҳини тиқиб қолади.

ТИМОФЕЕВ. Танҳо қолдим... Мен қанақа турмуш қурдим, ўзи? Кимга уйландим? Нимага уйландим? Бу қандай хотин бўлди энди? (*Ускуна ёнига келиб*) Танҳо қолдим... Аммо мен уни айбламайман. Чиндан ҳам мендек одам билан яшаб бўладими? Э, ёлғиз қолган бўлсам нима бўпти! Мана, энди менга ҳеч ким халал беролмайди... (*Ҳисоблаб*) Ўн беш... Ўн олти...

Яна ўша оҳангдор товуш. Даҳлиздаги эшик қўнғироғи жиринглайди. Қўнғироқ узлуксиз жиринглашга ўтади.

Бу шароитда қандай ишлаш мумкин!..

Тимофеев даҳлизга чиқиб ташқи эшикни очади. Ульяна Андреевна киради.

УЛЬЯНА. Саломатмисиз, ўртоқ Тимофеев? Иван Васильевич сизни кига кирмадими?

ТИМОФЕЕВ. Йўқ.

УЛЬЯНА. Зинаида Михайловнага етказиб қўйсангиз, Марья Степановна айтдики, Анна Ивановнага маникюрчи хотин хориж матосини таклиф қилибди. Агар Зинаида...

ТИМОФЕЕВ. Зинаида Михайловнага етказиб қўёлмайман, чунки у жўнаб кетди.

УЛЬЯНА. Қаерга жўнаб кетди?

ТИМОФЕЕВ. Ўйнаши билан Кавказга кетди. Кейин улар янги уйда яшайдиган бўлишди, агар ўйнаши алдамаган бўлса, албатта.

УЛЬЯНА (*хайрон*). Қанақа ўйнаши билан?! Ана, холос! Шу гапларни бемалол гапиряпсиз-а, ғалати одам экансиз!

ТИМОФЕЕВ. Ульяна Андреевна, менга халал беряпсиз.

УЛЬЯНА. Вой, кечирасиз! Ғалати феълингиз бор-а, ўртоқ Тимофеев! Зинаида Михайловнанинг ўрнида бўлганимда мен ҳам кетиб юборган бўлардим.

ТИМОФЕЕВ. Сиз унинг ўрнида бўлганингизда мен ўзимни осардим!

У эшикни ёпмоқчи бўлади.

УЛЬЯНА (*аччиқланиб*). Хонимнинг юзига эшикни ёпманг! Қўпол, тўнка!

Ульяна чиқади. Тимофеев эшикни ёпиб, ўз ўрнига келиб ўтиради.

ТИМОФЕЕВ. Э, алвасти!

Тимофеев ускунадаги тугмачани босади. Унинг хонасига зулмат

чўкиб, зойиб бўлади. Ташиқи эшик аста-секин очилиб, остонада Милославский пайдо бўлади. У артистлардек соқолини қиртишлаб, кўримсиз кийинган ва қўлига қора қўлқоп кийиб олган. Даҳлизга кириб, Тимофеевнинг эшигига қулоқ тутади.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Аҳли олам хизматга кетган, бу эса уйда. Патефон тузатяпти. *(Шпакнинг эшигига келиб, ундаги ёзувни ўқийди.)* “Шпак Антон Семёнович”. Нимаям дердик, Шпакнинг уйига кира қоламиз... Қандай кулгили қулф. Анчадан бери бунақасига дуч келмагандим. Э, йўк, “Қассоблар” кўчасидаги беванинг қулфи шунақа эди. Бунин олтинчи рақам билан очса бўлади. *(Чўнтагидан очқич олади.)* У ҳозир идорасида ўтириб: “Эҳ, эшигимга зўр қулф осганман-да”, деб ўйлаётган бўлса керак! Аслида бу қулфлар, уйда хўжайин йўқлигини билдиришга хизмат қилади, холос! *(Эшикни очиб, хонага киради, сўнг эшикни шундай ёпадики, қулф ўз ўрнида осилганча қолади.)* О, бу қандай гўзал ҳолат! *(Хонани томоша қилиб)* Мени омад етаклаб кирибди-ю. Ҳатто алоҳида телефониям бор экан. Бекиёс қулайлик! Тартиблилигини кўринг, ишхонасидаги телефон рақаминиям ёзиб кўйибди. Овора бўлиб ёзганига яраша кўнғироқ қилиб кўяй, яна тушунмовчилик бўлиб юрмасин. *(Телефонда рақам териб, гўшакка аёл киши овозида сўзлайди.)* Шаҳарлараро тармоқ. Мерси. Кўшимча беш юз бир. Мерси. Ўртоқ Шпакни. Мерси. Ўртоқ Шпак? Бонжур. Ўртоқ Шпак, бугун кечгача ишхонада бўласизми?.. Сиз билан бир артистка гаплашяпти. Йўк, сиз билан таниш эмасман, лекин жудаям сиз билан танишгим келяпти. Ҳа, сиз соат тўртгача ишда бўласизми? Кейинроқ сизга яна кўнғироқ қиларман, мен жуда ғайратлиман... Йўк, малласочман. Контральто. Хўп, ҳозирча хайр. *(Гўшакни қўяди.)* Ўлардек хайрон бўлди-да. Хўш, бошладик бўлмаса... *(Шкаф эшигини бузиб, костюмни олади.)* Жунли мато!.. О!.. *(Эгнидаги уринган кийимларни ечиб, газетага ўрайди. Кейин Шпакнинг костюмини кийиб олади.)* Худди ўзимга тикилгандек... *(Ёзув столи эшикларини бузиб, соат, занжир ва портсигарни олиб, чўнтагига солади.)* Уч йил Москвада бўлмадим, булар эса роса мол-бисот тўплашибди! Кўнглим яйраб ишляяпман. Ажойиб патефон... Шляпа ҳам ёмонмас... ўзимнинг ўлчамим. Қандай ёқимли кун-а!.. Уф, чарчаб кетдим! *(Буфет эшигини бузиб, ичидан ароқ билан газак олиб ичади.)* Ароғини нима солиб тайёрлади экан? Ажойиб нафис ароқ!.. Йўк, бунга тархун солинмаган... *(Хонага назар ташлаб)* Унинг хонаси анчагина шинам экан... О, мутолаа қилишни севарканлар-да... *(Китобни олиб, ўқийди.)*

*Онажон Москванинг остонасида
Ёвқур дўстлари ила қилар тантана,
Иван Васильевич Грозний бетин,
Столларда ярақлар қадаҳлар олтин.
Ортида ўтиради тортган ҳолда саф,
Маст-аласт жангари аёнлар қувнаб.*

Шону шавкатли шеър! Гўзал шеър!..

*Амалдору аёнларим омон бўлсинлар!
Черт торингни қаттиқроқ, маддоҳ булбуллар!*

Бу шеър менга ёқди. *(Телефонга)* Шаҳарлараро тармоқ бўлими. Мерси. Қўшимча беш юз бир... Мерси. Ўртоқ Шпакни. Мерси. Ўртоқ Шпак? Бу яна мен... Айтинг-чи, сиз ароғингизни нима кўшиб тайёрлайсиз?.. Менинг фамилиям сирлигича қолсин... Катта театрда ишлайман. Сизни бирам ажойиб сюрприз кутяптики!..

*Ёвқур дўстлари ила қилар тантана,
Иван Васильевич Грозний бетин...*

(Гўшакни қўйиб) Жудаям ҳайрон бўляпти-да. *(Ароқ ичиб)* Столларда ярақлар қадаҳлар олтин!

Шпакнинг хонасига зулмат чўқади. Тимофеевнинг хонаси эса ёришади. Энди гаройиб ускуна тез-тез оҳангдор товуш таратишга ўтган. Ора-чора ускуна чироқларидаги ёруғлик алмашилиб туради.

ТИМОФЕЕВ. Нурланяпти. Нурланяпти! Мана бу бошқа гап...

Даҳлизнинг таиқи эшиги очилиб, Бунша киради. Энг аввал даҳлиздаги радиокарнайга эътибор беради.

БУНША. Бу уйга маданият олиб кираман деб, бекиёс куч сарфлаб, уйни радиолаштирдим. Булар эса қайсарлик қилиб, радиодан фойланишмайди. *(Радиони электрга улайди, лекин ускуна жим.)* Антракт. *(Тимофеевнинг эшигини тақиллатади.)*

ТИМОФЕЕВ. Э, ким у? Кираверинг... ер ютсин сизларни!

Бунша киради.

ТИМОФЕЕВ. Оббо... шу етмай турганди!..

БУНША. Бу менман, Николай Иванович.

ТИМОФЕЕВ. Кўриб турибман, Иван Васильевич. Ҳайронман сизга, Иван Васильевич! Қариган чоғингизда уйингизда неvara боқиб ўтирсангиз бўларди. Сиз эса, мана бу яғири чикқан дафтарингизни кўтариб, хонама-хона изғийсиз... Узр, Иван Васильевич, мен бандман.

БУНША. Бу китоб уй китоби, набираларим эса йўқ. Агар мен хонама-хона юрмасам, даҳшат юз беради.

ТИМОФЕЕВ. Давлат ағдарилиб кетадими?

БУНША. Ҳа, агар квартира ҳақини тўлашмаса, ағдарилади. Бу уйдагилар “ҳақ тўламасак ҳам бўлаверади”, деб ўйлашади. Лекин бундай қилиш ярамайди. Умуман олганда, бизнинг уй жуда ғалати. Ҳовлида юрганымда юрагим шувиллайди. Ҳаммалари деразаларини очиб, дераза рахига ётиб олиб, қаёқдаги гапларни гаплашадилар, такрорлашга тилим бормади.

ТИМОФЕЕВ. Худо ҳақи, ҳеч балони тушунмаяпман. Сиз даволанишингиз керак, князь.

БУНША *(чўчиб)*. Николай Иванович, сиз мени князь деб атаманг. Мен ҳужжатли равишда князь эмаслигимни исботлаганман. Князь отам туғилишимдан бир йил олдин чет элга жўнаб кетган экан. Шундан келиб чиқадики, мен аравакаш Пантелейнинг ўғлиман. Мен Пантелейга ўхшаб туғилганман.

ТИМОФЕЕВ. Ха аравакашнинг ўғли бўлсангиз, мени яхши тушуна-сиз. Менда пул йўқ, Иван Пантелеевич.

БУНША. Йўқ, сиз мени ҳужжат бўйича – Иван Васильевич деб чакираверинг.

ТИМОФЕЕВ. Яхши, яхши.

БУНША. Ўтинаман сиздан, квартира ҳақини тўлаб қўйинг.

ТИМОФЕЕВ. Айтдим-ку сизга, ҳозир пулим йўқ... Мени хотиним ташлаб кетди. Устига-устига, сиз ҳам эзясиз.

БУНША (*шошиб*). Кечирасиз! Нимага мени бундан огоҳ қилмадингиз?

ТИМОФЕЕВ. Ия, сизнинг ишингиз нима?

БУНША. Ишим шундаки, хотинингизни дарҳол рўйхатдан чиқаришим керак.

ТИМОФЕЕВ. У рўйхатдан чиқармаслигимни сўради.

БУНША. Барибир бу воқеани китобимга қайд этиб қўйишим керак. (*Китобига ёзиб қўяди.*) Ўтириб олақолай.

Бунша стулга ўтиради.

ТИМОФЕЕВ. Ўтиришингизга хожат йўқ. Мени иш вақтимда безовта қилмаслик керак! Қандай тушунтирай сизга?

БУНША. Йўқ, сиз менга тушунтириб беринг. Мен илғор одамман. Кеча уйбошқарувчилар ваъзхонлигида катнашдим. Бундан жуда катта наф олдим. Деярли, ҳаммасини тушундим. Стратосфера ҳақида. Ҳаётимиз умуман қизиқарли ҳамда фойдали экан. Лекин буни бизнинг уйдагилар тушунишмайди.

ТИМОФЕЕВ. Сиз гапирсангиз, Иван Васильевич, менга алаҳлаётгандек туюласиз.

БУНША. Бизнинг уй умуман жуда ғалати. Шпак доим қизил ёғоч мебель сотиб олади. Лекин квартира ҳақини тўлашга қайишади. Сиз эса ғайритабиий машина ясадингиз.

ТИМОФЕЕВ (*асабий*). Мана сенга азоб, Худо ҳақи!

БУНША. Ўтинаман сиздан, Николай Иванович, машинангиз ҳақида юқорига хабар қилинг. Уни рўйхатдан ўтказиш керак. Ёндаги уйда хонимлар миш-миш қилишяпти. Сиз уйни қулатиб юбориши мумкин бўлган ускуна қураётган эмишсиз. Бунинг оқибатини тушунасизми? Ўзингиз ҳам ҳалок бўласиз, сизга қўшилиб биз ҳам...

ТИМОФЕЕВ. Бу бемаъни гапни қайси ифлос айтди?

БУНША. Кечириб қўйсинлар, менинг хотиним Ульяна Андреевна айтдилар.

ТИМОФЕЕВ. Айбдорман, узр. Нима учун бу хонимлар бемаза гапларни чайнашади? Биламан, ҳаммасига сиз айбдорсиз. Сиз – кексарган хира, доим турланиб юрасиз, зимдан кузатасиз, ғийбатчилик қиласиз, энг муҳими – ёлғон гапирасиз!

Бунша ўрнидан туриб, асабий равишда ташқарига юзланади.

БУНША. Бундоқ ашаддий ҳақоратлардан сўнг уйингиздан чиқаманда, тўғри милицияга бораман! Мен уйбошқарувчи вазифасини эгаллаб турган масъулиятли шахсман, назорат қилишга мажбурман!

ТИМОФЕЕВ. Тўхтанг!.. Мени кечиринг, қизишиб кетдим. (*Уни ортига қайтариб келиб*) Хўп яхши, бу ёққа келинг. Мен фақат вақт фазоси оралигидан ўтиш устида тажриба ўтказяпман. (*Ўйланиб*) Бироқ вақт нималигини сизга қандай тушунтирсам экан?.. Балки, биларсиз, тўрт ўлчамли фазо, ҳаракат... Хуллас, умуман... бир сўз билан айтганда, шуни тушуниб олинг. Бу нарса портлаб кетмайди. Мамлакатга эса кўз кўриб, кулоқ эшитмаган фойда келтиради.

БУНША. Фазодан ўтиш, дедингизми? Бундай тажрибалар милиция руҳсати билан қилинади. Мен уйбошқарувчи сифатида, ўзимга ишониб топширилган уйда бундай тажриба ўтказилишидан ташвишдаман. Мана, сирли машина ҳозир калитланган ҳолда турибди...

ТИМОФЕЕВ (*шоша-пиша*). Нима?! Калит?! (*Машинага қараб, қувониб*) Иван Васильевич, раҳмат! Раҳмат! Сиз даҳосиз! Калит!.. Эҳ, мен париншонхотир каллаварам! Кулфлоғлиқ механизмда ишлайверибман-ку! Тўхтанг! Қараб тулинг! Кўлинг, ҳозир нималар бўлади! Яқинроқ масофада синаб кўрамиз... кичик бурчак... (*Калитни бураб, тугмачани босади.*) Қаранг, биз ҳозир вақт фазосидан ўтмишга ўтамыз...

Яна тугмани босади. Жаранглаган садо. Зулмат. Кейин атроф ёришади. Хоналар орасидаги девор ғойиб бўлган. Шпакнинг хонасида китоб ўқиб ўтирган Милославский, бепарво ароқ ичади.

ТИМОФЕЕВ (*ҳаяжонда*). Кўрдингизми?

МИЛОСЛАВСКИЙ (*қараб*). Ух, жин ургур!.. Бу қанақаси?!

БУНША. Николай Иванович, девор қаёққа ғойиб бўлди?!

ТИМОФЕЕВ. Ғалаба! Ғалаба! Мен ҳозир ўзимда эмасман! Мана ўша кашфиёт! Мана!

Буниша ҳайрон бўлиб, Милославскийга бақраяди.

БУНША. Бу нотаниш фуқаро Шпакнинг хонасида нима қиляпти?!

МИЛОСЛАВСКИЙ. Узр сўрайман, нима гап ўзи? Нима бўлди? (*Пателефон ва газетага ўралган эски кийимларини кўтариб, Тимофеевнинг хонасига ўтиб келади*). Ҳозир бу ерда девор бор эди!

БУНША. Николай Иванович, девор учун қонунан жавоб берасиз! Кўрдик қандай машина ясаганингизни! Квартиранинг ярми йўқолиб қолди-ку!

ТИМОФЕЕВ. Э, жин урсин сизниям, деворингизниям! Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ!..

Тимофеев тугмачани босади. Зулмат. Ёруғлиқ. Девор ўз ўрнида пайдо бўлиб, Шпакнинг хонаси яна тўсилиб қолади. Омма ҳайратда.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Дунё мўъжизаларини кўрганман, лекин бунақасини – ҳеч қачон!..

ТИМОФЕЕВ (*сархуш*). Эй, худо, бошим айланиб кетяпти!.. Топдим, топдим! О, инсоният, нималар кутмоқда сени!..

БУНША (*Милославскийга*). Афв этсинлар-у, ўзлари ким бўладилар?

МИЛОСЛАВСКИЙ. Менинг кимлигимни сўраяпсизми? Мен дўстим Шпакнинг келишини кутиб ўтирибман.

БУНША. Эшик ортидан кулфлоғлиқ, қандай қилиб кутасиз?

МИЛОСЛАВСКИЙ. Нима дедингиз? Кулф? Э, ҳа... У “Хабарлар” газетаси сотиб олгани дўконга кетди. Мени эса... ҳалиги... устимдан кулфлаб қўйди...

ТИМОФЕЕВ. Э, қўйинг, шайтон олсин сизни!.. Бу қанақа бачкана саволлар! (*Милославскийга*) Тушуняпсизми, мен замонни ёриб ўтдим! Ниҳоят, ўз ниятимга етдим!..

МИЛОСЛАВСКИЙ. Айтинг-чи, ҳалиги... эҳтимол... ҳар қандай деворни йўқ қилса бўлар? (*Кўлини сиқиб*) Сизнинг кашфиётингизга баҳо йўқ, фуқаро! Табриклайман сизни! (*Бунишага*) Нимага менга бунақа қараяпсиз, отагинам? Устимда нақшлар йўқ, гуллар ҳам ўсмайди!

БУНША. Мени бир шубҳа қийнапти. Устингиздаги костюм Шпакники билан бир хил экан-а?

МИЛОСЛАВСКИЙ. Нималар деяпсиз? Костюм? Бутун Москва бўйича йўллик костюм битта Шпакда бор эканми? Биз у билан ўртоқмиз, шунинг учун доим битта магазиндан мато сотиб оламиз. Жавобим сизни қониқтирдими?

БУНША. Шляпа ҳамми?

МИЛОСЛАВСКИЙ. Ҳа, шляпа ҳам!

БУНША. Исми-шарифлари нима?

МИЛОСЛАВСКИЙ. Мен катта ва кичик давлат театрлари артисти-ман. Исми-шарифимни билиб нима қиласиз? Сизга уни айтардим-у, лекин у жуда машҳур-да.

БУНША. Олтин занжир ҳам Шпакникига ўхшаркан?..

МИЛОСЛАВСКИЙ. Э, қанақа хирасиз!.. Шляпа, занжир... жонга тегдингиз!.. (*Оҳангга солиб*) Ёвқур дўстлари ила қилар тантана, Иван Васильевич Грозний бетин...

ТИМОФЕЕВ (*Буншага*). Бўлди қилинг. Чиндан ҳам, тинч қўйинг бу фуқарони. (*Милославскийга*) Эҳтимол, Шпакнинг хонасига қайтишни хоҳларсиз? Мен сизга деворни очиб бераман.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Ҳечам кераги йўқ! Мен ундан хафаман. Хафа бўламан-да. “Газета обкеламан”, деб зим бўлиб кетди-я. Балки у яна икки соат юрар. Яхшиси, мана бу тажрибани томоша қиламан, у менга жудаям ёқди.

ТИМОФЕЕВ (*унинг қўлини сиқиб*). Хурсандман, жуда хурсандман! Сиз биринчи бўлиб кўрдингиз... Сиз, айтиш мумкинки, биринчи гувоҳсиз.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Менга гувоҳ бўлиш ҳеч қачон насиб қилмаган эди! Жуда, жуда ҳам мамнунман!.. (*Буншага қараб*) Бунинг қарашини кўринг! Кўзингиз билан тешиб юборяпсиз-ку, отам!

ТИМОФЕЕВ. Бу бизнинг уйбошқарувчимиз.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Ҳа, мана энди тушунарли... Шляпа, занжирча... эҳ, қанчалар жирканч мансаб! Бундай зотлардан не жафолар чекканимни билсангиз эди, фуқаро олим.

ТИМОФЕЕВ. Унга эътибор қилманг.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Бу гапингиз ҳам тўғри.

ТИМОФЕЕВ. Тушунаяпсизми, фуқаро артист...

МИЛОСЛАВСКИЙ. Нимага тушунмай? Жуда тушунаяпман-да! Айтинг-чи, дўконнинг девориниям кўтарворса бўладими? Эҳ, қандай қизиқарли тажриба!

БУНША. Сиз Шпакникига патефон билан келганмидингиз?

МИЛОСЛАВСКИЙ. У мени адо қилади, шекилли! Бу қанақаси, а?

ТИМОФЕЕВ (*Буншага*). Сиз тирғалишни бас қиласизми ё йўқми? (*Милославскийга*) Тушунсангиз, гап деворда эмас. Бу фақатгина биринчи ҳаракат, холос. Гап шундаки, мен мана шу ҳамма деворлардан ўтиб, вақт ичига кириб бораман. Тушунаяпсизми, икки юз, уч юз йил олдинга ёки орқага бора оламан! Уч юз йил нима бўпти! Йўқ, бундай кашфиётдан бутун дунё беҳабар! Мен қаттиқ ҳаяжондаман!.. Лекин... (*Ўкиниб*) Бугун мени хотиним ташлаб кетди, тушунаяпсизми... Эҳ!..

МИЛОСЛАВСКИЙ. Ғам чекманг, фуқаро профессор, сизга ҳар қанақа хотин жон деб тегади! Тупуринг унга, ташлаб кетган бўлса!

БУНША. Мен уни уй рўйхатидан ўчириб қўйдим.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Сизга ҳам тфу!... Ёвқур дўстлари ила қилар тантана, Иван Васильевич Грозний бетин... Эҳ, қандай кашфиёт!.. (*Бориб деворни тақиллатиб кўради.*) Кўтардинг – кирдинг, чиқдинг – яна ёпдинг! Вой, худойим-а!

ТИМОФЕЕВ. Қўлим қалтираяпти, етар ортик чидолмайман. Агар истасанглар, ўтмишга кириб борамиз, қадимий Москвани томоша қиламиз. Наҳотки, сизларда кўрқув ё ҳаяжон сезилмаётган бўлса?!

БУНША. Николай Иванович! Ўйлаброк бундай тажриба ўтказинг!
МИЛОСЛАВСКИЙ. Агар сен яна бир марта фукаро академик тажрибасига халал берсанг, мен сени!.. Бу қандай жазо бўлди-я! (*Тимофеевга*) Бошлайверинг!

Тимофеев ускуна тугмачасини босади. Бонг. Зулмат. Қўққисдан Иван Грознийнинг саройи намоён бўлади. Шоҳона кийинган Иван қўлида асо билан тахтда қўр тўкиб ўтирибди. Котиб эса хонтахтага эгилган ҳолда ёзмоқда. Иван елкасига кенг почапўстин илиб олган. Қадимий черков ашуласи ва майин қўнгироқ садолари янграпти.

ИВАН (*айтиб туради*). ...Ва унинг раҳбарига...

КОТИБ (*ёзади*). ...Ва унинг раҳбарига...

ИВАН. Жаннатмакон, қутб ул-замон, авлиё ота Козьмага..

КОТИБ. ...Козьмага...

ИВАН. Жумла Руснинг шоҳи, буюк князь Иван Васильевич...

КОТИБ. ...Иван Васильевич...

ИВАН. Бош уриб сажда қилади!

ТИМОФЕЕВ. Вой худо! Қаранглар! Ахир, бу Иван!..

МИЛОСЛАВСКИЙ. Ана томоша!..

Иван ва Котиб уларнинг овозини эшитиб, бурилиб қарайдилар. Котиб овозининг борича додлаб, югурганча саройдан чиқиб кетади. Иван эса сакраб ўрнидан туриб, чўқина бошлайди.

ИВАН. Даф бўл! Йўқол! Мен осийнинг холига вой!.. Мен разил золимнинг, мен муртаднинг шўри қуриди-ё!.. Даф бў-ў-ўл!

У васвасага тушиб, чиқиши йўлини тополмай қолади ва Тимофеевнинг хонасига ўзини уради. Тўрт томонга чўқиниб, ҳовлиққанча югуриб даҳлизга ўтади. Ундан сўнг ташиқи эшикдан чиқиб зойиб бўлади.

ТИМОФЕЕВ. Бу Иван Грозний! (*Иваннинг ортидан қичқириб*) Қаёққа кетяпсиз?! Тўхтанг!.. Э, Худо! Уни кўриб қолишлари мумкин!.. Ушланглар уни!

У Иваннинг ортидан югуриб чиқади. Бунша эса телефонга ташланади.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Қаёққа телефон қилмоқчисан?

БУНША. Милицияга!

МИЛОСЛАВСКИЙ. Гўшакни қўй, бўлмаса, қўлингни синдираман! Милициясиз бир сония яшолмайди!

Саройга Опричник чотиб киради.

ОПРИЧНИК. Қани ўша иблислар?! Тут уларни! Ур уларни! (*Буншага*) Ҳой, шоҳ қани?!

БУНША. Билмадим!.. (*Қўрқиб*) Қорову-у-ул!..

МИЛОСЛАВСКИЙ. Машинани қулфла! Машинани!

ОПРИЧНИК (*чўқиниб*). Вой, иблислар!

У ойболтали найзасини ерга ташлаб, югуриб чиқади.

МИЛОСЛАВСКИЙ. Қулфла уни! Калитни бура, калитни! Ана машина-ю мана машина!

Бунша ускунадаги тугмачани босиб, калитни сугуриб олади. Шу заҳоти бонг чалинади. Дераза пардалари кўтарилиб, столдаги қогозларни шамол учиради. Номаълум куч Буншани қадимий саройга тортиб кетади. Бунша кўзойнагини тушириб юборади.

БУНША (*бақириб*). Қутқарингла-ар! Мени қаёққа тортиб кетяпти-и-и?!

МИЛОСЛАВСКИЙ (*бақириб*). Калитни қайси томонга бурагандинг, шайтон?!

Номаълум куч уни ҳам тортиб кетади. Зулмат чўкади. Ёруғлик. Девор яна ўз ўрнида. Хонада Милославский ҳам, Бунша ҳам йўқ. Патефон, газетага ўралган эски кийимлар ва кўзойнак қолган. Тимофеев югуриб киради.

ТИМОФЕЕВ. У чордоққа камалиб олди. Олиб тушишга ёрдам беринглар!.. Э, худойим, улар қайга ғойиб бўлишди? (*Шоша-пиша ускунага яқинлашади*). Йўналиш милини тескари томонга айлантиришибди! Машина уларни ўтмишга тортиб кетибди! Энди нима бўлади?.. (*Чақириб*) Бунша! Бунша! Иван Васильевич!

Узоқдан Иваннинг жавобан қичқирган овози эшитилади.

Буниси чордоқдан қичқириб ётибди! Лекин калит-чи? Калит қаерда?.. Э, худо! Улар калитни суғуриб олишибди! Энди нима қилсам экан!.. Нима қилдим, а?.. (*Теварак-атрофни текшириб*) Калит ҳеч қаерда йўқ... (*Қичқириб*) Калитни нимага оласиз, Иван Васильевич! Нимага уни суғуриб олдинглар?! Э, қичқиршдан фойда йўқ. Улар калитни ўзлари билан олиб кетишибди. Бунисини эса хонага қайтариб келиш керак. (*Шошиб чиқади.*)

Танаффус

Ташиқи эшик очилиб, даҳлизга Шпак киради.

ШПАК. Катта театрда ишлайдиган малласоч телефон қилгандан бери юрагим нотинч бўлиб, иш тугагунча ишхонамда ўтиролмадим. (*Эшигидаги қулфга қўл теккизиб, сапчиб тушади.*) Вой! Авлиё оталарим!

Шпакнинг хонаси ёришади. У ичкарига кирибоқ, ёзув столига югуриб боради. Аҳволни кўриб шошиб қолади.

ШПАК (*йиглагудек*). О, авлиё оталар! (*Валангор шкаф томон югуриб*) Вой, авлиё оталар! (*Телефонга*) Милиция!!! Милиция?! Ҳаммом жинкўчаси, ўнинчи уйда улкан ўғирлик, ўртоқ!.. Кимни ўмаришди дейсизми? Мени-да, албатта! Шпак! Шпак менинг исм-шарифим! Малласоч аёл ўғирлаб кетди!

Радиодан куй тарала бошлайди.

Ўртоқ бошлик... бу мусиқа радиода! Пальто билан костюмлар!.. Нимага жаҳлингиз чиқяпти? Эшитяпсизми? Ҳозир ўзим олдингизга бораман! Вой, авлиё оталарим! Вой, авлиё оталарим-а!

Шпак ув тортиб йиглаганча югуриб чиқиб зойиб бўлади. Радиодаги куй баралла янграй бошлайди.

ПАРДА

(*Охири келгуси сонда*)

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ – ИСТИҚБОЛ УҒҚЛАРИ

Ҳар қанча айлантириб қараганда ҳам, айтайлик, аниқ фанлар – физика, математика, кимё, астрономия, геодезия соҳаларидаги муваффақиятлар она тили билими ва муҳаббатидан, тилларни чуқур билишдан бошланади. Восил Қобулов, Ҳабиб Абдуллаев, Тўрабек Долимов сингари улуғ олимларнинг умр бўйи тилларни билишга, адабиёт муҳиблари бўлишга, улардан ўз илмий фаолиятларида илҳомланиш, уларга Антей ерга суянгандай суянишга интиланликлари бежиз эмас. Тил ва адабиётни билиш улар назарида зиёиликнинг биринчи кўрсаткичларидан ҳисобланган. Тил билиш, тилга таяниш интегрални билишдан олдинроқда туради ва бу ҳеч кимга сир эмас. Интеграл ва коинот сирлари томон тил орқали борилади, йўлларни тиллар кўрсатади.

Фалсафани фанларнинг онаси деб таърифлаш кўҳна замонлардан қолган, фалсафани фанлар, илмлар онаси деб қарашга одатланганмиз.

Ибтидода СЎЗ бўлган дейишади.

СЎЗ эса тил ва фаолиятнинг фарзанди. У тилнинг қуроли. Миллион, миллиард тарзда ранг-баранг фикрлашнинг воситаси. Фикрлаш оқимларимиз қанчалар океан даражасида бўлмасин, сўзга тобе, сўзга бўйсунди.

Сўз ҳамма нарсага аниқлик киритади. Шакллантиради, ўй-хаёлларни тартибга солади ва муайянлик бағишлайди.

Шу маънода филологияни фалсафа қаторида фанларнинг онаси деб айта оламиз. Нима қилибди, фанларнинг иккита қобил ва чексиз доно онаси бор бўлса? Бу билан тўғри ва азал ҳақиқатни таъкидлаган бўламиз, холос.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 13 майда эълон қилинган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳар биримизнинг жон томиримиз бўлган миллий ғояни юзага чиқаришда бугунги кунлар учунгина эмас, узоқ келажак замонларда ҳам тинимсиз маърифий-маънавий, илмий-амалий самаралар бериб боришига мўлжаллангандир.

Дунё миқёсида глобаллашув мислсиз шиддат билан ҳар бир сонияда ҳаракатининг кучини намоён қилиб бораётган (ҳатто қочқинлик ҳам унинг тазйиқи остида глобаллашув тусини олди ва қитъаларни ўз муаммоларига ғарқ қилиб юбориш дағдағасини инсоният бошига солмоқда) ноёб бир даврда Ўзбекистонда филология – она тили (ва умуман, тиллар), адабиёт, таржимага давлат миқёсида бу қадар катта ва жиддий диққат-эътибор қаратилиши – озодликка чиққан мамлакатимиз бугунги кунини ва келажagini – ўзига хос ва ўзига мос – бошқа дунё давлатларидан

* Иброҳим Ғафуров – атоқли таржимон, адабиётшунос, филология фанлари номзоди.

фарқ қиладиган ижтимоий-тарихий, маданий-маърифий, илмий-фанний йўлдан бораётганлигини яна бир карра кўрсатади. Йўл изчил қудратга эгалигини бидиради.

Инсон бўлмаса, ҳатто СЎЗ ҳам ҳеч нарса эмас. Инсонга хос барча нарсалар сўз билан боғлиқ. Инсонпарварлик сўз билан чамбарчас. Сўзга муҳаббатдан инсонга муҳаббат туғилади. Фармон СЎЗга муҳаббатнинг меваси. Сўзни муҳтарам кўрган инсон борки, инсонпарвардир. Ишоти бутун дунё адабиёти. Навоий сўз қудратини ҳаммадан кўра кўпроқ ва теранроқ туйган. “Фармон” сўзини биринчилар қатори тилимизга олиб кирган. Ва уни тилга, адабиётга дахлдор биринчи қўллаган, поэтик чўққига кўтарган:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур
Муайян турк улуси худ менингдур.*

(Қофиянинг гўзаллиги, мазмундорлиги, энг маънодор урғу нуқтасига чиқарилганига эътибор бергайсиз).

*Олибмен тахти фармонимда осон
Черик чекмай Хитодин то Хуросон,*

*Хуросон демаким Шерозу Табрес
Ки қилмишидур найи килким шакаррез.*

*Кўнгул бермиш сўзумга турк эсон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки, туркмон ҳам...*

Бу Фармон Навоий деган ўша фармоннинг давоми. Меросий ҳақ билан чиққан. Туркий халқлар ер юзининг жуда катта худудларида макон курсалар-да ва ўз тили эхтироми учун улуғ обидалар яратган бўлсалар-да (Адиб Аҳмад сўзларининг мислсиз қудратини, ер каби мағиздорлигини кўринг), англаб етиш қийин ноқисликлар боис тилимиз, маданиятимиз сояда қолиб кетди. Ҳам улуғлик, ҳам сояда қолиш сабабларини оламда энг теран тушунган ва ҳаққоний ифодалаган зот Навоий эди. Тил ва адабиётни ўз билим ва фаолият майдонига айлантирадиган ягона университет, мана, шарафли бир соатда Алишер Навоий номида дунёга келди. Давлат мақоми олди. Пойтахт Тошкент номи билан пойдор этилди. Найи килк ўзбек тилимизни шакаррез қиладиган ва номи моҳиятини жаҳонга ёядиган даврлар келди!

Гап қолаверса, аслида она тили ва адабиётдан саводхон бўлган кишигина Миллий ғоянинг куч-қудратини ҳар нечук теранроқ англайди. Истиқлол, озодлик, тараққиёт заминиде туриб, ўсиб-ўзгариб яшаш йўлидан ҳеч қачон тоймайди, оғишмай ҳаракат қиладди. Она тили ва адабиётдан саводхон, билимдон бўлган киши мамлакат, жамият манфаатлари, ҳар бир шахснинг камолоти учун куч-ғайрат тўкиб ҳаёт кечириш, тўла маънода онгли турмушнинг қадр-қимматига етади. Умрни чин маънода безағулик самараларга эришади. Бунда она тили ва адабиётни билиш, дунё адабиётларидан хабардор бўлиш унга доим куч-қувват, илҳом бағишлайди.

Фармон шундай ҳаётий, чуқур инсонпарварлик руҳидаги олий мақсадлардан келиб чиқиб, катта миқёсдаги ижтимоий-маърифий-маданий-илмий вазифаларни ўртага қўяди: “энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда”. Қўлланиш доирасини кенгайти-

риш – бугун биз барчамиз жон-дилдан шуни истаймиз ва орзу қиламиз. Қўлланиш доираси жуда торайиб бораётган ҳоллар юрагимиз ва онгимизда оғриқлар уйғотади. Қўлланиш доирасини кенгайтириш азалий мусаффо илдизлардан, теран томирлардан сув ичишни англатади. Биз бу сўзни кутган, орзу қилган эдик. Унинг маъноси ниҳоятда чуқурлигини англаймиз. Бу тириклик дарахтимизни доимо ям-яшил ва гўзал кўрмоқликни англатади. Тил, зеро, тириклик дарахти каби-да.

Давлатимиз, истиклолимизнинг миллий қиёфаси ва миллий мазмуни (Ўзбек номи билан аталадиган давлат ер юзида битта!) кўп жиҳатдан шунга, яъни яна тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтиришга, Фармонда конкретлаштирилгандек, “биринчи навбатда фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, ҳарбий иш каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа” қилиб белгиланади. Фармоннинг қиммати мана шундай жуда конкрет вазифалар доирасини белгилаб кўрсатишида ҳам! Атама ва иборалар, тушунча ва категориялар! Биз қанчалар муҳтожмиз уларга! Сир эмас: уларнинг аксари ҳамон ишланмаган, сири-синоати, бўёғи топилмаган! Таржимашунослигимиз беҳад оқсаб қолган! Матбуот таржима адабиётлари таҳлилларига тамомила бефарқ, бу ишларга менсимай қараш одат тусига кирган. Замонавий дарсликлар! Қайси биримиз уларни ўқишни, улардан таълим олишни орзу қилмаймиз! Ўзбек тилининг миллий тил сифатида кадр-қиммати, аҳамияти том маънода унинг қўлланиш доирасини амалда кенгайтириб боришда, узвийлик ва узлуксизликни истисноларсиз таъминлашда. Янги университетдан умидимиз катта: бу муҳим ишлар доирасига ўз фаолияти, масъулияти доирасида бош-қош бўлади деб ўйлаймиз.

Фармон юксак мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш, пировардида, юқори малакали кадрлар етиштириш вазифасини қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш янги ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда унинг таркибидаги Ўзбек филологияси, Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, Ўзбек-инглиз таржима факультетлари ва Ўзбек тили ва адабиёти илмий тадқиқот институти, Ўзбек тили ва адабиёти музейи зиммасига юкланади. Асл замонавий филолог мутахассислар, илмий педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлашда янги университет корпусига таянч олий таълим муассасаси мақоми тайинланади.

Ҳозирги замон давлатининг қурби-қудрати, қобиляти, салоҳияти барча ҳаёт тармоқларида энг замонавий малакали мутахассислар етиштириб чиқариш билан ҳам белгиланади. Янги университет таркибида Ўзбек-инглиз таржима факультетининг очилиши жаҳон маданиятига интеграция жараёнларида ташланаётган катта замонавий қадам. У жаҳон таржимашунослигининг илғор етакчи назарий-илмий қарашларига таянган ҳолда ХХI асрнинг таржима мактабини шакллантиришда таянч илмий, ихтисосий замин яратади. Бу ишга комил умид ва ишонч билан қараймиз. Бу ерда ўқитиш ва амалиёт энг янги методологиялар асосида олиб борилади. Бу жаҳон университетлари доирасида унинг рейтинги муносиб даражаларга кўтарилишини таъминлайди.

Бахтиёр ИСАБЕК

БУЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ

Шу йилнинг 13 май куни Юртбошимизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети-ни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон билан танишар эканман, кўз олдимда она тилимиз ва адабиётимиз, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизни асраш, ривожлантириш йўлида умрини бағишлаган, ҳатто бу муқаддас йўлда жонини қурбон қилган кўплаб мутафаккирлар сиймоси гавдаланди. Бугунги мураккаб, айниқса, кўплаб халқларнинг миллий белги ва хусусиятлари емирилаётган серғавғо замонда шундай эзгу ишга қўл урилгани мени ғурурлантирди. Айни пайтида ва концептуал мақсад билан амалга оширилаётган бундай эзгу Фармон негизида миллатимиз қудрати бўлмиш тилимиз ва адабиётимизнинг дунёга олиб чиқишдек улуғвор ниятлар мужассамдир.

Мазкур Фармонда “Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз”, дея эътироф этилган.

Дарҳақиқат, тилимизнинг бугунгидек бой, сержилва, жозибадор ҳолга келишига беқиёс хизмат қилган алломаларимизнинг илмий ва бадиий асарларини қайта ўрганиш, уларни замонавий илм мезонлари асосида янгиладан баҳолаш бугунги кунда энг зарур масалалардан бири бўлиб турган эди. Мазкур Фармон шундай масалаларни ҳал қилишда бош асос, дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тилшунос олим сифатида буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарини қайта-қайта ўқийман. Қизиғи, бу асар билан қанча кўп шуғуллансангиз, шунча кўп илмий ҳақиқатлар, янги хулосаларга дуч келасиз ва буюк олимнинг илмий салоҳияти, ўтқир зеҳни, кенг мушоҳадасидан ҳайратга тушасиз. Тилимизнинг салкам минг йил олдинги ҳолати ва бугунги шакли ҳақида муайян қиёсий тўхтамлар чиқариш имконига эга бўласиз. Шу муносабат билан қадим тилимизнинг ривожини йўлида оламшумул хизмат қилган олимнинг илмий изланишлари ҳақида айрим мулоҳазаларимни мухтарам журналхонлар билан ўртоқлашсам.

* Бахтиёр Исабек – тилшунос, филология фанлари номзоди, доцент.

Милодий IX асрдан XVI асргача бўлган узоқ муддат тарихимизнинг маданият ва илм-фан тараққий этган ажойиб даври эди. Бу даврнинг улуғ алломалари қаторида Маҳмуд ибн ал-Хусайн ибн ал-Муҳаммад Кошғарийнинг алоҳида ўрни бор. Бу улуғ бобомизнинг бизгача етиб келган ягона асари “Девони луғатит турк”дир. Лекин мана шу бир асарнинг ўзи биланоқ Маҳмуд Кошғарий жаҳон тилшунослиги, хусусан, туркологияда энг йирик, истеъдодли олимлар қаторида етакчи ўринни мустаҳкам эгаллади. Яна шуниси эътиборлики, асар ёзилганидан кейин орадан 800 йил ўтиб, жаҳон илм аҳлига маълум бўлганига қарамай, туркология фанининг кейинги тараққиётига бекиёс таъсир кўрсатди. “Туркология” деганда фақат тилшунослик билимини эмас, туркийлар тарихи, этнографияси, адабиёти, оғзаки адабиёти, тарихий географияси, картографиясини тушунсак, Маҳмуд Кошғарийнинг илмий хизмат кўламини анча равшан кўра бошлаган бўламиз.

Ўрта асрларда юзага келган араб тилшунослиги замонасининг энг илғор тилшунослиги бўлиб, унинг ўрганиш объекти, асосан, араб тили бўлган, бошқа тилларга икки ва кўп тилли луғатлар тузиш жараёнидагина, яъни уларнинг фақат лексикасига эътибор берилган. Бундай луғатларда араб тилига нисбатан алоҳида ҳурмат, унинг луғавий қудратини кучайтириб кўрсатиш тамойиллари кучли бўлгани ҳолда, Маҳмуд Кошғарий биринчи бўлиб, туркий тилни араб тили билан тенг қудратли тил сифатида кўриб, “бу икки тилни мусобақа қилиб чопишаётган икки улоқчи от”га менгзайди. Олим ўша даврда араб тили сиёсатда, илмда ҳукмрон мавқега эга бўлишига қарамай, ўз ватандошлари ва ҳукмрон салтанат аъёнларига туркий тил тузилиши: фонетикаси, грамматикаси, сўз ясалиши, лексикасини ўрганишни илк бора бошлаб берди. Мана шундай тушунча асосида олим араб тилли инсонларни “туркий тилни ўрганиб, ҳукмдорлар илтифотига сазовор бўлиш”га ундайди.

Шундай қилиб, аслида амалий мақсадда ёзган асари билан Маҳмуд Кошғарий Яссавий ва Навоийлардан ҳам олдин туркий тил инсоният ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши учун, унинг қўлланиш доираси кенгайиши учун, туркий тил софлиги учун курашнинг етакчисига айланди.

Агар ҳозирги замон филолог олимлари ҳам туркий тилдаги сингармонизм ҳодисасини унлилар чўзиқлиги билан чалкаштириб, баъзилари фақат унлилар уйғунлиги билан чегаралаб юрган бўлса, бундан минг йил олдин бу фонетик ҳодисани соддагина қилиб: “**к**” *товуши қўлланган масдарда ўтган замон ва ҳозирги замон (феъллари) юмшоқ, “қ” товуши қўлланган сўзларда қалин бўлиши доимий ва асосий қоидадир*”, дейиш билан, биринчидан, унлиларнинг чўзиқ ёки қисқа бўлиши сингармонизмга алоқаси йўқлигини илмий исботлаган бўлса, иккинчидан, тил билимига дохил кишиларга сингармонизм сўздаги барча товушларга (унлилар ва ундошларга) бирдек тегишли эканлигини исботлаб берди. Бу фикр ҳозиргача “туркий тилларда ундошларнинг юмшоқ ва қаттиқ вариантлари борми-йўқми” каби долзарб саволларга ҳам жавоб эди.

Маҳмуд Кошғарий аслида онгли тарзда туркий тиллар қиёсий грам-

матикаси ва лексикологиясини яратди, туркий тиллар лаҳжаларидаги товуш мосликлари, унлилар сингармонизми, туркий тиллар морфемаларини ажратиб кўрсатиб, уларни синчиклаб таҳлил қилди. Афсуски, ўз ғоялари билан даврдан илгарилаб кетган бу асар, тилшуносликнинг тараққиётига ўз вақтида таъсир ўтказа олмади, чунки у фақат 1912–1915 йиллардагина кашф қилинди.

Маҳмуд Кошғарий илмий методи билан, қиёсий-тарихий метод асосчиларидан бири ҳисобланмиш Якоб Гримм методини солиштириб кўрайлик. Чунки Гримм ҳам бир тил оиласи доирасида илмий ишлар олиб борган. Н.А.Кондрашов: “Гримм алоҳида олинган ҳинд-оврупо тиллари тарихини ўрганишда тил фактларига амалий ёндошиши билан бошқа тиллар тадқиқотчиларига мислсиз таъсир кўрсатди. “Немис грамматикаси” асарида Гримм тилшуносликнинг умумий қоидаларини яратиш ёки дадил бир фикрларни илгари суриш йўлидан бормади. У қариндош тилларни ўрганишга тарихий ёндошиб, герман тилларида грамматик шакллар ўзгаришининг ҳақиқий манзарасини акс эттирди. Гриммнинг яна бир тамойили фактларни синчиклаб ўрганишга интилиши эди. Ҳинд-оврупо бобо тилидаги “бх”, “дх”, “гх” товушлари герман тилларида: “б”, “д”, “г”га; ҳинд-оврупо тилидаги “б”, “д”, “к” товушлари эса “п”, “т”, “к”га ўзгаришини кўплаб тил фактлари асосида исботлаб берди. Бу фонетик қонунларнинг дастлабки намунаси бўлиб, исталган ҳозирги замон тили тарихи ана шуни эътироф этиш ва англашга таянади”.

XIX асрда Оврупода вужудга келган қиёсий-тарихий тилшунослик билан XI асрдаги Маҳмуд Кошғарий ижоди орасидаги фарқни аниқлаб хулоса чиқаришни биз ўқувчиларимизнинг ўзларига қолдирамыз ва бунинг учун “Девон”дан айрим фактларни келтирамыз:

“ўғузлар ва қипчоқлар (қорахонийлар лаҳжасидаги – давр адабий тилидаги. – Б.И.) “н” ўрнига “қ” қўллаб, “г” ни тамоман туширадилар. Бу тизимли бир қоидадир”;

“...“б” товуши билан “т” товуши, “н” товуши билан “л” товуши алмашиши ва бошқа алмашишлар доимийдир”;

“Билгинки, бу тилда феъллар буйруқдан ясалади. Буйруқ шакли ўзак бўлиб... феъл шакллари буйруқ охирига турли қўшимчалар қўшиши билан ясалади”.

Булардан ташқари, туркий тиллар (аниқроғи лаҳжалар, чунки Маҳмуд Кошғарий қарашича, туркий тиллар ҳозирги тушунчадаги қариндош тиллар эмаслиги, балки бир-бирига нисбатан лаҳжа, шева мақомида эканлиги аниқ кўриниб туради)ни ўрганишни осонлаштириш учун ҳам қиёсий қоида, яъни ўзига хос метод қўллаганини таъкидлайди: *“...асарнинг қийматини ошириш, фойдаланувчиларга осонлик туғдириш... (мақсадида) ҳар бир қабила тили хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар туздим”.*

Кошғарий мазкур асарда фақат қариндош тилларнинг (генеологик) қиёсигагина эмас, бошқа тилларнинг ҳам (типологик) фонетик ва грамматик хусусиятларини қиёслаган. Олимнинг араб тилидаги олд қўшимчалар билан туркий тилдаги ўзакдан кейин қўшилаётган қўшимчалар вазифаси бирлиги ҳақидаги қарашни қуйидаги кўчирмада акс этади: *“...бу хил сўз охиридаги “к/г” қўшимчалари арабча феъл олдида қўшилиб, қурол оти ясовчи “м”га ўхшайди”.*

Араб тили билан туркийчани мукамал ўзлаштирган олим тур-

кийда “улук” сўзининг “улуш” шакли ҳам борлиги ҳақида фикр юритиб, бу ўринда “к” товуши “ш”га айланиши ҳодисасини араб тилидаги бир мисол билан қиёслайди ва “бу ҳар икки тилда “к”ли шакл дастлабки, “ш”ли шакл кейинги” эканлигини айтиб ўтади. Гарчи “Девони луғатит турк”да бобо тилни тиклаш мақсади бўлмаса-да, бу жараёнда тилда табиий ўзгаришлар, тарихий тараккиёт бўлганини қайд этади.

Шу ўринда Маҳмуд Кошғарий араб тилшунослиги таъсирида туркий тилдаги сўзларни морфологик жиҳатдан уч туркумга (исм, феъл, ёрдамчилар) ажратгани ҳақидаги қарашга оид айрим мулоҳазаларни билдириб ўтсак.

Яқин-яқингача “Маҳмуд Кошғарий ўрта асрлар араб тилшунослиги ва тили таъсирида туркий тилда ҳам ҳозирги тилшунослигимиздаги от, сифат, сон, олмош, равишлар ўрнида битта сўз туркуми – исмни ажратиб кўрсатиб, уни араб тили қолипига тиқиштирган” деган ноҳолис хулосалар мавжуд эди. Кошғарий мазкур асарда нима учун туркий тилда фақат учтагина сўз туркуми бор деб ҳисоблаган? Бу саволга қуйидаги асослар орқали жавоб топиш мумкин:

1) туркий тилларда (ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам) исм деб атаган сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош) орасида шаклий фарқ йўқ, мазмун фарқлари эса морфологик ажратиш учун асос бўла олмайди;

2) исмларнинг турланишида бир-биридан фарқ қиладиган жиҳати йўқ, яъни бегона тиллардаги каби ҳар бир сўз туркуми ўзининг турланиш тизимига эга эмас. Феъл (унинг биз ҳозир феълнинг вазифадошлик шакллари ҳисоблайдиган сифатдош ва ҳаракат номининг айрим турларини олим асосли равишда исм тоифасига киритади) ва ёрдамчилардан бошқа ҳамма сўзлар турлана олади;

3) исм деб аталган бир туркум сўзлар иккинчи туркумга ҳеч қандай морфологик ўзгаришсиз ўта олади. Биз буни асоссиз тарзда “отлашиш” деб атадик, ҳолбуки, тилимизда фақат отлашиш эмас, сифатлашиш (*тахта* кўприк), равишлашиш (*яхши* гапирди) каби ҳоллар борлигини синтактик ўлчовлар билан ўлчашга мажбур бўлдик. Умуман олганда, туркий тилда сўз туркумларининг биридан иккинчисига ўтиши Маҳмуд Кошғарий белгилаганидек, улар бир катта – исм аталмиш сўз туркуми билан боғланишини кўрсатади;

4) туркий тилда исмлар билан феъллар орасида ҳам баъзан чегара йўқолиши, бу тилнинг бошқа тиллардан ажратиб турадиган муҳим жиҳатидирки, ҳозирги ўзбек тилидаги мисоллар буни тўла тасдиқлайди, яъни исмлар ҳеч қандай морфологик тайёргарликсиз туслана олади: одамман, одамсан, одам// одаммиз, одамсиз, одам // ёмонман, ёмонсан, ёмон// ёмонмиз, ёмонсиз, ёмон// кимман, кимсан, ким// киммиз, кимсиз(лар), кимлар//озман, озсан, оз// озмиз, озсиз, оз. Бу тусланиш феълнинг ўқийман, ўқийсан, ўқийди// ўқиймиз, ўқийсиз, ўқийди тусланиши билан айнан эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Юқоридаги қарашлардан келиб чиқиб, Маҳмуд Кошғарий араб тили, араб тилшунослиги таъсирида эмас, балки туркий тилнинг табиий хусусиятлари ва морфологик ўзига хосликларидан келиб чиқиб, туркий тилдаги сўз туркумларини учта деб белгилайди, деб хулоса чиқариш илмийроқдир.

Бундан ташқари, биз рус тилшунослиги воситасида Европа

тилшунослигидан кириб келган – аналогия, метонимия, метафора каби илмий тушунчалар бизнинг тилшунослигимизда бундан 800 йил муқаддам Кошғарий қайд этган мисолларда мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, турли тилларнинг ўзаро муносабати масаласида ҳам Маҳмуд Кошғарий ўз замонасидан анча ўзиб кетган эди. У туркий тиллар учун “х” товуши ёт эканлиги ҳақида сўз юритиб: *“хўтанлилар сўзида бу товуш учрайди, чунки бу ҳинд тилининг таъсиридир”*, дейди. Менимча, бу мисолни жаҳон тилшунослиги тарихида қўшни яшаган халқлар тили бир-бирига фақат лексик эмас, фонетик томондан ҳам таъсир этиши масаласида келтирилган дастлабки илмий далил сифатида қабул қилиш мумкин.

Маҳмуд Кошғарий ота тилининг мантиқий тил эканлигини англаб, бу билан фахрланганини биз доим ёдда тутишимиз ва у зотга тилимизга муносабат масаласида эргашишимиз керак. Масалан, тилимизда кишини унча хурсанд қилмайдиган бир қайта ўзлашма бор: руслар “Гора с горой не встречается, человек с человеком встречается”, дейди. Биз уни “Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади”, дея таржима қилганмиз. Ҳолбуки, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари кашф қилинган, бу мақол “Тоғ тоғ билан қовушмас, киши киши билан қовушур” шаклида ўз мақолимиз эканлиги маълум бўлди. Гап бу ерда мақол ҳақида эмас, балки тилдаги мантиқийлик ҳақида кетмоқда. Кошғарийдаги “қовушмас” сўзи русларда “учрашмас” шаклида нотўғри олинган. “Учрашмоқ” феълени эса тоққа нисбатан қўллаш нотўғри. Чунки тоғ жонли мавжудотлар каби ҳаракатланиш қобилиятига эмас. Ана шунинг учун ҳам Кошғарий масалага тўғри ёндашган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Маҳмуд Кошғарий бу асари билан туркий тил билимдони сифатида ўз она тили қудрати, жозибасининг дунё миқёсида тан олиншига улкан ҳисса қўшди. Тилшунослигимизнинг тамалтошини қўйган қомусий олим сифатида ҳам унинг хизматлари бебаҳо. Бундан-да муҳими, тилшунос бобомиз она тилининг тақдири учун жонкуярлик қилувчилар сафида ҳам илғордир.





Суръат МИРҚОСИМОВ

ВАТАННИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ

Рабиндранат Тагор таваллудига 155 йил тўлди

1971 йилнинг апрель ойидан хизмат тақозосига кўра оилам билан бир қанча муддат Ҳиндистонда истиқомат қилдик. Бу ерда яшаган бир неча йил давомида ҳинд халқининг Тагор даҳоси ва ижодига эҳтироми юксак эканига кўп бор гувоҳ бўлдим.

Ҳиндистонда май ойи бошида нафақат Калькутта шаҳри, балки бутун Фарбий Бенгалия штатида ҳаёт шиддат билан жонланиб кетади. Сабаби, буюк ёзувчи, драматург, шоир, фан ва жамоат арбоби Рабиндранат Тагор таваллуд топган кун – 7 майдан бошлаб то шу ойнинг охиригача мамлакатнинг катта-ю кичик шаҳар-қишлоқларида турли-туман тадбирлар ўтказилади. 1971 йилда мен иштирок этган асосий тадбирнинг биринчи кечаси Тагорнинг драмалари, иккинчиси – кўшиқлари, учинчиси – шеърлари, тўртинчиси – романлари, бешинчиси – ҳаётига бағишланган эди. Мазкур тадбирда мамлакат ҳукумати аъзолари, штат раҳбарлари ва жамоат арбоблари ўзига хос чиқишлар билан қатнашдилар. Айниқса, Калькутта шаҳридан тахминан 70-80 километр узоқликдаги Шантиникетан шаҳарчасида Тагор ташкил этган болалар ўқув мактаби ва Вишва Бхарати номли олий таълим даргоҳида бўлиб ўтган тадбирлар мен учун ҳануз ёрқин хотиралардир. Адиб туғилган кун бутун Ҳиндистонда миллий байрам сифатида нишонланиб, марказий радио, телевидение ва уларнинг штатлардаги бўлимларида махсус эшиттиришлар, кўрсатувлар ташкил этилди, матбуотда эса кўплаб мақолалар, эсселар, улуғ шоирга бағишланган шеърлар босилди.

Рабиндранат Тагор ғоят сермахсул ижод қилди, қизгин фаолият юритди. Унинг элликка яқин шеърӣ тўплами, ўндан ортиқ роман ва қиссалари, қирққа яқин пьесаси, ўз даврининг турли муаммолари ёритилган юздан ортиқ фалсафӣ эсселари жаҳон адабиётининг нодир намуналари қаторидан жой олган. Бундан ташқари, у бастакор сифатида икки мингга яқин кўшиқ ёзган. Дунёда икки мустақил мамлакатнинг миллий мадҳиясига муаллифлик қилган бошқа шоир бўлмаса керак. Тагор эса шундай шараф эгасидир. Унинг 1911 йили ёзилган “Жанаганамана” (“Қалб кўшиғи”) асари 1950 йил 26 январь куни Ҳиндистон Республикасининг расмӣ мадҳияси сифатида янграган. 1905 йили ёзилган “Менинг олтин Бенгалиям” кўшиғини эса 1971 йили мустақилликка эришган Бангладеш парламенти янги давлатнинг мадҳияси деб эълон қилган.



Ҳинд халқининг икки ардоқли фарзанди Рабиндранат Тагор ва Маҳатма Ганди

1910 йили бенгал тилида ва 1912 йили инглиз тилида чикқан “Гитанжали” (“Фидойилик қўшиқлари”) шеърий тўплами учун адиб 1913 йил адабиёт бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди. Ушбу воқеа сабаб истеъдод ва иқтидорларга бой ҳинд халқининг халқаро обрўси янада ўсди. Буюк Британия қироллиги томонидан Тагорга “рицарь” унвони берилиши ва у кишига “сэр” деб мурожаат қилиниши ҳақида махсус фармон эълон қилингани ҳам адибнинг мақоми нақадар баланд бўлганидан далолат беради. Аммо 1919 йил 13 апрелда Ҳиндистоннинг Панжоб штати Амритсар шаҳридаги машҳур Жалианвала боғида панжобликларнинг ҳосил байрами – “Байсахки” нишонлаётган пайтда инглиз аскарлари минглаб иштирокчиларни ўққа тутганига норозилик сифатида Тагор ушбу унвондан воз кечди. Америкалик тадқиқотчи олим Алекс фон Тунзелман “Ҳинд ёзи” (“Indian summer”) китобида ёзишича, ушбу воқеадан ўн тўрт ой ўтгач, Маҳатма Ганди ҳам ўзига 1915 йил тақдим этилган “Кайзери Ҳинд” (“Ҳинд ҳукмдори”) медалини қайтариб топширади. Қизиғи шундаки, Маҳатма Ганди бутун дунёга машҳур бўлган “сатяграха” – куч ишлатмай озодлик учун кураш ҳаракатини ҳам шундан сўнг бошлайди. Тагор эса уни қўллаб-қувватлайди.

Рабиндранат Тагор Нобель мукофотида сазовор бўлгандан кейин жаҳон ҳамжамиятида нафақат унинг ижоди, балки ҳинд халқининг ҳаёт тарзи, маданияти, санъатига қизиқиш кучаяди. Шу сабаб турли давлатлардаги ёзувчилар уюшмалари, жамоат ташкилотлари Тагорни ўз мамлакатларига меҳмон сифатида таклиф эта бошлайди. Масалан, Тагор 1913 йил АҚШга сафар қилади ва ҳинд маданияти бўйича қизикарли маъруза ўқийди. Умуман, Тагор қаерга ташриф буюрма-син, суҳбатига ноил бўлаётганларни миллати билан таништирарди.


Хусусан, биринчи жаҳон урушидан сўнг у қатор Европа давлатларида бўлади ва Ҳиндистон ҳақида мазмундор маърузалар ўқийди. Ушбу ташрифлари давомида у ўз даврининг машҳурлари – физик олим Альберт Эйнштейн, англиялик драматург Бернард Шоу, франциялик ёзувчи Ромен Роллан, англиялик файласуф Бертран Рассел, россиялик рассом Николай Рерих, япониялик шоир Кокудзо Окакуро ва бошқалар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатади.

Тагорнинг хулосасига кўра, Ватан тараққиёти, аҳолининг фаровон ҳаётга эришиши учун ҳамма илм ва маърифатга эга бўлиши лозим. Адиб бу борада ибрат кўрсатиб, кўплаб амалий ҳаракатларга ҳам киришади. Жумладан, ҳозирги Ғарбий Бенгалия штатининг Шантиникетан қишлоғида ўз ҳисобидан болалар учун аввал замонавий мактаб, сўнгра Вишва Бхарати университетига асос солади. Серқирра истеъдод эгаси бўлган Тагор уйи, мактаб ва университет бинолари лойиҳаларини ҳам ўзи чизган эди.

Шу ўринда ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги алоқага ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Зиёлиларимиз ўртасида Рабиндранат Тагорнинг ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш XX асрнинг ўрталарида, Ҳиндистон давлатининг биринчи Бош вазири Жаҳоҳарлаъл Неру ҳамда унинг қизи Индира Ганди хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан янада кучайди. Хусусан, мазкур ташриф аввалида, яъни 1956 йил июнда Тагорнинг машҳур “Инқироз” романи асосида тайёрланган “Ганг дарёсининг қизи” спектакли саҳналаштирилди. Адиб ҳикоялари, шеърлари Олим Хўжаев, Шукур Бурҳон, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов каби етук санъаткорларимиз томонидан радио орқали ўқиб эшиттирилди. Шу йиллар ичида ёзувчининг саккиз жилдли асарлари нашр этилди.

Кейинги йилларда ўзбек ўқувчилари орасида Тагор асарлари анча оммалашиб, китоблари қайта-қайта нашр этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирда дунёнинг қудратли мамлакатлари орасидан ўзига хос ўрин эгаллаётган Ҳиндистоннинг бугунги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, маънавий ривожига Рабиндранат Тагорнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Ҳинд халқи бу ҳақиқатни қайта-қайта эътироф этган ҳолда, уни миллат тимсоли, ҳинд халқи қалбининг кўзгуси сифатида юксакларга кўтаришади. Зеро, адиб ижоди бундай эътироф ва баҳога ҳар жиҳатдан муносибдир.



Иқбол ҚЎШШАЕВА

БОТИНДАН КЎЧГАН БЎРОН

Атоқли озар композитори, хонанда ва мусиқачи Муслим Муҳаммад ўғли Магомаев исми санъат ихлосмандларига яхши таниш. У 1942 йилнинг 17 августида Боку шаҳрида туғилган. М.Магомаев эрта танилди, йигирма ёшидаёқ опера ва эстрада кўшиқчилиги санъатига янги тўлқин олиб кирган санъаткор сифатида эътироф этилди. Ўттиз бир ёшидаёқ собиқ Иттифоқ халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Хонанданинг “Олтин диск”да муҳрланган кўшиқлари 1968–1970 йиллари Канн халқаро фестивалининг ҳақиқий тухфасига айланди. У Париждаги машҳур Олимпия театрида ижодий сафарда бўлди. “Олимпия” сахнасида кўшиқ айтган буюк санъаткоримиз Ботир Зокиров ўз кундалигида ўша дамларни шундай қайд этган: “Бугун Муслим парижликларни лол қолдирди. У Фигаро ариясини айтди. Ҳавасим келди”.

Муслим Магомаев 2008 йил 25 октябрда Москва шаҳрида вафот этди. Баракали ижод қилган санъаткордан турли жанр ва йўналишдаги олти юздан зиёд мусиқий асар, “Низомий”, “Муслим Магомаев куйлайди”, “Москва ноталарда” фильмлари мерос қолди. Куйида журналист Иқбол Қўшшаеванинг мазкур санъаткор ҳақидаги эссеси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Таҳририятдан

Айтишларича, инсон ҳаётида муҳаббат битта бўлармиш. Биринчи ва иккинчи деган гаплар беҳуда, унгача ва ундан кейингилари ўша ягона тилсимни англаш йўлидаги ҳиссий изланишлардир. Яна ким билсин? Эҳтимол, бу ҳам бир юпанч илинжида айтилгандир?! Муҳаббат нима? Билганим – мубталолик. Ўзингни ёлғиз сезсанг – соғинасан, жонинг оғриси, малҳамни ундан излайсан, бўшлиқни туйган заҳотинг маънога интилсан ва ҳайратингни бўлишинг келади. Хуллас, муҳаббат кўшиқ бўлиб титратади, оҳанг бўлиб ўртайди, куй бўлиб овутади...

* * *

Ўз кўшиғимни топгунча қанча нолаларга қалбимдан жой бердим. Ўйноқи эди, ҳазин эди, шикаста эди, изҳор эди, соғинч эди, мунг эди, фарёд эди... Ҳар бири азиз мен учун. Бари шовуллаётган денгиз томон – Муслим Магомаев туғени сари олиб келди. Кечаги кун ҳайратини ҳам кечинаман, унутмаганман... Ботир Зокиров – шикастадил шоирим, мискин мажнуним. “Маро бибус”, “Сарбон” ё “Айт, қайдасан, бахт”...

Буларда синик юрак сасини эшитардим. Узлатнишин кайфиятимнинг хамдами эди. Юксак эзгу ҳислар бари-бари ердаги хору сарсон шарпалар холос, деган фарёд эди.

Мен таниган Муслим – мен етиб келган манзил... Эҳтимол, эртам учун очилган эшикдир. Биламан, сизга эриш туюляпти. Худди ошнанг каби тўғридан-тўғри номини аташ... Шарқона одобга тўғри келмайди, деб койийсиз. Қолаверса, ўтиб кетган буюк санъаткор бўлса?! Ахир, нима қилай, уни оламга машҳур марҳум хонанда эмас, дардга дармон дўст, юраги уриб турган замондошим деб билсам! Кўнгил қурғур расмий таомилларни тан олмаса, мен не қилай? Санъаткор қай тилда хониш этмасин – инглизми, озарми, русми – барибир... Мен ва менинг жондошларим англаган тилда куйлади. Унинг лай-лай¹ айтган азиз “Ана”си менинг алла айтган ОНАМ эди. Алла оҳангидаги кўшиқдан юрак симиллар, руҳни бир маромда тебратганча аллалар... Бу қадар ичкиликнинг сири нима? Ранги сарғайиб бораётган соғинч юки қаёқдан ёпирилди?! Она боласига алла айтгандек сокин туғён, ичкин харорат билан куйлангани учун ҳам юрак ибодатига айландими? Замондош ҳофизим, сен ҳам қачонлардир қалбингга куйилган алла каби Она ҳақида ўз “алла”нгни – дардингни додсиз айтсанг-чи... Ортиқ йиғламсирамасдан, кўз ёшларингни юрак тубига тўк. Тушун, ҳар бир қалбнинг ўз йиғиси, ўз фарёди бор... Сен мана шу ҳасрат билан сирлаш, уни юпат... Озар йигитининг кўшиғидаги нола бу дунёда сенинг беғубор табассумингга интиқ бирдан-бир зот ОНА эканини қайта-қайта шивирлайди.

Туғён... Туғён... Лекин ҳалокатли тўфон эмас. Бўрон... Бўрон... Юракдан ўзга жойни маскан тутмас... Оқчарлоқларнинг чуғур-чуғури остида, оҳанг бағрида сохил томон шошаётган тўлқинлар... Бебош туйғуларми улар? Ё саргашта орзулар? Ўзингни Коинот маҳсули эканингни, Еру осмон билан бир тану бир жон эканингни идрок этасан. Сен ҳам мовий мангуликнинг бир мавжи, табиатнинг бир жилваси сифатида бир чиқиб, бир шўнғи-и-иб оқяпсан... Қаерга? Қай томон? Гоҳ шошасан, гоҳ имиллайсан. Манзилинг борми, ўзи? Қайда сенинг денгизинг?

Муслимнинг биринчи мухлиси денгиз эди. Илк бор уни денгиз тинглаган. Ўсмир ёшида қалбидан тошиб чиқаётган нолани денгиз тўлқинларига ишонди. Юрагини тўлқинларнинг кафтига топширди. Ўзгараётган овозидаги сакталикларни фақат денгизга ошкор этди. Шу сабаб ҳам у денгиз олдида, унинг кенглиги олдида ўзини қарздор ҳис этди. Ва йиллар ўтиб эҳтиромини куйга солди...

О, море... море...

Денгизнинг телбавор тўлқинига дош бергувчи қоялар... Одам, Сенинг бардошингни қай бир қояга менгзай?! Еру осмон бағирлаб учиб боряпман... У шундай тошқинки, сен ва сенга дахлдор инсонлар ҳаётини ҳам ўз домига тортиб кетяпти... Туғён, пўртана, ҳарорат, юракда бўронни ушлаб туриш санъати, тўлқинлар ҳар қанча ғалаён этмасин, сочилиб кетмаслик саботи... Бари Унда мужассам. Туйғуларни топтатмасдан ҳам, тошдан-да каттиқ мана шу кулранг тупроқда яшаш мумкинлигига, қалбдаги кудрат ҳаёт ҳақиқатидан ғолиб келишига умид уйғотади.

¹ Лай-лай – озарча алла кўшиғи.

...Мовий чексизлик унинг оҳангида мангуга ўз тажассумини топди. Санъаткорнинг муҳаббат ҳақидаги қўшиқларида севганинг икки оёқ, икки қўлли чекланган бир мавжудот эмас, борлиқнинг бир парчаси, фақат мовий чексизликка дахлдор ҳур ШАХС, табиатнинг озод фарзанди бўлиб гадаланади. У гўё сиз билан менинг ҳиссиётларим чангалидаги инсон эмас. Муслим Магомаев куйлаётган севги мовий кенглик ичидан сизиб чиқмайди, аксинча, чексизлик унинг ишқи ичида айланади. Бу ишқ тақдирни борича қабул қилишга ва унга маҳжум ИН-СОНга таъзим этишга ўргатади.



Санъаткор бир интервьюсида “Муҳаббат ҳақидаги қўшиқларим аниқ бир аёлга қаратилмаган. Куйлаётганимда хаёлимда ўзим яратган идеал аёлни кўз олдимга келтираман”, деб айтганди. Эҳтимол, лирик қаҳрамоннинг шахси аниқ бўлмагани боис, уни тинглаган ҳар бир аёл “Мен ҳақимда экан”, деб, бир эркакнинг ўзига эҳтироми сифатида қабул қилар, ҳаяжонланар, эрқаланар. Табиийки, ўша онда тингловчининг ҳайратга ташна қалби ўз-ўзидан санъаткорнинг “Идеал АЁЛ”ига ошно бўлади, юксак туйғулар билан бўйлашади, идеаллар билан юзлашади, гўзал ҳислар сийратига қандай оқиб кираётганини, бошқатдан Аёл бўлиб яралаётганини сезмай ҳам қолади...

*О, майли, ўйланма, қайғурма зинҳор,
Бахт-иқбол ёр бўлсин кўркам муносиб...
Бироқ сен оҳ чексанг агарда бир бор,
Мен яна келурман қалбимни босиб...*

Ҳар гал “Ноктюрн”ни тинглаганимда Рауф Парфи шеърининг мусиқий талқини, деб кўнглим шарҳлайди. Ўша изтироб, ўша нола, ўша мардонаворлик... Қисмат кўзига аламсиз тик боқиш. Фақат ўзга тил. “Я к тебе приду на помощь только позови. Просто позови, тихо позови” ... *Не бўлган тақдирдаям. Ўтинаман, сен бахтли бўл...* Эҳтимол, Рауф Парфи бадиияти олдида рус тилидаги ифода содда туюлар, лекин сиз Арно Бабажаниян мусиқаси ва Магомаев ижросида тинглаб кўринг! Агар кимда дард бўлмаса, хоҳ танбур ушласин, хоҳ най, барибир, у таёқдан ўзга нарса эмас. Лекин ошиқнинг кўлида ҳар қандай ёғочга ҳам жон киради.

Бўронни ўз ботинига бекитган маҳзун “Элегия”... Тақдирга бўйсунмоқчи бўлган-у, лекин буни эплолмаётган қалб драмаси. Еру кўк қаршисида юзма-юз қолган, ўзига фарқ танҳо одам нидоси. “Муҳаббат нима?” деган саркаш саволга “Элегия”дан мутаассир кўнгил “қалбнинг инқилоби, юракнинг ўз-ўзига очган исёни”, деб жавоб беради.

...*Сен – менинг куйимсан...* Улар 1972 йилнинг кузида Бокуда

учрашишди. Бу кунгача ҳам икки-уч бор Москвада бир-бирига дуч келганди-ю, лекин нигоҳ тўқнашмаган. Тамара Синявская – Катта театрнинг етакчи актрисаси. Ўз йўналишида эътироф этилган санъаткор. Ўттиз ёшли Муслим Иттифок миқёсида машхур, халқ артисти. Хуллас, бу учрашув икки ижодкорнинг ҳам ҳаётини ўзанидан чиқариб юборди. Ўша кўхна дард – муҳаббат учбурчаги. Тамара – оилали аёл. Муслим эса бир неча йил олдин ажрашган, Марина исмли қизалоғи бор. Ғаддор тақдирнинг ўйинига чап бериш учун важ ҳам чиқиб қолади: Тамарада Миландаги Ла-Скала театрида таҳсил олиш имкони туғилади. Мураса нелигини билмайдиган муҳаббатнинг кўзига хас ташлаш учун йўл... Машойихлар топиб айтган-да: ўзингдан қочиб қаерга ҳам борардинг?! Бу дардисар туйғуларни синовдан ўтказиш учун хижрондан-да адолатлироқ имтиҳон борми?! Тамара сабоқлар тугар-тугамас, хонасига ошиқар, интиқ дил Москвадан мужда кутарди. Чунки ошиқ биринчи куниёқ дараклаб, боёқиш аёлни ўргатиб қўйган. Бу сафар ҳозиргина янги қўшиқ ёзишганини, Тамара ҳам телефон орқали тинглаб кўриши мумкинлигини айтади...

*Сен – менинг куйимсан,
Мен эса сенга содиқ Орфей...*

“Сен – менинг куйимсан...” аччиқ айрилиққа қўйилган ёдгорлик бўлиб қолди. Ҳажрнинг бу ноласи ҳар бир хаста дилда ўз ҳайкалини тиклади. Орфей ўзининг яккахон концерти учун музанинг мусиқа масканидан қайтишини кутди. Асосан, севги ҳақидаги қўшиқлардан иборат концерт дастури “Сен – менинг куйимсан...” деб номланарди. Лекин У концертга келмайди... Тизгинсиз туйғулар қаршисидаги кўркув аёлнинг оёқ-қўлидан тутди. Чунки остона хатлаб чиқиш – ҳал этувчи қадам дегани. Ёнингдаги одамнинг кўксини пайхон этиш дегани. Аёл аёллигини синдириб, бурчнинг амрига бўйсунди. Дунёси кулга айланган Муслим ўзига қайта-қайта айтади: “Энди сенинг ҳаётингда Тамара исмли аёл йўқ. У билан боғлиқ неки бўлса, барини ҳаётингдан ўчириб ташла”. Лекин рангсиз кунларнинг бирида Тамаранинг ўзи унинг хонасига кириб келади...

Ёшлиқдаги муҳаббати, курсдоши, фарзандининг онаси Офелия билан ажрашгач, оилавий ҳаётдан безиб қолган йигит “Энди ҳеч қачон ЗАГС остонасини хатламайман”, деб ўзига сўз берганди. Лекин энди иккиси ҳам ўтмиш аламларини унутиши, ҳаётни оппоқ саҳифадан бошлаши зарур... Чин эркак сифатида Тамаранинг журъатига муносиб жавоб қайтариши шарт. Дарвоқе, уни режиссёр Александр Зархи “Анна Каренина” фильмига Вронский ролига таклиф этган. Синовсиз. Кейинчалик Вронский ролини ўйнаган актёр Василий Лановой ажабланганча, нега рад этганини сўраганида, хонанда мийиғида кулиб: “Қўйсанг-чи, ҳар ким ўз ишини қилсин, мен актёр эмасман. Мени кўрарга кўзи йўқ эрлар сонини яна кўпайтириб нима қиламан”, дейди.

Улар босиб ўтган йўлда ҳаётнинг ҳамма ранги мужассам. Ҳамнафасликда ўттиз тўрт йил – ҳавас қиларли умр кечиришди. Эрининг бетоблиги боис Тамара ижодининг айна камолот палласида сахнани тарк этди. Театр унга муҳтожлигини айтишганида, аёл: “Ҳозир сахнадан ҳам кўра, Муслимга кўпроқ керакман”, дейди.

*Миннатдорман сендан, Сенинг меҳринг
музлаб ётган дунёмни эритди.
Сен очган тилсим учун, уйғотган фарёдинг
учун, берган азобларингу кулгуларинг учун...
ҳамма-ҳаммаси учун ташаккур...*

Муслим Магомаевдек таъби нозик, жўшқин феълли, кайфият одами билан яшаш фақат сабр эмас, санъат. Ҳамиша аёллар эътиборидаги кўркем ва машҳур шахс, бу жиддий хавф. Рафиқасидан “Узоқ йиллик оилавий ҳаётнинг сири нима?” деб кўп сўрашган. Ва унга Муслим ижодида ўз изини қолдирган аёл сифатида ҳам қарашади. Синявскаянинг ўзини тутишидаги табиийликни, эрининг хотираси учун қилаётган эзгу ишларини кузата туриб, интервьюларини тинглаганимда бир ҳақиқатни илғагандек бўламан: биз билган машҳур мархумларнинг хотинларидан фарқли ўларок, эрнинг шуҳратига шериклик таъмасидан, “буюк бева” деган илинждан халос – озод аёл. Унинг Муслим Магомаев обрўсига муҳтож эмаслиги кўриниб туради. Аксинча, Аёл табиатидаги некбинлик Магомаев ходисасини янада ёрқинроқ кўрсатади. Балки Муслимсиз ҳам алоҳида шахс – Тамара Синявская бўлгани учундир. Аввалданоқ ким билан ҳаёт кураётганини англаган, ўзига яраша масъулиятни бўйнига олган, эри ҳаётлигидаёқ афсонага кўчган аёл. Озарбайжон ҳукуматидан тортиб то халқигача бу аёл билан “бизнинг гелин” деб фахрланиши бежиз эмас. Хўп, Тамара Синявскаянинг ўзи узоқ йиллик риштани қандай изоҳлайди: “Саҳнадагидек оилада ҳам оҳанг ҳал этувчи аҳамиятга эга. Муҳими, у самимий чиқсин. Ва бизни қизиқишларимиз ўртасидаги муштарақлик боғлаб турарди. Муслим ижодидаги менинг ўрним? Қизиқ? Ахир, Муслимни учратганимга қадар, у машҳур Магомаев эди! Демак, маслаҳатларимга ҳеч муҳтожлиги йўқ. Фақат менинг юмушим, унинг эркига соя солмаслик, халал бермаслик эди, холос. Ва унинг олдидан оддий аёл эдим. Халқ артисти Тамара Синявская эшик ортида қоларди”.

Магомаев ўз китобида “Тамара билан ўтган ҳаётимни озод кушнинг парвозига ўхшатаман”, деб ёзади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу каби хос инсонлар муносабатида эрк ва ҳаёт бир-бири билан зиддиятга киришган ондаёқ ҳар қандай муқаддас тушунча ўз жозибасини йўқота бошлайди. Кўнгли билан идрок этадиган одам учун жозибадан маҳрум ҳаёт таназзулдан ўзга нарса эмас.

Муслим Магомаев ҳақидаги китобларни ўқиб, санъаткорнинг ҳаётга муносабатини таҳлил этсангиз, ўзи куйлаган қўшиқларга мос маҳобатни туясиз. Ўйлаган ўйлари бутун виқори билан санъатига кўчган... Туйғуларга ғарқ, ўйчан юз. Дам маҳзун, дам ўктам қиёфасининг ўзи алоҳида қўшиқ. Мунга чўмган санъаткор сиймосида “Йўқ, йиғламайман, йиғламайман”, деб тўлиб турган жўмард инсон бор, йиғлоқи эркак эмас. Ўзидаги улуғворликни сизга ҳам юқтиради. Ўша онда ўзи қадар баландликка олиб чиқа олади. “Элегия”, “Миннатдорман сендан...”, “Сен – менинг куйимсан”, “Айт, сенинг кўзларинг...”, “Агар дунёда муҳаббат бўлса...”, “Она”, “Йиллар ўтар...” ёки денгизга бағишланган қўшиқдаги туғёнли туйғулар юракка томиши учун изн бериб кўринг... Мўъжиза ташқарида эмас, ИЧда рўй беради! Туғёнли ичкин қўшиқлар. Маккор ёрни эслатувчи қўшиқлар. Минг бир тавозе билан ичингга кириб олади-да, кейин дунёгни




остин-устун қилиб ташлайди. Сен ўз нолангни, ҳеч кимга айтолмаган, ўзинг-да чўчийдиган изтиробинг сувратини кўрасан. Муҳаббатинг ўз маҳшари билан юзма-юз қолади.

Агар кўзингиз гул-гул ёниб хониш этаётган сип-силлиқ аллакимга тушиб колса, у “Эй, ёр мени куйдирдинг, расвойи жаҳон этдинг” деган ҳасратми, ёки “Ўртар”ни лабининг кирғоғидан тошаётган севинчини эпполмай, шип-ширингина жилмайган кўйи айтса, “юлдуз”нинг ажабтовур авзойига ҳеч ажабланманг. Шўрлик ўттизни, боринги, қиркни уриб қўйса ҳам, лоақал бир бор куйиб кўрмаса, куйдирғижон кўйдан гангимаса, қисмат тиғи кўксини тилмаган бўлса, яна қай алпозда айтсин?! Менинг санъаткорим ўлмас дурдона “Сен – менинг куйимсан”ни ўттизда эмас, олтмиш ёшида айтганида ҳам яна бошқатдан кечиниб, дардчил туйғуларнинг жамики товланишини ўзидан ўтказарди, яшарди.

У отасини кўрмади. Урушда ҳалок бўлган. Онаси Айшет хонимнинг ноёб овози бор эди. Худо бу аёлга истеъдодга яраша антиқа феъл-атвор ато этганди. Умри йўлларда ўтди. Бир театр ёқмадими, қўл силқирди-да, бошқа бир вилоят театрига ўтиб кетаверарди. Албатта, бундай ҳаётда бола сарсон бўлиши тайин. Бувиси ва амакисининг ардоғида улғайган санъаткор “Мендаги овоз ва эркесварлик онамдан, лекин муסיқий қобилият билан орият туйғуси Магомаевлардан мерос”, деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, ўз даврида эрк ва орнинг тимсоли бўлган. Шу феъли туфайли машҳур Катта театрга таклиф этишганида кўнмайди. Чегараланган репертуарга тобе бўлиб, кимнингдир кайфиятига боғланиб қолишни сабрига сиғдирилмасди, ўзини банди бургутдек сезарди. Қолаверса, анъанавий совет операсини ҳам қабул қилолмасди.

Мавлоно Румийнинг “Сен олтин баҳосидасан, ўзингни мис чакага сотма” ҳикматини Санъаткор ҳаётининг ҳар бир саҳифасидан ўқиш мумкин. Муслим Магомаев ҳеч қачон партиёга аъзо бўлмаганини кимки эшитса, ҳайрон қолади. Чунки ҳукумат раҳбарлари эътибори-



даги эрка санъаткор. Бирор-бир тантанали маросим унинг иштирокисиз ўтмаса, ахир, қанақасига? Сир эмас, шўро даврида партия – улуғ бир мақом эди, одамлар учун. Бу борада Муслим Магомаев ҳурмат билан Ҳайдар Алиевни эслайди. Бир куни кулиб, арбобдан “Нега менга “Партияга ўтасан!” деб ҳеч зуғум қилмайсиз?” деб сўраганида, у: “Партия – тартиб-интизом. Сенинг феълинг ҳеч бир чекловга тўғри келмайди. Қолаверса, партия одамларнинг “ўсиш”и учун керак, бунақа “ўсиш”га сен муҳтож эмассан”, деб жавоб қайтаради. Ва Алиев кўп эмас, бир-икки бор “Биласан, сени Леонид Ильич яхши кўради, унвон берди, Ленин ҳақидами, ё ўзига бағишлаб, ҳеч курса, партия ҳақида кўшиқ айтсанг,

хурсанд бўларди”, деб хонанданинг юрагига кўл солиб кўради. Лекин санъаткор бу таклифни ҳеч ҳазм қилолмайди. Кўнгилга сажда этган, табиатга топинган, урушнинг фожиаси, инсоният тақдири ҳақида ёниб куйлаётган эҳтирос одами учун ҳар қандай дохийларнинг шон-шавкатию шиорбоп қийқириқлар ёпишмаган гажак, холос. Майли, қофиябоз шоир-ку қоғозни бежаб бир амаллар. Ахир, тарки одат амримаҳол! Лекин қандай қилиб маълумдан маълум туссиз сўзларни самовий тухфа – куйга ё оҳангга кўчириш мумкин? Денгизнинг исёнкор тўлқинлари билан биродар юракни бўйсундириб бўладими?! Айтинг?!

“Мен ниҳоятда чиройли ҳаёт кечирдим, у узоқ давом этиши сира мумкин эмас...” Бу бемор санъаткорнинг дўстига айтган гапи эди. У касалхонага боришни ҳеч хоҳламас, афсуски, жисму жонига арзон нигоҳ билан қарарди. Чиндан ҳам, чиройли ва мазмунли умр кечирди. Унинг тақдирида буюк шахслар ҳаётига хос чўнг изтиробли қисмат битилмаганди. Дарвоқе, “Тирик афсона” ҳужжатли фильмида Муслим Магомаев номли ходисага шундай баҳо беришади: “Бахт – эрка, тантик нозикойим. У кимни танлайди, хайронсан. Лекин бу галги танловида ҳеч адашмаганди.”

* * *

Денгизнинг бетиним ҳайқириги ичга кўчди. Беомон тўлқинларнинг биллур ҳовучида жоним оқяпти. Кўнгилда ёт-бегона оҳангга жой қолмади. Ўз-ўзи билан андармон руҳ қалбни шу қадар банд этганки, руҳнинг парвозига тану жон шу қадар қарамки... ўзга ҳаво, ўгай нафас кириб келиши учун игнанинг кўзидек ҳам тирқиши йўқ...

Миннатдорман Сендан, мени халос этганинг учун,

Юҳо ҳаёт ютиб юбормасиданоқ қутқариб қолганинг учун, Ташаккур!

Сен туфайли яна юракка қайта бошладим...



СЕРБИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Дунай ҳавзасида жойлашган Сербия тарихи бой ва ранг-барангдир. Бу ҳудудда қадимда иллирий, фракий, кельт каби қабилалар яшаган. Милоддан аввалги III–II асрларда Болқон ярим оролининг римликлар томонидан забт этилиши Сербия ҳудудидаги маҳаллий қабилаларнинг романлашувига олиб келди. VI–VII асрларда бу ерга славянлар келиб ўрнашди. X аср ўрталарида илк давлат – Серб князлиги пайдо бўлди. 1217 йил у қиролликка айланди. Стефан Душан ўзининг ҳукмронлик даври (1331–55)да йирик Сербия-Греция давлатига асос солди. 1389 йил Косово майдонидаги жангда турк қўшинларининг сербларни мағлубиятга учратиши натижасида Сербия Усмонлилар империясига қарам бўлиб қолди, 1459 йил эса бутунлай Туркия таркибига қўшиб олинди.

XVIII аср охирига келиб серб халқининг миллий озодлик ҳаракатлари бошланди. 1804–13 йиллардаги биринчи серб қўзғолони, 1815 йилдаги иккинчи серб қўзғолони натижасида серб давлатини қайта тиклашга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалий тус олди. Пировардида Туркия (султон фармонларига асосан) Сербияни ўзини ўзи идора этувчи мухтор князлик деб эълон қилишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, серблар озодликка бўлган ҳаракатни тўхтатмади. Натижада 1878 йилдаги Берлин конгрессининг қарорига биноан Сербия тўла мустақилликка эришди. Бироқ орадан чорак аср ўтиб, мамлакат яна мустамлакачилар асорати-га тушиб қолди. Жумладан, биринчи



Мустақиллик санаси –
1878 йил 13 июль
Пойтахти – Белград
Майдони – 88 407 км²
Аҳолиси – 7 041 599 киши
Давлат тили – серб тили

жаҳон уруши даврида Сербия Австрия-Венгрия кўшинлари томонидан оккупация қилинди. 1941 йили эса Германия босиб олди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фашистлар ҳукмронлигидан озод бўлган Сербия Югославия таркибидаги олти республиканинг бирига айланди. 1991 йили Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, ундан Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония чиқиб кетгач, Сербия билан Черногория Югославия Иттифоқ Республикасини тузди. 2003 йил 4 февралдан бу давлат Сербия ва Черногория деб атала бошлади. Ҳозирга қадар Сербия мазкур давлатнинг таркибидаги республика саналади. У ўз конституцияси, парламенти (скупштина) ва ҳукуматига эга.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олган Сербия ва Черногория Республикаси билан мамлакатимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1995 йил 18 январдан ўрнатилган.

Журналимизнинг май сонисида ўқувчиларимизни Сербия адабиёти ва санъати манзаралари билан таништирмоқдамиз.

Адабиёт

Мутахассислар серб адабиёти тарихини учга бўлиб ўрганадилар: 1-босқич XIV аср охири–XV аср бошигача бўлган даврни, 2-босқич XVIII асрнинг охиригача бўлган даврни, 3-босқич XIX асрдан кейинги даврни қамраб олади.

XV асрга келиб ёзма адабиёт шакллана бошлайди. Жумладан, бу даврда муаррихлар Сербия тарихини қоғозга туширишга интилади ва роҳиб Даниил маълумот тўплаб, XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни икки қисмга бўлиб, тадқиқ этади; албатта, унинг ёзгани адабий эмас, балки тарихий асар эди. Шоҳ Искандар ва Троя уруши ҳақидаги битиклар машҳур бўлган эса-да, ўзида қисман адабиёт унсурларини акс эттирарди, холос.

XVII аср охирига келиб, Сербияда Европа маданияти ва адабиёти таъсири сезилди. Бу давр адабиётининг йирик вакилларида бири сифатида Йован Раич (1726–1801)ни келтириш мумкин. Унинг асарлари турли славян халқлари, қаҳрамонлари ҳақида бўлиб, содда ва халқчил тилда ёзилган. Болгар, хорват ва серб халқларининг миллий қаҳрамонлари ҳақидаги асарлар Йован Раичга катта шуҳрат келтирди.

Серб адабиёти шу даврга қадар фақат ўрганди, кўшни халқлар адабиётидаги услублар ва усулларни ўзлаштира борди. Ваҳоланки, XVIII асрнинг биринчи ярмига келибгина, халқ тили адабиёт тилига айланди. Олимлар шу даврни Серб адабиётидаги янги давр деб эътироф этишади. Досифей Обрадович (1731–1811) ва Вука Каражич (1787–1864)нинг серб адабиёти ривожланишида туган ўрни бекиёс. Улар халқ кўшиқлари, эртаклари ва мақолларини тўплаб, китоб



холда чоп этишди. Бу эса йирик шоирлар ва ёзувчиларни ижодий илҳомлантирди. Лукиан Мушицко (1777–1837) ва Симеон Милутинович (1790–1847) сингари шоирлар ва романнавислар – Стойкович ва Милован Видакович, Бранко Радичевич серб адабиётининг янги босқичга кўтарувчилари сифатида майдонга чиқди. Радичевич халқ кўшиқлари ва мақолларидан ўзининг лирик шеърларида усталик билан фойдаланди. 1851–1853 йиллари ёзилган “Гойко”, “Стоян”, “Мозор калконлари” асарларида ушбу хусусият ўз аксини топган.

Адабиётшунослар Сербияда роман жанри туғилиши ва ривожланишини Негош Петрович (1813–1851) номи билан боғлашади. Унинг “Гулчамбар”, “Микрокосмос нури”, “Ёлғончи подшоҳ” сингари асарлари бугунгача ўз қадрини йўқотмаган. Сабаби бу асарларда умуминсоний қадриятлар улуғланган, ёзилган халқнинг аччиқ ҳаёти жуда таъсирчан тасвирланган. Масалан, “Гулчамбар” романида ватанпарварлик, халқлар ўртасидаги қирғиннинг олдини олиш, усмонли турклар билан черногор ва серблар ўртасидаги кураш тасвирланган, жанубий славянларнинг бирлашиш ғояси асар руҳига сингдирилган. Роман дунёнинг элликдан ортиқ тилига таржима қилинган бўлиб, бутун дунёда севиб ўқилади.

Йован Йованович-Змай (1833–1904), Жура Яшкич (1832–1878) ва Лаза Костич (1841–1910) эса XIX аср охири ва XX аср бошларида таржима орқали рус, олмон поэзияси билан танишди, натижада серб шеърияти бетакрор услублар ва халқ эпослари тили оҳанглари билан бойиди. Мана шу жиҳат серб шеъриятининг ўзига хослигини таъмин этди. Ёзувчи ва драматург Бранислав Нушич (1864–1938)нинг доврўғи ошди, пьесалари кетма-кет театрларда намойиш этила бошлади. Халқнинг театрга тушиши оммавий тус олди. Жамиятда адабиёт, санъат ва маданиятга эътибор кучайди.

Серб адабиётида қарийб XX аср бошларига қадар романтизм шиддат билан ривожланди, бунда рус ва француз прозасининг алоҳида ўрни бор. Серб ёзувчиларининг танқидий реализм ва психологизм методини асарларида қўллаши дунё адабиётини пухта билишини, бундан унумли фойдаланаётганини англатарди. Реализм эса бевосита модернизм туғилишига туртки берди. Янги модернизм элементлари Милош Црњанский асарларида бўй кўрсатди: мажозий образ орқали воқеаларни жонли акс эттириш, Жаҳон урушининг инсоният бошига солган чексиз кулфатини рўй-рост кўрсатиш М.Црњанский асарларининг лейтмотивига айланди.

Машҳур ёзувчи Иво Андрич (1892–1975) нафақат серб адабиётида, балки дунё насрида ўзига хос ўрин тутди. Унинг “Дрина кўприги”, “Травник эсдаликлари” каби тарихий роман ва қиссалари дунё миқёсида севиб ўқилади. 1961 йили адиб адабиёт бўйича халқаро Нобель мукофотиغا сазовор бўлади.

Замонавий серб адабиётида Милорад Павичнинг алоҳида ўрни бор. Серб насрининг дунёга танилишига ҳисса қўшган ушбу ёзувчи серб символизмининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Унинг “роман-луғат”, “мифологик роман”, “роман-миф”, “роман-метафора” сингари таърифлар берилган “Ҳазар луғати” асари XX асрнинг сўнгги чорагида яратилган энг машҳур романлардан бири саналади. Роман таркиби уч: кизил, яшил ва сариқ китобдан иборат. Умумий сюжетга эга бўлмаган асарда VIII аср охири – IX аср бошида бўлиб

ўтган тарихий воқеа: турк қавмига мансуб ҳазарлар томонидан қайси динга ўтиш масаласи насроний, исломий ва яҳудий динларига оид ҳужжатлар, нақлу ривоятлар асосида ёритилади. “Ҳазар луғати” романи қарийб ўттизга яқин тилга таржима қилинган. Бундан ташқари, адибнинг “Константинополдаги охириги ишқ”, “Шамолнинг ички қиёфаси ёхуд Геро ва Леандр ҳақида роман” каби асарлари ҳам тилга тушган. Айниқса, роман-лабиринт шаклида ёзилган “Хатлар учун мўлжалланган қути” асари ҳали-ҳануз адабиёт муҳибларининг эътиборидан тушмай келяпти.

Айни пайтда Милорад Павич таржимон, серб адабиёти тарихи бўйича мутахассис ҳам саналади. У Байрон ва Пушкин асарларини она тилига таржима қилган. Париж, Вена, Фрайбург, Регенсбург, Белград каби Европанинг нуфузли университетларида талабаларга дарс берган.

Замонавий Сербия адабиётининг таниқли намояндalари қаторида Мирьяна Новакович, Горан Петрович, Ясмينا Михайлович сингари адиб ва адибаларни санаш мумкин. Жумладан, Ясмينا Михайловичнинг (у Милорад Павичнинг турмуш ўртоғидир) “Парижча бўса” асари илмий-фантастика элементларини акс эттиргани билан адабиётшунослар диққатини жалб этиб келади.

Бугунги серб адабиётининг забардаст вакили Гроздан Олиуч асарлари адабиёт ихлосмандлари томонидан севиб ўқилмоқда. У ижодида миф, афсона ва асотир унсурларига таяниб иш кўради. Шунинг учун Олиучни кўпчилик жаҳон адабиётининг йирик намояндalари Габриэл Гарсиа Маркес ва Поэло Коэлога қиёслашади.

Мухтасар қилганда, Сербия адабиётини, бир қарашда кўзга ташланмаса-да, жаҳонга бўйлашган адабиёт намуналари билан беллашишга қодир сўз хазинаси дейиш мумкин.

Олимжон ЖУМАБОЕВ тайёрлади.

Тасвирий санъат

Сербия худуди Эгей денгизи, Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи бўйи мамлакатлари ва Ғарбий Европа маданияти туташган жой бўлгани боис, унда антик ва ўрта асрлар маданияти уйғунлашувини кузатиш мумкин.

Айниқса, ушбу уйғунлик рангтасвир санъатида яққол кўринади. Масалан, бу ерда XVIII асрнинг охирига қадар иконалар чизиш анъана тусини олган эди. Хусусан, IX–X асрларда ёғоч, тош қалъалар, черков деворларига чизилган диний расмлар, гумбазли ибодатхоналар пештоқларидаги суратлар тасвирий санъатнинг иконаграфия йўналиши ривожланганидан далолат беради.

Ўрта асрлар Европа тасвирий санъати ривожиди Сербия рангтасвир санъати муҳим ўрин эгаллайди. Ўша даврда Белград Жанубий славян санъатининг маркази саналган. XIII аср охириларига келиб серб



рангтасвири ўзининг янги босқичига кўтарилди. Қирол Стефан Урош II Милутин (1282–1321) даврида Сербия давлатини жануб томонга кенгайтириши, айниқса, Македониянинг серблар томонидан ишғол қилиниши юнон ва серб маданиятларининг аралашувига замин яратди. Сербия тасвирий санъатида Византия таъсири сезилишини ўша давр рассомларининг ижодида кўриш мумкин.

Серб маҳобатли рангтасвири аънаналарини 1296 йил қурилган Ахилия ибодатхонаси фрескаларида кузатамиз. Масалан, “Ҳаворийлар учрашуви” композициясида персонажлар ҳаракати оддий ҳаракатлардан фарқлаиб туради. Рассом ҳаворийлар ҳаракатини бир йўналишда акс эттирмай, балки илоҳий рақсга тушаётган фаришталар мисолида тасвирлаган.

Сербия рангтасвирининг бошқа ўлкалар тасвирий санъати аъналаридан фарқли жиҳати – шаклларни аниқ акс эттириши ва тасвирнинг софлигида кўринади. Серб рассомлари ибодатхона афсоналарини бойитиб, уларни ҳаётий воқелик ичига олиб киришга интилган. Серб иконаграфик белгиларининг ранг-баранглиги бошқа ҳудудлар иконаграфиясида кузатилмайди.

XIII асрга келиб серб рангтасвирида ушбу санъатнинг кўплаб аъналари ўрнини эркин ва мустақил ижодий қарашлар эгаллади. Инчунин, иллюстратив асос ҳамда рассомларнинг қарашлари ҳам ўзгарди. Бу ҳолатга санъатшунослар, серб тасвирий санъатининг ривожланиши, черков расмлари услубининг янгиланиши (Салоники шаҳридаги тасвирий санъат усталари Михаил Астрап ва Евтихий ижоди мисолида) ҳамда ўлка ижодкорларининг эстетик қарашлари тубдан ўзгарди, дея баҳо берадилар. XIV аср бошларида қуриб битказилган “Авлиё онаси” ҳамда “Ахилл Лариский” ибодатхоналари пештоқиға ишланган фрескаларда янги мезонларга амал қилингани кузатилади.

XVIII аср охири–XIX аср бошлари Сербияда миллий озодлик ҳаракати кучайди. Бу жиҳат рассомлар ижодида ҳам акс этмай қолмади. Ўзликни англаш, миллий маданиятни ривожлантириш тарафдорлари сафида рассомлар илғор ўринни эгаллади (А. Теодорович, П. Журович, А. Теодорович, Ж. Якшич, Ж. Крстич каби мусаввирлар ижодини мисол келтириш мумкин). Улар турли услублар билан миллий тарихни яратишни, фольклор аъналарни тасвирий санъатга кўчиришни, тарихий шахслар ва афсонавий қаҳрамонлар сиймосини гавдалантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Миллий меросга катта эътибор берган рассомлардан бири Йован Исайловичдир (1803–1885). Айниқса, унинг “Княз Милан ўлим тўшагида” (1838–1839; Белград, Халқ музейида сақланади) сурати миллийликка йўғрилгани, халқ қаҳрамонларини улуғлаш ғоясини акс эттириши билан ажралиб туради.

Биринчи серб аёл рассоми Катарина Иванович (1817–1882) ижодида ҳам тарихий мавзу етакчилик қилади. Венада таҳсил олган ушбу истеъдодли мўйқалам соҳибаси портрет жанрида самарали ишлаган. Унинг “Лочин тутган қиз” автопортрети (1837; Белград, Халқ музейида сақланади) ёшлик, аёллик жозибаси ва сирлилигини бетакрор тарзда акс эттирган.

XIX асрнинг охирларида Сербия тасвирий санъатига импрессионизм услуги кириб келди. Рассом Милованович ижодида бу услуб яққол кўринади.

XX асрда серб рассомлари Европа рангтасвири ривожланишига ҳисса қўшишди. Кубизм, фовизм ва экспрессионизм йўналишида ижод қилган П.Добрович, М.Конёвич, Й.Биелич, С.Шуманович каби мусаввирлар асарлари ҳануз санъат ихлосмандларининг эътиборида бўлиб келади.

Иккинчи жаҳон уруши чоғида сербиялик рассомлар ижодида реалистик қараш устувор бўлганини Жорже Андреевич-Кун (1904–1964) ижодий ишлари орқали билиб олиш мумкин. Бундай ишларда мундарижасида халқни озодликка ундаш, Ватан ҳимоясига отлантириш, душманга қарши умумий нафрат уйғотиш каби ғоялар етакчилик қилди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан Сербия мусаввирлари турли йўналишларда ўз кучларини синаб кўра бошлади. Хусусан, абстракт-модернизм (С.Челич), сюрреализм (В.Величкович) ҳамда оп-арт (А.Томашевич) йўналишлари устувор аҳамият касб этди.

Замонавий серб рассомлари модерн услубидаги ижодий намуналари билан Европанинг кўзга кўринган галереяларида мунтазам равишда кўргазмалар ўтказиб, мутахассислар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Дилшод ШУКУРОВ тайёрлади.

Меъморчилик

Сербия худудида неолит даврига мансуб пасткам тураржойлар сақланиб қолган. Милоддан аввалги I минг йилликка оид истехкомли манзилгоҳлар учрайди. Милоддан аввалги II аср – милодий IV асрда римликларнинг ҳарбий истехкомлари ва улар ёнида жамоат бинолари, саройлар, ҳаммомлар қурилиб, Сингидунум (Белград), Наиссус (Ниш) шаҳарлари барпо этилган. Ҳозирги Сербия худудида VI асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилган римликлардан бир қанча меъморий иншоотлар бизгача етиб келган. Жумладан, Гамзиграддаги дабдабали сарой (III аср) жуда машҳур. Мазкур сарой форслар билан бўлган жангдаги ғалаба шарафига қурилган.

V–VI асрларда Византия шаҳарларида ибодатхона, сарой, тураржой ва савдо бинолари қурилиши авж олди. IX–X асрларда эса ёғоч, тош қалъалар, деворларига диний расмлар чизилган гумбазли ибодатхоналар ва подшо саройлари барпо этила бошлади. Византияликлар маданиятининг таъсири яққол сезилувчи Кувшин ва Богдан черковлари Византия империясидан қолган ёдгорликлар сифатида машҳур.

Ўрта асрларда серб шаҳарлари марказида савдо майдони, чорраҳалар, икки-уч қаватли иморатлар қурилади. Уйлар томини тахта ёки тош плиталар билан ёпиш урфга киради. Шаҳар ва монастырлар атрофида тошдеворлар кадр кўтаради.

XII–XIV асрларга оид иншоотлар бу даврда Сербия худудида меъморчилик санъати гуллаб-яшнаганидан далолат беради. Асосий



эътибор биноларнинг ташқи кўринишига қаратилган. Маҳобатли рангтасвир намуналари билан безалган меъморий обидалар салобатли кўриниш олган.

Тарихий омиллар туфайли Сербия меъморчилик санъати ривожда Византия ва Италия маданий анъаналарининг таъсири сезилади. Хусусан, меъморий обидалар византияча услубга хос бўлган катта ҳажмдаги деворий рангтасвир намуналари билан безалган (Далмацияда сақланиб қолган тарихий обидалар). Зет шаҳрида сақланиб қолган илк ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар ҳам ғарб анъаналарига яқинлиги билан ажралиб туради. Тошдан барпо этилган гумбазли черковлар кўпинча гардишли эшик, ойналар ҳамда рельефли ҳайкалтарошлик намуналари билан безатилган.

XII асрда Сербия ҳудудида марказлашган давлатнинг вужудга келиши меъморчиликнинг тараққий этишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Рашка, Морава, Вардар, Серб-Византия (баъзан модерн услуби деб ҳам юритилади) меъморчилик мактаблари шаклланди.

Стефан Неманжа буйруғига асосан қурилган Авлиё Георгий, Студеница, қирол Стефан I даврида барпо этилган Зика, қирол Элен Энжу топшириғига қурилган Градак, қирол Стефан Урош III бунёд эттирган Високидекани, Стефан Вуконович қурдирган Морака каби монастырлар Рашка мактаби анъаналари асосида бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ҳисобланади.

Морава мактаби Лазаревич ва Бранкович сулоалари ҳукмронлиги даврида (1370–1459) шаклланди. Бу пайтга келиб меъморчиликка давлат сиёсати даражасида қаралган. Ибодатхона ва монастырлар қурилишига ҳукмдорлардан Хребелжанович, Стефан Лазаревич ва Пурап Бранкович алоҳида эътибор берган. Морава услубида илк бор қироллар хилхонаси Раваника барпо этилган. Морава меъморий мактаби анъаналари Усмонлилар империяси фатҳига қадар гуллаб-яшнаган.

Серб-Византия услуби 1300–1389 йилларда Неманич сулоласи даврида тараққий этган. Вардар мактаби Византия меъморчилигининг қатор анъаналари ва Рашка мактабининг хусусиятларини мужассамлаштирган янги услуб сифатида вужудга келган.

XV асрдан бошлаб Сербия ҳудудида турклар таъсирида масжид, минора, карвонсарой, тим ва ҳаммомлар қурилган. Икки-уч қаватли синчли уйлар барпо этиш урф бўлган.

Сербия меъморчилигида XIX асрдан шаҳарсозликка эътибор кучайди. Ўрта аср меъморчилиги анъаналари асосида Белградда барпо этилган Князь қизи Любица уйи (1829–1836 йил, меъмор Х.Н.Живкович), европача эклектика руҳида қурилган Белграддаги Халқ театри (1868–1869 йил, меъмор А.Бугорский) ушбу давр руҳини кўрсатиб берувчи меъморий обидалар ҳисобланади.

XX аср бошларида модерн услубида қурилган Белграддаги Москва меҳмонхонаси (1906 йил, меъмор Й.Илкич) ва янги византияча усулдаги Александр Невский черкови (1918 йил, меъмор Е.Надич) бинолари Сербия замонавий меъморчилиги хусусиятларини мужассамлаштирган архитектура намуналаридир.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА тайёрлади.

Муסיқа



Сербия муסיқаси славян халқларининг бой фольклор мероси, Византия ва роман маданияти таъсирида ривожланди. Шунингдек, мамлакатнинг жанубий ҳудудларида ислом дини билан боғлиқ анъана ва қадриятлар кенг тарқалган бўлиб, бу ходиса ҳам, шубҳасиз, серб санъатида чуқур из қолдирган.

XV–XIX асрларда эпик, лирик ва маросим хусусиятларини мужассам этувчи халқ куй-қўшиқлари турк фотихларига қарши курашда жасорат, мардлик, миллатпарварлик ғояларини кучайтиришга хизмат қилган. Айнан шу даврдан бошлаб, халқнинг миллий кайфияти ва ғурурини ифодаловчи, кўшиқ ва рақс элементларидан иборат “коло” юзага келади. Халқ оғзаки ижодининг мазкур шакли серб миллатига мансуб ҳар бир инсонга худди алладек таниш. Коло Сербиянинг барча минтақаларида оммавий томоша сифатида ижро этилса-да, вилоят ва шаҳарлар кололарининг талқини, услуби бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Сербия фольклор муסיқаси оҳанглар ранг-баранглиги, поэтик жилоси ва турфа товланишларга бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, бу жиҳат “севдалинка” деб аталувчи муҳаббат мавзусидаги халқ куй-қўшиқларида яққол кўзга ташланади. Лирик қаҳрамон изтироблари, ўй-кечинмалари, кўнгил изхори бу тоифа кўшиқларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Севдалинка эркин бадиҳа, декломация асосига қурилиши, ритмларнинг ўзгарувчанлиги, фольклор ва замонавий муסיқа белгиларини уйғунлаштириши каби хусусиятларга эга. Бундай муסיкий асарлар гусли, гайде, фруле, тапане (барабан) каби миллий асбоблар ёрдамида ижро этилган.

Сербиянинг туркларга қарам бўлган даврига мансуб муסיкий асарларда, асосан, диний мазмун ва сюжет етакчилик қилади. Аста-секин христианлик урф-одатлари ва черков маросимларини акс эттирувчи муסיкий жанрлар пайдо бўлди. Жаҳон муסיқа маданиятининг марказларидан бири – Австрия ҳукмронлиги даврида (гарчи узоқ давом этмаган бўлса-да, 1717–1739 йилларда) Белград, Воеводин, Нови Сад, Суботица, Панчеве каби шаҳарларда дунёвий муסיқа ривожига кенг йўл очилди. Австрия орқали серблар Ғарбий Европа муסיқаси эришган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Бироқ барибир серб муסיқасининг мустақил қиёфа касб этиши, ривожланиши турк мустамлақасига қарши бошланган кўзғолон (1804) ҳамда узоқ кутилган истиклол йиллари (1815)га тўғри келади. Мамлакат озодликни қўлга киритгач, биринчи серб муסיқаси намояндаси, композитор Й.Шлезингер ўша йиллари Сербия пойтахти бўлган Крагуеваце шаҳридаги князь Милош Обренович саройида концерт дастурини намойиш этади.

Кейинчалик Й.Шлезингер мамлакатда биринчи симфоник оркестрга асос солади. Ҳамкасби Н.Журкович билан ҳамкорликда опера санъати ривожига катта ҳисса қўшади. Бу икки композитор ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган “Шаҳзода Марконинг туши” (Й.Попович),



“Тиклан, оёкка тур, эй серб!” мусикали спектакллари саҳнага олиб чиқади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, Сербияда композиторлар уюшмаси тузилади, биринчи мусика мактаби очилиб, хор ижрочилиги йўлга қўйилади. Мусикий билим ва

саводхонлик ривожига М.Миловук салмоқли улуш қўшади; у ёшларга кўшиқ куйлашдан ташқари энг содда мусика атамаларини ўргатиб, скрипка ва виолончел чалишдан сабоқ беради. Қолаверса, илк бор серб тилида мусика назариясига бағишланган “Мусика асослари”, “Мусика хақида илм” китобларини ёзади.

Сербияда профессионал мусиканинг шаклланиш жараёни хор дирижёри, машҳур композитор Корнелий Станкович номи билан боғлиқ. У 1869 йили Белградда, асосан, мусикий томошаларга йўналтирилган Миллий театрда асос солади. Театрнинг кейинги тараққиёти композитор Д.Енко ижодида намоён бўлади. У Миллий театрда 1870–1902 йиллари мусикий раҳбар сифатида фаолият кўрсатади. Д.Енко асарлари Сербия миллий мусикий театрининг қайта тикланишида муҳим ўрин тутди. У биринчи серб опереттаси “Жодугар аёл” (1882)нинг либреттосини ёзди. Шунингдек, серқирра ижодий фаолияти давомида Д.Иличнинг “Прибислав ва Божана” тарихий драмасига мусика ва кўплаб симфоник асарлар яратди.

XX асрнинг бошларида композитор, дирижёр ва педагог С.Бинички Миллий театрда опера спектакллари саҳналаштиришга киришади. Унинг “Тонг палласи”, “Милош Обиличнинг уйланиши” каби опералари Сербияда мазкур жанрнинг етук намуналари ҳисобланади.

1920 йил Белградда доимий опера труппасига асос солинади. 1920–1930 йиллар давомида труппага С.Бинички, С.Христич, Э.Пинтерович, Н.Стаич, М.Йованович, Б.Нури-Хаджич, М.Бугаринович, З.Зикова, Ж.Томич, Д.Петрович каби моҳир композитор ва дирижёрлар раҳбарлик қилади. Театр репертуаридан классик композиторлар К.Глюк, В.Моцарт опералари, рус композиторларидан М.Мусоргский, Д.Шостакович асарлари мустаҳкам ўрин эгаллайди. Айниқса, Р.Вагнернинг “Тангейзер”, Ф.Шаляпиннинг “Борис Годунов”, Р.Штрауснинг “Саломей”, Пуччинининг “Жанни Скики” опералари театр саҳнасида катта муваффақият билан ижро этилади. Ўша йиллари гастроль боис мамлакатга тез-тез ташриф буюрган рус санъаткорларининг ташаббуси билан Миллий театр қошида балет труппаси тузилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Белградда симфоник оркестр, “Pro musica” камер оркестр ва камер чолғу ансамбли, “Коло” ва “Шото” номли халқ кўшиқ ва рақс ансамбллари, “Абрашевич”, “Иво Лола Рибар”, “Бранко Цветкович”, “Жока Павлович”, “Бранко Кроманович” сингари

хор жамоалари фаолият бошлайди. Кейинчалик анъанавий фольклор муסיқасини замонавий шаклда талқин қилиш, турфа муסיқий жанрлар уйғунлигида янги асарлар яратиш, яккахон ва жамоавий ижрони ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилади. Муסיқа майдонида Р.Бручи, Н.Херцигоня, В.Мокраяц, Э.Иосиф, А.Обрадович, Д.Радич, П.Бергамо, П.Озгиян, Р.Максимович каби истеъдодли композиторлар авлоди кириб келади. Амалий тажрибалар билан бирга назарий фанлар – муסיқашунослик, муסיқа публицистикаси, фольклоршунослик ривожланади. 1948 йили Сербия муסיқашунослик институти ташкил этилади. Муסיқада кечаётган жараёнларни холис ва ҳаққоний баҳолаш мақсадида “Овоз”, “Муסיқа”, “Замонавий аккордлар”, “Pro musica” каби илмий-танқидий журналлар нашри йўлга қўйилади.

Замонавий Сербия маданий ҳаётини муסיқа санъатисиз тасаввур қилиш қийин. Остона ҳатлаб уйдан чиққан инсон борки, кўча оркестрларининг бепул концертидан бахраманд бўлиш имконига эга. Бу тоифа санъаткорларни деярли барча шаҳару қишлоқларда учратиш мумкин. Асосан дамлаи чолғуларни чалувчи машшоқлар гуруҳи кўнгилли тарзда бирлашиб, сайёҳ мисол кўча кезишади, йўлда учраган тўй-тантанага кириб беминнат хизмат қилишади. Нови Сад шаҳри ҳар йили сентябрь ойида кўча оркестрларининг анъанавий кўрик-фестивалига мезбонлик қилади.

Кичкинагина Гуса қишлоғида эса қарийб ярим асрдан буён Европадаги энг қувноқ ва тартибсиз муסיқа фестивали ўтказилади. Беш юзга яқин созандалар дудка, тромбона сингари чолғулар билан куни бўйи муסיқа чалиб, ўйин-кулгини авжига чиқаришади.

Сербияда замонавий эстрада ва унинг поп, рок, хип-хоп сингари жанрлари ҳам омма, айниқса, ёшлар аудиториясини кенг жалб қиляпти. Е.Велика, Н.Карайлич, Н.Беквалац, М.Шерифович, Е.Томашевич, С.Ковачевич, Ж.Йоксимович, А.Радович, З.Чолич каби эстрада юлдузларини Европа мамлакатларида ҳам яхши билишади. 2007 йили Хельсинки шаҳрида ўтказилган нуфузли “Евровидение” танловида серб эстрада хонандаси Мария Шерифович “Молитва” композицияси учун бош совринни қўлга киритди.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ тайёрлади.

Рақс

Сербия рақс санъати турли кўринишларга эга. Улар орасида “Коло” рақси энг машхури саналади. “Коло” серб миллий рақси бўлса-да, шунга ўхшаш шаклда – доира бўлиб ижро этиладиган рақсларни Греция, Грузия, Туркия, Арманистон, Исроил, Руминия каби мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин.

“Коло” рақси очик, ёпиқ ва спираль кўринишларга эга. Очик “Коло” да



жамоа ярим айлана ҳолда томошабинларга юзланиб, рақс тушади. Ёпик “Коло”да рақс жамоаси доира бўлиб, рақс ҳаракатларини кетма-кет ба-жаради. Спираль “Коло” эса раққослар сони кўпайиб кетган вақтда ижро этилади.

Сербия миллий рақслари ўйноқи оҳангларга мос ритмлари, оёқ ва қўл ҳаракатлари билан бир-биридан фарқланади. Масалан, “Кукунешти” йигитлар ижросидаги рақс бўлиб, унда раққослар доира бўлиб, қарсак чалишади, ўртада эса раққослар навбат билан рақс тушади. “Дзюрдачка”да эса қизлар ўз маҳоратини намойиш қилади. Бунда раққослар этакларини ёки дастрўмолчаларни ёнда тебратиб, оёқларининг учида назокат билан кўтарилиб-пасайиб, сўнг тезлик билан айланиб рақсга тушадилар.

“Ритмлар дўстлиги” рақсида чаққонлик ва эпчиллик муҳим саналади. Эркак ва аёл иштирокчилар томонидан жуфт-жуфт бўлиб ижро этилувчи ушбу рақсда майда кадамлар билан ердан деярли узилмаган ҳолатда оёқларни чаққонлик ила мусикага мос ҳаракатлантиришади. Бу рақснинг бошқаларидан асосий фарқи шундаки, қўллар деярли қимирламайди.

Жўшқинлик билан ижро этилувчи “Сардорлик” жамоавий рақси ҳам эътиборга молик. Унда раққос ерга бир қўл билан таяниб, иккинчи қўлларини тепага кўтарган ҳолда оёқларини ён томонга сакраб узатишади. Аввал шу ҳаракатлар чап томонга, кейин эса ўнг томонга бажарилади. Қолганлар атрофда қарсак чалиб уни илҳомлантиради. Қизлар бу вақтда орқа томонда этакларини кенг ёйганча мусика оҳангига мос тебраниб туришади. Сўнг навбат қизларга келади. Улар ҳам этакларини боягидек икки ёнда капалак канотлари сингари силкитган кўйи давра ўртасига жойлашишади.

Сербларнинг яна кўплаб оҳанг ва ритмлари, бетакрор ҳаракатлари билан барчани ҳайратга солувчи рақслари кўп. Буларга “Селянчица”, “Шумадия”, “Шантел”, “Борино оро” каби рақсларини мисол келтириш мумкин.

Муҳайё МУХТОРОВА тайёрлади.

Театр

1736 йил Воеводина автоном ўлкасида жойлашган Сремских Карловцахдаги Лотин мактаби ўқувчилари сахналаштирган тарихий мавзудаги “Мануила Козачински” трагикомедияси серб театр санъати юзага келишида илк қадам бўлди. Кейинчалик бундай ҳаракатлар бошқа мактабларда ҳам кенг қулоч ёзди.

Мутахассислар замонавий шаклдаги серб театр санъатининг шаклланишини Иоаким Вуич номи билан боғлашади. У Крагуевацда Серб князлиги театрига асос солди. Бир пайтнинг ўзида директор, драматург, режиссёр, актёр, таржимон вазифаларини бажарган Иоаким Вуич “Сербия театри отаси” деган шарафли номга сазовор бўлган.

1838 йил Нови Садда илк профессионал театр иш бошлади. Унда



дастлаб Стефановичнинг “Шоҳ Уроша V ўлими” трагедияси намойиш этилди. Атоқли ёзувчи, драматург Йован Стерия-Папович (1806–1856) театрга реализм руҳини олиб кирди. Унинг ҳазил-мутойибага бой асарлари ҳали-ҳануз сахнада кўйиб келинади.

1861 йил Нови Садда ташкил топган Миллий театр серб театри ривождаги навбатдаги пиллапоя бўлди, кейинчалик Белградда Миллий театр иш бошлади, унинг сахнасида миллий озодлик руҳидаги асарларга катта эътибор берилди. Истеъдодли серб адиблари Якшич, Костич, шунингдек, жаҳон драматургиясининг етук намояндалари Шекспир, Шиллер, Гюго асарлари театр сахнасида кенг ўрин эгаллади.

XIX аср охирларига келиб серб театр сахналарида романтизм аста-секин реализмга ўз ўрнини бўшатиб берди. Сахналарда миллий руҳдаги хушчақчақ, серб халқининг феъл-атворида мос кўшиқлар, сатира ва юмор руҳи билан суғорилган асарлар пайдо бўлди. Айни пайтда Европа театрларига хос натурализм, символизм, экспрессионизм руҳидаги драмалар ҳам серб театрларини четлаб ўтмади.

XX асрда серб театри ривожини Бранислав Нушич (1864–1938) фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. У адиб, драматург, режиссёр, ҳатто навкирон йилларида актёр ҳам бўлган. Нушич сахна ортида туриб, томошабинларни зимдан кузатар, уларнинг муносабати асосида спектаклларга ўзгартиришлар киритарди.

XX асрнинг 20–30 йилларида Москва бадиий академик театрининг Сербияга уюштирган гастроль сафарлари серб санъаткорларида катта таассурот қолдирди. Тез орада Гисичнинг ижтимоий-сиёсий руҳдаги драма ва комедиялари, Нушичнинг сатира ва юмор билан суғорилган халқчил комедиялари, рус классик драматургиясидан Гоголь, Чехов, Островский, Толстой, Горький, жаҳон классик драматургиясидан Ибсен ва Гауптман асарлари кетма-кет сахналаштирилиб, томошабинларнинг театр санъатига бўлган қизиқишини янада оширди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг серб театр санъати сезиларли ривожланди. 1947 йилда ташкил этилган Белград драма театрида Артур Миллернинг “Гумаштанинг ўлими”, “Жодугарлар ови”, “Кўприк устидан туриб қараганда”, Теннеси Уильямснинг “Ойнаванд хайвонот боғи”, “Чўғдай қизиган томдаги мушук” сингари миллий ва хорижий асарлар муваффақиятли сахналаштирилди.

Серб театри тараққиётида Нови Саддаги Сербия Миллий театрининг кейинги йиллардаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Режиссёр Дмитрий Дьуркович (1953–1974) истеъдодли актёрлар гуруҳини тузиб, янги йўллар, услублар кидирар, халқ ижодий санъатига кўп мурожаат қиларди.

“ВИТЕФ” халқаро театр фестивали Сербия маданий ҳаётида эътиборга молик воқеа бўлди. У туфайли Белград театри Европанинг номдор театрлари қаторидан ўрин олди. Фестивалда Тадеуш Кантор, Петер Штайн, Лука Ронкони, Жулиан Бек, Жудит Малина, Роберт Уилсон, Пина Бауш ва бошқалар номи кўпчиликка танилди. Фестиваль дастуридан талай серб театрлари спектакллари ўрин олди.

Бугунги кунда Сербияда 35 та профессионал театр фаолият кўрсатади. Белград, Нови Сад, Приштин шаҳарларида жойлашган санъат институтларида талабалар театр санъати бўйича таҳсил олади.

Азиза АҲМАДЕЕВА тайёрлади.



Кино

Собиқ Югославия Республикалари кинематографияси ҳақида сўз кетганда, энг аввало, Сербия кино усталари маҳсулоти тилга олинади.

Зеро, серб киноси ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган ҳамда ажойиб анъаналарга эга. Сербияда илк фильм 1909 йили суратга олинган. Гарчанд XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Илия Чича Станоевич суратга олган “Белграднинг кулги кироли” овозсиз фильми анча шухрат қозонган бўлса-да, лекин Сербияда кино санъати юксалишининг биринчи босқичи 20-йилларга тўғри келади. Ҳар бир халқнинг миллий киноси ўша элнинг кўзгуси бўлгани каби, серб кинематографияси ҳам айнан шу йилларда миллат дардини ифода этадиган бўлди. Айниқса, режиссёр Михайло Поповичнинг “Косово муҳорабаси” фильмида халқнинг ўзлигини англаш мавзуси чуқур таҳлил этилганди.

Иккинчи жаҳон урушигача Сербияда ўндан ортиқ фильм суратга олинди. Урушдан сўнг мамлакат киноси бир муддат бўҳрон даврини бошдан ўтказди. XX асрнинг 60-йилларига келиб Сербия кино усталарининг асарлари халқаро миқёсда эътироф топа бошлади. Хусусан, Душан Макавеевнинг “Одам куш эмас” (1965), “Муҳаббат тарихи ёхуд телефончи кизнинг фожиаси” (1967), Александр Петровичнинг “Парпоротник ва олов” (1965, “Оскар” мукофотига номзод бўлган) ва “Пар сотиб олувчи” (“Канн” фестивали совриндори) каби фильмлари ҳаётий талқиннинг ноодатий баёни билан катта аудитория эътиборини тортди.

XX асрнинг 60–70-йилларида Югославияда янги режиссёрлар авлоди камол топди. Улар мамлакат кино санъатида янги йўналиш – “қора тўлқин” даврига асос солдилар. Ушбу йўналиш вакиллари цензура талабларига бўйсунмас, социалистик реализмдан воз кечган ҳолда давр руҳини ошқора танқид қила бошлаганди. Бу даврнинг атоқли намояндалари Душан Макавеев, Александр Петрович, Живоин Павлович, Желимир Жилник ва бошқалар Ғарбий Европа киношунослари томонидан юксак баҳоланди.

Сербия кинематографиясида драматург ва сценарийнавис Гордан Михич асосий сиймолардан ҳисобланади. Унинг сценарийлари асосида тўқсонга яқин фильм суратга олинган. Улар орасида “Каламушнинг уйғониши”, “Мен ўлганимда ва оқ бўлганимда”, “Абсурдистон” фильмлари кино санъатида кенг эътироф топади.

90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Сербия кинематографиясига мамлакатдаги мураккаб сиёсий вазият ўз таъсирини ўтказди. Зўравонлик тасвирланган, олди-қочди сахналарга бой кинокартиналар бир муддат катта экранларни эгаллаб олди. Лекин бугунги кунда серб кино санъатида яна инсонпарварлик ва гўзаллик мавзуларидаги фильмлар суратга олинмоқда. Сўнгги йилларда Сербияда йилига ўндан ортиқ фильм томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Серб фильмлари сон жиҳатдан оз бўлишига қарамай, юксак савияси билан халқаро миқёсда катта эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, режиссёр Стефан Арсе-

нивич Берлин кинофестивалида 2003 йили ғолибликни қўлга киритиб, “Оскар” мукофотига номзод бўлди. Сермахсул режиссёр Горан Маркович “Кордон” ва “Трне” фильми учун бир қатор халқаро кинофестиваллар мукофотини қўлга киритди.

Мамлакатда кино санъатини ривожлантиришга қаратилган танлов ва фестиваллар ўтказилмоқда. Жумладан, 1971 йилдан буён Белград шаҳрида анъанавий “FEST” фестивали ташкил этилади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Югославия тарқаб кетиши сабабли ушбу фестиваль дастури анча қисқартирилди. 2012 йил 24 февраль – 4 март кунлари фестиваль қирқинчи бор ўтказилди. Ўтган давр ичида ушбу анжуманда тўрт мингдан зиёд фильм тақдим этилди.

2007 йилдан эътиборан Нови Сад шаҳрида кино ва янги ОАВ фестивалларини ўтказиш анъанага айланган. Фестиваль доирасида кино назариётчилари ва танқидчилари, атоқли режиссёрлар ёш авлод вакиллари билан учрашиб, кино истикболлари ҳақида суҳбатлар ўтказишади. Медиа-санъат тадбирида дунёнинг эллиқдан ортиқ мамлакати вакиллари қатнашади.

Серб киноси ҳақида сўз кетганда, йигирма олти ёшида “XX аср кино-режиссёри” деган норасмий унвонга сазовор бўлган Эмир Кустурицани эсламасликнинг иложи йўқ. У 1954 йил 24 ноябрда туғилган. Гимназияда таҳсил олаётган йиллари футболга жуда қизиқар, ҳатто профессионал клублардан бири билан битим имзоламоқчи бўлади. Аммо беморлик туфайли футболдан воз кечади. Шундан сўнг у кино суратга олишга киришиб кетади. Ҳатто ҳаваскорлик даражасидаги фильми совринга лойиқ деб топилади. Гимназияни тугатгач, 1973 йил Прагага жўнади. Бу шаҳарда Эмир киноакадемиянинг режиссёрлик факультетида Отакар Вавра ва Иржи Менцель каби санъат усталаридан сабоқ олади. Унинг “Герника” номли диплом иши талабалар кинофестивалида асосий мукофотга сазовор бўлади. Кустурица 1977 йил Сараевога қайтиб келиб, телевидениега ишга киради ва илк бор қисқа метражли фильм суратга олади. Кустурицанинг биринчи тўла метражли фильми “Долли Белл ёдингдами?” (1980) Венеция кинофестивалида (1981) дебют сифатида махсус мукофот билан тақдирланади. Режиссёрнинг партизанларга бағишланган “Яширин”, шунингдек, “Қора мушук, оқ мушук”, “Отам сафарда” каби фильмлари ҳам машхур. У 1993 йили АҚШда “Аризон орзуси” фильминини суратга олди. 2004 йили Эмир Кустурицанинг “Ҳаёт мўъжиза мисоли” картинаси катта экранга чиқди ва халқаро фестивалларда эътироф қозонди.

2000 йилнинг бошларида Эмир Кустурица Белграддан 200 километр узоқликда Дрвенград номи билан этнографик маданият марказини ташкил қилади (Ғарбий Европада Кустендорф номи билан машхур). Бу ерда 2008 йилдан буён Қисқа метражли кино ва мусиқа халқаро фестивали ўтказиб келинмоқда. Эмир Кустурица турли халқаро кинотанловларда йигирмадан ортиқ мукофот, шу жумладан, икки маротаба “Канн” кинофестивалининг “Олтин пальма” совринини қўлга киритган.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ тайёрлади.



СЕРБИЯ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Стеван РАИЧКОВИЧ

(1928–2007)

*Рус тилидан
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
таржимаси*

Шоир, эссенавис, носир ва болаларга мўлжалланган китоблар муаллифи. Серб фан ва санъат академияси ҳақиқий аъзоси. Йигирмадан ортиқ шеър-рий китоблари, жумладан, “Харсанглар бешиги” (1963), “Дарёга бораётган кема” (1967), “Тасодифий мемуарлар” (1978), “Теграмдаги олам” (1988) ва “Кундаликдан шеърлар” кабилари машҳур. Қатор эсселар тўпламлари ҳам бор. У Шекспир, Петрарка ижодидан таржималар қилган. “Етти рус шоири” (А.Ахматова, М.Цветаева, Б.Пастернак, И.Бродский ва бошқалар) шеърятдан қилган таржималар тўплами ҳам севиб ўқилади.

БАЛКОН

*Қош қорайиб борар.
Балконда бир кимса
кўкимтир тутунлар орасидан боқади.
Паришонхотир фарқлашга уринар
нигоҳ майдонига тушган хасларни,
ана шулар дафъатан қоқиб келишар
мудроқ босаёзган шуур эшигин,
ичкарига киролмай.
Ва ногоҳ идрокидан айрилиб
молхона томларининг қора доғларида
тўртбурчак нур элас балқийди,
лимонранг ҳаёт антиқа томганча
ойналарнинг сўл-ўнглирида.
У ўзининг мия қутисига жойлаганича
пакана дарахтнинг кесилган шарпасин,
мўрилардан ўрлаган тутунда, ҳув, ўша,
ситоралар милт-милт қилган жуда ҳам баландда,
ҳаволарда эриб кетади.
Балконда ул кимса ҳисларга чулганар,
ҳатто ёмби мисол аниқ-тиниқ кўради,
қандайдир шитирлашин*

¹ Манба: «Иностранная литература», 2015. № 11.

мўнди, қора девор
 ҳужраларининг, тунлар қулфлоқ бўлар ҳамиша.
 У Нигоҳи-ла кузатади уфқда
 кечаларни кесиб учар қушларни
 мўлдан-мўл ҳисобсиз ва ҳисобдан нари
 тутиб бўлмас, кўнглида кечирганлари
 мавжланиб тошиб чиқади
 унинг хотираси ўнгирларидан –
 боши
 ҳаммасини саранжомлаб ололмас,
 ёлғизлик,
 шунақа даҳшатли ва кўлвор,
 чидамоқ душвор.
 Термуларкан балкондан хумор,
 унутилган туйғулар занжирма-занжир
 қўқимтир тутунлар остида бир дунё таважжух этади.
 Буларнинг бари бир замон шаффоф бир саройга сизмасдай эди,
 энди – яхлит, бир бутун
 гўёки кўринмас кўприклар солиниб
 пайдар-пай от қўйган туғёнлар –
 ва яна исмсиз нелардир жамулжам, биродар.
 Муҳими кўтарилган қўллар –
 жипсдир, бошқача бўлмаган, бўлмас ҳам –
 ул киши бу жумбоқни ечмоқчи бўлиб жавобда
 бўлинар минг битта бўлакка, ҳолбуки, вақт тилсим шахрини
 тикламаган кеча ё бугун.
 У бирдан хотирлар
 қарорлар ва ижролар оралигидаги жимитдай
 масофаларни,
 ва яна ундан-да азалий нималарнидир,
 фавқулодда ва ноқулай Икар ҳақида,
 фитратнинг басират кўзида намоён,
 сувдаги харсангдан айланиб кўз очган гирдобдай,
 суянч кесақисига тирмашиб ёпишар,
 металнинг совуғи жонидан ўтаркан,
 беихтиёр ўзини орқага олади,
 деворга суяниб, қароқларин юмганча,
 нимадир демоқни истайди, нимадир –
 шу чоққача туғма шоирларнинг биронтаси айтмаган.

ОЛИС МОЗИЙДАГИ НОТАНИШОЙИМ

Энди боқарканман бу жойга: ҳовли шуғлаларга чулганган,
 баланд қилиб урилган девор, фақат ошиб ўтар эртачи қушлар
 эрку осмонларга чорлаган мудом. Ҳовлида ёшлигимни ўртаган
 сен сари орзулар қадрдон... Менга ёд ҳамиша ўнг келар тушлар.
 Ўйлардим берилиб: сўлим ёз, юз берса қанийди мўъжиза.
 Сен билан бўлсаму бу ерни кўрмаса бирорта мижгов зот,
 босган ул алафлар ичида яшириниб йўлингни пойлардим, бўш кўза
 менгинани, нураган деворлар гиштидай эларди ўр ҳаёт.

*Эркалар шамс сени, уч одим нарида кетганмиз айрилиб,
ҳис қилиб, телбавор қонгинам қайнайди, жонгинам.
томчилаб-томчилаб, сингидим заминга, боқдингми қайрилиб,*

*гуркиради теграмда жимжитлик, нур қўргон десам ҳам бўлар кам.
Мен эса ҳадикда, қулардай жаннатий ул маъво –
етилган мевалар нест-нобуд, чилпарчин ромлари...
Худойим!*

*Қолсайди ҳаммаси аслидай, қалбга мос тинч садо,
Шеърларим чулғаса кўнглингиз, хафия бегойим.*

АЛЛАҚАНДАЙ КЎЧАДА

*Кимса билмас кўчанинг бир кимсаси –
Худо берган субҳи содиқ ҳамиша
ҳовлиққанча тортиб туриб ўзига,
эшик очар, тўкилади сувоги,
чекинаркан ортга олиб келбатин,
ногоҳ қалқар манглайида ёзиги,
аслида ҳам булар бари бегона, шу эшик ҳам тасодиф,
шу боисми кунлар ўтиб бир куни,
тополмасдан кулбасин, тун остида қолиб кетар гарибон.*

Иван В. ЛАЛИЧ

(1931–1996)

Шоир, носир, эссенавис, мунаққид. Француз, немис, инглиз ва мижор тилларидан таржималар қилган. “Собиқ бола” (1955), “Мелисса” (1959), “Аргонавтлар ва бошқа шеърлар”, “Вақт, гулханлар, гулшанлар” (1961), “Византия” (1987) каби шеърӣй китоблар муаллифи.

Кўплаб шеърӣй антологиялар ва мажмуаларни таржима қилиб, нашр эттирган. “Янги француз лирикаси – Бодлердан бугунги кунгача” шулар жумласидан (1966).

AMOR FATI¹

*Кулбам ёнидаги жуфт жўка сўйлар:
қияликнинг шимол томонига сен ўтқаздинг-а бизни,
гаддор – хатокор, ишқилиб, тутишимиз керак мустаҳкам,
хароб пойдеворинг куз, қиш, ёз, баҳор – қанча сувлар оқди,
озмас, ҳарқалай;
энди биз улгайдик, сақлагаймиз кулбангни омон
олтин жавзо қони қизиса,
ёмғир ва ел изгиса ҳар ён.
Сен гуноҳкор, бугун бизнинг томирлар туташ
очкўз, бепушт гар шаҳарнинг шиваларига,
шипшир менга шундай жўкалар, шивирлаш-ла айлайман жавоб:*

¹ Тақдирга иймон (лот.).

нима бўпти, ҳатто бу омад –
оқибатин қилса сарҳисоб;
алқагайман сизни тоабод, сиз ҳам мени дуо қилсангиз,
қайта гулга кирар жоним, замоним.

ХОТИРА БОҒИ

Ул боғни унутма, Мелисса, бир боғки,
чекка бир овлоқда кечган ёз, қадимий
сўз янглиз, бир бора аталган, бир бора;
ҳосили йиғилган тотли боғ,
хўб камёб, хўб кечки, гарқ пишган олтин ранг,
қувраган, қаҳрабо баргларин чеккаси нақшинкор,
олов ўзгартирган йўлларин.
Биз тилдан ҳеч қачон қўймаймиз,
сувларга ногаҳон тушганча чопади юзада,
на тотли шилдирар хотирлар соғинчи.
Фаройиб
ўтган кунларимиз бисотин хаёлдан кечириб, биз учун,
келажак учун ҳам кўз очар мозийлар; мен айни лаҳзада тикларман
хироминг,
аллаким чорлаган, ногаҳон неъматга узанган қўлларинг,
беихтиёр ва лекин ҳар қандай тақиқлар ўткинчи. Оқшом шошиб
йўлга тушар,
бутоқлар бўлар гум, ойдин юлдузлардан сут томчилайди;
дайдирмиз тун бўйи, бор-йўғи бир қадам олдинда борасан
боғ оша, Ердаги жамики мевалардан тотли ва қимматли,
бир таъм бор бу ерда ҳеч кимса тотмаган, териб ҳам ололмас
бирор зот.

ЕРДАГИ ҲАЙКАЛЛАР ҚЎШИҒИ

Сийратим ёт-душман боғдадир,
сохтадан сохтакор, юз бурар имиллаб,
мисоли юлдузлар низоми;
шу жойда
қиёфам, ўзлигим кўмилган, гарданам иршаяр ўзда йўқ
заминий тубанлик устида, зулматлар замири тусида
борадиган даласига бўғилган сув йўли;
шамол бор,
нетонгки эртадан эсади, гилмоннинг
залворли қаноти, атрофимда
томири қилт этмас, лаҳзада қўнмоққа шай-шошқин туради,
кўкнинг энг тўридан ёғаркан шуълалар;
о, барглар,
абадий маромда минг битта кўзлари!
Дилбарнинг борган сари томири мендан нари,
бир томчи ёмғир ҳам елкада сирғалмайди,
чунки мубҳам доғули бир қўлки, алақачон
тамоман бошқа бир чорбоққа оралаган.

Любомир СИМОВИЧ

(1935 йили туғилган)

Шоир, носир, драматург, таржимон. Серб фан ва санъат академияси аъзоси. “Славян элегиялари” (1958), “Хўроз уч қичқиргунча” (1972), “Шанба”, “Уммоний идрок” (1982), “Нон ва туз” (1985), “Игна ва ип” (1992), “Зулмат сабоғи” (1995), “Тухум пўчоғи” (1998), “Нуқта” (2000) ва бошқа шеърий тўпламлар муаллифи. 2008 йили ўн икки жилдли “Танланган асарлар”и нашр қилинган. Рус, инглиз, поляк, румин, итальян шеъриятларидан таржималар қилган.

АВТОПОРТРЕТ

Остонамда гувлаб ўсар,
ўсар томлар, тарновларда,
ўсар оққуш, қичитқи ўт,
уйим қолган зич қуришовда!
Мен ухларман тошдек қотиб!

Чумолилар олган асир –
кафтларимда эрк йўқ ортиқ!
Мен ухларман тошдек қотиб!

Қишлоқ оралаган беор
суворий ул –
аскари бор, лак-лак, қатор,
Фоз-ўрдакни хўб тутарлар,
Мол-ҳолни ҳам обкетарлар!
Мен ухларман тошдек қотиб!

Дарвозамни синдиришар,
Боглашади оёқ-қўлим,
Доглашади гариб дилим.

Этадилар нақ хароба,
Қазногимда излаб бода!
Мен ухларман тошдек қотиб!

Кўринмас бир ёвқур ботир,
Қилар хитоб, эй, дўсти хоб!
Шону шараф, озодлик-чун,
Қонунлар-да шиламоқ-чун
Қўлга қурол тутинг шитоб!
Мен ухларман тошдек қотиб!

Жарга отарман ярогим
Зафар қучсин қор –
чирогим!
Бошим
столга эгилган!

Ўз дунёмда тошдай қотиб,
Тамом гафлатга-да ботиб...
Оҳ, муддаом ухлаш шу кез...
Чироқларни ўчиринг тез!

КЎКДАН ТУШГАН МЕҲМОН

Совқотган елкамга ташлаб жунрўмол,
акашак қўлларим ишқаб ўтирсам,
шиппагим илганча, қандайдир бир зот
печкамиз ёнида исинар эди.

Аёллар тараша ташлаб ўрлатар,
ўчоқда чой, товуқ ичак-чавоги,
оқ толнинг чўғи-ку мисоли малҳам
қариган танани этар ярогли,

унга ертўладан май келтиришар,
токчадан қурт урган тишлоқ илиниб,
занглаган тичоқ-ла дарров тилимлаб,
у эса намчил нон, нокни хоҳламай,
тарвуз тухумини чақади шодон.

У чақиб ҳозирча, еб-ичар экан,
Орада гудраниб қилганда дуо,
Мен ойна ортида –
англаганимча
зулматда чақчайиб, ялангоёқ, оч:
бир талай ўтинга қор белги қўяр.

СТОЙКОВИЧЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Жаллоднинг дағдағаси ҳазилмас, жўра,
қанча разилликлар бижсиган юҳо?

Кучига ачинмай кунлаб калтаклар,
танамиз титилиб, йўл бўлгунча то,
этлар учиб, оқаради суяклар.

Юракдан калтаклайди ярамас одам,
завқланиб, оёғида турса-да зўрга,
шунда ҳам, воажаб, ҳаммамиз ўктам,
тирик очиқ гўрда.

Оёқ-кўлларимиз етганча боғлаб,
бизни тиклаб қўйишади девор ёнига.

Нишонмиз ўқларга! Ўқлар ҳаволар!

Миялар қақшаган, қўргошин қуйилган қонига.

Ниҳоят, кеч тушди. Уқчилар дам олар палла.

Йўлга тушишади биз билан, бизнинг борар жойимиз юрак.

Худди ишдан ҳориб қайтгандайдирмиз
отувдан четан деворли уйларимизга.

Аёлларимиз гарданзимиз илитар,
қўйлақларимизни алмаштириб яшил ўтларга.

Ютоқиб кечлик қиламиз, рўзгор таишишларига ботамиз кейин:
томни сувамоқ, деворни қайтадан кўтармоқ керак,

жомда ёмғир сувин йиғмаса бўлмас,

чўзилмоқ олдидан дейман хотинга:

эрта мени уйготгин эрта –

бешдан кечикмай бўлай қатлгоҳда, осарлар.

На чироқ, на шуъла – қатлгоҳда порлаймиз.

Арқонлари тишиқ, дори – навқирон.

Худо ҳаққи, нолисақ, бўлар-ку гуноҳ.

Осишади алмаштирамасдан, ҳунарларин ишга солишиб чунон.

Кечки таомгача осиқ турамыз – жонимиз тарк этмас танамиз!

Жаллодларнинг ўзларича жинлари қўзир –

баримизни михлаб қайтадан, ҳақоратлаб мушфиқ онамиз.

Эртаси кун. Аравада ўтин келтириб,

тўкиб ташлашади дорнинг остига, қип-ялангоч илгакка илдиришади
ва ёқишар тутантириқни.

Бир ҳафта округда гулханлар ўрлайди,

уйлар қириндига тўлиб қолар нақ томигача.

Ёниб битар бари. Тирик, соппа-соғ, тутунлардан чиқамиз
кўриб ҳушдан кетган бўғоз аёллар қанча,

*Шоҳ кўриб ишонмас ўзининг кўзига:
 Наҳот шу рост бўлса, ҳе, оналарингни!..
 Буни қандай тушунмоқ керак?
 Бизни гилдирак остига бостиришар, тўрт буклаб,
 парча-парчалаб – даҳшат!
 Тепиб-эзиб, отиб туширишар, кесишар.
 Бирон-бир сабаби бордир. Нимага – номаълум.*

*Ҳакамлар тишларин гижирлатишар,
 жигибийрон излашар жазо:
 жаллодлар қатл қилинар,
 ўқчилар кеч отилади беҳато,
 бизни ўлдирмоқ бўлганларнинг итқитилар ўзлари.
 Биз бўлса тирик ва соппа-соғ!
 Воқеа-ку, майли, олийжаноб кишилар шипшийдди:
 “Ҳеч бир натижасиз шунча уриниш!”*

*Бари борар телба-тескари.
 Уйқу олдидан хаёлга келтирмоқ даҳшат: шубҳасиз,
 биз ҳам мангу ўлмайдиган эмасмиз,
 қани, бўлмаса бир
 очунни
 қаҳқаҳадан зириллатайлик?*

Борислав РАДОВИЧ

(1935 йили туғилган)

Шоир, эссенавис, таржимон. “Шоирона” (1956), “Бедорлик қардошлиги” (1960), “Танланган шеърлар” (1979), “1971–1982 йиллар шеърлари” (1983) “Қирқ икки танланган шеър” (2007) шеърый китоблари, тўртта адабий эсселар тўплами нашр этилган. Француз тилидан О.Бальзак, Ш.Бодлер асарларини таржима қилган.

ҲАЁТ МАЙИ

*Байрам дастурхони қитиқлар иштаҳани,
 сочлар эҳтиросдан хўл бўлганича жиққа,
 биз тамом гафлат бўҳронига ботганда, отам
 навданинг кўз очганидан хабар топганча
 ўйнашар кун ботгунча, япроқчалар меҳр кўради,
 толиққан қўлларининг сезгиси бирдан
 нўхатваш яшилликка тўлиб-тўқиниб ўйга толади:
 янги мусалласнинг тотти қанақа бўларкан?*

*Мен бугун шунақа майни орзу қиламан,
 қадаҳ кўтараман ойнага уриштириб –
 баҳор шуъалари жилваланар похол рангида...
 Мен аниқ биладирман, содир бўлар бари бегумон:
 новдалар пиндиқ отар, кўрсангиз эди,*

*навраста, сўлим, ҳайрат хаёлингиз занжирлар.
Агар орадаги меҳр ришталари узилиб кетмаса борми,
илдиздан хатлар олар ларзон мева шокиллари:
ёғоч кулба ертўласида қопқалари мағор ул бочкаларда,
бу ёз вағиллаган олтинранг чоғир,
ҳорғин офтоб оқсоқланиб қадамлайди ненидир
осмон қаватларида. Мисоли юлдуз,*

*кўпирган май коинотда саралар саройин,
эски кўйлагида ва бирдан бўлганча озод,
балки ногоҳ ташириф буюрар падар,
нафаси қисганча, пайдар-пай йўталар,
ўзининг тойғониб юрган фикрларини
ҳарис кўзлари-ла маъюс кузатиб.*

ВАҚТ СИНОВИ

*Ҳавода қор изғиб юрибди, далалардан анқийди чоғир,
илашади униққан барги хазонлар куйчи гилдиракларга.
Эшитяпсанми? Бу аскарлар уйларига қайтаётирлар,
хотинлари олдиға.*

*Дубулғалар билан бирга индамайгина хотирларни ечиб қўйишар,
оқ кокиллар яланғочланар.*

*Бу жойда шоирлар нима ҳам тутқазар юракка – мусибат ва
очликдан бўлак,
ғуноҳкор яқинлик, эзгуликнинг енгилганидан бошиқа,
майда халқлар
илдизини излаш янглиғ
беҳуда.*

*Аскарларнинг оёқлари чўмилар тишсиз кампирчалар кўзёшларига,
ҳарбий анжомларин ечиб, бешикларга термилади жангчилар,
ажабланар оч малла болакай:
уларнинг жингалак сочлари, худди оқ асалари каби
бошларига белги солиб қўйилган-а.*

*Қиш. Ажойиб палла-да, яна қадрдон уйнинг
ўчоғи ёнида
оталикка кўникканича, ҳар турли гапларни лақилласа бўлардай,
ҳув, ўша, ким туғма кўр кўз очганидан,
ким эса қўлсиз болаликдан –
барининг ёзиги нима қазои қадарда – вақт шошилмай дорига тортар.*

ЭШКАКЧИЛАР

*Қип-қизил сувда қора-қура шакллар:
кун ботишида эшкак эшишар, қуёш орқа ёқдан тикилар,
қизилвашиланиб қорайишларни;
чор тараф денгиз, гўё топилма жомларнинг бир ёни.
Кема қўйруғида турганча Ҳофиз, руҳлантирар эшкакчиларни:*

“Ўйлайсизки, уйгача сузиб борамиз тикка, йўқ, асло,
 ҳозирча ҳеч ким бизнинг кемамиздан кетолмас,
 аксига ҳаммаси шунчаки ривоят,
 на бир шойи-ипак, мўйналар,
 на бир ҳурилиқо қўлимизга кирмаган – биз, эшкакчилар,
 яра-чақаларимиздан оққан қонга бўялган кийимларимиз,
 ҳозирча бошқалар тўлдиришар омбор, овлоқларини,
 эшкак эшинг, биродарлар, эшкак эшинг,
 эшитяпсизми кўрфазларнинг ҳайқириқлари;
 энг тўғри ва ишончли йўл мана шудир, азизларим,
 эшкак эшиб етганича денгизлардан денгизларга ўтинг ошиб,
 суви чучук маъволарда,
 кўм-кўк яшил майсалару хушбўй замин таровати қучганича ” .
 Мана, ажаб, йўрғакдаги чақалоқ ҳам ойна сари эшкак эшар,
 унинг шовқин-суронидан зир титрардай кўй-кўчалар.
 Қизилваши бу қоп-қоралар:
 бор-йўғи оч арвоҳдай шамойили қолган элас,
 Қайларгадир бир амаллаб сузиб бориб, берарми сас.

Томислав МАРИНКОВИЧ

(1949 йили туғилган)

Рус тилидан
 Мухтасар **ТОЖИМАМАТОВА**
 таржимаси

Таниқли серб шоири. “Эгизак” (1983), “Таниш вақт” (1986), “Шеърлар” (1991), “Кўзгу олдидаги шубҳалар” (1996), “Омон қолиш мактаби” (2003) ва бошқа шеърый китоблар муаллифи.

БОЗОРГА БОРГАН ШОИР

Ёзнинг беҳаловат жазирамаси.
 Бозор шовқини ичра кетиб борардим.
 Айланма темир йўл бўйлаб мен ҳоргин.
 Тирғакларга осилган халталар ичра
 Сабзавотлар шодасига кўз қирим ташлаб.
 Ва яна...
 сувсизликдан толган балиқлар потраб
 ҳансираган намчил пештахталарга.
 Худди шу лаҳзада қаршимда бирдан
 Шоир пайдо бўлди, хаёлга толган.
 Ва сездим...
 асли у бозор ичрамас.
 Дарбадар кезмоқда ўзга сайёраларда.
 Сабзавотлар тоғдек уйилган жойга
 Андак хижолат-ла яқинлашди у.
 Шира боғлаб тўлган меваларга-чи,

Таажжуб-ла боқди аста айланиб.
 Қай бирини харид қилмоқчи эди?
 Гўё эслолмади. Ва пештахтага
 Ғижимлаб ташилади қозғоз пулларин,
 Жаранглаб тўкилди майда тангалар.
 Шоирни кузатиб ўйлаб қолдим мен...
 Унинг тенгсиз мисралари,
 гавҳар сўзлари ҳақда.
 Ғамдан озод гўзал қаҳрамонлари,
 Майда ташишидан холи қаҳрамонлари...
 Бу ерда у жуда ночор кўринди.
 Сездим туман ичра йўқотган йўлин.
 Кўринмайди илҳом, қайда маҳорат?..
 Бутун бозорни кезиб топмаган, билдим,
 Турмуш деб аталган ёвдан қутқариб,
 Ўз кўнглига бошлаб боргувчи
 Ёруғ қофия ва оддий жасорат...

ҚАЙРИЛИБ ҚАРАШГА УЛГУРМАМ

Мен улгайган шу кўҳна хона,
 Тонгда сокин тортиб ёғар шуғлалар. Кўпларга ҳаттоки эриш туюлар,
 Гўё уя қуриб бўлар парвона Бу қадрдон уйда кечган ҳаётим.
 Унга қуёш рангли митти қушчалар. Тўғриси айтсам сизга, азизлар,
 Шу гўшадир асли эзгу баётим.

Афсонадай ўтиб бормоқда умр,
 Қайрилиб қарашга улгурмам ҳатто.
 Жиҳозлар, йўлаклар тўшайди бир-бир,
 Йўлимга сўзлардан сеҳрли мато.

ҲАЁТ

Сен – бамисли
 айтишига ботина
 олмаган ҳақиқатимсан.
 Ёхуд ўтмишдаги
 юз йилликдан сўзлагувчи
 ҳужжатли фильм.

Ҳали бирор марта
 намоёни этилмаган,
 Бироқ ёрқин сюжетларга
 бой бўлган тақдиримсан.
 Бўлган ва
 бўлмаган воқелик аро
 Яшайман, лек
 бари тангрига аён.

Ахир, қалбим
 сирин ундан ўзгага,
 Айтмасман тоабод
 меники бу онт.

ЮКУМЧИЛ МАВСУМ

Куз – юкумчил кезгувчи мавсум.	Кўксингни тўлдириб нафас оласан, Бу ёқимли
Ундан тўла бахраманд бўлмоқлик-чун	исдан бўлганингча маст.
Йўлга отландинг.	Эҳ, анави озгин газетчи билмас
Мопедингдан ортда қолмоқда боғлар,	Ҳар бир лаҳза бизга улашмоқда бахт.
Қалин туман ичра ажиб гузарлар. Бир текис боравер, хув, анави муюлишигача.	Бола каби қувнаб, кетасан яйраб,
Эгилган жўхори пояси ичра кетаверсанг, бирдан тинглашинг мумкин	Ана шундай онлар суруридан сен.
Маймунжон оралаб безовта кезаётган каклик овозин мириқиб.	Сенинг бу ҳолингдан воқифдир кузак.
Ва аста шивирлайсан ўзингга ўзинг:	Ўтган барча ишлар учун айбламас ҳеч кимни.
“Куз ҳам келиб қолди, мана, ниҳоят...” Не бўлмасин, ҳаёт барибир гўзал”.	Мулойимлик билан афв этар ҳаммамизни.
Ва яна илдамроқ юра бошлайсан,	Ва шионар нурли келажакка у.
Чанг тўзгиган қишлоқ кўчаларида. Тўхтаб қузатасан ажиб дамларни...	Фақат сўнги кучи билан шимиб боради
Юк машиналарнинг тарақ-туригида	Чор-атрофдан барча ҳаёт тафтини...
Иссиқ нон ҳиди димогингга бўйлар, сездингми?	Сенга-да юқади бу ажиб ҳолат.
	Ҳаётингга мазмун бера бошлайди – ЮКУМЧИЛ МАВСУМ...

Гойко БОЖОВИЧ

(1972 йили туғилган)

Шоир ва ношир. “Ер ости иншооти” (1991), “Ҳайвон юраги” (1993), “Нарса-лар ҳақида шеърлар” (1996), “Архипелаг” (2002), “Элементлар” (2006), “Бена-зир қўшничилик” (2012) шеърӣ тўпламлари ҳамда “Замонавий шеърӣят. XX асрнинг иккинчи ярмидаги серб шеърӣяти ҳақида” (2000), “Севимли маскан. Серб шеърӣяти ҳақида эссе” (2009) каби эсселар тўплами эълон қилинган. Адиб “Янги серб шеърӣяти” антологияси (2005) ва “Атрофимиздаги дунё” (2009) замонавий серб насри антологияси тузувчиси.

ЗАМОН

Балки... баъзи тушунчаларни ўзгартирмоқ яхшидир кези келганда. Ана, қаранг, аскарлар	қиличларин авайлаб олиб қўйдилар. Ўтқир пичоқларин солдилар қинга.
---	---

Осойишта ҳаётга
 нима ҳам етсин?
 Гарчи улар чиниққан,
 ҳар он курашга шай бўлсалар-да.
 Одатда, жангчи
 йўлга отланар экан,
 ўрганмоғи лозим
 сафар йўналишини.
 Қутилмаган денгиз
 саргузаитлари учун.

Зеро, ҳар бир
 сафарнинг ажиб гаити бор.
 Қишда горлар
 томон талпинади у
 Йиртқишлардан
 омон қолмоқлик иштиёқида.
 Баҳорда-чи, хушовоз
 илоҳалар чорлар уни қўшиқ куйлаб.
 Ёз эса соз ўтар денгиз бағрида.
 Кузда сокин

тортиб кезади дилгир,
 тангридан нажот сўраб
 сочилган оролар ичра.
 Жанглар ичра хаёлингда кезар бир савол:
 “Бу сафар жон берар қайси қаҳрамон?..”
 Яшайверсак кўрамиз ҳали.
 Балки...
 вақти келгандир ушбу дамларда
 тингламоқ лозимдир марҳумларни-да!
 Майли, сўзласинлар,
 шу пайтгача тоқат қилганлар,
 Ҳориган жасорат,
 шижоат соҳиблари.
 Ҳар гал келгуси жанггача
 руҳингни қийнайди қурбонлар ёди.
 Ва ер ҳайдаган
 қўшчига азоб беради
 Тупроқ қатидаги синиқ сўнгаклар.
 Аёлларнинг бари бош эгди бу кез,
 Бу қора ўтмишини унутмоқ учун.
 Жанг майдони узра
 эса пок номлар ва шонлар кезар сарсарии.
 Гавжум шаҳар эса
 аллақачон ҳувиллаб қолган.
 Унда кўринмайди биронта эркак зоти.
 Бўйи анча чўзилиб қолган
 йигитчалар бу дам
 Бўйинга олмоқни
 ишташар рўзгор юкини...

СЎНГГИ СУРАТ

Сақланиб қолмаган
 отам билан тушган сўнги суратим.
 Ўшанда биз
 отамнинг машинасида
 бирга кетиб борардик.
 Мен сукут сақлардим.
 Отам эса ҳикоялар сўзлар

ва недандир ташишилларди.
 Гўё унга етмасди ҳаво.
 Сураат плёнкасида
 оқши чизиқлар қолган.
 Бироқ менга
 мана шу тасвир қадрлидир
 барча ёрқин суратлардан ҳам.

Эсимда, олдинга
қарасам жимирларди кўзларим.
Гўёки нимадир
рўй беришин сездим ўшанда.

Содир бўлгач эса
ҳамма-ҳаммаси ўртамизда қолди.
Ўша ерда...
отамнинг
оч сариқ машинасида.

ГУВОҲ

Бир гувоҳ,
Тадуеш Ружевич,
Ўсмирлигида кечган
тушкун бир ҳолат ҳақида сўзлаб қолди.
Бир куни унинг онаси
дунёга тийрак боқа бошлаган,
беш ёшли ҳаётсевар ўглига:
“Бир умрга сени ташлаб кетаман”, деган.
Билмадим, бу таҳдидли сўзлар
қанчалар салмоқ касб этади?..
Мен сизга
бошимдан ўтган воқеани айтиб берайми?
Менинг онам бирор марта:
“Сени ташлаб бир умрга кетаман”, демаган.
Бироқ ташлаб кетган
абадий фироққа мени.
Гарчи бу воқеага
гувоҳлик бера олмасам-да,
Унинг кетаётган
лаҳзалардаги нигоҳларин
эслаб бўзлайман, холос.

Мирослав МАКСИМОВИЧ

(1946 йили туғилган)

Таниқли шоир. “Шеърлар” (1978), “Мудраётган хизматчи” (1971), “Сарроф” (1972), “Оддий хизматчининг хотиралари” (1983), “Само” (1996), “Танланган шеърлар” (2000), “Белградда ёзилган шеърлар” (2002), “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари ҳақида 77 сонет” (2008), “Озодлик ҳақида ёмғир шивири” (2009) сингари шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

ЁЛДОР ЁПИНЧИҚ

Ёпинчигим
ёндим бошимга,
Зулмат ичра кетяпман аста.
Тулпорим гоҳ тишқирар,
Гоҳ ёлларин иси
кезар димоқда.
Айтар бўлсам
бундай антиқа ёпинчиқ билан

Бошлаш мумкин янги асрни.
Оҳ, бу отлар,
сара тулпорлар,
Кенгликларда учади қушдек.
Юрагиндан кетади гардлар.
Олов ёллар елиб ўтади
Ортда қолаётган қишлоқларни-да.
Мешлар ичра қалқийди шароб.

Суворийлар кетмоқда тезоб...
 Шу тоб ёпинчиққа ўрандим-да, боз,
 Мизгидиму
 ном қўйдим ўзимга ўзим:
 “Ўспирин чавандоз!”
 Вақтлар ўтиб
 боргач ҳар инсон
 Ўзи истаган қўналгани топади, инон.
 Мана шу ёпинчиқ,
 билсангиз,
 Менинг асл қўналгам эрур.
 Гарчи бу жул остида
 нафас олмоқ осон эмасдир,
 Гоят қийин қўлингни қимирлатмоқ ҳам.
 Оҳ, шунчаки яшамоққа қўймас, ахир,
 Вақтнинг бешафқат шарораси.
 Бир зум
 афсонадай ўтар бир аср.
 Кўндан шу ёпинчиқ ичра бедорман.
 Ва яқинда
 пинакка кетмогим боряпман сезиб.
 Начора, бор одатларга кўникканмиз биз.
 Қарабсизки, ҳеч вақт ўтмай
 мўйсафидга дўнаман, шаксиз.
 Ва... хира тортиб борар умрим маёғи.
 Бироқ ёпинчигим ҳамроҳ,
 масрурман ҳаргиз.
 О, менинг қадрдон
 ва ёлдор ёпинчигим-а,
 Хўрсинаман толаларинг юзимга босиб.

Ахир, неча тунларни
 ўтказдик сен билан бирга.
 Бедовим-да гувоҳ бўлди барига.
 Жуда узоқ сукут сақладим нега,
 Билмам, нима учун имкон бўлмади
 Қаҳ-қаҳ уриб бор
 овозим-ла масрур бўлмоғимга...

Бу ёпинчиқ билан тулпорим
 Кесиб чиқди Карпат доволларини.
 Ва мардона борди Чарноевич изидан.
 Дрина орқали кўтариб ўтди
 Сават ичра ухлаган гўдакларни ҳам.
 Ёпинчигим остида
 чексиз осмоннинг-да

титради юлдузли шокилалари.
 Ва ниҳоят... ёришди осмон.
 Микроскоп ойнасидан қаранг
 ҳар бир хонадон ўчоғига сиз.
 Митти микробчалар шўхлик қилади сакраб,
 Ойнаси қайнатаётган аталага мўралаб.
 Шунақа...
 Бу ёпинчиқ остида
 нималар кечмайди отхона ичра.
 Бироз уринсам-да
 оёқларимни қимирлатишига
 Шу ондаёқ ҳовлида кеза бошлайди
 ...сирли қадамлар...



ҲАҚИҚАТНИНГ ОҒИР ТОШЛАРИ

Серб адиби, рассом ва муаррих Момо Капор асарини ўқиб, очигини айтадиган бўлсам, мен сира ҳаяжонланиб ёки суюниб кетганим йўқ. Ҳолбуки, қисса бундай эътирофдан ортиғига ҳам лойиқ. Шунга қарамай, мен беихтиёр хаёлга чўмдим, бир нималарни ўйлаб, кўнглимдан ўтказиб... далаларга чиқиб, эрта кўкларнинг муздек ҳавосидан кўксимни тўлдириб нафас олгим келди.

Ўз тарихини шундай усулда ёхуд шаклда, бадиий қийматиغا зиён етказмай ҳаққоний асар ёзса бўлар экан-ку, дедим шамолда новдалари тебранаётган толга.

Бирон лавҳада зумрад ва ёқутлар ўрнатилган тахтиравон, чақинлари кўзни қамаштирадиган олмос дастали шамшир, сарой аъёнларининг ўзлари тугул, тулпорларининг сувлиғи, эгар-жабдуғидаги тилла суви юритилган нақшинкор безаклар, баджаҳл турқ-таровати ё қароқчидан баттар, ё самоварчи Асра Калга ўхшаш, ҳадеса қўлини кўксига қўйиб, гўё одобли ва миллий урф-одатлар бўйича саломга алик оладиган ё вазири аъламнинг сўзларини тасдиқлайдиган шоҳлар, хонлар, лашкарбошиларнинг қирғий қарашлари, алп қоматларини тасвирламай, тарихий бўёқларни қуюқлаштирмай ҳам ҳаққоний асар ёзиш мумкин экан ку, дедим бироздан сўнг ярми сувда, ярми қирғоқда ётган харсанг-тошга.

Тош жим. Жавоб кўнглимда, сарой шоирлари деган тамғани босмай, уни хушомадгўй, лекин нафис қоматли, чўққи соқол қилиб, қиёфасини тайёр қолипга солиб, сўнг ўқувчига томоша учун тақдим этмасликнинг иложи бор экан-ку!

Жанг тафсилотлари ҳақидаги бу асарнинг марказида уруш эмас, балки одамлар тақдири туради. Ўша жангда ҳалок бўлган, балки бало-ю офатга гирифтор бўлганларга қўшилиб чин инсоний қадриятларнинг ҳам поймол топгани қаламга олинади. Ўша пайтда ғанимга бош эггандан ва таслим бўлгандан кўра ўлимни афзал билган Ҳазрати Инсонга хос фидойилик, мардлик, қазо қилган дўстининг тириклигида хато деб ҳисоблаган ишлари нақадар тўғри эканини кечроқ англаган одамнинг тавба қилишга, узр сўрашга етган жўмардлиги – энди эса бундай инсоний туйғулар йўқ, уруш тугаганига бир юз қирқ йил бўпти, серблар мустақилликка эришди, энди улар озод, Черногория давлати аста-секин тараққиётга юз тутди, лекин ўша одамийлик нишона-белгилари ниҳолдек тутиб кетолмаяпти, унинг мевасидан оилалар, авлодлар – миллат баҳраманд бўлполмаяпти.

Асардаги Зуко Жумхур билан асосий қаҳрамон (Момо Капорнинг ўзи бўлса керак!) ўзи ҳақида эмас, асосан дўсти ҳақида қайғуради, бир-бирига зарар, шикаст, азият етказмаслик, бир-бирининг кўнглини беҳосдан бўлсин, оғритиб қўймасликни шиор қилиб олгандек юрадилар.

Зуко мусулмон бўла туриб, бирга ижод қилаётган сценарийдаги насронийларни ҳурмат билан қаламга олишга уринади, бунинг учун янги-янги воқеалар ўйлаб топади, дўсти, яъни “Монтенегронинг яшил мовути” қиссаси муаллифи эса, жангда мағлуб бўлган мусулмон Усмон пошо Сархушнинг шерюраклиги, ўлимга тик боқишга қодир инсон экани, пошо унвонига муносиб шахслигини такрор-такрор намойиш этувчи лавҳаларни келтиради. Черногорлар князи душман генералига илтифот кўрсатади, қиличи ва соатини ўлжа қилган серб аскаридан қайтариб олиб беради-ю, лекин Лука Филипов деган миллатдошининг феъл-атворидаги мақтанчоқлик, молпарастлик, қувликни кечиролмайди.

Бу халқлар дўстлигини ифодаловчи шиор эмас, воқеликдан келиб чиққан ҳаётий сабоқдир. Ана шундай маънавий хазиналарни Момо Капор қаҳрамонлари тарихдан излашади, шу машаққатли жараёнда топилмаган бойликлар беихтиёр кўнгилда пайдо бўлаётганини гоҳо ўзлари ҳам сезмай қолишади.

Илло, буни китобхон сезади, чунки аввал Усмон пошо Сархуш, кейин Зуко Жумхур ва ниҳоят, Момо Капор излаётган ўша маънавий бойликни у ҳам излаётганига мен шубҳа қилмайман.

Модомики, адабиётнинг биринчи галдаги вазифаси инсонни фикрлашга, севишга, қадрлашга, хаёл суришга ўргатишдан иборат экан, мазкур қисса шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Таржимон

Момо КАПОР

(1937–2010)

МОНТЕНЕГРОНИНГ ЯШИЛ MOVUTI¹

Зуко Жумхур ва Усмон пошо Сархуш ҳақида қисса

Рус тилидан
Олим ОТАХОН
таржимаси

Момо Капор – машҳур серб ёзувчиси, ҳарбий журналист. 1937 йил Сараевода туғилган. Мутахассислиги бўйича рассом бўлган Момо Капор адабий асарлари билан ном қозонган. Бир неча миллий адабий мукофотлар билан тақдирланган. Кўплаб роман, қисса, ҳикоя, эссе, йўл хотиралари, кўпметражли фильмлар сценарийлари муаллифи. Асарлари ўндан ортиқ тилга таржима қилинган. У яратган асарлар ичида “Шикоят дафтари”, “011”, “Белград жодуси”, “Белград қамали” китоблари энг кўп ўқиладиган ва ардоқли асарлар сирасига киради.

¹ Журнал варианты. Манба: «Иностранная литература», 2007, № 7.

*Ушбу китоб садоқатли дўст
ва улкан истеъдод эгаси
Зуко Жумҳур хотирасига бағишланади.*

“Қашқирлар водийси – Билече шахри канораларида узунасига тўрт соатлик, энига эса қарийб уч соатлик бепоён текисликда ястаниб ётади. У ерларда тепаликлар ҳамда унчалик баланд бўлмаган тоғлар кўп. Булардан ташқари водийда дарахтзорлар ҳам сероб, аслини олганда, мана шулар туфайли бу замин “Қашқирлар водийси” деб аталади. Қаҳратон киш кунлари дов-дарахтсиз баланд тоғларда қутурган шиддатли шамоллардан қочиб келган бўрилар бу овлоқ ўрмонда изғиб юради ва шу ерда жон сақлайди” (1876).

1

1967 йилнинг кўкламида Зуко Жумҳур билан иккимиз “Монтенегронинг¹ яшил мовути” фильми сценарийсини ёзаётган эдик.

Биз ҳар куни кечки пайт, тахминан соат саккизларда, менинг шинамгина устахонамда кўришар, Зуко юзлари буришиб-гиришиб ичган биринчи лозовачадан² сўнг, сархуш ва илҳомбахш лаҳзалар оғушида серғалва ҳамда ўткинчи дунё ташвишларини унутиб, кўнглимизга ишқи тушиб, бир неча ойдан буён тинчлик бермаётган сценарийни ёзишга ўтирардик.

Тун бўйи ёзиб-чизганларимиздан қониқиш ҳосил қилиб, ҳорғин ва бемадор ҳолда ишимизни тугатганимизда ҳали тонг ҳам отмаган бўларди. Мен Зукони уйига кузатиб қўяр эдим, бир ўзини юборишга асло кўзим қиймасди. Ёмғирда ивиб-бўкиб борар эканмиз, шу аҳволда овозимизни баралла қўйиб ашула айтар, ғафлатда ётган калтабин ва манфаатпараст кишиларнинг ширин уйкусини ҳаром қилардик. Челақлаб куяётган ёмғирни писанд қилмаслигимизни айтмайсизми? Гоҳо машиналар кўчаларга сепиб юрган сув фавворалари остида баайни рангин шароралар ичидан ўтиб бораётгандек бўлардик. Уйга келгач, кечаси билан ёзиб чиққанларимизни ўқиб кўриш учун тезроқ тонг отишини кутиб ўтирардим. Кўнглимнинг кўчаси, сценарий қойилмақом чиққан бўлса керак, деб хаёл қилардим.

Лекин ширин ва ёлғон умидлар тунда дунёга келади.

Мен машинкада ёзган саҳифалар пишиқ-пухта, хатосиз ва тушунарли бошланарди-ю, бироқ охирига бориб ҳарфлар ўқиб бўлмайдиган даражада ажи-бужи бўлиб кетарди:

Ичкилик ҳарфлар эмас, инсон руҳининг ифодасидир! Лозовача худди Олдос Хаксли тажрибаларидаги мескалин сингари таъсир этарди – ижод ичкилик билан чиқишмайди-да. Бедорликда ўтган ҳар бир тун биз учун бойлик манбаига айланди; мана шу чеккан заҳматларимиз туфайли барча иқтисодий муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлди, назаримизда, биз ўйлаб топган бемисл ва оламшумул сюжетга ўхшагани етти иқлимда ҳам топилмасди. Шу сценарий шарофати билан камина худди Клод Моне каби узок йиллар орзу қилиб юрганам ўн икки метрли эски, “Оз” шатакчи кемасини сотиб олиб, сузувчи устахонага айлантириш имконига эга бўлдим.

Бироқ эртасига эрталаб руҳсиз, тушкун, бош оғриққа тўла, зиқ ҳолатда ўзимизни айбдор сезиб, виждонимиз қийналарди.

Шунда дилхиралиқдан чиқиш мақсадида адалик адабиёт муаллими

¹ Монтенегро – Черногориянинг итальянча номи, у бир қатор мамлакатларда ҳам шундай аталади.

² Лозовача – сербларнинг узумдан тайёрлаган ароғи.

Сабов бошқариб бораётган таги ясси эски қайикда эшкак эшиб, Ада Циганлия (у пайтларда ҳали у кичкина орол эди) ёқалаб сузардик. Шу тариқа тер билан ичкилик хуружи жисмимиздан чиқиб кетарди. Мен доим Зуконинг бир кун аввал кечқурун нуфузли кишилар даврасида бўлганини ғарақ-ғарақ терлагани ва гупиллаб урилаётган “Жонни Уолкер”нинг ҳидидан сезардим, ахир ўша кезлари бунақа вискини уйда ичиб ўтириш фақат унга эмас, балки ҳаммамизга ҳам оғирлик қиларди. Ада Циганлиянинг нариги чеккасига етиб боргач, ўзимизни Савага отар ва оқим бўйлаб сузиб кетардик, меҳрибон Сабов эса эски қайикда, эҳтиёт шарт, ортимиздан борарди. Оролнинг нариги чеккасига етгач, қирғоққа чиқиб ўзимизни бироз хушҳол сезар ва пировардида, янги-янги жинниликлар қилишга вужудимизда яна иштиёқ уйғонарди...

Кейин мен қўлёмани машинкалаб, топ-тоза қоғозга кўчириб чиқардим, асраб қўйилган ичкиликни совитиб қўйиб, Гётени кутаётган Эккерман сингари, патқаламни ҳозирлаганча Зуконинг йўлига мунтазир ўтирардим.

Яна мусаллас билан тарихий воқеалар гирдобига ғарқ бўлиш умидида ҳовлиқиб келган Зуко хонанинг у бошидан-бу бошига юриб, суҳандонлардек ҳикоясини бошлар, бироқ бу бебош ташбеҳлар, қалаштириб ташланган далил-исботлар, ғаройиб тақдирлар, мўъжизавий тушлар, муҳаббат ва ҳаёт ҳақидаги қиссаларни қоғозга туширишга улгуролмай қолардим...

Кечаси билан, асосан, у ижод қилса, кундузи мен тиним билмасдим! У ҳикоя қилаётганда бир зум тўхтамас, олис сафарга чиққан кема капитанлари елкасида ўтирган рангдор тўтилар каби елкасига мингашган тарих унга шипшиб турарди гўё.

Дарвоқе, у ҳаммадан ҳам Сингапурда ҳади қилишган Ольга лақабли жажжи маймунни ўйнатишни яхши кўрарди. Сартр билан ош-қатик бўлгандан кўра шу жониворга қараш менга маъқулроқ, деб такрорларди. Мен нима учун, деб сўрасам у кулимсираб, Ольга арқонсиз ҳам баланд дарахтга чиқа олади, Жан-Поль Сартр эса чиқолмайди, деб жавоб қайтарарди. У олис сафарлардан ҳамиша маймунойга откритка юборарди: “Мадмуазель Ольга Жумхурга, Белград, Васина кўчаси, 14-уй. Қадрли Оленька, то сен ҳақиқий хоним бўлиб Белградда истиқомат қилар экансан, мен Лиссабонда телекамералар қаршисида маймунни тасвишлаб кўрсатавераман. Сенинг Зукоинг”.

У: “Суҳбатлашиб ўтиришга дўст топиш осон. Лекин рўпарангда жимгина ўтириши мумкин бўлган одам топиш қийин...” – дерди.

Кўп чекарди. Чекаётган сигарети ярмига етмаёқ жаҳл билан кулдонга босиб ўчирарди-да, ўша заҳоти янгисини олиб тутатарди. Тутун ҳатто унинг қулоғидан чиқаётгандек туюларди.

Агар ишимиз олдинга силжимаса, тунги Белградни айлангани кўчага чиқиб кетардик, то чарчаб, дармонимиз куриб, холдан тойгунча анча-мунча кўча ва майдонларни ортда қолдирар, охири аллақайси қаҳвахонада эски улфатлар йиғилиб, туни билан ўша ерда маишат қилардик. Шаҳарнинг чет кўчаларида у бор-будидан айрилган сармоядорлар, ижарадорларнинг ўзгариши, одамлараро оқибатнинг барҳам топаётганлиги ва эл-юрт бошига тушган мусибатларнинг сирли сабаблари ҳақида сўзлаб берарди. У шаҳар маркази, айниқса, оғизга тушган машхур жойларга боришдан қочарди, бу хусусда эшитишни ҳам истамасди. Атоқли ва машхур одамлар орасида эса ўзини кўкқисдан тажовузкор қилиб кўрсатишга ўтарди. Бироқ ташландик, ғира-шира маҳаллаларда уни кўрсангиз, либосини ўзгартириб олган Хорун-ар-Рашид дейсиз: од-

дий одамларнинг ҳовлиларига бемалол кирар, уларга сездирмай боғлар орасидан ўтган йўлчаларни кўздан кечирар, илгари Искандар деб аталган, ҳозир эса Инқилоб хиёбони номини олган майдон четида жойлашган факирона расталарни кезиб чиқар, тунукасолар, новвойлар, истеъфодаги ҳарбийлар, машхур ва кимлиги номаълум кимсалар билан бафуржа ўтириб қаҳва ичар, уларни гапга солар, истеъфодаги вазирлар ва собиқ элчилар кўмагида тарихий воқеаларни ўзи учун ойдинлаштириб оларди; фаровон турмушига путур етган, деворлари нурай бошлаган уйларда истиқомат қилаётган беваларни зиёрат қилар, болаларнинг номларини айтиб чақирар, хуллас, қаерга бормасин, ҳамманинг кўнглини овлар, аксар одамлар у билан кўришиб, суҳбатлашишга мушток бўлишарди.

– Омад нималигини биласанми? – деб сўради бир куни у мендан. Бу хусусда ўйлаб кўрмаганим учунми, дабдурустдан жавоб беролмадим.

– Омад, – деди у – бу истеъдод кўшув маълумот дегани!

Таниш-билишлари меҳмоннавоз хонадонини тарк этиб кетаётганда у остонада таъзим билан хайрлашарди-да, шундай илтифот қиларди:

– Яна келинлар! Оленька иккимизнинг бошимиз кўкка етади...

Ғалати, оила аъзоларининг барчаси шарқона исмга эга эди: онасини Васвия хоним, деб аташар, рафиқаси – Вазира, қизи – Донизода; колли зотли кучукнинг лақаби эса – Синдбад.

Ўзининг ҳақиқий исми Зулфикор эди.

У ҳатто қаҳратон киш палласида ҳам пальто киймасди. Совуққа қарамай, катак-катак камзулдагина юришни яхши кўрарди. Унинг ёздагидек энгилелпи кийиниб юришини кўрган князь Михайлов кўчаси аҳолиси совуққа бунча чидамли, бекорга эмас, ибрат бўлсин учун юрибди-да, дейишарди. У эса фаслларга, об-ҳавога заррача эътибор қилмас, ҳамма ерга доим бош кийимсиз борарди.

Золдирли ручкалар билан фломастерни ёқтирмасди. Доим энг сифатли, қимматбаҳо ручка тутар, ёзишга қулай бўлсин деб, найчасига сиёҳ эмас, қора сиёҳ тўлдирарди.

Кумушдан ишланган эски чўнтак соатларини яхши кўрар, унинг узун занжирини қорнига қадар тушириб кўярди. Хуллас, эскича урф-одагларга содиқ, вазмин ҳаракатлари билан гапириш усули бир-бирига уйғун эди. Шу жиҳати билан у, худди тезроқ вақт ўтса-ю, кексалик гаштини сурадиган давр келса, демоқчи бўлаётганга ўхшарди.

Аёлларга унчалик ҳуши йўқ эди. Ишончим комилки, у ҳар қандай сохибжамолдан кўра Белграддаги католик черкови руҳонийси ёки унинг ноибини билан тонг отгунча суҳбатлашиб ўтиришни афзал биларди. Белградда соф сербча талаффузда сўзлашар, бироқ Дрина кўпригидан бир кадам нари ўтди дегунча, бир думалаб боснияликка айланарди-кўярди, нутқида эса туркча сўзларни кўп-кўп ишлата бошларди.

Жуда кам овқат ер, лекин шоҳона таомлар буюрарди. Батист сочиқлар, тулки овлаётган викторияликлар даври акс этган аъло даражадаги инглиз чиннисини, биллур бокаллар, четлари тўрсимон ҳошияли дастурхон ва кумуш шамдонлардаги липиллаб турган шамлар... Унинг уйида ўтган мен катнашган зиёфатларда, кўпинча, мол думғазасидан қайнатма шўрва, ток баргидан дўлма, устига алоҳида қайла қуйилган гўштгли сомса беришар, охирида эса машхур муфтининг беваси – олийҳиммат Васвия хоним тайёрлаган куштили ҳамда оғизда эриб кетгудай мазали торт тортиларди. Меҳмондорчилик аъло навли француз коньяги ва ликёрлар билан яқунланарди.

Зуко камдан-кам касалга чалинар, аҳволи оғирлашган чоғда ҳам мутлақо пижама киймасди. Ўрин-кўрпа тўшалмаган диванда эгни-боши билан, мабодо уйдагилари яширинча шифокор чакиргудек бўлса, қочиб кетишга шай бўлиб – қалин жемпер, жинси шимда пойабзалини ечмай ётиб оларди.

Уни кексалар, болалар ҳамда жониворлар яхши кўрарди.

2

Нима жин уриб Зуко Жумхурга бундай ёпишволдим? Усмон пошо Сархуш ҳақидаги ҳикояга ўтаверсам бўлмайдими?

Пошо омонатини топширган.

Зуко вафот этган.

Шошишдан нима фойда?

Истикболда бизни мангулик кутаяпти.

3

Шуни айтиб ўтиш лозимки, у кинотеатрга деярли бормасди, кечкурун уйда кам бўлгани сабабли телевизор ҳам кўрмасди.

Менимча, унинг кўрган фильмларидан ёзган сценарийлари кўпроқ бўлса керак.

У “Монтенегронинг яшил мовути”ни машинкада ёзамиз, деган таклифимни хушламай рад этганди, чунки бундай қилсак, асосий қаҳрамонлар билан кечган воқеаларни қоғознинг чап тарафига, диалогларни эса ўнг тарафига ёзишимиз лозим бўларди.

Яхшиямки, менинг фикримга қўшилмабди, ахир, бунақа сценарийларни ўқиш жуда зерикарли, уни ҳаттоки Дзаваттини, Феллини ёки Бергманга ўхшаш улкан санъаткорлар ёзган бўлса ҳам.

У ўз асарларини анъанавий услубда ёзарди, Шаҳризода сингари равон баён қилишни хуш кўрарди. Ҳозирги пайтда фильмни суратга олиб, монтаж қилиб, уни намойиш этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади, бунинг учун ҳар хил техникавий мўъжизалар ўйлаб топилган, шунга қарамай барибир энг асосий нарса ўзгармаган – кино ишланди ва экранларга чиқарилди; нимаики ихтиро этилмасин фарқи йўқ – тоабат шуни яратган ва сюжетини ўйлаб топган одам ҳамиша битта ўзи хурмат ва эътиборга сазовор бўлиши керак, деб таъкидларди.

Бир куни Почителеда аллақандай қизнинг портретини чизаётган ёшгина, тажрибасиз мусаввир сурат кўнглидагидек чиқмаётганига мўйқаламни сабаб қилиб нолиганида Зуко унга: “Мих билан чизиш керак эди! Мих билан!” – дея ўшқирган эди. Унинг бу сўзлари мағзини анчадан кейин чакдим: бу билан у, нима қилсанг ҳам, қандай чизсанг ҳам чизиклар истеъдодинг ҳамда ҳис-туйғуларинг даражасини фош қилади, демокчи бўлган.

Хуллас, Усмон пошо ҳақидаги сценарийни ёзаётганимизда унинг сиймоси паға-паға кўтарилаётган сигарет тутуни аро кўз ўнгимизда гавдалангандек бўлар, бир-бирига мантиқий жиҳатдан боғланган воқеаларнинг ўзи оқиб келар, пировардида бир-бирига уланиб, яхлит манзара ҳосил қилар ва биз юракларни ҳаприктирувчи илҳом завқидан антикар ҳамда яратган фильмимизнинг илк намойишида ўтиргандек бўлардик.

(Дарвоқе, айнан ўшанда Зуко оромкурсида тебраниб ўтирган одам

спиртли ичимликни шеригидан икки баравар тезроқ ичиши мумкинлигини кашф қилган, ҳа-я, ўша оромкурси менга тегишли эди. Кейинчалик бу ихтиросини янаям такомиллаштирган – кир ювадиган машинанинг ойнасидан гулдор чойшабнинг чир айланишини томоша қилиш орқали уч баравар тезроқ ичиш мумкинлигини тушунтириб берганди.)

Белград ресторанидан бирида бизнинг режаларимизни эшитиб қолган бир режиссёр унга беҳад қизиқиб қолди. Бу кўлини совуқ сувга урмайдиган, беғам, қадим асилзодалар авлодига мансуб Радош Новакович эди, ўша кезлари у асосан уруш мавзуси ҳамда ватанпарварлик руҳидаги фильмлари билан ном чиқарган эди. Усмон пошо ҳақидаги ҳикоямиз унинг эътиборини жалб этганининг яна бир сабаби, у ана шу сюжет баҳонасида маҳаллий кинематографиянинг тор чегараларини бузиб, Рене Клер руҳида рангли, ҳамма ҳавас қиладиган, “ачиштирадиган” ишораларга бой фильм олиш мумкинлигини сезганди. “Монтенегронинг яшил мовути”да турли миллат вакилларининг образи мавжуд бўлиб, уларни ана шу мамлакат актёри, яна-тагин ўзининг она тилида яратиш талаб қилинарди. Бу ўз навбатида баайни кинематографиядаги Вавилонга ўхшар ва фильм бир пайтлар – 1876 йили Европа жаридаларининг муҳбирлари, элчилару кузатувчилар, халқаро корчалонлару фирибгарлар, ҳатто йўлини йўқотган битта шоир (Лаза Костич), шунингдек, Қашқирлар водийсида бўлиб ўтган жангда кўлга тушган Усмон пошо Сархуш ҳам тўпланган Цитинадаги Локонда меҳмонхонасини эслатарди.

Усмон пошо Сархуш образи ўзига хос равишда Зуконинг махфий автопортретининг ўзгинаси эди. Фильмда менга ҳаётдаги каби иккинчи даражали роль ажратилган эди.

Ҳар қандай ишга жиддий ва ақл кўзи билан қарашга одатланиб қолган Радош Новакович “Авалафильм” раҳбари бўлиб узоқ ўтирмаслигини кўнгли сезгандек бизни – истеъдодли, лекин ялқов шогирдларини сценарийни тезроқ тугатишга шоширарди. Лекин биз, ич-ичимизда бирон-бир нуфузли кинофестиваль совринини кўлга киритишни орзу қилиб юрган бўлсак ҳам, аслини олганда, бирга ижод қилиш, кўлёмзадаги матндан фарқли ўлароқ, Зуко ноёб истеъдод билан ҳикоя қилиб юрган ўша тарихий воқеалар гирдобидида ҳаёлан яшаб юришни манзур ва маъқулроқ кўрардик.

Мана, официантларнинг эрка ва номдор мижози Радош Новакович таклифига биноан унинг ўзи кўнгилашушлик қилишни хуш кўрадиган Чубурадаги “Трандофилович” ресторанига йўл олдик; кетаяпмизу уй вазифасини унутиб қолдирган ўқувчилардек ўзимизни оқлаш учун йўл-йўлакай ҳали ёзилмаган воқеалар, эпизодларни тўқиб борамиз.

Ҳар нечук “Монтенегронинг яшил мовути”ни ёзиб тугатдик. Сценарийни “Авалафильм” студияси сотиб олди, ўша давр учун жуда катта маблағ ҳисобланган қалам ҳақини чўнтакка солиб, ҳар ким ўз йўлига раваона бўлди.

Кўп ўтмай Радош Новакович бандаликни бажо келтирди. Ўлишидан олдин у сценарийни олиб, Америкага жўнаб кетганди, оқибатда сценарий кўлёмзаси ўша ерда йўқолди. Асарнинг иккинчи нусхаси инқирозга юз тутган киностудиянинг чанг босган алғов-далғов жавонларида қолиб кетди. Шу тариқа аллақандай ранги ўчган чарм папкада сарғайиб ётган сценарийни Зуко иккимиз эсимиздан бутунлай чиқардик.

Тақдир тақазосига кўра, йигирма тўрт йилдан кейин уни топиб менга беришди. Бахтга қарши, кўлёмзанинг дастлабки беш бети йўқолган эди.

Зукодан бошқа ҳеч ким уни тиклаб беролмасди. Юз йилдан буён махфий манбаларда сақлаб келинган тарихий ҳақиқатларни ундан бошқа ҳеч ким билмас, номлари аллақачон унутилиб кетган адиблар, жанг-ни ўз кўзлари билан кўрган гувоҳлар қолдирган тазкиралар, самимий изҳорномалар, хотираларнинг ўша давр “муаллифлари тиришқоклиги билан” ўтган асрнинг охирларида чоп этилган нашрлари деярли унутилиб бўлганди. Фақат Зукогина улардан бохабар эди.

Матннинг шу ҳолда эълон қилиниши ҳам Жумҳурнинг ижодини яхши биладиган ва кадрлайдиган афкор оммага қаттиқ таъсир қилди. Дарвоқе, Зуко ўз асарларини турли номда, озгина таҳрир қилиб, бир неча марта нашр эттирадиган муаллифлар сирасига кирарди. Унинг тўла асарлар тўпламини нашрга тайёрлаётган жаноб Мирослав Прстоевич Зуко асарларининг деярли катта қисми, ҳатто ярмиси, оқибати ўйланмай бутунлай бошқа номдаги китобда, кейинчалик эса биронта йўлнома ёки чиройли суратлар билан безатилган ҳужжатли саёҳатнома шаклида эълон қилинганига ишонч ҳосил қилгач, мушкул аҳволда қолди. Зуконинг эълон қилинмаган асарларини топиш – худди Лаза Лазаревичнинг¹ номаълум ҳикоясини кашф этишдек гап эди.

Ана ўша беш бетни қайта ёзиш учун ўттиз яшар пайтимга қайтишга тўғри келарди. Ҳолбуки, бунинг иложи бўлса ҳам, мен ўша даврга – ёшлигимга қайтишни истамасдим.

Ахир, ҳаммасини бошидан бошлашимга тўғри келарди: яна кинога кўнгил қўйишни тасаввур ҳам қилолмасдим, чунки ёшликдаги орзулар рўёбга чиқмаган, нурафшон ҳой-ҳаваслар аллақачон бир чақмоқ қанд янглиғ эриб кетган. Очиғи, яна хаёлпараст бўлиб, ҳаёт кечириш учун эмасу, лекин умримни оппоқ экран узра пириллаб ўтаётган тасвирларга сарф қилишим бефойда ва тентакона экани энди менга маълум эди.

Кафканинг “Кўрғон”ида асар қахрамонининг дарвоза остонасида жон бераётганини кўргачгина Посбон хотиржам жўнаб кетади, чунки у қахрамонни ичкарига киргизмаслик учунгина ўша ерда турган бўлади, худди шунга ўхшаб, бир пайтлари менга кино билан шуғулланишни раво кўрмаганлар ҳам кинематографияни аллақачон шундай бир аҳволда тарк этишган: ё ўлиб ёки номлари бутунлай унутилиб кетган эди.

Ҳозир бу студияларнинг эшиклари мен учун ланг очик, бироқ энди у ерга боргим келмайди.

4

Ҳолбуки, ўша кезлар биз кино деса ўзимизни томдан ташлар эдик.

Косово кўчасида жойлашган “фильмотека”нинг ертўласида фильм суратга олишнигина эмас, балки уни қандай кўриш кераклигини ўрганган эдик. Шунинг учун ҳам Жан Вигонинг “Агаланта” ёки Дрейер билан Шёстремнинг овозсиз фильмларидаги мафтункор сахналарнинг барчасини эсда сақлаб қолгандик; француз киносанъатининг янги оқимида йўл очиб берган Карне, Брессонларнинг илк фильмлари; Чаплин, Китон, Гриффит, Уэллслар иштирок этган асарларни қайта-қайта томоша қилиб заррача зерикмас, буларнинг бари кўз ўнгимиздан кетмас ва худди шулар каби ажойиб кинолар яратиш истагида ёниб яшар эдик. Қўлимизга тушган “Cahierde Cinema” журналининг ҳар бир сонини ёдлагудек ўқиб чиқар, журнал қўлма-қўл бўлиб кетар, очиғи, ўқиб тўймасдик. Шуларнинг таъси-

¹ Лаза Лазаревич (1851–1890) – “серб Тургеневи” деб аталадиган адиб.

рида сценарий ёзишга уннаб кўрар, собиқ полиция ходимлари-ю хизматдан бўшаган ҳарбийлар қўл остидаги киностудияларга ёзган хом-хатала асарларимизни элтиб топширардик. Турган гапки, улар ўргамчикка ёзган бу сценарийларимизни қайтариб берар, аммо-лекин бизни истеъдодли ва саводли болалардек кўришарди ҳамда ғамхўрлик қилишни унутишмасди. Ўша даврда нукул партизанларга бағишланган фильмлар билан енгил-елпи, юзаки комедиялар суратга олиш расм бўлганди. Таниқли режиссёрлару сценарийнавислар биз билан ҳисоблашарди: бизнинг кино санъати бўйича эгаллаган билимларимиз уларникига нисбатан жиддийроқ бўлгани сабаблимикан, киностудиянинг эшиги биздан бошқа ҳамма учун очик эди.

Кино ишлаб чиқариш билан уни намойиш этиш сиёсатини ўзларига берилган жазо, дея тушунишар, негаки эски кадрдонлари номуносиб ишни топшириб уларни кундалик сиёсий ҳаётдан гўё бадарға қилгандек туюларди. Кўплари кўзларини сирли равишда ола-кула қилиб, чекка-чеккада уларни ғийбат қилишар, агар “ўша” бўлмаганда аллақачон Марказий Кўмита аъзолигига сайланардик, дея нолиб ҳам кўйишарди.

Баъзан димоғлари чоғ бўлиб юрган битта-яримтаси бизни махфий намойиш этилаётган фильмларни кўришга олиб борарди; шунинг эвазига келажакда ҳеч қачон сотиб олинмаслиги муқаррар фильмларни кўриш насиб этарди. Шинамгина томоша залларида цензорларга спиртли ичимликлар тортишар, давлат хавфсизлик кўмитаси ходимлари ва уларнинг рафиқалари бўлса, зерикканларидан мудраб ёки эснаб ўтиришарди. Аксар ҳолларда улар фильм намойишини тўхтатиб кўйишар ва бошқасини кўйинглар, дея талаб қилишарди. Айниқса, уларга фильм чўзилиб кетгандек ёки тушуниш мушкулроқдек туюлдими, тамом, ади-бади қилиб ўтиришмасди. Уларнинг ҳарбий мавзуда ишланган рус фильмларини кўргилари келарди-ю, бу хоҳишларини ошқора айтишдан ҳайқишарди, негаки, ишонган тоғлари чин ватанпарвар, дея кўкларга кўтариб мақташган дохийларига совет фильмлари ёқмас эди. Шу сабаб ўша дохийлар сингари жангари ва бош ролда Марио Ланц иштирок этган, экранлаштирилган оперетталарни кўришдан бошқа иложлари йўқ эди. Биз эса Рененинг ноёб ва гўзал “Ўтган йили Мариенбадеда”си ва Малинининг “Севишганлар” асари намойишини тўхтатиб қўймасликлари учунгина уларга хушомад қилар ва иложи борича бу мулозаматлар билан уларни чалғитишга уринардик. Шундай қилмасак ҳам бўлмасди, чунки улар жоҳил, гумроҳ кимсалар бўлиб, ақллари етмаган, ўзлари кунчилик билан ғаламис соҳа, дея ҳисоблаган кино оламида кулги бўлишдан кўркишарди. Уларнинг қўлларида ҳокимият бор эди, холос, минг-минглаб одамларнинг истак-талабларига қарамай, инсон заковати яратган ҳар қандай нафис санъат асарини бир зумда йўқ қилишгагина қурблари етар, таассуфки, санъат асарининг фақат кўнгилочар бир эрмак бўлишини хоҳлашар ва ижодкорлардан ҳам айнан шуни талаб қилишар эди. Улар бир нарсадан, ўзлари тушунишга қодир бўлмаган нарсадан кўркишарди, холбуки, одам айтишга уяладиган даражада кам нарсани билишарди.

Мамлакат бамисли зиндонга айланганди, одамлар, ҳеч ким, ҳеч нарсани ўзича ихтиёр қилолмас, юртнинг пўкак билан маҳкам ёпилган шаффоф идишдан фарқи йўқ эди. Ғарбий Европага фақатгина раҳбарларнинг хушомадгўй эркатойлари билан собиқ жосуслар чиқиш шарафига нойил эдилар. Биз орзу қилган ҳаёт (бутунлай нотўғри тасаввур қилар эканмиз) коп-қоронғи зал деворидаги нурафшон экранда ола-тасир давом этаётган

тасвирлардан иборат эди, холос. Унга ишониб, ўзимизни гўё социалистик копперфильдлар, дея хомтама бўлиб юрар эканмиз, тавба.

Бу баайни автобусда саёхатга чиққан билан баробар эди, тасаввур килинг, ичкарида Вивальдининг “Йил фасллари” куйи янграпти, автобус ойнасидан кўзга ташланаётган гўзал манзара ҳам шу куйга муносиб. Сиз эса нукул кенг елкаси кўз ўнгингизда муттасил чайқалиб бораётган йўл саркори – шофёр, ана ҳозир жун босган қўлини узатади-ю, радио мурватини бурайди ва куй ўрнида аллақандай бир пулга қиммат, бемаза бакирикни қўйиб юборади, деб тахликада ўтирасиз. Табиийки, сиз бекорга хавотир қилмаётган бўласиз, кўнглингиз ниманидир сезаётган бўлади, бироқ машинани ҳайдаб бораётган одам бу ҳамоҳанглик, уйғунликка халал берадиган иш қилгани йўқ-ку, дея уни оклаган бўласиз, аслида уни оклаш орқали эҳтиёткорлигингизни яширасиз. Оқибат нима бўлади, айнан ўша кўнглингиздан кечгани рўй беради! Шунда ҳаммасига қўл силтаб, ўзингизгина жавобгар, ҳеч ким аралашмайдиган иш билан шуғуллана бошлайсиз.

Орадан шунча йил ўтгандан кейин нега бу воқеаларни эслаяпман-а?

Зуко вақти-вақти билан биз яратган сценарийни эслаб, тақдирини сўраб қоларди. У ўша сценарий қайсидир истеъдоднинг кўлига тушиб қолади-ю, фильм барибир суратга олинади ва охир-оқибат бойиб кетамиз, деб умид қиларди. Охири, унинг ўлимидан аввал мен ўша сценарий матнини излаб топишга сўз бердим, икковимиз ҳам кино оламида биз ўйлаб топган сюжетга яқин келадигани бўлмаса керак, бунақаси ҳаётда бир марта ёзилади, дея ишонардик. Зуконинг ҳаёти биз ёзган сценарийдан ҳам қизиқарлироқ экани эса ҳаёлимга ҳам келмабди. Балки Зуконинг руҳини шод қилиш учун ушбу сатрларни ёзаётгандирман, ким билсин.

Бунинг устига, мени ўткинчи ҳаётда ўта муҳим бўлган мана шу санъатга ўргатган шайтон-афанди билан яқин бўлиш учун бундан қулайроқ йўл тополмасам керак.

5

Бизнинг ҳикоямиз 1876 йил 28 июль куни пешинда Қашқирлар водийсида турк армияси тор-мор келтирилгани билан бошланарди; бу порохлар тутуни бурқсиётган ва тандирдек қизиган Герцоговинанинг дашту далаларида юз берганди. Зуко кечалари илҳом ва завқ-шавқ билан менга айтиб туриб ёздирган асарнинг тарихий манбаларини топишим учун йигирма тўрт йил кетди, десам маҳобат қилмаган бўламан.

Бу манба истеъфодаги олий тоифали сиёсатчи, узоқ йиллар Австрия билан Туркия ўртасидаги дипломатик алоқаларни тиклашда иштирок этган, ўртада элчилик қилган, Қашқирлар водийсида бўлиб ўтган жангнинг шоҳиди, биз ёзган романтик асар қаҳрамони – Усмон пошо Сархушни яқиндан таниган инсон – Мартин Журжевичнинг “Болқон воқеалари. 1858–1878” китоби эди. Китоб муаллифнинг “ғайрат-шижоати ила” Сараевода чоп этилган бўлиб, беназир ҳикоянавис Зуко ана ўша асар услубидан илҳомлангани ва кўп нарсаларни ўзлаштиргани сезилиб турарди.

“Магарким ушбу иншони камина кўп маротаба алоҳида баён қилиб берганимда тингловчилар қандай кутиб олишган бўлишса, уни муҳтарам китобхонлар шундай хайрихоҳлик билан ўқисалар, бошимиз кўкка етган бўлур эди – мен учун бундан юксакроқ мукофот йўқ”, – деб ёзади Журжевич асар мукаддимасида.

Режиссёр Бора Драчковичнинг гувоҳлик беришича, бу тазкирани Зуко бир йил аввал (1966) қўлга киритган ва ҳар ёз эрта тонг маҳали ўзи боришни хуш кўрадиган Херцег-Новидаги Лиссабон қахвахонасининг соясалқин кунжагида мутолаа қилиб ўтирар экан. Кейин, саёҳат мавсуми бошланишидан олдин, мўр-малахдек бостириб келадиган сайёҳлардан қочиб Герцоговинага жўнаб кетаркан. Қолаверса, у денгизни қўмсар ва доим шундай лахзаларда ҳазиллашиб, мени денгиз чорляпти, дер экан. Бир актёр Зуконинг Неретве бўйида ечиниби, кўкрагига довр сувга тушиб турганини шундай хотирлайди: “У кўксини тўлдириб шундай нафас олар эдики, азбаройи дарёнинг сувини тамом ичиб тугатмоқчига ўхшарди! Назаримда, ана ҳозир Неретведан асар қолмайдигандек!”

Ўша тарихий воқеанинг дастлабки намуналари Зуко Жумхурнинг “Цетина асири” мақоласида илк бор тилга олинган эди.

“Мана, Усмон пошо айтиб берган воқеалардан бири. Ҳаётининг сўнгги йилларида пошо Черногорияни, Қашқирлар водийсида кечган кўнгилли кунларини бот-бот эслайди. Худди Тоҳир афанди билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатлар сингари ўз ҳикоясини ҳам Мухтор пошо ва унинг авлод-аждодларидан ёзғиришдан бошларди. Ўша Мухтор пошо ҳаётда уни кўп таҳқирлаган, ҳар хил тухмат, ёлғон-яшиқ бўхтонлар билан бошига ит кунини солган экан. Эмишки, шохнинг садоқатли кули ва турк салтанатидаги энг пешқадам тўпотар ливи¹ – Усмон пошо Қашқирлар водийсида ўтган жанг куни ғирт маст бўлган ва шу даражада ҳушини йўқотган эдики, черногорияликлар қолиб, ўзини, яъни турк лашкарларини замбараклардан ўққа тутишига оз қолган экан...”

Ўша асарнинг беш бети йўқолган бўлишига қарамай, ўқувчиларни аслида нима бўлганидан бохабар қилиш учун “Монтенегронинг яшил мовути” асаридаги жанг тафсилотлари руҳини тушунтириб ўтишим шарт, усиз асосий қахрамонларнинг тақдири жумбоқ бўлиб қолади.

Аввало, Черногориянинг султони, князь Никола Петрович Негош халқ ва лашкар орасида уруш эълон қилингани ҳақидаги мурожаатномани ўқиб эшиттирди.

“Бешумор порлоқ ва тантанали воқеаларни бошидан кечирган Цетина бугунгичалик мушарраф кунларни кўрмаган эди... – дея далолат қилади князь ўзининг хотираларида. – Сон-саноксиз оддий одамлардан ташқари Цетина майдони ўша куниек Герцоговинадан етиб келган лашкарлар билан тўлиб-тошди”.

“Черногорияликлар! – дея бошланарди мурожаатнома. – Мана, даярли беш асрдан буён турк салтанати халқимизнинг қонини сўриб, муқаддас тупроғимизни поймол этиб, улуғ серб давлатини талаб келмоқда. Халқимиз кўп марта қуллик кишанларидан озод бўлиш учун бош кўтарди, аммо ўзаро низолар ҳамда тафриқалардан тинкаси қуригани туфайли яна ваҳшиёна жабру зулм остида қолди. Черногорияликлар, мана, бир йилдан ошдиамки, халқимиз “ё озодлик, ё ўлим!” дея ҳайқириб, бош кўтарди. Бизга кўшилган Герцоговина орқали исён алангалари қардош Босния, қондош славян, шарафли диндошларимиз – болгар халқининг юрагида ўт ёқди. Шунқорларим, мана, ниҳоят, черногорияликлар нималарга қодир эканлигини намойиш этадиган фурсат етди, оталаримиз, оға-иниларимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқадиган кун келди... Черногорияликлар, шундай шарафли

¹ Лив (туркча) – ҳарбий қўшинлар қўмондони.

онларда турк истилосига қарши жангга кирмоқлик сизларга муборак бўлсин! Мамлакатимизни Мурод босиб олган экан, уни Муроддан озод қилмоғимиз лозим!”¹

Хал қилувчи жанг 1876 йил 28 июль куни Қашқирлар водийсида бўлиб ўтди.

“Бир-бирига қарши турган томонларнинг кучи қарийб тенг эди, – деб ёзади Журжевич, – ҳар икки томон лашкари йигирма минг жангчидан зиёд. Турк кўшинлари бошида мушир² Мухтор пошо, ферик³ Бошняк ҳамда артиллерия кўмондони Усмон пошо турар эди...

Мухтор пошо олти стан⁴ кўшинни Билечеда қолдирди, ўн саккиз стан армия билан ўн иккита замбаракни олиб, тун бўйи ҳар хил ҳийлалар қилишга тушди. Кўшинни у уч сафга ажратди: ҳар бирида тўртта стан ва иккита замбарак бўлиб, унга Усмон поша бошчилик қиларди. Мухтор поша тўққизта стан ва еттита замбарак билан унинг изидан, умумий кўшиннинг олдинги қисмида эса бошибузуклар⁵ ҳамда мажбур қилинган ёки ширин ваъдаларга учган герцоговиналикларнинг лашкари борарди...

Мен тепаликда, ноиб Дюбуа ёнида дурбин орқали жангни кузатиб турардим. Биринчи ўқ овози эшитилди, кейин иккинчи, учинчи ва ниҳоят, бошланди – мингларча милтиқлардан ўқлар узилди ва яраланган одамларнинг: “Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Биродар, сув бер!” – деган оху зорлари замин у осмонни тутиб кетди... Пешонасига ўқ тегиб тил тортмай ўлган бир одам чалқанча ётганига кўзим тушди-ю, юрагим ғижимлангандек бўлди, уни кўтариб аллақасерга олиб кетишди. Кўрғошиннинг чатнаб тошларга урилгани, ўқларнинг ҳавода ҳуштак чалиб учгани ҳаммаёқни тутди. Князь аёёнлари қуршовида тошлоқ тепаликда (Коко тоғининг ғарбий ёнбағрида, ҳозирга қадар черногорларнинг туркларга қарши ҳужумга ўтмасдан аввал яшириниб турган хандақлари сақланиб қолган) турарди. Князь мовий ёпинчикқа ўраниб олганди. Ногоҳ милтиқ ўқи князлик ёпинчиғининг этагига келиб тегди ва взвод бошлиғи Петар Вукотич: “Дайди ўқ тегиши мумкин, жаноб олийлари, тош орқасига ўтамиз, юринг, – деди-да, унинг кўлидан ушлаб, яна кўшимча қилди: – Бекордан-бекорга ўлиб кетишдан худо асрасин!” Худди ўша лаҳзаларда турклар хачирлар устига ортилган замбаракларни ерга туширишди ва ҳовлиққанча тўртбеш маротаба ўқ узишди-ю, шу билан замбараклар гулдираги аста тиниб борди. Тўпчилар, тўғрисини айтганда, снаряд излаб ҳаммаёқни тити-пити қилишди, бироқ ўқ-дориларнинг асосий қисмини боя айтганимдек, ўйламай-нетмай Черногория чегараларига жўнатишган эди. Айна пайтда Черногория жангчилари орасида туркларнинг ўқ-дорилари тугаганлиги ҳақида овоза тарқалди-ю, кўмондонларнинг баралла: “Хужумга!” – деган овози янгради. Пиперликларнинг батальони бошқалардан олдинроқ шамширларини яланғочлаб хандақлардан отилиб чиқишди-да, хайқирганча турклар устига ташланишди. Уларнинг ортидан ўзга черногорияликлар ҳужумга ўтгач, қонли, аёвсиз қирғин бошланди. Черногориялик қилични шундай эпчиллик билан ўйнатар эдики, азбаройи узун найзали милтиқ билан қуролланган турк аскарлари яқинлашишга юраги дов бермасди. Туркларнинг ўтақаси ёрилиб, орқага, Билече томон ура қочишди, черного-

¹ 1389 йили Косопада бўлиб ўтган жангга серблар билан черногорияликлар устидан ғалаба қозongan султон Мурод I (1319–1389) ҳамда 1876 йили ҳукмронлик қилган султон Мурод V.

² Мушир (туркча) – маршал.

³ Ферик (туркча) – дивизия генерали.

⁴ Стан (туркча) – йирик ҳарбий бўлинма.

⁵ Бошибузуклар (туркча) – турк армиясининг номунтазам бўлинмалари сарбозлари.

рияликлар эса қилич ўйнатиб, икки соатлик йўл наридаги шаҳарга довуруларни қувиб боришди. Бу шунқорлар иложи борича боёнларни қиличдан ўтказишга ҳаракат қилишарди, улар оддий турк жангчиларига қайрилиб қарашмасди, пала-партиш чекинаётган турк жангчилари эса бостириб келаётган душманга қаршилиқ қилолмасди. Черногорияликларга омад қулиб боқди, улар шу кетишда хужумни тўхтатмай, туркларнинг штаб-квартирасига бостириб киришди ва ўша ердаги тўртта тўп билан бир қанча турк зобитларини қўлга олишди...”

6

Ўша жангдан 115 йил ўтгач, замҳарир қишнинг аямажуз кунларидан бирида, ойнинг хира кумуш ёғдулари остида турар эканман, қийқирган овозлар, ўқ теккан ва қилич билан чопилганларнинг хириллашлари, қайнок тупроқ узра судралиб қочаётган илонларнинг вишиллашлари, тошларга урилаётган қиличларнинг жаранглаши қулоғимга чалинар, тамакининг аччиқ бўйи, куйган мовут чалворларнинг димоқни ачиштирувчи иси ва тер билан порохнинг қўланса ҳиди димоғимга уриларди.

Отамнинг киндик қони тўкилган Мириловичи қишлоғи ана шу Қашқирлар водийсига яқин. Менинг аждодларим, тўрт нафар капор, ушбу жангда баръяктарлар¹ сифатида қатнашган эди, уларнинг номи “Қашқирлар водийсида бўлиб ўтган жанг ёдномаси” деган китобда қайд этилган. Улардан бири менинг отам Видушей тоғи этагида жойлашган Мириловичи мазорига дафн этилган. Мана, бир юз ўн беш йил бўлибдики, унинг қабрига ўрнатилган кулранг қумтошдан ясалган хочни замбуруғ қоплаб ётади. Бошқалари бедарак кетишган. Эҳтимол, уларнинг жасадини қузғунлар билан қутурган итлар хомталаш қилишгандир ёки бўлмаса душман аскарлари таниб бўлмайдиган даражада майда-майда қилиб чопиб ташлагандир. Ҳар сафар баръяктар Марко Капор ётган қабр узра ўрнатилган тош бутнинг ғалвирак сатҳини силаб-сийпалаб қўяётганимда мана шу сценарийни ёзишга маънавий ҳаққим борлигига юрагимда бир ишонч туюрдим. Ажиб бир ҳис-туйғу вужудимни қамраб олар – мен Нью-Йоркда, 5-авеньюдаги 7-кўчанинг муюлишида жойлашган “Тиффани” заргарлик дўкони витринасига бармоқларимни теккизганимда ҳам бунақасини сезмагандим, ҳолбуки, мен ҳикоя қилиб берган айрим ходисалар ўша ерда содир бўлганди.

Билишимча, Зуко Жумҳурнинг аждодлари, Герцоговина мусулмонлари, баджаҳл сарбозлар ҳам бу жангда фақат ғаним тарафида қатнашган бўлсалар ажаб эмас. Акс ҳолда, бу таъсирчан ходисалар қадрдон дўстимнинг юрагидан жой олармиди? Тўғриси айтсам, қадим замонлардан келаётган орзулар келгуси авлодларга насиб этгани каби ҳар қандай сюжет ўзига муносиб эгасини топади. Нега бўлмаса Зуко қанчадан-қанча мавзулар қалашиб ётганига қарамай, айнан шу мавзуга қўл урган?

“Монтенегронинг яшил мовути” устида иш олиб бораётган пайтимизда мен беихтиёр насронийлар, Зуко эса мусулмонлар тимсолига айланган эдик. Қанча кўп ичсак, шунчалик бир-биримизни аяб, эҳтиётлаб фикр-мулоҳазамизни билдирардик; мен турк қахрамонларини тасвирлаётганда иложи борича уларни нозикфаҳм, салобатли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилардим, Зуко эса бунга жавобан насронийларни жўмард кишилар сифатида тасвирлаш пайида бўларди.

¹ Баръяктар (*сербча*) – катта унтер-офицер унвони.

Қашқирлар водийсида бўлиб ўтган жанг туркларнинг мағлубияти билан тугади.

Улар беҳисоб ўликлар ва ярадорлар, замбараклар ва қолган-қутган ўқ-дориларни ташлаб қочдилар. Усманийлар армияси саккиз мингдан зиёд аскар йўқотди. Мухтор пошонинг бутун штаби – бир юз олтмиш нафар зобит ва турли даражадаги қўмондонлар ер билан яксон қилинди. Черногорияликлардан эса қирқ саккизта офицер ўлди, етмиш икки нафар жангчи ярадор бўлди. Улар туркларни то жанг тугаганидан дарак берувчи бурғу чалингунга қадар Билечегача қувиб боришди. Ана шундан кейин ғалаба қозонишганининг белгиси сифатида қўлга олинган замбараклардан йигирма бир марта ўқ узишди. Уша оқшом князь Никола зафар кучган черногорлар қўмондони шарафига тантанали зиёфат берди.

Зукони машхур ва хушсурат Усмон пошо Сархушнинг нимаси қизиқтириб қолди экан? Журжевич ёдномасини ўрганиб чикқач, бизнинг киносценарийда тилга олинмаган бугунги аксилқаҳрамонлардан кўчириб олингандек туюлаётган толесиз генералнинг феъл-атворини тушунтириб беришга қодир муҳим бир маълумотга дуч келдим: уни асирга олиб, Журжевич чодирига (вақтинчалик унинг штабига айлантрилган) келтиришганда пошо туркларнинг мағлубияти, ўзининг тақдири ва бу дунёга мутлақо бефарқ эканлигини намойиш қилди. Ҳолбуки, бу шарқона таслим бўлиш ифодасини билдирмасди, балки аслида Пушкин, Байрон, Лермонтов ёки бизнинг замонамизда яшаб ижод этган Альбер Камю қаҳрамонларига ўхшаб назокат билан эътиборни жалб қилиш эди.

“Усмон пошо билан аллақандай юзбоши менинг чодиримда овқатланишди ва ухлагани ётишди, чунки улар жуда толиқишган эди. Жаноб олийлари шоду хуррамликни нишонлаш мақсадида турклардан тортиб олинган замбараклардан йигирма бир марта ўт очишни буюрдилар. Князь менинг чодиримга кирганида пошонинг ухлаётганини кўриб: “Бу меҳмонимизни безовта қилиши мумкин, лекин ҳечқиси йўқ, биз эришган ғалабамизни ҳар қанча нишонласак арзийди! Отинглар, черногорияликлар!” – деди завқ билан. Замбараклар тилга кирди, Усмон пошо уйғониб кетиб, бошини кўтарди-да: “Нима бўляпти?” – дея сўради. Мен унга: “Тантана!” деб жавоб бердим. “Уларга мумкин”, – деб қўйди пошо ва ўзини ўринга ташлади-да, уйкуга кетди.

Анри Мишонинг қаламига мансуб “Беозор кимса” романининг қаҳрамони Плимгина ўлим жазосига ҳукм қилишганида ўзини шундай тутмасмиди?

“Ҳукм эртага ижро этилади. Судланувчи, айтадиган гапингиз борми?” “Кечирасиз, – деб жавоб қилди у, – мен музокарада қатнашганим йўқ”. Шундай, дея у яна пинакка кетди.

Усмон пошо уйкусининг баёни уни Қашқирлар водийсидаги тўқнашув чоғида артиллерияни маст ҳолда бошқарган, деган айбно-мани бевосита тасдиқлар эди. Фақат мастгина, душман ўз ғалабасини тантанали нишонлаётганини назокат-ла маъқуллаган одамгина, йигирма битта замбаракнинг гулдуриси остида мана шундай ширин ва қотиб ухлаши мумкин!

Тўйиб ухлашимга имкон беринг! Балки жангнинг ўзи ҳам тушдан иборатдир?

“Қош қорайгач, князь чодирин олдида машғалалар порлади, созандалар гуруҳи ижро этаётган куйлар самога ўрлади, князнинг малайлари бебаҳо шампан виносини куйишга тутиндилар. Desouverain...”

1876 йил 28 июлида сиртида қонлар қотиб қолган тошларга шампан винолари тўкилди.

8

Ёзувчи, ношир ва матбаачи Арсений Паевичнинг юз йил муқаддам Нови Садда нашр этилган, саҳифалари сарғайиб кетган “Черногория ва Герцоговинадан. 1876 йилги миллий озодлик учун бўлиб ўтган жанг хусусида хотиралар” сарлавҳали китобидан Қашқирлар водийсининг тўкнашувдан кейинги манзарасини топдим: “Ҳамма ерда рўмолча билан оғзи-бурнини боғлаб олган оддий аскарлар – олға боришга қийналмасликлари учун шундай қилишган бўлса керак. Биз ҳам улардан аввалроқ шундай қилишга мажбур эдик, лекин турк жангчиларининг мурдасини кўриб, отларимиз тўхтаб қолар, пишқириб, бадбўй ҳидга тоқат қилолмагандек ортига тисариларди. Ҳаётимда бунақа даҳшатли манзарани кўриш насиб этмаганди. Ҳамма ерда ўликлар ётарди, милтиқ ўқи ва ўткир тиг зарбидан жон таслим қилганларнинг сон-саногини йўқ. Қузғунлар кўрқинчли бир алфозда оҳиста қанот қоқарди. Бу кўланса ҳид, дарё бўлиб оққан қонлар, ҳалигина тирик юрган одамларнинг мурдалари юракка ваҳима соларди. Аскарларимиздан баъзилари ўша ўлаксахўр оч қушларни ҳуркитиш учун уларга ўқ узар, бироқ қушлар парво ҳам қилмасди. Улар худди зиёфатга келиб қолган очнаҳор одамлардек ютоқишарди. Бу манзарани кўриб, иложи борица нарироқ юришга ҳаракат қилар эдик, отларимиз бизга бўйсунмасди. Бу жанггоҳдан деяри икки соатлик йўл юриб нари кетган бўлсак-да, ҳамон бадбўй ҳид бизни таъкиб этар, димоғимизга кирган ҳаводан кўнглимиз беҳузур бўларди. Шу дақиқаларда, ишончим комилки, биронта аскар битта жаз ёки бир пиёла сув ичолмасди. Бу ҳиддан эртасига ҳам халос бўлолмадик. Болачақаси билан Загребдан Триест орқали Капорга қулай ва шинам итальян кемасида йўл-йўлакай Задар, Шибеник, Корчула, Дубровник ҳамда Херцег-Новиларни босиб келган, ҳар нарсага қизиқувчан Мартин Журжевич бир кун ичида чинакам жаҳаннамга келиб қолгандек бўлди...”

“Терцоговиналик кўзғолончи ғанимни ўлдиргач, бошлиғига далил учун унинг бошини кесиб, халтасига солиб оларди. Икки-уч кун халтада нон ва пиёз билан кўтариб юрар, қорни очганда сумкасининг ичидагини дастурхонга ағдараркан, кўнгли айниб кетарди. Қашқирлар водийсидаги жангда кўрсатган қахрамонлигини далиллаш учун душман аскарининг попилтириқли папоғи, милтиғи ва қиличини келтириш одати кенг ёйилди. Жанг тафсилотларини баён қилганлар асирга тушган душманлар ҳақида ёзар экан, уларнинг юз-кўзида акс этган кўрқувни, албатта, тилга олиб ўтишарди. Шу билан бирга Қашқирлар водийсида бўлиб ўтган тўкнашув ўша чоғдаги жанг қилиш тарзига таъсир этмай иложи йўқ эди. Масалан, князь ҳалок бўлган душман аскарининг бурни, қулоғини илгаригидек кесиб олишни кескин равишда рад этди ва буни жангчиларга тақиқлаб қўйди. Жасоратни далиллаш учун папок, милтиқ ёки қилични келтириш кифоя эди. Бечора Мартин Журжевич кўрганларини шундай ёзиб қолдирган эди: “Хорижий жаридаларнинг мухбирлари бу тўкнашув оқибатларини кўриб, бутун дунёга айюҳаннос солмоқчи бўлдилар. Бироқ эҳтиросга бунчалик берилишни мен ёқламаган бўлардим!”

Бу қирғинбарот уруш қахрамони Усмон пошо Сархушнинг бетакрор сиймосини мен кейинроқ, жангни ўз кўзи билан кўрган ва иштирок этган кишиларнинг ёдномалари билан иншоларини муфассал ўрганиб чиққачгина англаб етдим – Зуко гўё шу мудҳиш хунрезликларни атай мандан яширгандек туюлди. Нега бундай қилганидан? Нега ҳамма нарсани ошкор қилишни яхши кўрадиган одам шуни айтишни истамаган? Эҳтимол, у туркларнинг батамом тор-мор қилинганига чидай олмагандир, эҳтимол, ҳар не бўлганда ҳам уларнинг шавкатли байроғи баланд кўтарилишини истагандир ва шуни кутгандир? Бундай мулоҳазага унинг Белград қаҳвахоналарида ўтирган пайтларимиздаги беҳуда мунозаралари, жанжал-тўполон кўтарганлари изн берарди. Серблар билан турклар ҳақида гап очилдими (афсуски, бундай суҳбатлар турли сабаблар билан ўтказилган йиғинларда ҳануз тез-тез бўлиб туради), тамом, Зуко ё ўрнидан туриб индамай чиқиб кетади ёки усмонли турклар салтанатини ҳимоя қилишга ўтади ҳамда унинг ўтмиш маданияти юксаклиги ва оламшумул жасоратларини кўкларга кўтариб макташга тушади, шу асно баҳс-мунозара гулханини гуриллатади. Ёзувчилар клубида бўлиб ўтган мана шундай мунозаралардан бири муштлашиш билан тугаган ва ҳаммаёқда овоза бўлиб афсонага айланиб кетган эди. Туркларни қоралаган ҳамкасбидан аччиқланган Зуко жазавага тушиб, бу ўлкаларга турклар ўзлари билан юксак маданият олиб келган ва бутун Болкон ярим оролидаги ваҳший халқларни дарахтлардан қоқиб туширган, дея чинқиргани етмагандай, сизларнинг томирларингизда турк қони оқаяпти, деб иддао қилган ва энг оғири – бунинг учун бизнинг момоларимизни айбдор қилганди. Айтишларича, ўшанда бир машхур серб шоири билан ёқа бўғишиб кетишган, орада ўша шоир мушт туширганми ёки итариб юборганми, Зуко стол ёнига йиқилган. Гарчи бу тўполон тинчлик билан тугаган – ғанимлар бир дастурхонда ўтиришни давом эттирган бўлса-да, бутун шаҳар бир неча кунгача шу гапни чайнаб юрган.

Белградликларнинг туркларга тегишли нимаики бўлса, ўшани ёзгириб сўзлаши кўнгли бўш одамларнинг бетакаллуфлигидан бошқа нарса эмас. Замон ўтгач, турклар бизга гўё уруғ-аймоқдек яқин бўлиб қолишди. Лекин шунга қарамай, ҳатто ўзимиз истамаган-сезмаган ҳолатда, ўзга маслак кишиларини бекордан-бекорга ҳақорат қилганимизни билмай қоламиз.

Серб тилида, масалан, “гўё туркларнинг мозори ёнидан ўтгандек” деган ибора бор, лекин пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, улар қандайдир арзимаган нарсанинг ёнидан ўтаётиб: “Гўё православ қабристонини ёнидан ўтгандек бўлди” дея истехзо қилсалар, ўзларига қанчалик оғир ботишини хаёлларига ҳам келтирмайди.

10

Аслида мана бундай бўлганди!

“Бошидаёқ ҳарбий бошлиқлар йиғилган турк замбараклари жойлашган ерга қилинган ҳужум жанг тақдирини ҳал қилди. Турк зобитлари оддий аскарлардан ажратиб турувчи нишонлар тақмаганлиги учун қайси бирининг қандай унвонда эканини аниқлаб бўлмасди. Тўпчилар батареясига Усмон пошо кўмондонлик қиларди. Қуршовда қолишганда у теварагидаги жангчилардан биронтаси қолмагунча мардона жанг қилди. Унинг

кимлиги номаълум бўлса-да, черногорияликлар унга: “Таслим бўлинг, жаноб!” – дея қичқиришганди.

(Журжевичнинг бу изоҳи Усмон пошонинг туғма олийжаноблигидан далолат берарди. Ҳеч қанақа нишонсиз ҳам у ўз рутбасига муносиб равишда кўкка ўрлаган тутунлар ичра ўзини шундай тутардики, оддий ва жанговар тоғликлар унинг кимлигини сезишган эди).

Усмон пошо уларга жавобан:

– Мен таслим бўлмайман! Ундан кўра ўлдиринг мени! – дея қўлидан қуролини ташламай жавоб берди. – Отинглар!

Кейинчалик асир тушгандан кўра ўлимни афзал кўрганининг сабабини менга тушунтириб берганди. Лекин черногорлар отишни хошлашмади, милтиқларини елкаларига осиб олишди, улардан бири эса унинг ёнига яқин борди-да, қўлидан ушлаб:

– Сени мен асир олдим! – деб қичқирди.

– Бўлақол! Бўл! Бошлиғингни ёнига олиб бор тезроқ, эвазига катта мукофот оласан! – деди бунга жавобан Усмон пошо.

Черногориялик пошони бошлиғининг олдига олиб кетди, йўлда уни саволга тутди:

– Сен юзбоши эмасмисан, мабодо?

– Сал юқорироқ чик! – деб жавоб берди пошо.

– Ёки мингбошимисан?

– Янаям юқорироқ!

– Демак миралай экансан-да!¹

– Ундан ҳам баланд!

– Ишқилиб, пошо эмасмисан?²

– Тўғри топдинг – худди шундай, пошоман! – деб жавоб қилди Усмон.

Шунда пошони олиб кетаётган черногориялик қувонч билан қийқириб, кўкка ўқ уза бошлади ва кейин бўқирганча қўшиқ айтишга тушди: “Толемидан ўргилай, жаноб олийлари, сизга пошони олиб кетяпман, тортиқ қилгани”.

Шундан сўнг у ўзининг фақирона, уникқан қизил белбоғини ечиб, асир олгани билинсин учун пошонинг бўйнига боғлаб қўйди-да, князь Никола боргоҳига етаклаб кетди.

(Бирмунча вақтдан кейин князь Николанинг шахсий табиби Усмон пошога тиббий ёрдам кўрсатишни таклиф этади, лекин у бу меҳрибонликни рад этади).

“Усмон пошо гарчи белини ўқ ялаб ўтган бўлса ҳам, кейинчалик менга айтганди”, деб Журжевич ёзиб қўяди...

Эсимда, ўша кечаси, яъни Усмон пошонинг асир олингани ҳақидаги лавҳани ёзиб бўлганимизда Зуко ўзидан кетгунча ичганди.

“Оллоҳу акбар!” – дея оҳиста инграганди у, кейин эса бошини билагига қўйиб, уйкуга кетганди.

Лука Филиповнинг яғири чиққан белбоғи билан боғланган пошо каловланиб, умрида биринчи бор мағлубият аламини чекканча, тошларга қоқилиб-суқилиб борарди. Лука калтабақай, шоп мўйловли, бароқ қошли, эгнидаги эскирган, тор кийимига қараганда камбағал эканлиги сезилиб турарди. Кейинчалик унинг шарофати билан бутун оила аъзо-

¹ Миралай (туркча) – полковник.

² Пошо (туркча) – генерал.

лари хурматга сазовор Филипович, деган фамилияга ноил бўлади, ундан ташқари яна уларни Пошони тутганлар, деб тилга олишади. У бир нималар дея кичкирганча ҳавога гумбирлатиб ўк узар экан, туйқус бошига тушган шон-шухратни тантана қилар, иккинчи томондан эса бу билан ҳар хил сарбозлар у қўлга туширган асирни тортиб олмоқчи ёки ўлдирмоқчи бўлишса, ўзини ҳимоя қила олишини намоёиш этарди. Келажак авлодларининг шаъни-шавкати Филиповичга боғлиқ бўлиб қолганди. Бинобарин, ҳозир оддийгина қизил белбоғнинг бир учи эмас, балки истикболдаги авлоди шажарасининг тақдири унинг қўлида эди.

Пошо жимжит жанг майдонини кўздан кечиради...

“Ҳамма ерда мурдалар ётарди, черногорлар курул-яроғ билан ғанимнинг эғнида аскотиши мумкин нимаики бўлса, йиғиштириб олиб кетишяпти. Икки нафар черногор турк бойлари киядиган қимматбаҳо кийим-кечак билан тўла халтани талашади, бири у учидан, бири иккинчи учидан тортишади, охири ҳар бири ўзига теккан улушни олгач, нари кетади. Яна биттаси, у ҳам черногор, қаердадир тушириб қолдирган ҳамёни топилиб қолар, деган умидда ахтариб юради, ўзи бўладими, минг лира тилла ақча (20 000 крон) бор экан. Маълум бўлишича, пул шу жангда ҳалок бўлган бош штаб полковниги босниялик Шукурбекники экан. Аскарлар бошлиғидан бири Стево Радонич ёнимга келиб: “Йўк, ўзинг ўйлаб кўр, мен черногорияликлар кўз-қулоқ бўлиб туришар, деб қирқта турк асирини шу ерда қолдиргандим, ҳазрат олийларининг қароргоҳига олиб бормоқчи эдим, келсам, биронтасини қолдиришмабди!” – деганди”.

12

Усмон пошонинг асир олинганига, мана, яна битта далил...

Князь аёёнларидан бири Арсений Паевич ўзининг хотираларида қуйидагиларни ёзади:

“...Шу асно чопар ўқдек учиб кирди-да, қувонч билан хабар берди: “Жаноб олийлари! Ҳузурингга Усмон пошони тириклайин олиб келишяпти!” Чинданам, орадан кўп ўтмай бир неча черногор билан уни асирга олган пиперлик Лука Филип қуршовида пошо пайдо бўлди. Лука Усмон пошони бебаҳо қулдек ўзининг қизил белбоғи билан боғлаб олганча, оғзи қулоғида, князнинг ҳузурига етаклаб келди. Усмон пошо князь қаршисида тинкаси қуриганиданми ёки кўрққаниданми титраб-қақшаб турганида князь унга қўл узатди ва ёнидан жой кўрсатди. Усмон пошо француз тилида миннатдорчилик билдирди, князь эса шу тилда у билан суҳбатни давом эттирди. Князь пошонинг иззатини ўрнига қўйиб, аввал шампан виноси узатди, кейин эса тамаки билан сийлади, Усмон хиёл ўзига келиб, то князь сўзини бўлмагунча Билечедаги турк қўшинлари ва Мухтор ҳақида гапириб берди, унинг ҳикоясини диққат билан тинглаб бўлгач, князь аёёнларга юзланиб: “Бўлди, энди кетамиз,” дея амр қилди, ҳамма унинг ортидан кўзгалди... Усмон пошони пиёда олиб келишгани учун князь унга от берди, Лука тортиб олган қиличи билан соатини қайтариб берди”.

Цетинадаги князь саройи эски монастырь билан Бильярд (Черногориядаги биринчи бильярд шу бинода қурилгани шарафига шу номда аталарди) яқинида жойлашган эди. Дарвоза олдида кеча-ю кундуз сарой соқчилари турар, бино гумбазининг чўққисида князь байроғи ҳилпирарди. Минора билан Бильярд оралиғида князь Никола ёз фаслида соясида уч оёкли курсида ўтириб адолатли ҳукм чиқарадиган, шохлари тарвақайлаб ўсган

маҳобатли бужун дарахти қад ростлаганди. Бир замонлар мана шу бужун остида жинойтчилар, хоин, ўғрилар устидан ҳукм чиқарилар ва ижро этиларди. Мана шундан халқ орасида “Бужун остида қолиб юрма яна!” деган огоҳлантирувчи ибора тарқалганди. Шу дарахт остида князь асилзодалар ва перьяниклар¹ иштирокида пиперлик Лука Филиповни жасорати учун тақдирлади ва унга Зета дарёсининг водийсидан хайҳотдек ер берди.

Лекин, айтишларича, Лука Филипов қайта-қайта бужун остига қатнаб, княздан яна нималардир сўрар, агар қўлини қуруқ қайтарса: “Сенинг хузурингга нақ пошони олиб келганимда фойдам текканди-ю”, деб таъна қилар экан.

Князь унга уй қуриб олиши учун пул берибди, лекин Лука ер ҳайдаши учун ҳўкиз ҳам сўраган экан, князнинг жаҳли чиқибди. Айтишларича, у аччиқланиб, гапини шартга кесиб: “Балки ерингни ҳайдаб беришим ҳам керакдир?” – деганмиш.

Шундай миш-мишлар юрадики, Лука Филипов бужун остига қатнаб княздан дунёнинг нарсасини сўраб олгандан сўнг ҳам яна тиланиб келганини кўрган перьяниклар князга хабар етказишганда, князь, яна нима керак экан, деб сўрабди. Хизматкорлар у ҳеч нарса сўрамаяпти, туш кўрганмиш, шунинг таъбири бўйича келганмиш, дейишибди. Князь Лукани бужун остига келтиришни амр қилибди.

– Худо ёр бўлсин сенга, ҳазратим! – дея таъзим қилибди унга Лука Филипов.

– Яратган сени ҳам ҳифзу ҳимоятига олсин, Лука! – дебди князь. – Яна нима керак сенга?

– Ҳеч нима, ҳазрат олийлари, шунчаки тунов кунни тушимга кирибсан, ўнгимда ҳам бир кўрай, деб келдим.

– Ҳўш, нима қилибман тушингда, Лука?

– Ҳазрат олийлари, тушимда менга ўн икки дукат ҳады қилибсан.

Князь кулиб юборибди-да, ҳамёнидан бир сиқим дукат олиб, Лукага берибди; у эса бир зумда санаб чиқиб, князга мурожаат қилибди:

– Бу бор-йўғи тўрт дукат экан, ҳазрат, тушимда эса сен ўн икки дукат берган эдинг.

Буни эшитиб, князнинг аччиғи чиқибди.

– Уни асир олмасанг яхши бўларкан! – дея хитоб қилибди у. – Ёнимда юзта Усмон пошони кўриш афзал эди менга, битта ўзингдан кўра, – дея ўшқирибди.

Зуко бу воқеани ҳам биларди-ю, лекин нега жўшиб, ўз феъл-атвориға ярашиқ тарзда эҳтирос билан таҳлил қилиб бермаганига хайрон бўламан. Жуда бўлмаса менга айтарди-ку!

Балки Усмон пошонинг бошига тушган мусибат эвазига шундай тубанликлар қилса ҳам герцоговиналик оддий аскарнинг бу қадар улуғланганига энсаси қотгандир.

Ростданам насл-насабининг тайини йўқ, хира пашшадек ёпишиб олиб князни шу даражада норози қилган ўша Луко Филипов қаерда-ю, шаън-шавкати, обрўйини ҳамма нарсадан, ҳатто ўлимдан ҳам устун қўя билган Усмон поша қаерда, деб ўқиниб юргандир! Шунинг учун менга ҳам айтгиси келмагандир?!

Ишончим комилки, бир жихатдан Зуко ҳақ эди.

Дунё Усмон пошо Сархуш сингари инсонлар туфайли улуғ, Лука Филиповлар туфайли эмас!

¹ Перьяниклар (сербча) – черногор князларининг хос навкарлари.

ПАЯ ЙОВАНОВИЧ



Мусаввир Пая Йованович серб тасвирий санъатининг ёркин вакиллари-дан бири. Унинг аксар асарларида сербларнинг кўп йиллик озодлик учун кураши, қахрамонлари акс этади.

Пая Йованович 1859 йил 16 июнда Сербиянинг Вршац шаҳрида туғилган. У ёшлигидан мусаввирларнинг суратларидан нусха кўчириб, турли чизгилар яратарди. Иттифоқо, шаҳардаги черков қўнғирокларига сурат солиш ҳақидаги эълондан хабар топган Пая ўз кучини синаб кўришга аҳд қилади ва бу топшириқни қойилмақом қилиб уддалайди. У 1877 йил Вена тасвирий санъат академиясига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Ёш мусаввир тарихий мавзуларга кўпроқ эътибор қаратади. Кристиан Гриппенкерл, Леопольд Карл Мюллер каби таниқли мусаввирлардан сабоқ олади. Пая Йовановичнинг “Ярадор черногориялик”, “Гусла чалувчи” каби суратлари академия кўргазмасида юксак эътироф этилади.

Кейинчалик Пая Йованович сафарга чиқишга одатланади. Черногория, Албания, Босния, Марокаш, Миср, Франция каби мамлакатлар таассуротлари, хусусан, у ерликларнинг турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари рассом ижодида ўз ифодасини топади. Париждаги кўргазмада “Подшо Душанга тож кийдириш”, Вена кўргазмасида “Хўроз уриштириш” суратлари олтин медалга муносиб топилади.

Рассомнинг “Боско Югович”, “Сербларнинг кўчиши”, “Келин такинчоғи”, “Стефан Душаннинг тўйи”, “Соткин” каби суратлари дунё рангтасвир ихлосмандлари орасида маълум ва машҳурдир.

Пая Йованович 1957 йил 30 ноябрда Венада вафот этади. Белград шаҳрида рассомнинг уй-музейи бор. У ерда рассомнинг иш қуроллари билан бирга қирк бешта асари кўргазмага қўйилган.

Журналимиз муқовасида такдим этилаётган сурат серб халқининг фахри, миллий қахрамони Вук Каражич портретидир. В.Каражич тилшунос, фольклоршунос ва этнограф сифатида танилган. Рассом картинада Вук Каражичнинг кексалик пайтини акс эттирган. Қахрамоннинг ўткир нигоҳларида чуқур маъно бор, юзидан қатъийлик аримаган, шу билан бирга, сабр-тоқат ва матонат белгилари жўш уриб турибди.

Аброр УМАРОВ тайёрлади.



ИБТИДО ВА ИНТИХО

Устоз хотираси

Хеч чидаб бўлмаяпти... Кечагина бор одам бугун жисмонан йўқ. Гарчи борлигида кунда-шунда йўқлаб, росмана оқибаг кўрсатаверган бўлмасакда, борлиги, яшаётганлигининг ўзи кўнгилга таскин, тасалли эди. Энди эса йўқ, таскину тасаллига ҳам, ожиз бўлса-да, имкон қолмади.

Жаноза куни сафар тадоригида эдик. Тонг саҳарлаб йўлга тушамиз деган мўлжалларни тумандек тарқатиб, совуқ хабар келди. Эшитдимму яқинларим ўлими ҳақидаги хабардан илк даъфада вужудимда пайдо бўладиган ларзавор ҳолат яна такрорланди. Ичимдан недир шувиллаб тўкилгандек бўлди. Дафъатан хабарнинг ўзиёқ эсанкиратдимми, ҳарқалай йиғи келмади. Кўз ёшлар кейин, юз берган ҳодисанинг бор моҳияти аста-аста идрок этила бошлагач келди. Устига-устак жанозани ўтказиб, майитни қабрга қўйгач, сафар йўлига тушиб кетар эканмиз, ҳайдовчи йигит атай қилгандек, машхур ҳофиз ижросидаги “Ўзбегим”, “Инсон ўзинг” кўшиқларини магнитофонда қўйиб юборди... – мана энди қалбдаги мунг вулқондек отилиб фарёдга айланди, чекка-чеккада кўзларни, юзларни буриб, яшириб тўкилаётган унсиз кўз ёшлар, уввос пўртанасига эврилиб, қуйилиб-қуйилиб келди. Юракни мислсиз азоб, алам, йўқотиш, йўқсизлик изтироби тамомила эгаллади. Ҳа, ... сира чидаб бўлмаяпти... Айниқса, “Ўзбегим”нинг илк сатри – “Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон” сўзлари оҳанг билан қуйилганида тоқат қолмади...

Ё Худоё, на отанг, на аканг, биродаринг, на-да бир қондош-қариндошинг бўлмаган, ўттиз бир миллионлик ватандошларинг орасида бири бўлган инсоннинг вафоти шунчалар ҳам мусибатли кечадами одам қалбида? Оллоҳ..., Оллоҳ..., сабр бер, собир эт биз бандаларингни!

Алҳазар..., алҳазар..., нега, нега энди қоним, қондошим, қариндошим бўлмасин бу зот?! Кўзим усти қошим билан қабоғим орасидаги бир азизим, яқиним-яқинлардан яқиним, дилимдаги туйғум, томирдаги қоним эди-ку, ахир!... Юртдошларим қатори каминага ҳам Ватанни севишни, миллатга хизмат қилишни ўргатган, эл ору номуси ва виждони, демакки менинг, унинг – бизнинг маънавий падарларимиздан эди-ку бу улуг зот. У мен ва мен каби не-не ватандошларига фуқаролик сабоқларини бериб ўтди бир умр. Ҳа, шундай чўнг сабоқларки, уни сўз билан айтиб, адоғига етиш қийин.

Эркин Воҳидов... – энди бу ном “рахматли”, “марҳум”, “гўринг нурга тўлгур”, “жойинг жаннатларда бўлгур” деган сифатлашлар, дуолар билан таърифланиб, ёд этилиб, ўтган замоннинг “эди” феъли билан тилга олинди. Умр деган Одаматодан келаётган кўҳна неъматнинг бори бисоти, хулоса – якуни шу – хотира, хотира, хотира...!

Мен ўзи қачон танигандим Эркин акани? Биздан бир кўча наридаги 22-ўрта мактабда Эркин Воҳидов ўқиган, деган ифтихорга тўлиқ маълум-

мотни кимдир айтганида иккинчи синф боласи – менинг кулоғимга ўша ном илк бор эшитилганмиди?! Ёки холамнинг ўғли Фазлиддин акам уйланганида “Сузик ота” маҳалласида “ижарада яшаб турган бўйдор қотма студент йигит рубоб кўтариб чиқиб, тўйда илк бор “Ўзбегим”ни айтганида Эркин Воҳидов номи такрор хотирам бисотига кирганмиди?! Балки булар илк хабар – маълумотдир. Аммо дастлаб идроклаш даражасида хис қилганим 1969 йил Шоҳиста опамнинг тўйида Тахтапұлдаги ҳовлида ош берганимизда ҳофиз Умар Отаев асосий меҳмонлар оқими келиб-кетиб, ўзимиз-хассакашлар қолганда уларга “Ўзбегим”ни ўз талкин-ижросида айтиб берганида рўй бергани, чамамда. Ҳа, ҳа, шунда. Эски тошкентликлар “Ўзбегим”ни илк бор қўшиқ қилиб айтган ким эди, деган бахслар кетганда, марҳум Умар Отаевни тилга олиб, бу ҳофизнинг кейинги тақдирида “Ўзбегим”нинг таъсири бўлганини накл-ривоят қилиб юргувчи эдилар, одатда. Демак, Эркин Воҳидов номини эшитганимга ярим аср, машҳури олам – фахриясини идрок эта бошлаганимга қарийб эллик йиллар бўпти... Ҳа, Эркин ака маънан қариндошимга айланиб борганига ярим аср – эллик йил бўлибди! Бир инсонга боғланиб, меҳр қўйиб, битиклари кўнгил бисотингга айланиб кетмоғи учун керагидан мўлроқ муддат бу. Орий ҳақ..., дарҳақиқат, шундай!

“Сўз латофати” эълон қилинган, “Китоб дунёси” газетасида тилимиз тақдирига бефарқ бўлмаган зиёлиларимиз орасида яхши маънода “шовшув” кўтарилди. Кўп ўтмай бир турк тилшунос фан доктори, яна бир-икки ой ўтиб андижонлик забардаст тилшунос, профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг муносабатлари матбуотда эълон қилинди. Бирлари халқаро, иккинчилари ўз мамлакатимиз доирасида “Сўз латофати”га жиддий илмий-оммабоп йўсинда деярли бир хил таъриф бердилар. Яъни, туркий тил, жумладан, ўзбек тили қадри-қиммати, бойлиги ва аҳамиятига ҳар беш юз йилда алоҳида эътибор билан ёндашиб, туркий оламнинг энг нуфузли зотлари том маънода халқ маънавий хотирасига муҳрлангучи илмийлик ва оммабоплик муштарақлигида чўнг бир рисолалар яратиб қолдирган эканлар. X асрда Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк”, XV асрда ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”, XXI аср аввалида Эркин Воҳидов “Сўз латофати” номлари билан. Бошқа тафсилотларига берилмай, биргина беш юз йил, беш асрлик рақамлар муқоясасини мушоҳада этсак, демак, Эркин Воҳидов салафлари асарлари ҳар беш юз йилда жамиятда эҳтиёж пайдо бўлиб, ғайбнинг инояти билан туркий тилимиз қадру қиммати, бойлигу даражоти ҳақида чўнг бир рисола ўлароқ яратилаётган экан, билфараз замондош шоиримиз, мутафаккиримиз рисоласи ҳам беш асрга хизмат қилар экан-да, иншооллох. Бинобарин, Эркин аканинг “Сўз латофати” камида беш юз йил яшамоғига ишонгинг келади. Модомики, Оллоҳ берган истеъдоди назм – шеърят бўлган зотнинг кичик бир рисола – тафаккур маҳсуллари беш асрга етгулик экан, ижодининг гултожи бўлмиш шеърят, бадий сўзининг умри қанча бўлар экан? Ҳойнаҳой, беш юзни ўнга, юзга... кўпайтириб, ҳатто шахд этиб, ўзбек бор экан, у тургунча туради, яшайди, дея баралла айтсак, муболағага йўйилмас, иншооллох. Ҳеч бўлмаса, шундай фараз, тахмин қилмоққа, энтикиб, орзулаб, ўзимизча башорат қилмоққа жилла курса камина фақирнинг ҳаққим ботдир?!

Бу кунлардан уч йилча аввал Эркин ака билан ҳукумат касалхонасида бир пайтда даволаниб қолдик. Муолажаларгача тонгда бир қур, кейин оқшом пайти касалхонани бор бўйи уч-тўрт айланамиз. Эҳ-ҳа... Бу суҳбатлар... ажиб дилдорликлар..! Ҳазрат Навоий сатри ё байти билан бошланиб, шу алфоз тугайди. Ҳар сафар устоз бир фикрни бот-бот такрор-



лайдилар: “Ҳазрат бу дунёнинг одами эмас. Бу битиклар одам боласининг кўлидан келмайди”. Сўнгсиз ҳайрат ва чексиз ошуфталикнинг икромлари эди бу сўзлар. Бандаи ожиз, ғийбатнамо бирор гап аралашиб қолса, дарҳол яна шеър, бадиият оламига шоти тикланар, шу арзимас умрга майда-чуйда гаплар не керак, Яратганнинг мўъжизаларига боқсангиз-чи, дея бирор гул, дарахт ва яна недир наботот оламига дохил яратиқлардан баҳонаи сабаб сўйлаб кетар, суҳбатдош эътиборини нукул ўзи каби юксак материяларга тортишга уринарди. Мустақиллик йилларининг синовларидан, унинг нақадар тансиқ неъмат ўлароқ кутилгани, орзуланганию ҳамма ҳам кўп-да билавермайдиган ўта нозик дипломатик “ўйин”лар, “протокол” деб аталувчи сарой тартиботлари, шу тартиботлар ичра юртимиз раҳнамосининг не-не мураккаб вазиятларда ғурур ва шараф билан мамлакатимиз мавқеини пойдор этгани, нуфузини оширгани борасида вазмин, мушоҳадакорлик билан ҳикоя қилардилар. Шундай дамларда ижиклаб, керак-нокерак саволлар бераверсак, “Хирад аҳли ростдин ўзгани демас, Вале ҳар рост ҳам дегулик эмас”, дея Ҳазрат байти билан бесабр ҳовуримизга мулоҳаза сувини сепаиб кўярдилар. Танбаллик қилиб, қоғозга солиб қўймаганимиз ўша дилкаш лаҳзалар нақадар тотли ва фараҳли эди... Гапу гаштак, турли издиҳомлардаги ўшандай файзиёб суҳбатлар-чи? Эҳ-хе, нафақат камина, ўша доираларда иштирок этиб қолган яна қанча қалам аҳли ўз вақтида қоғозга тушмаган хотиралар учун ҳозир армон қилаётгандир. Фурсати етар, келгусида хотиралар ёзилар. Камина ҳам Эркин аканинг сўнгги бир йилдаги умргузаронликларига доир бир-икки хотираларни қоғозга тушириб, улар ҳақидаги “Замондошлар нигоҳи” китобига бердим. Қўлёзма ҳолида ўқибдилар, ўзлари ва ўғил-қиз, жами оилалари номидан миннатдорлик билдирдилар. Мана ўша битиклар.

Йўл изтироби

Устоз Эркин Воҳидов ҳақида сўз айтиш уларни билган, таниган, бинобарин, том маънодаги мухлисига айланган одам учун ўта масъулиятли иш-

дир. Чунки аллакашонлар миллатнинг фахри-ғурури бўлиб, ҳаётлигидаёқ афсонаваш таърифларга кўмилган инсон ҳақида гапириш оддий юмуш эмас. Шу боис, кўрқа-кўрқа кўлимга қалам олиб, қандай таъриф берсам ўзгаларникидан фарқли, янги фикр айта оламан деб, бир неча ҳафтадан бери уриниб-суриниб ётибман... қани бирор осмоний тавсифу оҳорли калом келса. Хаёлларимга қанот, туртки берармикан деб бот-бот китобларини варақлайман. Суйдигим – 2006 йили 70 йилликларига ўзлари саралаб тайёрлаган “Ўзбегим” тўплами кўлимда.

“Азиз ва мухтарам Шухратилла Ризаевга юксак эҳтиром, самимий меҳр ва миннатдорлик туйғулари ила муаллифдан. Эркин Воҳидов 28 декабр, 2006 йил”.

Ана шу дастхат билан қирмизи муқовалик “Ўзбегим” тўпламини Эркин ака таваллуд саналари нишонланган кунларда тухфа этган эдилар.

Гап шундаки, Юртбошимизнинг кўрсатмалари билан шу кезлар Эркин Воҳидов юбилейини ўтказиш бўйича тадбирлар белгиланиб, Вазирлар Маҳкамасининг баённомаси қабул қилинди. Республика бўйлаб бу қутлуғ санани нишонлаш, якунида Миллий театр биносида тантанали кеча ўтказиш режалаштирилди. Камина шу ишларга жалб этилиб, якуний кеча билан боғлиқ масалаларга масъул эдим. Табиийки, юбиляр билан кечани ўтказиш, сўзга чикувчилар, концерт дастури каби қатор масалаларда масҳатлашиб олиш учун тез-тез учрашиб туришга тўғри келди. Ҳар сафар кўришганимизда Устозни биринчи гаплари шу бўларди: “Нима бўлса ҳам камтарона бўлсин. Ортиқча дабдаба, шарафлашлар сира керакмас. Шухратжон, билсангиз менинг илк шеърим камтарлик ҳақида бўлган:

*Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг – чун
Ўпар доим пешонасидан.”*

Шу сатрларни ўқиб, қайта-қайта таъкидлаб, таомил бўйича аёллари билан сахнада ясланиб ўтириб, қутловлар қабул қилишни, тўнвозлик, совғасаломлар тақдим этиш каби ҳолатларни кескин рад этдилар. “Абдуллажон (Орипов) – уюшмамиз раиси, лозим топсалар, икки оғиз сўз айтиб бошлаб берсалар, Иброҳимжонми (Ғафуров) ёки Умарали ака (Норматов) 5-10 дақиқалик олимона чиқиш қилсалар бас, у ёғига гўзал кўшиқлар, рақслардан иборат концерт дастури бўлса, одамлар маза қилиб тинглаб, томоша қилиб ҳузурлансалар, шу кифоя. Бундан бошқасини кўйинглар...”

Юбилейдан юбилейгача яшайдиган адиблар бор. Қилган-қилмаган ишлари учун алёрлар эшитиб, сахнада ялпайиб ўтиришни, раққосою хонандалар таъзим қилиб, ҳурмат бажо этишларига янада ҳаволаниб, залдаги дўст-душманларига кибрланиб қараб кўйишни хуш кўрадиган ва бу машғулотнинг обдон ҳадисини олган кимсалар бор. Бошлаб, вилоятларга бориб, “ўлпон” йиғиб келиб, туман ё вилоят ҳокимларидан бир нималар ундириб, сўнгра пойтахтда асъасаю дабдаба уюштиришга одатланган “учар” ёзғувчилар улар. Қарангки, ўзбекнинг буюк замондош шоири ҳар қандай дабдабага қарши бориб, ҳатто сахнага чиқишдан ҳам тортиниб турса. Яна бунга азбаройи мамлакат раҳбарининг кўрсатмаси бўлгани учун розилик бериб, шунда ҳам камтарона тадбир ўтказилишини уқдириб, талаб қилса...

“Ўзбегим” тўплами, юқорида қайд этганимиздек, Эркин Воҳидов ет-

миш ёшига қадар эълон қилган шеърларининг энг саралари жамланган табаррук, устоз Шайхзода таъбирича “нуроний ҳосил” хирмони. Бирор саҳифасини қолдириб ўқиб бўлмайди. Ҳаётларининг бу каби донишга тўлган нуроний паллаларида Ойбек домла “Қуёшли қалам”, Миртемир “Излаганим” тўпламларини ўз қўлларини қалб қўри билан битта-битта ажратиб тартиблаган эдилар. Булар мухлисларига ўзига хос ҳисоботлари, ҳатто васиятларидек эди гўё. Эркин ака буни очик эътироф этиб, китобни “қалб сарҳисоби” деб номлагани қуйидаги сатрлар билан бошлайди:

*Эй сен, латиф дўст, бу сенга
Умрим китобидир,
Балки китоб эмас, умру
Қалб сарҳисобидир.*

Қалб сарҳисоби – бу ўтган йилларнинг оддий солномаси эмас. Ёки қилинган ишларнинг мазмун – салмоғини кўрсатиш, умр кечмишларини қайд этиб хулоса яшаш, жўяли фалсафа, керак ибрат айтиш эмас. Бу фаною бақо нисбатларини англаб, келмақдин мурад неку, кетмақдин муддао не, тириклик, ҳаёт аталмиш манзил-масканнинг икки эшиги оралиғида “Сен ким эдинг, ким бўлдинг, эй дил” деган сўроқларига изтироб ила жавоб изламоқдир.

*Бир шаҳр номи Ибтидо,
Бир шаҳр Интиҳо.
Жонимда икки шаҳр аро,
Йўл изтиробидир.*

Шу йил 2015 йил 22 сентябрь куни устознинг солиҳ фарзандлари Хуршидбек ўғлини уйлади. Тўй оқшоми ва ниҳоят бир неча ой сиртдан ҳолу аҳвол сўраб юришликлардан сўнг, шукурки, Эркин акани юзма-юз кўриб, зиёрат қилиш имконияти туғилди. Олдиларига яқинлашар эканман, ўша “икки шаҳр оралиғидаги йўл изтироби”ни кўрган, туйгандек бўлдим. Устоз билан давраларда, авваллар мунтазам, кейинроқ бироз бетобланганлари боис, унда-бунда имкон қадар кўришиб турамыз. Ҳамиша бир хил – тетик, мулозаматли, озода, зиёли нигоҳ, салобат ва шахдда кўриб кўникиб қолган эканманми, бу сафар жуссалари бироз чоғроқ, ранг қиёфаларида сурункали муолажаларининг асорати ифода топган эди. Ҳа, бу ўша Ибтидо ва Интиҳо отлиқ шаҳарлар орасида босиб ўтилган йўлларнинг изтироби эди. Назаримда, шоир етмиш ёшида эмас, энди – орада қарийб ўн йил ўтиб – саксон арафасида йўл азобларининг захмини юзага чиқаргандек туюлди. Елкаларидан кучиб, тавоф этарканман, қалбимдаги титроқ, фикратимдаги мунг дилтанг аҳволга солди мени, беихтиёр кўз қароқларим йилтиллади. Шу кайфиятда тўйхона тўридаги чеккароқ зиёфат дастурхонига бориб ўлтирдигу, ҳамма жим, барчанинг нигоҳи гоҳ ошқора, гоҳ зимдан устозда. Тўйхона бўйлаб эса шовқин-сурон, келин-куёв ташрифи арафасидаги куй, рақс, кўшиқлар. Ёнгинамда машҳури замон созанда, бастакор Абдуҳошим Исмоилов. Барака топгур, не бир хунар кўрсатиб даврадаги ҳузунни кўтарсам дейди. Бахтимизга Зулайҳо (Бойхонова)нинг устоз газали билан айтадигани шўх-шаън “Бир қадам” кўшиғи янграб қолди:

*Иккимизнинг ўртамизда
Йўл, дилоро бир қадам,
Шунчалар мушкулми қўймоқ
Сенга, зебо, бир қадам.*

Абдухошим ака, одатдагидек, ўзи яратган оҳангдан сархушланиб, ўлтирган ерида беихтиёр кўллари йўнатиб, муқом қила бошлади. Қаршисидаги Эркин ака ҳам ўлтирган жойларида бу ҳаракатга жўр бўлдилар. Ва созанда акамизнинг қистови билан ўринларидан туриб, тик турганча, завқланиб кўллари рақсга мувофиқладилар. Шу тоб ёнимиздаги аёллар ўтирган столдан аёллари Гулчехра опа завқларининг руҳияти энгиллашиб, завқланаётганларидан завқланиб, улар ҳам бир жойда турганча ўйнаб бердилар. Кўл ҳаракатлари асносида Эркин акага бори миннатдорликларини изҳор этиб, гўзал ишоралар қилдиларки, бу ҳам завқли шукроналик..., ҳам не бир тараддуд шавқидек эди гўё... Ҳа, гарчи бу ўринда “шавқ” тушунчаси ғалат туюлса-да, айни дамда камина англаган ҳолатдакикалар шундай эди. Эркин ака шу тобда ҳам беназир эди. Ўз борлиги-ҳолатидан даврага чўкаётган маҳзунликни ҳис этиб, қулай имконият туғилиши билан ўзига ҳар қанча оғир келса-да, атрофидагиларга росмана тўй-тантана кайфиятини бағишлади, атрофни гулгун этди. Гулчехра келин-нойидан тортиб Хуршидбеку қизлари, келинлар, қариндош уруғ-яқинлар, дўст-ёрон барча энгил тортиб, улкан издиҳомга сингиб кетди.

Ҳозир, орада ўн-ўн беш кун ўтиб, шуларни ўйласам, устоз Эркин Воҳидов наинки оиласи, дўст-яқинлари, балки бари миллатни қарийб олтмиш йилдан бери шу йўсин уйғотиб, жонлантириб, шавқлантириб келаятган экан, гарчи бу ўзига чандон оғир, дардли, изтиробли бўлса ҳам...

* * *

...Жаноза ўқилишидан олдин видолашув сўзлари айтилди. Юртбошимиз шоир оиласи ва биз – барча муҳибу мухлисларга таскин-таъзия йўллаб, Эркин акани юксак сифатлар билан таърифлаб, ёд этибдилар. Издиҳомнинг барча иштирокчилари қалбида акс-садо берган бу таърифлардан тўлқинланиб муфтий ҳазратлари “Азизлар, замонамиз Навоийсини дорул бақога кузатаяпмиз, дуога кўл очайлик” деганида жамоа яна бир қалқди, дийдалар яна юмшаб, кўзларга ёш келди...

Хаёлан устозни Ҳазрат хузурларига кириб бораётгандек тасаввур этдим. Не дердилар, агар шундай имкон яралса? Сиз бани башар дунёсида ўтқарган бори 60 йиллик умрингизни лаҳзаю дақиқаларигача тўлиқ нисор айлаган халқингиз бугун Ўзбекистон деган ҳур мамлакатда ўттиз бир миллиондан ортиқ – эл бўлиб, миллат бўлиб, сиз бошга кўтарган, ўлмас битикларингиз билан бот-бот тасдиқ этган ўзбек тилида сўйлашиб, улуғ шоирига миннатдорлик розини айтиб юрибди дермидингиз?! Недандир куйиниб, недандир суйиниб, гоҳо бор, гоҳо душвор ташбеҳу тамсиллардан тоб олиб, дунёи бебақонинг чаманзорларида чаҳ-чахлаб даврон сураяпти дея муждалар етказармидингиз... Билоштибоҳ, бандалик боис, барчамиз учун тазарру, истиғфорлар айтиб рози дил қилармидингиз?!

Устоз, бугун бор миллат, мамлакатимиз халқи Сизни арши аълоларга узатаркан, охиратингиз обод, руҳингиз шод бўлмоғини қалбдан истаб видолашади. Зеро Сиз-да Ҳазрат бобомиз каби умрингизни шу ўзбек деб аталган эл, юрт, миллатга баҳшида этиб ўтдингиз. Номингиз, ҳассос сўз ва ҳароратли оташ шеърларингиз ҳар биримиз билан бирга яшайди. Билҳақ, мудом ўзбек бор экан, Эркин Воҳидов номи-да бор бўлади!

Шухрат РИЗО

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

1 МАЙ

1906–1950 йиллар. Шокиржон Тошканбоев, таниқли дорбоз. У раҳбарлигида Тошкентдаги “Сахнадаги цирк” бирлашмаси қошида “Ўзбек дорбозлари” гуруҳи ташкил этилган ва бу гуруҳ дорбозлик санъатини янги поғонага кўтарди. У илк бор дорда муҳофаза воситаси – “лонжа”ни ишлата бошлади, натижада анъанавий репертуар бир қатор янги мураккаб машқлар билан бойиди. Хусусан, очиқ ҳаводаги дор устида “кўприкча” шаклида туриш, елка билан дорга тиралиб, оёқларни тепага чўзиш каби трюклар биринчи марта Ш.Тошканбоев томонидан ижро этилди.

1936 йил. Дилбар Абдурахмонова, ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан биринчи таниқли дирижёр. Д.Абдурахмонова Ўзбекистон халқ артисти унвони ва Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган. “Аида”, “Травиатта”, “Отелло”, “Ҳаётбахш трагедия”, “Майсаранинг иши”, “Бўрон”, “Икки дил достони” опералари, “Дон Кихот”, “Спартак”, “Анна Каренина”, “Оққуш кўли”, “Севги тумори”, “Тановар”, “Семург” балетлари унинг кўп йиллик ижодий меҳнати маҳсулидир.

3 МАЙ

1848–1926 йиллар. Виктор Васнецов, рус рассоми ва ҳайкалтароши. Унинг “Уйдан уйга”, “Ҳарбий телеграмма”, “Баҳодирлар”, “Шоҳ Иван Васильевич Грозний”, “Алёнушка”, “Гўрков” каби суратлари рус тасвирий санъатининг ноёб намуналари сифатида эътироф этилади. В.Васнецов ҳайкалтарошлик бобида ҳам қатор муваффақиятли асарлар яратган.

5 МАЙ

1815–1888 йиллар. Эжен Лабиш, машҳур француз драматурги. Унинг “Похол шляпа”, “Жаноб Перришоннинг саёҳати”, “Иккита кўрқоқ”, “Жекпот”, “Уч бахтиёр”, “Ўғилнинг танлови”, “Оталик бахти” каби пьесалари оламшумул шухрат келтирган. Э.Лабишнинг энг машҳур “Похол шляпа” драмаси ҳозирга қадар жаҳон театр сахналаридан тушмай келади.

1911–1981 йиллар. Қудрат Хўжаев, таниқли театр ва кино актёри, Ўзбекистон халқ артисти. У ҳозирги Миллий театр сахнаси ва ўзбек киносида актёр сифатида “Франц”, “Лаэрт”, “Кассио”, “Қори ака”, “Санжаров”, “Саидхон”, “Наргиз”, “Назирий”, “Нақшобий”, “Ҳаким”, “Мавлоно Шавкат” каби 80 дан ортиқ ёрқин, ҳаётий ва ранг-баранг образлар яратди. Қ.Хўжаев Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин”, А.Островскийнинг “Момақалдиқоқ” ва бошқа асарларни муваффақиятли сахнага кўйган режиссёр ҳам эди.

11 МАЙ

1891–1953 йиллар. Сергей Прокофьев, россиялик атоқли композитор, дирижёр ва пианиночи. XX асрнинг энг машхур бастакорларидан бири. У 11 опера, 7 балет, 7 симфония, 8 оратория ва кантата концерти, кино ва театр учун яратилган мусиқалар муаллифи. Унинг “Уруш ва тинчлик”, “Иван Грозний”, “Александр Невский”, “Золушка” фильмларига басталаган куйлари томошабинлар ва мутахассислар олқишига сазовор бўлган.

15 МАЙ

1862–1931 йиллар. Артур Шницлер, австриялик драматург. Унинг “Анатол”, “Яшил тўтиқуш”, “Ёш Медард”, “Профессор Бернхарди”, “Олис ўлка”, “Сўз комедияси”, “Кристина”, “Ишқдаги ўйин”, “Ўртукли Беатриче” каби пьесалари машхур. Шунингдек, А.Шницлердан “Ўлим”, “Гуллар”, “Алвидо”, “Янги кўшиқ”, “Бўйдоқнинг ўлими” каби кисса ва ҳикоялар, “Ирода йўли”, “Тереза. Бир аёл тарихи” сингари романлар қолган.

1931–2013 йиллар. Алибек Рустамов, манбашунос, тилшунос олим, ЎзФА академиги. Олим туркийшунослик ҳамда умумий тилшуносликнинг амалий ва назарий масалалари, қадимги туркий (ўзбек) тили ва ёзуви, Навоий асарлари тилини ўрганиш, услуб ва услубшунослик, аруз шеър тизими, мумтоз адабиёт терминлари тадқиқига бағишланган асарлар ёзган. У Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарини форсчадан ўзбекчага, Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асарини эса русчага ўгирган. А.Рустамов “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни (1981) тузишда қатнашган.

25 МАЙ

1926–2014 йиллар. Фароғат Раҳматова, машхур ўзбек хонандаси ва актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти. У “Фарҳод ва Ширин”, “Муқанна”, “Тоҳир ва Зухра”, “Насриддин Бухорода”, “Офтобхон”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулҳумор”, “Тошболта ошиқ”, “Фарғона тонг отгунча” каби спектаклларда бош ролларни ижро этган. Ф.Раҳматова хонанда сифатида эл орасида машхур “Диёримсан”, “Гўзал”, “Тупроғим менинг”, “Ёринг унутма”, “Ёрдан салом келибдир”, “Вафо қилса”, “Онажон”, “Унутма”, “Гул мавсуми”, “Дугоҳ” каби кўшиқ ва ашулаларнинг бетакрор ижрочиси.

27 МАЙ

1926–2005 йиллар. Абдуқодир Ҳайитметов, адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. У “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Навоий лирикаси”, “Навоийнинг ижодий методи”, “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан”, “Навоий даҳоси”, “Ҳаётбахш чашма”, “Навоийхонлик суҳбатлари” каби 500 га яқин илмий мақола, монография ва рисоалари билан навоийшунослик фани ривожига муҳим ҳисса қўшган.

Севара АЛИЖОНОВА тайёрлади.



●● Указ Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года несомненно послужит серьезным фактором в развитии узбекского языка и литературы. В рубрике «Язык. История. Общество» представлены рассуждения ученого-литературоведа Ибрахима Гафурова и языковеда Бахтиёра Исабека об этом историческом документе, и созданном на основе данного Указа Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

●● Очередной номер журнала посвящен Сербии. Хотя эта страна не столь велика территориально и по количеству народонаселения, данный край является колыбелью именитых писателей, поэтов, художников. Рубрика «Глобус» ознакомит вас с материалами, освещающими литературу, культуру и искусство Сербии.

●● В рубрике «Лауреаты Нобелевской премии» вниманию читателей предлагаются начальные главы романа известного сербского писателя Иво Андрича «Барышня». Автор прослеживает путь женщины, единственная цель и страсть которой – копить деньги. Объявив войну любым тратам, главная героиня губит в себе все человеческое. «Чинить! Это наслаждение. Но в то же время вечная борьба и ожесточенный поединок с сильным, невидимым противником» ...

●● Поклонники литературы во многих странах мира отмечают 155-годовщину со дня рождения почтенного сына индийского народа Рабиндраната Тагора. Человеколюбие, гуманизм проходят красной нитью через всю жизнь и творчество «великого индуса», как нарек его писатель Чулпан. Об этом читайте в эссе Сурьата Миркасымова «Пламенно воспевая Родину».

●● 15 мая исполняется 125 лет со дня рождения известного русского писателя Михаила Булгакова. История создания комедии «Иван Васильевич», представленной в рубрике «Драма», заслуживает особого внимания. Первый вариант пьесы попал под цензурный запрет. Внешне острое сатиристическое произведение Михаила Булгакова не имеет никакого отношения к действительности того времени, на самом же деле мастер жестко обличает отрицательные явления, социальные проблемы общества. Позже на основе данной пьесы, состоящей из 3 актов, режиссёр Леонид Гайдай снял популярнейшую картину «Иван Васильевич меняет профессию».

●● Эссе Икбол Кушшаевой «И треплет буря душу» посвящено жизни и творчеству именитого азербайджанского певца, композитора и музыканта Муслима Магомаева.



●●● The decree of the President of Uzbekistan on May 13, 2016 will become a serious factor for development of Uzbek language and literature. The literary critic Ibrohim Gofurov and linguist Bahtiyor Isabekov discuss about this historical document and about Tashkent governmental university of Uzbek language and literature under the name of Alisher Navoi.

●●● This issue of the magazine is devoted to Serbia. Though this country is not so large and populated, Serbia is a cradle of famous writers, poets and painters. Articles about literature, culture and art of Serbia are presented in “Globe” rubric.

●●● A well-known Serbian writer Ivo Andric’s novel “The Lady” (the first chapters) is published in “Nobel Prize Winners” rubric. An author describes a life of the woman who has only one desire – to gain money. She fights with all expenses and even loses her human shape in this way. “Repairing! It is a joy and an everlasting, cut-throat battle with a strong, hidden enemy”...

●●● The 155th anniversary of venerable son of India Rabindranat Tagor is celebrated all over the world. Love of mankind and humanism are the main dignities of life and creative work of “great Indian” as Chulpan called him. An essay by Surat Mirkasimov “Praising In Song Motherland” is about Rabindranat Tagor.

●●● The 125th anniversary of well-known Russian writer Mikhail Bulgakov is celebrated on May 15. The history of writing the comedy “Ivan Vasilevich” presented in “Dramatic Art” rubric is very interesting. The first variant of this work was under censorial inhibit. Though outwardly this sharp satirical work by M. Bulgakov has no attitude to those days, the master hardly denounces negative events and social problems. Later the supervisor Leonid Gayday made a popular movie “Ivan Vasilevich Changes His Profession” using motives of this work.

●●● An essay by Iqbol Qushshaeva “And the Storm Breaks the Soul” is about well-known Azerbaijani singer, composer and musician Muslim Magomaev.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2016 йил май сони

Навбатчи муҳаррир: А.ТОЖИЕВ
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Тахририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 15.06.2016 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 2950 нусха. 4296 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© **Жаҳон адабиёти, 2016 й.**